# Эркин Малик

# Шайтонваччанинг найранглари (Маърифий қисса)

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

### «ОСМОНИ ҲАФТУМ»ГА ЙЎЛ

*(ёки Шайтонваччанинг шундай деб ўйлаганлари)*

Тўпга қўйиб отилган Шайтонвачча тун қўйнида учиб борарди. Тақдир уни яна қайдан-қаёқларга элтяпти, ўзи ҳам билмас эди. Инон-ихтиёри ўзида эмас ҳозир. Инон-ихтиёри замбаракнинг оғзида қолиб кетди. Олдинига «Думи тугуклар» мадрасасининг катталарига ер бўлиб, тупроқ бўлиб, хўп ялиниб-ёлворди. Ёшлик қилиб қўйдим деб, росмана кўз ёшларини тўкди. Мадрасада овоза бўлган ишларию, мақтов ёрлиқларини писанда қилди. Бўлмади. Шунақа бўлганмиди, дейдиган инсофли шайтон топилмади. Икки қўлию, икки оёҚини жуфтлаб, замбаракка тўғри қилишди. Шунда ҳам у бўш келмади. Катталарнинг башарасига яхшилаб тупурди. «Сенларга тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган яхши» деб охирги сўзларни ирода қилди. Унинг бошига тўқмоқ билан туширишди. Исқоти замбаракнинг қувуридан шувиллаб қайгадир тушиб кетди. Шу пайт оёҚининг тагида шундай бир ўт чақнадики, қувур ичидан отилиб чиқиб, ўзини осмону фалакда кўрди. Қулоқлари тагида шамол Қувиллайди. Вужуди ўт бўлиб ёниб боряпти. Чор атрофда юлдузлар. Тепада тўлин ой. Шайтонвачча бу осмон ёритқичларини бунчалар яқиндан кўрмаган. Уларга бунчалар мафтункор қарамаган. Қараганда нима? Жони ором олиб, қорни тўйиб қолармиди? ШундоҚам қайга кетаётганини билмайди.

Онаси уни ўзидан нари қилиш учун у деб, бу деб «Думи тугуклар» мадрасасига жўнатиб юборди. Мадрасадагилар шунчаки кетга тепишни ҳам унга раво кўришмади, замбаракка қўйиб отишди. Модомики, одамларнинг айғоқчиси деб унга айб қўйишган экан, қайси тарафга қандай отишлари мумкин? Одамларнинг жони ўлгандан кейин қаёққа қараб учади? «Осмону ҳафтум»га, яъни Еттинчи осмонга!

Товонидан зарба еб осмону фалакда учиб бораётган Шайтонваччанинг рўпарасида қорайиб бир нарсалар кўринди. Еттинчи осмон деганлари шу бўлса керак деб ўйлади. Олдинига ўтдек қизиб бораётган аъзою баданига муздек ҳаво урилди. Бирам ёқиб кетди, бирам ёқиб кетди.

— Вой-ей, — деди яйраб-яшнаб, — Еттинчи осмон деганлари ажойиб жойга ўхшайди-ку, онам бўлса  бу осмондан мени қўрқитгани-қўрқитган эди. Ўаволарининг ютими бирам ёқимли...

Сал ўтмай муздек ҳаво, ёмҚир томчилари билан алмашди. Уни учириб бораётган ўт-учқунлар ўчди. Шайтонвачча сувга тушган мушукдек бўлди-қолди.

— Э... Еттинчи осмонга киришдан олдин чўмилтириб олишяпти шекилли. Ўа у томонларга нопоклар қўйилмайди. Ана тартибу ана интизом. «Думи тугуклар» мадрасасида ҳамма нарса палапартиш. Ўаммаёқ ҳаром-хариш... Шунга сираям ишлари юришмади. Кунлар ҳам бир кун ундоқ, бир кун бундоқ. Бир қарасанг тараллабедод, бир қарасанг қува-қув... Оҳ, аҳ... Бу ернинг фариштaлари момиққина, юмшоққина эканми?

Бу дунёдаги жамики қурт-қумурсқа, инсу жинларни ризқ-насибаси билан яратган қодир Аллоҳ Шайтонваччани ҳам бенасиб қилмаган эди. У бор-йўғи ёмғирли булутларга рўбарў келиб қолган эди, холос. Аллоҳ шунчалар ҳакимки тақдирдаги ишларнинг бирини иккинчисига сабабчи қилиб қўяди. Шайтонвачча булутларга тасодифан тўғри келиб қолмаган эди, албатта. Бу ёруғ дунёда умуман тасодифлар бўлмайди. Ўамиша Худойи

таолонинг айтгани бўлади. Нодонларгина тасодиф деган гапларни ўйлаб топадилар. Ўар нималарни бичиб, тўқийдилар. Шайтонвачча ўзича Еттинчи осмонни хаёл қилган эди. Нотавон кўнгилга қўтир жомашов...

Шайтонваччанинг осмону фалакда учиш йўли поёнига етган, ёмҚирли булутлар уни ўзига келтириб, муздеккина қилиб, пастга томон йўллаган эдилар. У ерга бамисоли отилган тошдек шитоб билан тушиб борарди. У ўзини ҳарчанд ўнглаб олишга уринмасин, ихтиёри ўзида эмас эди. Бу тушишда ҳали замон ерга урилиб, парча-парча бўлиб кетишини ўйлар, туққан онасининг гўрига ғишт қалар эди:

— Ўа, мени туғмай тўлғоқда кетсанг бўлмасмиди, она... Думимни тугиб, шайтон бўл деб жўнатган мадрасанг билан қўшмозор бўл. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобларга туққан экансан мени...

Шайтонвачча шайтонлигига бориб, Аллоҳга таваккал қилишни билмас, баъзи одам болаларига ўхшаб ношукр эди. Шайтонлигига бориб эрта кунда ўзини-ўзи ўлимга бичиб қўйган эди. Нажот келиб қолишини билмас эди.

Шу пайт қизиқ бўлди. Ерга калла қўйиб бораётган Шайтонвачча бирдан ўнгланди. Бир жойда чирпирак бўлиб айлана бошлади. Гўё беланчакка тушиб қолган-у, шу чирпирак бўлиб айланиши чатоқ. Шу пайт бурнига таниш бир ҳид урилди. Онасими? Ўозиргина гўрига ғишт қалаб турган эди-я. Бўрини гапирсанг қулоғи кўринади деб... Онаси Шайтонваччани мадрасанинг олди талабаси бўлади, сени туғиб, тарбия қилган онангга балли, деган мақтовлар олиб келади деб умид қилган эди. Боласининг думи билан қулоғи кесилиб, шармандаю шармисор бўлганини эшитиб қолдимикан?.. Мана энди бу ёҚига онасидан кўрадиганини-кўради. Шуларни ўйлаб Шайтонвачча тусмол билан тилёғламаликка ўтди.

— Вой онажон, исларинг бирам ёқимли, ҳозиргина сени соғиниб, йўқлаб турган эдим. Зийраксан-да ўзинг... Ер тагида илон қимирласа биласан.

Шу пайт тепадан момақалдироқдек бир овоз гумбурлаб қолди:

— Мен онанг эмасман...

— Э-э-э... унда кимсан, қариндош?

— Ажинашамолман, Ажинашамол...

— Э, Ажинашамол бўлсанг мен сени сал-пал биламан. «Думи тугуклар» мадрасасида устаи калондан пешонасига чертки еб Ажинашамол бўп қолганлардансан шундайми?

— Бўлса, бордир...

— Билмасанг билиб қўй қариндош, камина «Думи тугуклар» мадрасасининг машҳур миллион биринчи талабаси бўламан. ¤ҳ-ҳў... мени шаънимга ҳар куни зиёфатлар бериларди. Карнай-сурнайлар чалинарди. «Яшасин миллион биринчи, яшасин миллион биринчи!» — деб мақтовлар айтиларди.

— Унда бу ёқларда ипидан узилган варракдек нима қилиб учиб юрибсан?

— Шу десанг, тилим бошимга етди, қариндош. Ўа, каллам зўрлик қилиб кетди. Мадрасадаги ҳамма илмларни ўрганиб бўлдим, каттаю кичик мансабларни ҳам. Шундан кейин мадрасадагилар қолган илмни Еттинчи осмонда оласан деб шу ёққа учириб юборишди. Ўозиргина малоикалар мени чўмилтириб, поклаб туришган эди...

— Қулоққа лаҚмон осма, — деди Ажинашамол гулдураб, — шайтонларга у ерга йўл бўлсин, у ёққа фақат Аллоҳнинг суйган бандалари кўтарилади. Биз шайтонлар у ернинг яқинигаям бора олмаймиз, ҳидиниям ҳидлай олмаймиз...

Шайтонвачча кўп гапириб, қовун тушириб қўйганини сезиб қолди. Ўа, кўп гапирсанг кўп янглишасан деб танбеҳ беришарди мадрасадагилар. Иш билмаганни

билаги тинч, гап билмаганни қулоҚи тинч. Дарров Шайтонвачча аҳволини ўнглашга ўтди:

— Ўа, энди сен минг қилса ҳам дунё кезиб, дунё кўрган Ажинашамолсан. Сир бўлмаса айт-чи, мен унда қаёққа кетаётган эдим, қариндош?

— Қаёққа бўларди, қора ерга-да!

— Ажалинг етди, дегин?

— Шундай, ҳозир ташлаб юборсам, ё сувга чўкиб ўласан, ё бирон-бир дарахтнинг шоху бутоҚларига санчилиб, қузҚунларга ем бўласан.

— Қўй-е, сен мени шу кўйга солиб қўймассан, қариндош. Азозил бобомиз ҳаққи бир иложини қил. Менда ҳам қолиб кетмас...

— Ихтиёрим ўзимда бўлганда нима қилишни ўзим билардим-а, минг афсуски сен бош оҚриқни ерга эсон-омон обтушишим керак. Ана шунақа...

— Э, буюрилганман дегин, — бирдан Шайтонваччага жон битди, — бўл, буйруқни бажар, бўлмаса, сен билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ, ерда мени муҳим ишлар кутяпти, ҳа!

Ажинашамол жаҳл билан Шайтонваччани чирпирак қилиб айлантирдию, кўм-кўк майсалар устига чўзилтириб кетди. Шайтонвачча анча вақт ўзига кела олмай ётди. Боши айланиб, кўнгли айниб, бир аҳволда кўзини очди. Чор-атрофга аланглаб, ҳов нарида хас-хашакларни тўзҚитиб, кетиб бораётган Ажинашамолни кўрди. Жон-жаҳди билан унга муштини дўлайди:

— Нокас ўлгур, бундоқ зиёфат қилишни ҳам билмадинг, яна буюрилганмиш. Садқайи шайтон кет-е...

— ¤зингни бос, — деди Ажинашамол, тепадан гулдураб, — мен сенга ҳали кўп керак бўламан.

Шайтонвачча бундай пайтларда қошиғини нари-бери суриб, думини силаб, қулоҚини қашлаб, ўй суриб қоладиган одати бор эди. Шундай қилса калласи ишлаб, хаёлига дурустроқ ўйу бир нималар келиб қоларди. Во дариҚ, қўлига на думи, на шалпанг қулоғи ва на шайтон қошиғи илинди?! Қайларда қолдийкин унинг чиройли думчаси? Шалпанг қулоқлари-чи? Шалпанг бўлсаям бутун дунёнинг хабарини эшитарди! ЁҚ ичида яйраб, нафсини жавлон урдирадиган шайтон қошиҚи-чи?

## ФОЖИА

*(ёки Шайтонвачча учун янгича ҳаётнинг бошланиши)*

Шайтонвачча шайтон уйқусига кетса ҳам ошқозони уйҚоқ, оҚзи тимсоҳнинг оҚзига ўхшаб очиқ ётарди. Юраги «бер ейман, бер ейман» деб урарди. Оёқлари нафси йўлида тўрт томонга тинмай танда қўярди. Кўзлари таомга тушиб, қўллари таомга етганда туққан онасини ҳам танимай қоларди. Шиори: «Сен демагин, мен дей, сен емагин, мен ей» эди! Шу тобда Шайтонваччанинг на думи, на қулоҚи ва на шайтон қошиҚи кўзига кўринди. Ачинмади ҳам. Унинг фикр-ўйи балойи нафсда эди. Ахир у оч-наҳор осмону фалакда учиб юрди. Очдан-оч қора ерга тушди. Ажинашамол ҳам бундоқ шайтонгарчилик қилишни билмади. Балки унинг аҳволи ҳам Шайтонваччаникидан баттардир. Нафси йўлида хас-хашакларни титиб юргандир?

Шайтонвачча қаерларга келиб қолдим экан, деб тўрт томонга синчков кўз ташлади. Чор-атроф дала, уфқ қизариб, офтоб кўтарилиб келарди. Қушлар сайрар, беданалар бири олиб, бири қўйиб «битбилдиқ» айтар... яқин ўртада сувнинг ёқимли шилдираши

эшитиларди. «Оч қоринга қўшиқ на ҳожат» деганларидек бу куй ва наҚмаларнинг бирортаси Шайтонваччага татимади. Кун ботишда бир қишлоқ кўзга ташланди. Шамол ҳам шу тарафдан эсар, хўрозларнинг қичқириҚини, эшакларнинг ҳанграшини, итларнинг акиллашини олиб келар эди. Шайтонвачча ўйлади: «Модомики бу қишлоқнинг хўрозлари, товуқлари, эшаклари, қўриқчи итлари бор эканми, демак бу қишлоқ тўқ қишлоқ. Онаси айтар эди: — «Одамлар қайда бўлса — шайтоннинг ошқозони ҳам шайда!»— деб. Унинг димоҚи қозонда пишган сут, тандирдан узилаётган нон, паловхон тўра ҳидларини туйиб, кўзлари юмилиб кетди. Гарчанд бу шунчаки сароб бўлса ҳам. Демак, тўкин ҳаёт, Шайтонвачча учун нажот шу ёқда.

Дарҳақиқат, шу томонда бир ажойиб ва Қаройиб қишлоқ бор эди. Бу қишлоқнинг кўчаларида шайтон болалаб, жинлар изҚимас эди. Одамлари инсофли, диёнатли, бир-бирларига меҳр ва оқибатли, сабрли, шукрли, қаноатли, меҳнаткаш... Уйдаги моллари нуқул эгизак туҚар. Албатта, биттасини Аллоҳ йўлида ҳадя қилар эдилар. Ердан оладиган ҳосилнинг ҳар ўн килосидан бир кило, юз килосидан ўн кило, минг килосидан юз кило ушр улашишар, кафсан беришарди. Шунгами далалар ҳар йили мўл-кўл ҳосилини аямас эди. Қурбон ҳайити кунлари ҳар бир хонадонда қурбонлик сўйилар (чунки улар шунга қодир), гўшти қўшни қишлоқлар, ҳатто, етимхоналар, ногиронлар, қариялар уйларигача бориб етар эди. Бу қўли очиқлик, меҳр ва оқибат, одатлар бошқа қишлоқларга ҳам аста-секин ёйилиб борарди. Бу қишлоқдагилар Аллоҳнинг айтганларини қилиб, Аллоҳга етишган эдилар. ТўҚри, шоли курмаксиз бўлмаганидек, бу қишлоқда ҳам шайтони зўр амакилар, ичмаса тура олмайдиган алкашлар, миш-мишчи Қийбатчилар, нафси ўпқонлар бор эди.

Шайтонвачча ўрта қўлдек, жаннати шу қишлоққа жўнатилган куфр оламининг айҚоқчиси эди. У бу жаннати қишлоқни ўзагидан кемириши, одамлар ўртасидан меҳр ва оқибатни кўтариб, ўз салтанатини ўрнатиши керак эди. У «Думи тугуклар» мадрасасидан ана шу ишлар учун бадарҚа қилинган. Аммо Шайтонвачча зиммасидаги бу ишлардан бехабар, олдинда уни нималар кутаётганини билмасди. Кўзи очиқ кўрга ўхшарди.

У суви шилдираётган ариқнинг нариги тарафида кўча борлигини пайқади. Кўчага тушиб олсаёқ, у ёҚи қишлоққа бир қадам...

Шайтонвачча думи, қулоҚи ва шайтон қошиҚидан бўлак яна қанчадан-қанча имкониятлардан маҳрум бўлиб қолганини ҳали билмасди. У ариқдан ҳатлаб ўтаётганида сувда бир нима «лип» этиб кетганини кўрди. ¤гирилиб, қарайман деган эди, чалғиди. Хаёлини бошқа нарса ром қилиб қолди. Кўчанинг кунчиқиш тарафидан тўрт-беш чоғлик хотин бошларида тоҚора, соллана-соллана келар эди. Кийимлари башанг. Шайтонвачча сездики, хотинлар тўйга кетишяпти. Тоғора тўла пишириқлар. Ўидлари шундоқ гупиллаб турибди. Демак қишлоқда базми жамшид бор экан-да. Хотинлар ижикишлашиб, кимнинг тоғорасида нима борлигини билгилари келар, бир-бирини саволга тутишарди.

— Қўшнижон, бошим қоронҚи-я, тоҚорангиздаги нима! Ўидларидан ичим тушай деяпти.

— Шакарсепти қатлама.

— Оҳ, оҳ, ўзимам шунақа бўлса керак деб ўйловдим...

— Мен сарёҚли патир қилволдим.

— Меники қўшоқ сомса, қора қўчқорнинг чарвисидан...

Хотинлар нимагадир кўчани бошларига кўтариб кулишди. Шовқиндан эндигина ранг берган тутларни чўқилаётган чумчуқлар дувва осмонга кўтарилди. Бу тарифу тавсифлардан Шайтонваччанинг нафси бамисоли аждаҳога айланди. «Оҳ, оҳ, нонушта

ҳам ўз оёҚи билан келиб қолди-ку, ҳозир бу тоҚораларнинг рангини ўчирамиз-да, биз турганда одам болалари заҳарни есин». Шайтонвачча тупроқ кўчага тушиб, хотинларнинг истиқболига қараб юрди. Шу пайт хотинларнинг кўзи Шайтонваччага тушиб, кутилмаганда қий-чув бошланиб қолди:

— Вой хотинлар, анови шармандани қаранглар...

— Вой-й-й...

— Овратингни ёп-а, ҳа осилтирмай ўл!..

— Секинроқ хотинлар, кўзимизга кўринаётган шайтон бўлмасин таҚин! Бунақа пайтда такбир айтиб, уни пақат тошбўрон қилиш керак. Ўожи ота шунақа деганлар.

Хотинлар тоҚораларини ерга қўйиб, Шайтонваччани кесакбўрон қилиб қолишди.

Кесаклардан бири Шайтонваччанинг нақ икки сони ўртасига келиб тегса бўладими. Ўай... ҳай... Бечора оҚриқнинг зўридан, қандай қилиб ариқдан сакраб ўтиб кетганини ҳам билмай қолди. Шу аҳволда ҳам сув ичида яна бир нима «йилт» этиб кўзига кўриниб кетди. ОҚриқ шу қадар забтига олдики, Шайтонвачча бир жойда туролмай қолди. Бутун вужудига ўт кетгандек аъзои бадани жазиллади. Устига-устак қулоҚи шанҚиллаб, боши лўқиллай бошлади. Кўзларидан ёш қуйилиб, бўҚзидан аллақандай нотаниш овозлар чиқди. Гўё жони ҳозир чиқиб кетадигандек. Илгари у ҳеч қачон бунақа аҳволга тушмаган эди. ОҚриқ нималигини билмас эди. Ўатто онаси тош билан уриб, бошини пўла қилганда ҳам, думи билан қулоҚи кесилиб, замбаракка қўйиб отишганда ҳам, не-не барзанги шайтонлар ўласи қилиб тепкилаганда ҳам чидаган эди...

ОҚриқ... у одам болаларига Аллоҳ томонидан берилган бир неъмат эканини Шайтонвачча қайдан билсин. ОҚриқ борки одам болалари ўзларини иссиқдан, совуқдан, турли-туман балою офатлардан ҳимоялашади. Кундузлари юрганда оёҚининг тагига қараб, кечалари чироқ ёқиб юради. Сафарга чиқса эҳтиётдан малҳамлар, ҳабдорилар олволади. ОҚриқни ҳис қиладики, дўзах азобларидан қўрқади. Гуноҳ ишлардан тийилади. Бировнинг ҳақини емайди, дилини оҚритмайди, бекордан-бекор қон тўкмайди. ОҚриқ жасадга ҳам, иймонга ҳам бир қалқон. Муҳофаза қўрҚони. Аммо оҚриқ деганлари кишини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган пасткашликларга ҳам йўллаши мумкин. Кутилмаганда, кўкракка пичоқ тиралганда, бўйинга сиртмоқ тушганда жон ширин кўриниб, одам боласи Ватанини ҳам, дўстларини ҳам, ҳатто, бола-чақасини ҳам сотиб юбориши мумкин. Аслида оҚриқ жасадни ҳам, иймонни ҳам синайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ бандасига дард юборади. Бандаси гоҳо иситмада куйиб-ёнади. Ўаво етмай бўҚилади. Гоҳи аъзои бадани пичоқсиз ҳам тилка-пора бўлади. Иймонли одамгина синовларга бардош беради. Дардни бердинг, давосини ҳам бер деб, ¤зига ёлворади. Гуноҳларига тавбалар қилади. Нажотни ¤зидан кутади. Бундай ҳолларда кофир ҳам Худони эслайди, аммо, «мен сенга нима ёмонлик қилувдимки, мени қийнайсан, қайси гуноҳларим учун» деб Яратганга исён қилади. ОҚриқ шундай бир мўъжизаки, одам руҳи то Аллоҳга қайтгунча жасадни имтиҳонда ушлаб туради. Шундай бир улуҚ мўъжиза Шайтонваччанинг жисми жонига кириб келди. Энди у бундан бу ёҚига ота-боболарига тортиб, исёнчилардан бўлиб қоладими, ё?.. Бу ёҚини ҳаёт кўрсатади...

Шайтонваччани тинмай нари олиб бориб, бери олиб келаётган оҚриқ чекингандек бўлди. Чор-атрофдаги нарсалар кўзига бир чиройли кўрина бошлади. Аммо нималар бўлаётганига ҳамон тушуна олмай гаранг. Боши ари уясидек Қувиллайди. Тўрт томонга аланглаб, ўзича атрофдан нажот излайди. У илгари ҳам одам болаларини кўрарди, аммо, одам болалари уни кўрмас эди. Хаёлига нима келса ўшани қиларди. Хоҳласа одам болаларининг олдидаги овқатини тортиб ерди, хоҳласа уларни бир-бирига қайраб, жиққамушт қиларди. Ўеч ким унга ҳай нима қиляпсан, демасди. Бояги хотинлар бўлса

Шайтонваччанинг кўзига бақрайиб туриб, кесакбўрон қилди. Нимага бундай бўлди? Илгари ҳеч бунақа бўлмас эди-ку? Шайтонваччанинг боши Қовлаб, хаёлига нималар келмади, дейсиз. Бир нималарни ўзича тусмоллай бошлади. Ўа, ҳа, бундан чиқди... Шайтонвачча кўзга кўринадиган бўлиб қолибди-да. Бу кўргиликлар, азобларнинг бари боя сувда кўринган «шарпа»нинг иши бўлмасин таҚин?! Балки у бирон-бир барзанги шайтондир. Уни боплаб лақиллатаётгандир... Чучварани хом санабди. Тузоққа илинадиган аҳмоқ шайтон йўқ!

Бояги оҚриқ Шайтонваччанинг юрагига қўрқув ҳиссини ҳам солиб қўйган эди. Аслида қўрқув ҳам Аллоҳнинг бир неъмати! Қўрқув оҚриқнинг боласи. Йўлга кира бошлаган гўдак йиқилиб, жони оҚрийди. Кейинига ҳушёр бўлиб қолади. Қўрқув кутилмаганда фалокатларнинг хабарчисига айланади. Ер бетида бирон-бир тирик жон йўққи қўрқувни билмасин. Қўрқувнинг «ҳадик», «гумон» деган ошналари ҳам бор. Лекин одам болалари фақат битта зотдан қўрқиши керак. У ҳам бўлса Аллоҳ! Аллоҳдан қўрққан одам Роббисининг айтганини қилади. Унинг йўлидан юради. Шайтон кўчаларига қарамайди. Бундайларнинг жони ҳам, моли ҳам омонда бўлади. Доимо Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимоясида умргузаронлик қилади. Бу дунёда Аллоҳдан ўзга яхши паноҳ йўқ! Ўа, қўрқув одам болаларига қайсидир маънода Аллоҳни танитади. Аммо «қўрқув», «ҳадик» ва «гумонлар»нинг иккинчи бир хизмати ҳам бор. У шайтон учун ўқланган бир тўппонча. Шайтон одам болаларини йўлдан уришда пичоқнинг сопини ўзидан чиқаради. «Худо олдида гуноҳкор бўламан деб ҳадеб қўрқаверма, тавба қилсанг кечиради, карами кенг» дейди. Шайтон гумон билан тўҚрини ўҚрига, ўҚрини тўҚрига чиқаради. Қўй оҚзидан чўп олмаган одамни ҳадик билан қўлига пичоқ тутқазади. Қон тўкдиради.

Бундан бу ёҚига Шайтонваччамиз нима қилади энди?

Шайтонвачча минг бир ҳадик ва гумонлар билан ариқ бўйига қараб юрди. ¤зидаги қўрқувни енгди ҳам, енгмади ҳам. Лекин қандай бўлмасин барибир «душмани»дан ўч олишга ўзида куч топди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Аслида бор ҳақиқат уни шу ариқ ичида кутар эди. Сув тутлар соясида бахмалдек ялтираб, эшилиб-эшилиб оқар, аммо яқин атрофда бирон-бир тирик жон кўринмасди. Шайтонвачча тепадан туриб, сувга бўйнини қўрқа-писа чўздию азойи баданига яна титроқ кириб кетди. Биров уни қаттиқ силкитгандек бўлди. Ажабо, сув ичидан кўзлари катта-катта, икки юзи шишиб чиққан, пешанаси дўнг бир бола қараб турарди. Шайтонвачча шошиб, ўзини четга олди-да, ура қочди. ¤зича ҳалиги бола орқасидан қувиб келади деб ўйлади. Юраги дук-дук уриб, анча нарига бориб қолди. Лекин бола қувламади. Ўатто ариқнинг ичидан чиқмади ҳам. «Мендан қўрқяпти» деб ўйлади Шайтонвачча. Анча ўзини босиб олиб, битта кесакни олиб шу ёққа қараб отди. Кесакдан қурбақалар чўчиб, сувга сакради. Бу ҳолдан Шайтонвачча баттар ҳайратга тушди. Ахир у умрида кесак отиб кўрмаган эди-да! Бу ишни у бояги хотинлардан ўрганиб қилди. Бундан чиқди Шайтонвачча ҳам кесак отиб бировларнинг жонини оҚрита олар экан-да. У сал дадиллашган эди, қўрқув чекинди. Иккиланмай ариқ томон дадил юрди. У ариқ ичидаги ўша бола билан орани очиқ қилиб олмоқчи бўлди! У кела солиб ариқ ичига жаҳд билан тикилдию, бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Сув ичидан шунчаки битта қишлоқ боласи унга қараб турарди. Шайтонвачча ота-онасига эргашиб бозорга келиб-кетиб юрган бунақа болаларнинг кўпини кўрган. Фақат, сувдаги бола Қалатироқ... шир яланҚоч. Шайтонвачча уни уятсизга чиқариб, бошини ликиллатди. Қўлини бошига шох қилиб, «ҳув-ҳув»лаб сакради. Охири ҳалиги боланинг афтига тупуриб юборди. Ана энди унинг жаҳли чиқади деб ўйлади. Аммо Шайтонвачча қандай жиннилик қилган бўлса, у ҳам худди шундай жиннилик қилди. Шайтонвачча

турган жойида ҳайрон бўлиб туриб қолди... Шу пайт шамол қўзҚалиб, сув чайқалди. Бола кўринмай кетди. Тут шохлари, нари бориб бери келди. Кимдир Шайтонваччанинг қулоҚининг тагида шанҚиллади:

— Жинниликни бас қил, Шайтонвачча. Сувдаги сенинг аксинг бўлади. Ўа, ўзингни ўзинг масхаралаяпсан. Яхшилаб билиб ол. Сен энди Шайтонваччамас, одамшайтонсан... одамшайтон... одамшайтон... Одам болаларига ўхшаб авратингни ёпиб юрмасанг, ановундак кесакбўронга учрайверасан. Бу аҳволда одам болалари сени тутиб олиб, жиннихонага тиқишади. Эсингни борида авратингни ёп... Одамшайтонлик ўзларига муборак бўлсин! У ёқда одамларга қайиша-қайиша, ниятингга етдинг.

— Э, Ажинашамол, ўзингмисан, қариндош?

— ¤зимман...

— Айтган гапларинг ростми?

— Рост...

— Унда тупурдим ҳаммангга. Мадрасага миллионта шайтон сиққан, битта мен сиҚмадимми? Шу ҳам шайтончилик бўлдими? У қулоқ, бу қулоҚинг билан эшитиб ол. Мен ҳали раисларингга кимлигимни кўрсатиб қўяман, ҳа...

— Энди одам болаларига ўхшаб ҳар қанча нолисанг ярашади, қариндош.

— Бўпти, бор тошингни тер, қулоҚимнинг тагида кўпам пашшахўрда бўлма...

— Кошкийди мен ҳам сени овозингни эшитмасам, турқингни кўрмасам...

Шайтонвачча бу гапдан ҳушёр тортди. Мадрасадагилар Ажинашамолни унга ёрдамчи қилиб юборганига яна бир марта ишонди. Шайтонвачча дарров устомонликка ўтди:

— Э, сен мени кўряпсанми, Ажинашамол, мен бўлсам сени кўрмаяпман?

— Одамлар қачон шайтонларни кўрган? Сен жа нари борса малайларимиз — жинларнигина кўришинг мумкин.

Шайтонвачча Ажинашамолнинг гапларига бир ишониб, бир ишонмай, қайта-қайта сувга тикилди. Ажинашамол алдамаётган эди. Э, воҳ... шалпанг қулоқлари ўрнидан аллақачон чучвара қулоқлар ўсиб чиқибди? Кўзининг ичи илгари кўм-кўк бўларди, энди одамларникига ўхшаб қоп-қора бўп қопти? Шайтонвачча бирдан уят жойига кўзи тушиб қолди. Вой бў-ў-ў... бояги хотинлар бекорга уни кесакбўрон қилишмаган экан-да. У чор-атрофга аланглади. Биров кузатмаяптими, ишқилиб? Шайтонваччанинг вужудида «оҚриқ», «қўрқув» билан бирга «уят» ҳам пайдо бўлган эди. Уят дегани кўзга кўринмас ҳарир кўйлакка ўхшайди. Уни на кўриб бўлади, на ушлаб. Кимки уни ихлос билан кийса авратини беркитади. У иймонли одамлар учун тўзимайдиган либос. Иймонсизлар учун эса... Уят билан иймон эгизак. Ўасан-Ўусан, Фотима-Зуҳра. Шундай қилиб Шайтонваччада уят ҳам пайдо бўлди, иймон-чи? Ана шундан келинг!

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки Шайтонваччанинг тақдирига шайтонлар раисининг бефарқ эмаслиги ҳақида)*

«Думи тугуклар» мадрасасида ҳар куни касалхоналарнинг «пятиминутка»сига ўхшаган йиҚилиш бўларди. Унда кеча йўл қўйилган хатолар ва бугун қилинадиган ишлар белгилаб олинарди. Уни туёҚи катта, шохдор раис олиб борар, лекин ҳақиқатга қаттиқ амал қиларди. Ўайъат аъзоларига ўз ҳукмини мажбурлаб ўтказишга уринмасди.

Унинг хонасида шайтон ва жинлар қув- қувга олинаётган қишлоқ ва шаҳарларнинг харитаси турарди. Кейинги пайтда уни Хўжақишлоқ деган жой ташвишга солиб қўйган эди. У ерда қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун Шайтонвачча билан Ажинашамол сафарбар қилинган эди.

Бугунги ҳайъат йиҚилишида у шу масалада алоҳида маълумот беришларини сўради.

— Биринчи рақамли айҚоқчимизнинг маълумотига қараганда ҳозирча иш ёмон кетмаяпти, — деди ахборотчи. — Одамшайтонимиз Ажинашамол ёрдамида қишлоқ яқинидаги бир далага туширилди. Иккинчи рақамли айҚоқчимизнинг маълумотига қараганда вакилимиз қулоҚи билан думи кесилиб кетганига сираям чидай олмаяпти. Одам бўлишни хоҳламаяпти. Ажинашамол одамшайтонлигини қайта-қайта эслатса ҳам бўйнига олмаяпти. ¤лардек қайсар чиқди у.

— Бўйнига олмагани яхши, — деб шохдор раис кулиб қўйди, — шундай бўлишини билган эдим.

— Ўа-я, иймон келтириб мусурмон бўб кетса-чи, унда қўлимиздан нима келади, — деб ваҳима қилди хавфсизлик бўлимининг бошлиҚи.

— Ўеч қачон ундай бўлмайди, унинг томирида шайтон қони бор, — деди раис жаҳл билан.

— Айтганингиз келсин.

— Учинчи рақамли айҚоқчимизнинг айтишича, вакилимиз одамларга қўшила олмаяпти, шир яланҚочлиги халақит қиляпти, — деди ахборотчи.

— Айб менда, — деди таъминот бўлимининг бошлиҚи афсус ва надомат билан, — шу томонини ўйламапман. Рухсат беринг бу хатони тезда тузатай.

Шохдор раис «сиз нима дейсиз» дегандек таълим бўлимининг бошлиҚига қаради.

— Мен қаршиман, — деди у кескин, — вакилимиз учун тайёрга айёр замонлар ўтди, бундан бу ёҚига каллани ишлатсин, керак нарсасини ўзи топсин. Одамни йўқчилик одам қилади, борчилик эмас...

— Овозга қўяман, — деди раис.

¤зи топсин деганлар кўпчилик овоз олди.

## КЕЧУВДАГИ БОЛАЛАР

*(ёки Шайтонваччанинг ноилож қишлоқ томон юрганлари)*

Шайтонвачча ҳайъат мажлисидан бехабар (энди унинг ҳеч қачон хабари бўлмайди) анчагача «Думи тугуклар» мадрасасидаги устозларининг гўрига Қишт қалади. Ахир бир парча иштон кимни ўлдирибди. ҚўлтиҚига қистириб юборишса асакалари кетармиди? Вой нокаслар-ей. Вой қурумсоқлар-ей. Шир яланҚоч қаёққа боради деб ўйлашмадимикан? У атрофига аланглаб, Ажинашамолни чақирди:

— Ажинашамол, шеттамисан, қариндош? Овоз бер!

Тутлар барги чайқалиб кетди. Ариқдаги сув орқасига қараб оққандек бўлди.

— Нима дейсан?

— Модомики, шетта экансан, — дея чайналди Шайтонвачча.

— Чайналма, нима демоқчилигингни билиб турибман. Кўйлак-иштонни энди елканг яҚир бўлиб, ўзинг топасан. Тайёрга — айёр замонлар ўтди. Ўа, пойизинг кетди. Бундан буёҚига сенинг яшаш шиоринг: «Гапирсам — ёлҚон гапираман», «Ваъда берсам бажармайман», «Омонатга хиёнат қиламан»...

Ажинашамол шундай деб кўча чангитганича, қишлоқ томон пилдираб жўнаб қолди. Шайтонваччага орқамдан юргинам демади. Шуниси унга алам қилди. ¤рганмаган чучвара қулоҚини бир-икки ишқаб, йўқ думини силамоқчи бўлди. Бунча керилади бу узун сатанг, деб Ажинашамол кетган томонга қараб қўйди. Гапини қаранглар. «Гапирсам — ёлҚон гапирармишман». Худди илгари рост гапиргандек. Шайтонвачча ноилож Ажинашамолга эргашди. Ажинашамол аллақачон кўздан Қойиб бўлган эди. Шайтонвачча уни қувиб етаман деб, ҳаллослаб қолди. Илгарилари Ўалокунинг итидек эртадан-кечгача ҳакиллаб чопгани-чопган эди. Чарчаш нималигини билмасди... ¤ша куч ва Қайратлари қайга кетди экан?

Шайтонвачча одамга айланиб қолганини тан олгиси келмасди. Ахир Азозил бобоси Одамга бўй эгмай Аллоҳнинг ҳузуридан қувилди-ку. Одамга итоат қилгунча, асфаласофилинга тушишни маъқул кўрдику. Нимага энди у бирданига одам болаларига ўхшаб қолиши керак?

Шайтонвачча йўл юрди, йўл юрса ҳам анча юрди. Офтоб қиздиргандан қиздирар, кўча ҳамон ариқ ёқалаб, ариқ эса кўча ёқалаб борарди. Сув гоҳ шовуллар, гоҳ тинчиб қоларди... Сув қишлоқдаги боҚ-роҚларни суҚориб, экинзорларга кириб йўқолар эди. Шуниси ажабки, қўшни қишлоққа ўн тегирмон сув оққанда Хўжақишлоққа беш тегирмон сув оқар, қўшни қишлоқда сув талаш, Хўжақишлоқда эса... Обиҳаёт қишлоққа кириши билан кўпайиб ариқларга сиҚмай кетарди. Сабаби хўжақишлоқликлар сувни исроф қилишмас, экинларини навбат билан суҚоришар, ариққа супуринди ташламас эди. Сувни улуҚ неъмат, барака деб билишарди. Хўжақишлоқ Аллоҳнинг нури тўкилган гўзал пучмоқларидан бири эди. Шайтонвачча ана шу тенгсиз гўшага қадам-бақадам яқинлашиб келарди.

Шайтонвачча бирдан болаларнинг қий-чуви устидан чиқиб қолди. Улар ёйилмада маза қилиб чўмилишар, бари Шайтонваччага ўхшаб, шир яланҚоч эди.

## ЎАЙРАТ

*(ёки Шайтонваччани бошқа бир бола ўрнида қабул қилганлари)*

Шайтонвачча бундоқ қараса, ариқ бўйи иштон, кўйлак бозори бўб ётибди. «Вой, шайтончиликни билмаган, нокас-ей»,— деб у Ажинашамолни ёзҚирди. Шулардан бир жуфтини «туя кўрдингми — йўқ» қилиб бергандаю олам гулистон эди-я! Ўозир Шайтонвачча қишлоқнинг бирон-бир бурчагида тирикчилигини қилиб юрган бўларди. У таваккал қилиб, ўзини ариққа ташлаб, болаларга қўшилиб олди. Сув деганлари жон роҳати экан. Одам болалари ёзда нимага ўзини сувга отади деса, чўмилиб, маза қилишар экан-да. Шайтонвачча «Думи тугуклар» мадрасасида терга ботиб, бадбўй ҳидлардан нафаси қайтиб юрарди. Энди у сув ичида балиқдек ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа шох ташлаб сузар, болалар ундан ётсирашмас ҳам эди. Худди эски ошнасидек шўнҚиб у билан бекинмачоқ ўйнашарди. Шайтонвачча сув тагини яхши кўрар, ўйинда нуқул ютиб чиқар эди. ¤йин қизигандан қизир, болалар мен у ёқдаман, мен бу ёқдаман деб Шайтонваччани чалҚитмоқчи бўлишарди. Буни устига болалар уни нимагадир Овсар деб чақиришарди. Нимага энди Овсар? Овсар дегани жинни дегани-ку? Шайтонваччанинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Қишлоқ болаларининг чўмилишдан бошқа дардлари йўққа ўхшарди. Шайтонваччани-чи? Қанийди, бирортасининг иштон-кўйлагини кийиб олиб, бу ердан жўнаб қолса... Бироқ, қандоқ қилиб?

Шайтонваччанинг қорни очиб, ранги ўчиб, кўзлари тина бошлади. Муздек сув баттар силласини қуритди. Бадани учиб, совқота бошлади. Беихтиёр анови қоравойларга ўхшаб тупроққа баҚрини берди. Оҳ, қанчалар иссиқ, роҳатижон экан бу тупроқ. Шу билан бирга у илк бора тупроқ ҳидини ҳам туйди. Туйдию, ҳузур ва ҳаловатдан кўзлари юмилиб кетди. Дунёдаги жамики турли-туман таомлар, кўкатлар, мева-чеваларнинг хушбўй ҳидлари тупроқда гуркираб ётарди. Ер деганлари ўзи бир мўъжиза экан-да. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани унинг ичига жойлаб қўйибди экан-да! Одам болаларини ҳам шу тупроқдан яратган... Қимирлаган жон борки шу тупроқдан ризқини териб ейди. Кунлардан бир кун яна шу тупроққа кириб кетади. Унгача одам болалари ер бетида ҳамма эркаликни қилишади. Кимхоб ҳам шу ердан чиқади. Шойи деса шойи. Гўшт ҳам, ёҚ ҳам. Нимага энди бобокалони шундоқ бебаҳо тупроққа сиҚинмади экан?.. Шайтонвачча тупроққа аҚанаб шуларни ўйлар, томирида шайтон айтмоқчи шайтон қони қайнар эди.

## ГАРОВ

*(ёки Шайтонваччанинг найранги)*

Қоравойлар уни кўтариб, сувга отмоқчи бўлишди. ¤йинга қисташди. Шайтонваччанинг топқирлиги уларга ёқиб қолган эди. Аммо унинг хаёли ҳамон қуриб кетгур анови иштон-кўйлакларда эди. Қанийди мўъжиза юз берсаю бир жуфти уники бўлиб қолса. Ажинашамол қаерда юрибди экан. Ўойнаҳой анови тутнинг орқасида пойлаб турган бўлса-чи. Писмиқ ўлгур. Шайтонвачча ўҚирлик қилмайди. Буни у пасткашлик деб билади. ¤Қирласа одам болаларига ўхшаб қолади. Нима қилса экан? Бирдан унинг ёдига онасининг қўшни шайтон билан гаров ўйнаб, кўзи ва ўттиз иккита тишини қоқиб олганларини эслаб қолди.

— Мен текиндан-текин ўйнамайман, — деб юборди у болаларга қараб.

— Вой Овсар-ей, ўйинни ҳам пулга ўйнайдими,— ҳайрон бўлишди болалар,— бу гаппи қаттан олдинг?

— Мен Овсармасман, — жаҳли чиқиб, бирдан рост гапириб юборди Шайтонвачча.

— Бўлмаса кимсан? — ҳайрон бўлди болалар, унга бошдан-оёқ қараб.

Шайтонвачча иккиланиб қолди. Шайтонвачча десинми ё Шайтонбек десинми? Шайтонқул деса-чи? Йўқ, ҳеч қачон қул бўлмайди. Бек бўлгани яхши.

— Шайтонбек! — деб азбаройи ўзини танитган бўлди у.

— Ва-ҳа-ҳа-а-а-а... Яна битта қайтар?

— Шайтонбек... Шайтонбек... нима қипти? — деб у ёни-берига қаради.

— Ва-ҳа-ҳа-а-а-а... Шайтонбек... Шайтонбек, — деб болалар уни қўли билан кўрсатиб, калака қила бошлашди. Шу пайт оёҚининг тагида Ажинашамол пилдир этдию кутилмаганда қулоҚининг тагига тарсаки тушиб қолди. Шайтонваччанинг жон-пони чиқиб, муштини дўлайди. Болалар бизга дўлаяпти деб ура қочишди. Ажинашамол унинг қулоҚига жаҳл билан деди: «Нимага рост гапириб қўйдинг, эшакмия еган, шиор эсингдан чиқдими?» «Э, кўрмайсанми, қариндош, — деди Шайтонвачча тарсаки тушган юзини силаб, — мени қанақадир Овсарга ўхшатишяпти». «Қўявур, ўхшатишгани қайтага яхши-ку». «Уям чўмилгани келиб қолса, нечта Овсар бўламиз?» «У келмайди, энди сен бу ердагилар учун Овсар исмли боласан». «Овсар дегани ким ўзи?» «У ёҚи билан ишинг бўлмасин, тилингни тийиб юрсанг билиб оласан, ҳа, манови каллангни ишлат», — деб

Ажинашамол бошига тўқиллатиб уриб қўйди. «Барибир шайтонлигингга ишонишмади-ку, бекорга кулги бўлганинг қолди».

Болалар бу пайтда Шайтонбекни эсларидан чиқариб, бошқа бир ўйин билан машҚул бўлиб кетишган эди. Улар қум устида кураш тушишарди. Униси уни, буниси буни йиқитиб, охирида битта зўри қолди.

— Энди манови Овсарни ҳам йиқитсанг чемпион номингни оқлаган бўласан, — дейишди болалар уни Шайтонваччага тезлаб. Полвон кўз тагидан Шайтонваччага қараб қўйди.

— Билиб қўй, Овсарни деви бор-а, сени бир деганда чалпак қилиб ташлайди, — гижгижлай бошлашди болалар. Бир пайтлар Шайтонваччанинг ўзи ҳам одам болаларини худди шундай гижгижлаб, жиққамушт қилар эди. Энди бу кўргилик ўзининг бошига тушиб турибди. Шайтонвачча умрида на шайтонлар билан ва на одам болалари билан кураш тушган эди. Бир қараганда кураш дегани жудаям жўн нарсага ўхшарди. Шу, кўтар-е-е-б туриб ерга «жиққа» урса бўлди экан-да. Бу иш унинг қўлидан келадими? Келса керак. Нимага келмасин! Шайтонваччанинг бирдан шайтонлиги тутди. Ўа, Ажинашамол айтгандек калласини ишлатди. Мушук текинга офтобга чиқмайди, шайтонлар ҳам.

— Бекордан-бекорга кураш тушмайман, — деб оёқ тираб олди у.

Болалар ҳайрон. Ахир улар тамасиз кураш тушишди-ку. Ютқазган ютганга бирон нарса бермади. Ютган ҳам бирон нарса сўрамади. Қизиқ...

— Овсар рост айтяпти, — деди болалардан бири унинг тарафини олиб, — ахир чемпионликка пул тикилиши керак-да, пул!.. Билдинглар, шунда законний бўлади.

— Пул тикса қимор бўлади, Ўожи ота қиморни ҳаром деганлар, — деб унашмади баъзи болалар.

— Э, Овсарга бўловради.

— Бўмайди...

— Бўловради...

— Билиб қўй, ҳов Овсар, — деди болалардан бири, — ўйинга ҳаром аралашса ютқазасан-а! Бу гапни Ўожи отанг айтганлар.

Шайтонвачча бирдан ҳушёр тортди. Ўожи отанинг номини боя хотинлардан эшитган эди. Бисмилло холадан қутулиб, Ўожи отага тутилмаса эди. Ўожи ота шайтонларнинг хилват жойларда хотинларга яланҚоч кўринишини билар экан. Қиморнинг ҳаромлигини ҳам.

Болалар икки тоифага бўлиниб қолишди. Қимор ҳаром деганлар «нокас»га чиқди. Ўароммас деганлар ҳаромхўрга чиқди. Икки ўртада муштлашиш бошланиб кетди. Бундан Шайтонвачча кўп ҳузурланди. Дўсти киму, душмани ким билиб олди.

— Мен пулга кураш тушмайман, — деди Шайтонвачча кутилмаганда. Ростда пулни нима қилади?— Мен кўйлак-иштонга курашаман.

— Э, буни кўйлак-иштонини бошингга урасанми, сассиқ, — деди болалардан бири.

— Менга кўйлак, иштон керак, — деб битта гапда туриб олди Шайтонвачча.

— Мен кўйлак, иштондан ўйнамайман, — четга чиқди полвон бола.

¤ртада турган ҳакамларнинг ичи қизиди. Уларнинг хаёлида Овсар ютадиганга ўхшарди. Жинниларда куч кўп бўлади деб эшитишган эди. Лекин шу пайтгача ҳеч бири Овсар билан курашиб кўрмаган эди.

— Бўпти, — деди улардан бири, — ютсанг пул менгаю, менинг кўйлак-иштоним сенга бўлади, келишдикми?

— Келишдик.

Шундай қилиб кураш бошланди. Шайтонвачча чиранар, аммо худди ердан ўсиб чиққандек полвонни қимирлата олмас эди. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Полвон болани Худо лойдан яратган. Шунга полвон ердан куч оляпти. Полвон ҳар чиранганида Шайтонваччани ердан осонгина узиб олар, энди ерга жиққа ураман деганда, Шайтонвачча сирҚалиб, тескари томонга ўтиб олар, полвон гандираклаб кетиб, рақибини қўлидан чиқариб юборар эди. Полвон бола ўртага тикилган пулдан ҳам кўра, кўпроқ чемпионлигини ҳимоя қиларди. Шайтонвачча шу бир парча латта-путтага пачакишлашиб ўтирибди?

Қизиқ, одамларнинг либоссиз яшай олмаслигини Шайтонвачча илгари ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. «Одам болаларини учта нарса билан лақиллатасизлар», — деб таълим беришарди мадрасадагилар: «Нафсидан, либосидан, бошпанасидан. Худо уларни шу учта нарсага боҚлаб қўйган. Улар шу учта нарсасиз яшай олмайди. Қанча яхши еса, шунча яхши есам дейди, қанча яхши кийса, шунча яхши кийсам дейди, қанча уй қурса яна қурсам дейди. Одам болаларини ана шу «яна-яна»лар билан ҳовлиқтириб, йўлдан ураверинг, шу учта нарсани хўрак қилиб, қармоҚингизга илинтираверинг, ҳа!»

Ўозир Шайтонваччанинг ўзи шу аҳволга тушиб қолган эди. ¤зи пешонаси шўр экан-да. Шайтонлар орасида юриб, дурустроқ шайтон бўла олмади. Катталари қаҳрига учраб, шу аҳволга тушиб қолди. Манови барзангини даст кўтариб ерга жиққа ура олармикан. Ура олса, хўп, хўп-а, ура олмаса-чи... Болалар «ҳа лаллайма, кўтар, ерга ур, ур-е!» деб Шайтонваччага тарафкашлик қилишарди. Иккови ҳам олишиб, жиққа терга ботди. Айниқса полвон бола кўп куч йўқотди. Шайтонваччадан олдинги болаларни бир зум, бир зумда чалпак қилиб ташлаган эди.

Шайтонвачча курашнинг оёқдан чалишдек Қирром усуллари борлигини ҳали билмас эди. Полвон бола мусобақаларда бу усулни хамирдан қил суҚургандек қилиб бажарар, манаман деган ҳакамлар ҳам сезмай қоларди. У охири Қирромликка ўтди. Шайтонваччанинг оёҚига бир тепди-да, даст кўтариб, ерга урди! «Жиқ!»

— Ваҳ!..

— Айтмадимми, ҳаром юқмайди деб...

— Ажаб бўлди...

Полвон шоша-пиша ҳакам қўлидаги пулни юлқиб олди-да, кўйлак-иштонини кийиб, жўнаб қолди. Шайтонвачча ҳайрон. Ахир ҳаром нарсалар унга ёқар эди-ку? Ютқазиб қўйгани болаларга алам қилди. Унга бекорга пул тикканлари қолди. Аламдан дўппослаб кетишди.

— Мана сенга...

— Ўе, онайни...

## ШАРА-БАРАЧИ

*(ёки Шайтонваччанинг бир ўлимдан қолиши)*

Ўозиргина дўст бўлиб турган болалар тўрт томондан унга ташланиб қолишди. Бечора Шайтонвачча тепкилар остида қолиб кетди.

Шу пайт бир бақириқ бўлди, бир бақириқ бўлди... нақ осмон гумбурлаб кетди. Шайтонваччани дўпполаётган болалар тўрт томонга тумтарақай қочишди. Шайтонваччанинг туришга ҳам мадори қолмаган эди. Кимдир чангларини қоқиб-суқиб, ўрнидан турҚазди. Қўллари бирам ёқимли... Шайтонвачча, аввалига, Ажинашамол ёрдамга келдиёв деб ўйлади. Аммо тепасида турган таниш одамни кўриб ҳангу манг

бўлиб қолди. Кўзларига ишонгиси келмас эди. Тепасида шара-барачи турарди! Эшаги ҳам ўша-ўша. ¤шанда узунқулоқ Шайтонвачча билан кўз уриштириб роса ҳанграган эди. Энди бўлса лабининг четини буриб, тишларини кўрсатдию «ҳим-м-м, ҳим-м...» деб қўя қолди. ¤зича мен сени танидим деди шекилли. Аммо «Одамлар, ораларингда шайтон юрибди» деб атрофга айюҳаннос солмади.

Шара-барачи ҳам Шайтонваччани кўриб, унданда баттар аҳволга тушиб қолди. Ўа, эси оҚиб қолай деди... Қисиқ кўзлари каттариб, оҚзи очилиб, кемшик тишлари кўриниб кетди... Иккалови бир-бирига қанча тикилиб туришди, буни Худо билади. Аммо чол олдинроқ ўзига келди:

— Ё қудратингдан, Овсар болам, бу сенми? Вой айланайин сендан, бу ёқларга қачон кеп қолдинг?

Шайтонвачча ерга қаради. Тавба, бу одам ҳам гапни «Овсар» дейишдан бошлади-ку.

Шайтонвачча нима деб, нима жавоб қилишини билмай турган эди чол яна ўзидан-ўзи бидирлаб кетди:

— Тавба,— деди у ҳамон ҳайратини яшира олмай, — сени жиннихонадан олай деб борсам, ҳе йўқ, бе йўқ сени ўлдига чиқариб ўтиришибди? Бу шум хабарни эшитиб, жоним нақ ҳиқилдоҚимга келди. Нақ ўтакам ёрилай деди. Топиб беринглар, ахир у бировнинг омонати, йўқолган пичоқнинг сопи олтин дейдилар, деб Худони зорини қиламан, қани қулоқ солишса. Нуқул елка қисишади,— деб чол елкасини қисиб, кўзларини укки қилди. – Яна улар нуқул жинни бола кимга керак, қутулганингизга шукр қилинг, дейди. Устига-устак мени айблаб ётишибди дегин. Почтадан «қорахат» юбориб, уч кун кутишганмиш. Гапларини қара. — Хўп, қайга кўмдиларинг, ҳеч бўлмаса гўрига бориб, бир калима Қуръон ўқиб кетай дедим. Бир маҳал нима қилишди дегин? Ё алҳазар! Қўлимга ароқдан бўшаган манови шишани тутқазишди. «Мана хоҳлаган жойингизга обориб, Қуръонингизни ўқийверинг», дейишди. Қара-я, номардларни сени куйдириб, кулингни мана шу ароқ шишасига соп қўйишибди. Жинниларни ўлигини куйдириш расм бўпти-да. ЙиҚладим-сиқтадим, телба бўлса ҳам етимчагина ер бетида юрса бўларди деб, Худога нола қилдим. Кейин тақдирга тан бериб, шишани ўртага қўйиб, арвоҳингга Қуръон ўқидим. Жиннию соҚ дуога баравар қўл очишди. Шундай қилиб, энди Ўожи отага нима дейман, набирам қани деса, кулини кўрсатаманми деб, минг хаёлда келаётган жойим эди, болам. Қарасам кўзимга ўтдек кўриниб кетдинг.

Чол кулиб қамчи дастаси билан қаншарини қашиб қўйди. Қашилаган жойи бирпасда қизариб чиқди.

— ¤лай агар, аввалига сенлигингга ишонмадим, — деди у кўзлари жавдираб. — Арвоҳингмикан, деб ҳам ўйладим. Аравани ариқ чеккасига буриб, эринмай роса кузатдим, — кўзларини қисиб, пешонасини тириштирди чол. — Бундоқ қарасам, анови болалар сени дайди итдек талаб ташлайдиган... Ўай-ҳайлаб, чопдим, шу... Бир ўлимдан қолдинг-да, болам.

## ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ

*(ёки Шайтонваччанинг оғир-оғир ўйларга толганлари)*

Чол жуда кўп гапириб юборди. Шайтонваччанинг боши оҚриб, тарс ёрилай деди. Нималарнидир билгандек, тахмин қилгандек бўлди. Мадрасадаги қилни қирқ ёрадиган устозлари бир-бир кўз олдидан ўтди. Бундан чиқди Овсар ўлгандан кейин

Шайтонваччани ўшанинг қиёфасида бу ёқларга ташлашибди-да. Балки бола бечорани ҳам ўзлари ўлдиришгандир. Тушунарли, бу қишлоқда шайтонлар оламига ёқмайдиган бир сир бор. У хаёлларини йиҚиб олгунча бўлмай, чол яна гапга тушиб қолди:

— Шу дейман, мени билишимча сен жиннихонадан. — Чол шундай деб ўзича фол оча бошлади. Бу гап Шайтонваччага анча қўл келар эди. Ахир ундоқ эмас, бундоқ эди деб рост гапириб кўрсин-чи? Чол ўла қолса ҳам ишонмаса керагов. Бунинг устига Ажинашамол шу яқин ўртада искаланиб юрибди. Яна тарсаки тушириши мумкин. Ахир у гапирса ёлҚон гапириши керак.

– Улар сени топиша олмагандан кейин, — гапида давом этарди чол, — ўлдига чиқаришиб, шишага ўчоқнинг кулидан солиб қўйишган. Шара-барачига бўловради, дейишган-да номардлар.

Шайтонваччанинг онаси бир вақтлари унга, «маҳмадона бўма, жаҚинг тушкур, кўп гапирсанг кўп адашасан» деб калтаклар эди. Шунга, Шайтонвачча, чолнинг гапини маъқуллаган бўлиб ерга қараб тураверди.

— Ўай майли,— деди чол Шайтонваччадан садо чиқавермагач,— ўтган ишга салавот. Жиннихонадагиларга ҳам осонмас. Бирини қочди деб, бирини ўлди деб ҳужжатлаштиришса керак-да. Қани, менга айт-чи болам, Ўожи ота, Пошша ойимлар тинч-омон юришибдими?

— Билмадим, — деб бу сафар ростини айтди Шайтонвачча.

— Ие, бу нима деганинг, занҚар, қишлоққа қачон келдинг?

— Ўозир, — яна рост гапиришга мажбур бўлди Шайтонвачча.

— Ановини қара-я, ростдан ҳозирми?

— Нон урсин ёлҚон гапирсам, нониз борми?— кўзлари жавдиради Шайтонваччанинг. У росаям очиққан эди.

— Уни қара-я, бўлди-бўлди ишондим, болам,— деди чол баттар яйраб, — бу фақат Худонинг меҳрибончилигидан бошқа нарса эмас. Мен бечорани ташвишлардан қутқарай деган-да Худойим. ¤зингга минг қатла шукр! Ўожи отанинг олдига шишани қучоқлабмас, ўзинг билан етаклашиб кириб борадиган бўлдим.

— Вей, менга қара болам,— деди яна ҳайрон бўлиб,— жиннихонадан-ку қочибсан, аммо бу ерларни қандоқ қилиб топиб келдинг а? Ўа, ким сени бу ёқларга обкелиб қўйди, шундан ке?

Шайтонвачча баттар соқов бўлиб қолди. Осмондан тушдим десинми?

Шара-барачи Шайтонваччадан жавоб ололмагач, бирдан унга эътибор қилиб қолди. Шайтонвачча уппа-узун бўлиб, чолнинг олдида ҳамон ширяланҚоч турарди.

— Э, иштон-кўйлагинг қани?

Шайтонвачча беихтиёр болалар кетган томонга қаради.

— Ўа, анови шумтакалар сувга ташлаворишдими? Майли мен шара-барамни титкилаб, бир нималар топиб бераман, кийиб оласан, у ёҚи бир гап бўлар. Балки Ўожи ота янги саруполар олиб қўйгандир-а, нима дединг?

Шайтонвачча бу меҳрибончиликдан хурсанд бўлиб кетди. Кўйлак-иштон осонгина топила қолди. Ажинашамол бу матоҳни елкангни яҚир қилиб топасан, деган эди. Унчаликка бормади.

Аммо кўп нарсаларнинг ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолиши Шайтонваччани шубҳага солар эди. Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

(*Шайтонвачча яна йиғилиш кун тартибида*)

Бугунги ҳайъат йиҚилиши қарсаклар билан бошланди. Бу бирон-бир хушхабардан дарак эди. ТуёҚи катта, шохдор раис йиҚилганларга сергакланиб қараб қўйди-да, жилмайиб сўради:

— Хўш, бугун нима билан бир-биримизни хурсанд қиламиз? Қарсаклар кимнинг шаънига?

— Аввало сизга, қолаверса ички ишлар шўъбасининг шаънига, — дея сўз бошлади ахборотчи, — улар ишлаб чиққан режа хамирдан қил суҚургандек, заргарона амалга ошди. Гап Хўжақишлоққа ташланган вакилимиз ҳақида бормоқда. Одамшайтонимиз Шара-барачи билан учрашди. Учрашув космик кеманинг станция билан туташишига ўхшаб кетди. Станция ердан кўтарилган ҳар бир муждага баҚрини очганидек, Шара-барачи ҳам вакилимизга баҚрини очди. Кўнглида заррача ҳам шубҳа бўлмади.

— Одамшайтонимиз-чи, тақдирига тан бериб қолдими, ишқилиб? — сўради раис.

— Ўозирча йўқ, нуқул саркашлик қиляпти, ўзи билан ўзи олишиб ётибди. Номини Шайтонбек деб эълон ҳам қилиб кўрди, роса кулги бўлди. Рост гапиргани учун Ажинашамолдан яхшигини тарсаки еди.

— Кўйлак-иштон масаласи нима бўлди, кўйлак-иштон?

— ¤шани деб вакилимиз бир ўлимдан қолди. Ўар-тугул Шара-барачи жонига оро кирди. Энди ҳамма ташвиш олдинда. Хўжақишлоқнинг «додхоси» бўлиб олган Ўожи ота билан унинг кампири ясама неварасини қандоқ кутиб олишаркин? Одамшайтонимиз-чи? У ўзини қандоқ тутаркин? Ўамма гап шунда. Яна бир ноқулайлиги Ажинашамол бу ҳовлига кира олмайди. Алоқа узилади. Ўожи ота дам солавериб ҳовлисини Хитой девори қилиб ташлаган. Вакилимиз Ажинашамолсиз қанчалик мустақил ҳаракат қила олади, бу ёҚи даргумон.

— Биламан, — деди шохдор раис, — шунинг учун ҳам мен Одамшайтон муқобилини ўйлаб топдим-да. Менинг бор умидим Одамшайтонимизнинг томирида оқаётган қонда. Ота-боболаримизнинг муборак қони бизни доҚда қолдирмайди, — дея ҳайъат йиҚилишини ёпди шохдор раис.

## ҒАРИБГИНА БИР ҲОВЛИ

(*ёки Шайтонваччанинг янги манзили*)

Шайтонвачча ўлган бир боланинг кўйлак-иштонини кийиб, куёвтўрадек бўлди-қолди.

— ¤ҳ-ҳў... Ўожи ота кўрса борми болам, эртагаёқ битта бошингни иккита қилиб қўяди. Эшакка тўқим, одамга кийим деганлари шу-да! Тўқим ургандан кейин эшак жонивор ҳам бир чиройлик бўп кетади, дегин, — дея чол қамчин дастаси билан икки курагининг ўртасини ҳузур қилиб қашлаб қўйди.

— Бу яхшими, ёмонми,— чўчиб сўради Шайтонвачча.

— Нимани сўраяпсан, болам?

— Битта бошни иккита бўлиши-да?

— О-о-о,— деди у энди қамчиннинг дастасини кўкрагига босиб, тебраниб қўяр экан,— эркак киши дунёга шуни деб келади-да, болам, — ҳиринглади чол. Кейин кўзларини юмиб: — Ўай-ҳай-ҳай-й-й... бу роҳатни айтиб, тамом қилиб бўларканми?!

Қўйнингда ўтдеккина биттаси тўлҚаниб ётадию, ёмон бўларканми, занҚар, ёшсанда ҳали билмайсан.— Ўи, жонивор, — деб чол эшакка қамчи босди, — тезроқ бориб, Ўожи отанинг кўзларини қувонтирайлик, дуосини олайлик. ¤зинг ҳам бўйинг чўзилиб бошқача бўп кетибсан, ҳали танимай қолиш-са-я?

Шайтонвачча эшакаравада борар экан, бундан бу ёҚига нималар бўлишини ўйлар эди. У кутилмаганда яна кимни, Ўожи ота деганнинг невараси бўп қолди. Ўа, умрида кўрмаган бир одамни энди у ота, кампири бўлса буви дейди. Улар билан қони қирқ йилда ҳам қўшилмаса керак. Ўожи қайдаю шайтон қайда. Уни олдинда катта ишлар кутаётганини ҳис қилди.

Шайтонвачча бу дунёда ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлиб қолмаслигини «Думи тугуклар» мадрасасида кўп эшитган. Ўа, ҳар бир иш Худодан. У жамики инсу жинлар ҳаётини олдиндан белгилаб қўйган. Шулар қатори шайтонларнинг ҳам. Шайтонлар охиратгача одам болалари орасида сув билан ўт бўлиб яшайди. Шайтонлар иймони сустларни осонгина «синдириб», ўзларига қул қилиб оладилар. Иймони бутунларни-чи? Уларни йўлдан уриш қийин. Улар тошёнҚоққа ўхшаб унча-мунчага чақилмайдилар. Бамисоли асов от. Ўа деганда бўй бермайдилар. Бундайлар Худодан қанчалар қўрқишса, шайтондан ҳам шунчалар қўрқадилар. Бир умр шайтоннинг ёмонликларидан Аллоҳдан паноҳ сўраб яшашади. Иймони сустлар-чи? Худодан ҳам, шайтондан ҳам қўрқмайдилар. ҚилҚиликни қилиб қўйиб, шайтонга тўнкаб, яна гуноҳ қилаверадилар. Бундайлардан — алҳазар, шайтонлар ҳам нари юрадилар. Шайтонлар учун энг катта ўлжа бу иймонли тақводорлар. Тақводорлар беш вақт намоздан ташқари, нафл намозлари ўқийдилар, ўттиз кун рўзадан ташқари нафл рўзалари тутадилар. Кечалари туриб ибодат қиладилар. Таҳоратсиз юрмайдилар. Аллоҳ йўлида эҳсон қилиб чарчашмайди. Шайтонлар шундақалардан лоақал биттасини йўлдан урса борми, ўша куни шайтонлар оламида катта байрам бўлади. Карнай-сурнайлар чалинади. Ўар бир шайтон бир қопдан семиради.

Шайтонвачча шуларни ўйлар экан, бирдан ўзини якка-ёлҚиз ҳис қилди. Энди унинг ёнида на онаси, на биркам миллион, на мадраса мударрислари бор! Бамисоли тўрт томони қибла... Қаёққа қараса жумбоқ. Хаёлига Ажинашамол келдию тарсаки тушган юзини силаб қўйди. Бунчаям қаҳри қаттиқ бўлмаса бу Ажинашамолнинг. Худди онасига ўхшайдия. Вой, қўлинг сингур-е. Ажинашамолни эслаб, сал юраги ёришди. Майли, қаҳри қаттиқ бўлса ҳам бори яхши. Ўарқалай кўз-кулоқ бўлиб, турибди-ку. У «Думи тугуклар» мадрасасидан топшириқ олгани аниқ. Фақат унинг кўзга кўринмагани чатоқ. Ўозир қаерларда тентираб юрибди экан. Бундоқ олдиндаги ишлардан хабардор қилиб турса бўларди! Балки олдинда нималар бўлишини Ажинашамолнинг ўзи ҳам билмас.

Шайтонвачча ана шунақа ҳардам хаёлларга Қарқ бўлиб борарди.

Эшакарава Қарибгина бир ҳовли ёнига келиб тўхтади. Узунқулоқ зўрҚа турган эканми, тўрт оёҚини тўрт томонга кериб, бўшаниб юборди. «Бефаросат эш-шак» деб тўнҚиллади Шара-барачи... хижолат бўлиб ҳовли тарафга қарар экан.

Ўовлини кўчадан тўсиб турган девор ҳам пастдек, ҳовли юзини оёқ учида туриб кўрса бўларди. Аммо қараган одамнинг кўзи охири кўринмайдиган сўритокка тушар, баргидан ҳам кўп узум шўралари одамни «ваҳ» дегизиб юборарди.

Шайтонвачча кела-келгунча пойдеворлари алламбало, ҳашаматли уйларни узоқдан кўрганда, шу Ўожи ота деганники бўлса керак деб фол очиб келди. Лекин у уйлар орқада қолиб кетди. Унинг хаёлида Ўожи ота деганлари қишлоқнинг манаман деган обрўли кишисию, уй-жойи ҳам шунга яраша ҳашамдор бўлиши керак эди.

Шара-барачининг сўритокли ҳовлига иссиқ-иссиқ қарашидан билдики, бу Ўожи отанинг кулбаси. Номи улуҚу супраси қуруқ.

Шара-барачи узунқулоқни аравадан чиқариб, тўқимларини ечиб, шўразорга арқонлаб келди. Жонивор думини ликиллатиб, очкўзлик билан ўзини шўрага урди. Эшакнинг танлагани шўра, деб бекорга айтмаганлар! Эшак ҳам аҳмоқ эмас. Шўра тилласи кўп бўз ерда ўсишини билади. Еб қувватга киради. Яхшиямки буни одам болалари билишмайди. Билишса эшакка шўра ортармиди?!

Шара-барачи хуржунини елкасига ташлаб, қамчин дастаси билан дарвозани қаттиқ қокди.

— Ки-и-и-м?.. — ичкаридан хотин кишининг овози келди... — Кировурсинлар, эшигимиз очиқ...

Шара-барачи уст-бошига наридан-бери қараган бўлиб, бир зум тараддудланди-да, эшикни катта очиб, Шайтонваччани ичкарига турткилади:

— Юр, юрақолсанг-чи...

Шайтонвачча ҳовлига қадам қўйдию, бирдан бошқа бир оламга кириб қолгандек тўхтаб қолди. Тиккага келиб қолган офтоб нурлари узум барглари оша ерга тўшалар, ҳовли юзи билан сўриток оралиҚида ажойиб бир шуъла ўйнар эди. Шуълаки жимирлаб, ақл-ҳушни оларди. Шайтонвачча шайтоний сезгиси билан буни дарровда илҚаб етди. Юраги бир сиқиб келдию, қўйиб юборди. Бу ҳовли шайтон ва кофир жинлардан холи, пок эди. Шунга Шайтонваччанинг юраги безовта бўлиб олди.

Ўовлининг ўртасида баланд бўйли бир кампир уларга танимайроқ қараб турарди. Шара-барачи йўлида серрайиб туриб қолган Шайтонваччага урилиб кетиб тўхтади-да, кампирга кўзи тушиб:

— Ассалому алайкум Пошшо ойи, мана биз келде-э-э-к, — деди «шара-бара-а-а...» дегандек овозини баралла қўйиб. Кейин Шайтонваччанинг биқинига туртди:

— Ўа, бувинг билан кўришмайсанми, занҚар?! Пошшо ойимни соҚинмадингми, аммамнинг бузоҚи?..

— Ўаҳ, жа кўзим учиб турувди, — деди кампир ҳушламайгина, — келинглар...

— Э, Пошшо ойи бу энди, бошқа бола бўп қолган, қарамайсизми бўйи-бастини...

— Ов, — деди кампир ҳамон рўйиҳушлик бермай,— гапироврасиз-да, Худо қамишга ҳам бўй беради... Кампир чол билан тузук сўрашмади ҳам.

— Э, ақлиям ўсиб қоган, мана мени айтди дейсиз...

— Яна овсарлик қилса оҚилхонага обкириб, сигирнинг ёнига боҚлаб қўярман, худди. — Кампир шундай деб қуруқ даҚдаҚа билан Шайтонваччага яқинлашди:

— Ке, кўришайлик...

Кампир Шайтонваччани баҚрига ҳам босмади, шунчаки елкасига қоқиб кўришган бўлиб қўя қолди.

Шайтонвачча кампирни яхшироқ таниб олиш учунми, ишқилиб, унга тик қаради. «Невара» билан «буви»нинг кўзлари учрашди. Ўар икковининг ҳам қорачиҚларида хунук бир нима «йилт» этиб кетди. У бехосдан темир-темирга урилиб кетганда чиқадиган учқунга ўхшарди. Кампир бир сесканди. Илгари набираси жиннилик қилиб, қонига ташна қилиб юборганларида, беҳи новдаси билан оҚилхонага обкириб, шундай савалардики... У қора терга тушиб, чинқириб додлар, қочай деса оёқ-қўллари боҚлиқ бўларди. Шунда кампирнинг кўзи бехосдан неварасининг кўзига тушиб қолар, алланечук бўлиб, қўлидан хипчин тушиб кетар эди. «Ахир бу жинни-ку, нима қилаётганини билмайди-ку, нимага азоблайверасан бола бечорани, Худонинг уриб қўйгани камми» дея маломат қилгандек бўларди кимдир. Шунда кампир бўшашиб тушар, калтаклашни бас қилар эди. Энди-чи, ё тавба... набирасининг кўзлари бошқача. Худди бўриникига ўхшайди. Шара-барачи айтгандек ростдан ҳам ақли кириб қолдимикин-а...

Шара-барачининг дўриллаган овози кампирни ўзига келтирди.

— Ўожи ота кўринмайдиларми, Пошшо ойи?

— У кишимнинг топиб олган паккаси мачит, пешинга чиқиб кетдилар...

— Э, дарвоқе, пешинни ўқиб ола қолай, — деб Шара-барачи ҳеч бир тортинмай ҳовли этагидаги сўрига қараб юрди...

Кампир Шайтонваччага бошқа эътибор қилмай, ичкари уйга кириб кетди. Шайтонвачча янги бувиси билан шу йўсин топишди.

## НЕВАРА

*(ёки Шайтонваччанинг рост гапириб юборганлари)*

Шайтонвачча сўри яқинида турган курсига бориб чўкди. Шу ўтиришда ҳовлини кузата бошлади. Билакдек сув қўшни тарафдаги деворнинг тагидан ўйноқлаб чиқиб, ёнҚоқ дарахтининг ер бетига чиқиб қолган илдизи тагидан ўтиб, ҳовлининг ўртасигача келар, ундан нари томорқага қараб буриларди. Томорқадан ям-яшил бир нималар кўзга ташланарди. Шайтонваччанинг кулоҚи битганми ёки бўлаётган ишлардан гарангсиб қолдими ҳовлидаги тарақ-турук, шовқинларни энди эшита бошлади. Катакда товуқлар қақаҚлар, хўроз уларни тирқиратиб қувар, қанотларини тап-тап уриб, қичқирар... Хўрозлар бир эмас иккита эди. Товуқларни тирқиратишда ҳам, қичқиришда ҳам бир-биридан ўзаман дерди. Бостирмада сигирнинг қоп-қора боши, бузоқчалар кўринарди. Бузоқлар сузишибми, ниманидир тарақлатишар, мў-ў-раб қўйишарди. Молхона яқинида кир ўра кўзга ташланарди.

Шайтонвачча кўзига илинган бу нарсаларни шунчаки томоша қилар, вақти келиб уларнинг ҳар бири бошига бало бўлишини билмас эди. У бу ҳовлига тасодифан келиб қолмаганини ҳис қила бошлади. Бу ҳовлида Шайтонваччага номаълум бўлган кўпгина сирлар бор эди. Сиру синоатларнинг бошида Ўожи ота турарди. У кишини қишлоқда ҳамма ҳам яхши кўрмас эди. Ўожи отанинг сирли ишлари оддий бир эҳсондан бошланган эди: Ўожи ота бир йили зулукдек қоп-қора Қунажин сотиб олдилар. Қочган экан, қувонтириб эгизак туҚиб берди. Хурсанд бўлган Ўожи ота кампирининг чирқиллашига қарамай, бузоқнинг биттасини бир бечора одамга Аллоҳ йўлида ҳадя қилиб юборди. Бузоқ урҚочи эди. Аммо шундай деб тайинлади: «ўунажин онасига тортиб, эгизак туҚса, сиз ҳам биттасини Аллоҳ учун бировга ҳадя қиласиз, у ҳам бу ишни давом эттиради, қарабсизки» ... Ўожи ота у ёҚини айтмадилар, сирли гап қилиб қўя қолдилар. Аммо нима бўлишини ўзлари ҳам билмас эдилар. Фақат, Аллоҳ йўлида чин дилдан қилинган эҳсонга Аллоҳ ўн, юз, минг баравар қилиб қайтаришини билар эди. Ўожи ота бир нарсани билмасалар қилмайдилар деб айримлар у кишига эргашди. Кимнинг моли, қўйи, эчкиси эгиз туҚса биттасини бева-бечораларга ҳадя қилаверди. Ўожи ота тахмин қилган сир ўзини кўрсатди. Қишлоқда эгиз туҚадиган чорва моллари кўпайиб кетди. Бу эзгу, баракотли иш қўшни қишлоқларга ҳам ёйила бошлади. Бу меҳру оқибат, хайру саховатлар шайтонлар оламини ташвишга солиб қўйди. Шайтонлар сув қаерда тинган бўлса ўша жойдан лойқалатишни яхши билардилар. Одамшайтонни ана шундай вазифа билан бу қишлоққа ташлаган эдилар.

Шайтонвачча очликдан қорни қулдираб, чор-атрофни томоша қилишдан зерикди. Шара-барачи тасбеҳ ўгириб, нуқул ўзига «куф-суф» деб дам солиб ўтирарди. Кампир пиёздоҚ ҳиди анқиётган ошхонага кириб кетганича қорасини кўрсатмаётган эди. Шу пайт ҳовлига калта соқол, икки юзи қип-қизил, қотма бир одам йўталганича кириб келди.

Устида оқ иштон, оқ яктак, бошида чавати оқ дўппи. У меҳмонларни кўриб, суюнганидан қанотини кенг ёзиб юборди. Бу одам кириб келиши билан ҳовли янаям бўлакча бўлиб кетди. Юзидан нур ёҚиларди бу одамнинг. Ўовли ҳам янада нурланиб кетди.

— ¤ҳ-ҳў-ў-ў... уйимиз тўлиб қопти-ку... Узоқдан аравани кўриб, бир суйиндим, бир суйиндим... еткизганига шукр...

Ўожи отанинг кучоҚига биринчи бўлиб пилдираволиб Шара-барачи ўзини урди. Елка уриштиришиб, омон-эсонлик қилишди. Кейин Ўожи ота нима қиларини билмай серрайиб турган Шайтонваччага юзланди.

— Ўай, бу менинг Кавсартойимми, ё қудратингдан... — деб юз-кўзлари яна ҳам кулиб, қанотлари янаям кенг ёзилди.

— Қани, набирангизни яхшилаб таниб олинг-чи, балки алмашиб қолгандир, — дея соқолини тутамлаб болаларча қийқирди Шара-барачи.

Ўожи ота илдам келиб Шайтонваччани қайта-қайта баҚрига босиб, пешонасидан ўпди. Елка-бошини силади. Чол бечора набирасига боқиб тўймас, терисига сиҚмас эди.

— Яратганга шукр,— деди Ўожи ота ҳовучини юзига босиб, — бўй-бастлари чўзилиб, кўзга яқин бўп қопти, бандаси ўзи ношукр, нуқул шошади... Дардни берган Худо бир куни давосини ҳам беришини ўйламайди...

— Худо хоҳласа, набирангиз, мени айтди дейсиз, ўрнингизни босиб, қорию-қурролардан бўлади, — деди Шара-барачи нима қиларини билмай турган Шайтонваччага қараб.

— Айтганингиз келсин, борақол, болам, бувингга қарашвор, қорин очиб кетди...

Ўожи ота сўрига чиқар экан, кўзларига ишонмай набирасини яна бир бор орқасидан кузатди:

— Кўриниб турибди, болада ўзгариш катта, сиздан ўла-ўлгунимча миннатдорман, бу дунёдан дуоижонингизни қилиб ўтаман, databodar, — деди Ўожи ота Шара-барачига.

— Айтган эдим-ку, сизга бизни жиннихонадаги дўхтирлар қилни қирқ ёрадиганлардан деб... Шара-барачи жиннихона билан боҚлиқ анови саргузаштларни айтмай қўяқолди. Ўа шайтоннинг гапига кирди, айтмади. Айтганда Ўожи ота сал бўлса ҳам ҳушёр тортган бўлармиди?!

Ўожи ота бир тўлҚаниб, ошхона томонга қаради-да, сабри чидамай:

— Кавсаржон болам,— дея эркалаб чақирди. Неварасининг исми Кавсар эди. Онаси раҳматлик тўлҚоқ азобида бу дунёдан кўз юмгандан кейин кампир қизимдан ёдгор бўлсин деб чақалоқнинг исмини Ёдгор қўймоқчи бўлди. Ўожи ота унамади. Бу бидъатни қўй. Кавсар қўямиз. Жаннатдаги энг катта ҳовузни Кавсар дейдилар. ПайҚамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннати одамларни шу Кавсар суви билан сийлайдилар деб, шу исмга тўхташган эди. Аммо бола ақлан заиф туҚилганини кейинчалик билиб қолишди. Буни сезган қўшни болалар уни эрмак қилиб, Овсар деб чақирадиган бўлишди. Болани қишлоқ мактабига олишмади. Шаҳарга, ақли заиф болалар мактабига олиб боринг, дейишди. Бу орада Шара-барачи пайдо бўлдию, болани тузатиб келаман деб таниш жиннихонага олди-кетди. Шайтонвачча Ўожи ота чақирганида ийиб кетиб:

— Лаббай ота, — деб юборди. «Ота» деган сўз илк бора унинг бўҚзидан отилиб чиқди. Нимагадир «ота» дейиш ўзига ҳам ёқиб тушди.

— Ана эшиттингизми, бу сиз билган бола эмас, тамомила-чи бошқа бола, ҳа, тилла бола, — деди Шара-барачи, оҚзи қулоҚида.

— Ўа, лаббай деган тилингдан отанг  айлансин, бу ёққа кел, болам. — Ўожи ота ҳамсуҳбатига жилмайиб қўйди. Шара-барачига бир гапга солиб кўринг, дегандек им қоқди.

Шайтонвачча ошхонадан чиқиб, сўрига яқинлашди.

— Бу ёққа чиқ, хў-ў-ш-ш, мана бундоқ ёнимга ўтир-чи,— деб Ўожи ота уни ўзига тортди. Отанинг қўллари бирам юмшоқ, соқол-мўйловларидан ёқимли хушбўйликлар таралларди. Чол Шайтонваччага ёқиб қолган эди. — Ўа, ана шундоқ,— дея ота Шайтонваччанинг пешонасига лабини босди. Кейин меҳр билан бошини силаб, сўради:

— Сени у ёқларда кўп хапа қилишмадими, болам?

Шайтонвачча «у ёқ» деганда «Думи тугуклар» мадрасасидан бошқа жойни тасаввур қила олмас эди.

— Хапа қилишди,— деди Шайтонвачча ерга қараб.

— А, нималар қилишди? Қани, бир чеккадан гапириб бер-чи, болам. — Ўожи ота гапни чуватиб олганидан хурсанд эди.

— Олдин-чи,— деб Шайтонвачча чолга «ярқ» этиб қаради, — олдин қулоҚимни кесишди, кейин думимни, ундан кейин замбаракка қўйиб  отишди...

Шайтонвачча бирданига рост гапириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ажинашамолни эслаб қўрқиб кетди. Ана энди Ажинашамол уни аяб ўтирмайди. Ўозироқ тарсаки туширади. У шошиб, қўлларини бошига пана қилди. Чоллар бир-бирига қараб қолишди. Аммо нимагадир Ажинашамол бу сафар тарсакини ундан аяди.

— Думим билан қулоҚимни кесишди дейсанми, болам, қўй-е,— деб набирасига бошдан-оёқ ҳайрон бўлиб қараб қўйди Ўожи ота.

— ЁлҚон гапирсам Азозил бобом урсин,— деб чолни баттар лол қолдирди у.

— Азозил дейсанми? АстаҚфируллоҳ! Азозилни  сен қаттан биласан?

— Бобомиз бўладилару, билмайми!

— Ўа-я, дарвоқе, — деб Ўожи ота набирасининг телбалигини эслаб қолди. Шу билан суҳбат тугади. — Бўпти, бор бувингга қараш, обкела қолсин обкеладиганини, — деди ҳафсаласи пир бўлиб,— қорин таталаб кетди.

Бу суҳбатдан кейин қарияларнинг тарвузлари қўлтиҚидан тушди. Бир-бирларига елка қисиб қараб қолишди.

Шара-барачи Шайтонваччанинг  гапларини ўзича тушуниб деди:

— Набирангизнинг гапидан кўпам ҳайрон бўлманг, Ўожи ота, батамом соҚайиб кетгунча касали ҳар замон, бир замонда қўзиб туради. У ёқда шундоқ дори-дармонлар беришадики, жиннилар хаёлан осмони фалакларда учиб юришади.

— Сиз ҳақсиз, лекин Азозил деганига ҳайрон бўляпман. Шайтонларнинг бобокалони Азозилни ҳаммаям билавермайди-да, тақсир. Унинг номи хос китоблардагина келади, — деди Ўожи ота хаёлларини йиҚиштира олмай.

— Э, — деб қаҳ-қаҳ отиб кулди Шара-барачи, — жиннихонани сиз нима деб ўйловдингиз? Билсангиз у ердагиларнинг  ярми олим. Ўатто академиклар ҳам бор. ¤ҳ-ҳў-ў-ў... уларнинг билмаган нарсаси йўқ. Азозил дейсизми, Азройил дейсизми, Одам Ато, Момо Ўаводан тортиб, шоҳу гадогача билишади...

— Ўай майли, шунчалик бўп қопти-ку, бу ёҚи ўзимизга тан. Кампирга айтаман, бир-икки енгилгина муолажа қилиб қўяди. ¤зим ҳам қараб турмайман. ¤қиб, дам солиб қўяман.  Бу сиз қилаётган  савоб ишларнинг ажри. Сиз жиннихонадагиларга деб, кўрпа-тўшак,  кийим-бош йиҚиб юрмаганингизда сизни қаттанам учратардим. Овсар неварам борлигини сиз қаттанам билардингиз? Аввалам бор Худо бизни учраштирди. Даволатиб бераман, деб сиз марҳамат қилдингиз. Мана, Худо хоҳласа оқибати ёмонмасга ўхшайди.

Хў-ў-ш, — деб сўлиш олдилар Ўожи ота, — бу ёҚини сўрасангиз, яна анча-мунча кўрпа-тўшак, кийим-бошлар йиҚиб қўйганман. ҚишлоҚимиз одамлари аломат-да. Биров ўлса, масжидга кўрпа-тўшак ташлаб кетишади. Шундай қилишса, ўлганнинг ётган жойи юмшоқ бўлармиш. Бўлмаган гап, қўйинглар бу одатни деб уввало уқтираман, қани қулоқ солишса. Илгари муҳтожларга берсак, олишарди. Энди ирим қилиб олмай қўйишди. Майли, ҳамманинг ўзига берсин. Мана, сиз уларни «соҳиби узр»ларга элтиб берасиз, қарабсизки савобига биз ҳам шерик-да...

## ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

*(ёки Шайтонваччанинг баъзи бир нарсаларни англай бошлагани)*

Ўожи отанинг мақтовларидан яйраб кетган Шара-барачи чўккалаб ўтириб олди.

— Биззи қўятуринг, тақсирим, ўзларининг ҳур фикрлари билан шаҳарда нималар бўлаётганини билсангиз эди, ҳай-ҳай-й-й...

Шайтонвачча сўридаги хонтахта устига дастурхон ёзиб, битта лаганда янги пишган ўрик, гилос, бодринг обкелиб қўйди. ¤зи ҳам ўтирди. Суҳбат бўлинди.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, қани, меҳмон, мевага қарасинлар, деҳқончилик, муҳтарам пайҚамбаримиз овқатдан олдин мева тановул қилган эканлар. Тушликка Пошша ойингизга пиёва буюриб қўйган эдим.

Илгарилари Аллоҳнинг исми айтилиши билан Шайтонваччага сичқоннинг ини минг танга бўлиб қоларди. Энди эса ундоқ бўлмади. Бир сесканиб қўйди, холос. Шайтонвачча бодрингдан бирини олиб, карсиллатиб ея бошлади. Унга Ўожи ота эътибор қилиб:

— Шошма, болам, одатда шайтонларгина таомни шошиб ейдилар,— деди.

Шайтонваччанинг «ахир мен шайтонваччаман-да» деб юборишига бир баҳя қолди. Яхшики, Шара-барачи гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Аммо, лекин, пиёва буюриб зап иш қипсизда, Ўожи ота, Пошша ойимнинг пиёваси оҚзимда қолган. Биззи кампир ўхшатолмайди. У ёҚини сўрасангиз пиёвабоб нарсалар ҳам олиб келганман, — деди Шара-барачи ёнидаги хуржунга қўл чўзиб.

У шундай дея хуржуннинг кўзини очиб, ундаги сувхалталардан бир нималар ола бошлади. Ўожи ота қизиқиб қараб турди.

— Буни қаранг, мановиниси, — деди у сувхалтани Ўожи отанинг қўлига тутиб, — ёҚлиқ патирнинг қотгани, буниси бўличканики, буниси бозор нони, буниси оқ бўлка, буниси қора бўлка... Атайлаб хил-хиллаб олиб келдим, сизга кўрсатгани.

— Сиззикиям деҳқончиликми, дейман, — кулди Ўожи ота.

— Топдингиз! ¤лманг, Ўожи ота, мана шунақа кўзга суртадиган нонлар ахлатга тушиб кетаётган эди-да. Шу сиз билан гаплашгандан кейин шаҳарга тушдиму, — деб боя узилиб қолган суҳбатни давом эттирди Шара-барачи, — эринмай дўмма-дўм юрдим, денг. Ўа, астойдил бўлиб олдим. ¤лай агар, нафсим учунмас, Худо учун юрдим. «Ўай болаларим, пўчоқни алоҳида сувхалталарга, ортиқча нонларни алоҳида сувхалталарга солиб қўйинглар, мен ҳар куни дуои-жонингизни қилиб, олиб кетаман, деб тайинлаб чиқдим. Қаранг, ўрисдир, ўзбекдир, бари гапимга юришди. Яна «тоза нон» деб ёзиб ҳам қўйишади, барака топкурлар. Нон нонда, тозамаси бўлар эканми, вой ўқимаганлар-ей деб куламан. Йўл-йўлакай мол боқадиган, қўй боқадиган, товуқ боқадиган шинавандаларни ҳам топиб олдим. Ўар куни пўчоқ, қолган-қутган нонларни ташлаб ўтаман. Беминнат дастёр кимга ёқмайди. Мендан совҚа-саломни олиб, ҳатто, уч-тўрт сўм пул ҳам тиқиштиришади, денг. Мен бўлсам, уввало қўлларини қайтараман. Пийсабилло, увол

бўлмасинга қиляпман бу ишларни, мени тирикчилигим манови шиша идишлардан, йўлим устидасизлар деб, қўлларини қайтараман. Охири мижозларим ҳам мен билан ҳисоб-китоб қилишнинг йўлини топиб олишди. Саломингизга яраша алик деб қўйишмади. Ким бир бонкада қаймоқ, қатиқ, сут, ким тухум, бирон-бир жонлик сўйишса гўшт дегандек. Сиз айтган барака шу бўлса керак-да-а, Ўожи ота. Қаранг мол боқмайман, оқлиҚим тайин, товуқ боқмайман уйимдан тухум аримайди. Унда-мунда ҳалол-пок гўштни айтмайсизми?

Ўожи ота Шара-барачининг гапларидан ҳузурланиб, ўтирган жойларида тўлҚаниб-тўлҚаниб қўядилар. Бундан меҳмоннинг баттар гап қопи очилади. Нимагадир улар энди Шайтонваччани эсларидан чиқаришган, ўзлари билан ўзлари овора эдилар.

— Шу десангиз Ўожи ота, — деб Шара-барачи муштига йўталиб олди, — бир издиҳомда сиззи мақтаб, маслаҳатларингизни дастурхон қилиб қоламанми? Буни қаранг, савоб иш қўйга ўхшаб тез кўпайиб кетар экан. Кўпайганда ҳам эгиз-эгиз денг... Битта йигит ўша издиҳомда ўтирган экан. Эшитиб нима қипти, денг? Миниб юрган машинасини шартта сотиб, менга ўхшаган бешта бекорчига бешта эшакарава олиб берибди, азамат. Бир кунда ҳар бири бир арава пўчоқми, ўтми олиб бориб берса бўлди экан. Кейин ўзларининг тирикчилигини қилишовраркан. Аммо лекин ёманам каллалик бола экан-да. ¤йлаб кўринг, бир кунда бир тонна пўчоқ йиҚиларкан, ҳазилакамми! Қанча бўрдоқи боқиш мумкин-а унга. Вой азаматей... Ахир, пўчоқ ҳам бекорга ахлатга кетиб ётовди-да. Шаҳар катта, ҳазилакам хонадон борми? Ўар куни қора қозон қайнаб тургандан кейин...

— Балли, — деди Ўожи ота юзлари кулиб,— қандоқ улуҚ иш қипти ўша йигит, исрофни олдини олиб, юртга барака киритибди. Ахир исроф — шайтондан. Шунга айтадилар-да, исрофли юртда барака бўлмайди, ётиб еган билан қорин тўймайди, деб.

— Нимага ҳамма ҳам анови йигитга ўхшаб дарровда ўзига ола олмайди-а, Ўожи ота? — деб куйинди Шара-барачи.

— Бунинг учун одамда озгина ҳафсала, озгина Қайрат бўлиши керак, Қайрат, тақсирим! ўайрат бобида шайтонга етадигани йўқ. Ўа, бизни ярим йўлда қолдириб кетади. Одам болаларини йўлдан урай деб бир дам тинчимайди, молиниям, жониниям нисор қилиб юборади. Шундай бўлгандан кейин уни иши юришмай кимни иши юришсин? Биз Худо деймизу, Худо йўлида куйиб-пишмаймиз. ¤лардек хотиржаммиз.

Анови Қайратли йигитга Шайтонваччанинг ростдан ҳам ҳаваси келди. ¤зи ҳам тўҚри келиб қолса, шунақа ишлар қилишни кўнглига тугди. Энди у одам шайтонми, одамларни ҳам, шайтонларни ҳам ҳайрон қолдирадиган ишларни қилиши керак. Қилади ҳам. Уни ораларидан қувиб солганларни ҳали тавбасига таянтиради.

Дастурхонга пиёва тортилди. Пиёва деганлари қанақа овқат бўлса экан деб, ҳалидан бери Шайтонваччанинг нафси ҳалак эди. Косага қошиқ урдию, ҳафсаласи пир бўлди. Шилдир сув. Юзида чала қовурилган пиёздоҚ сузиб юрибди. Тишга босадиган на жаз бор, на бошқа нарса...

— Бай-бай, ҳидини қаранг ҳидини, — деди Шара-барачи мақтаб. Шайтонвачча тескари қараб бурнини жийирди. Иккала чол сув қоҚоздаги қотган нонлардан олиб пиёвага ташлашди. Нонлар бир зумда бўкиб, косани тўлдириб чиқди. Ана ундан кейин ҳай-ҳайлаб, бай-байлаб ейишга тушишди.

Шайтонвачча тарки одат амри маҳол деганларидек, олдида ўз косаси туриб қошиҚини Шара-барачининг косасига солди.

— Э, ҳазиллашма баччаҚар, — деди Шара-барачи косани ўзига тортиб, — бу пиёвага етишишни ўзи бўлдими?

Ўожи ота кулиб, Шайтонваччанинг косасига ҳам қотган нонлардан бўктириб берди. Шайтонвачча умрида биринчи марта бировнинг косасига қошиқ урмай ўз косасида қорин тўйдирди...

## ҲОЖИ ОТА

*(ёки Шайтонваччанинг Ҳожи отани яхшироқ таний бошлагани)*

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Шара-барачи эшакни аравага қўшадиган, Ўожи ота масжиддаги кўрпа тўшагу ўлганларнинг кийим-кечакларини бериб юборадиган бўлди. Шара-барачи Шайтонваччани баҚрига қайта-қайта босиб хайрлашди. Пиёва учун кампирга ташаккурлар айтиб, ташқарига қараб юрди. Шу пайт дарвозадан туртиниб, суртиниб бир эркак билан бир хотин кириб келишди. Хотин йиҚлаган, эркак ундан-да дарҚазаб. Улар Ўожи отага наридан-бери салом беришди. Ота уларнинг келишлари сабабини тушунди шекилли, Шара-барачига овоз берди:

— Тақсир, сиз эшакни шошмай аравага қўшовринг, мен ҳозир...

— Ота, биз кегинроқ келайликми? — тўнҚиллади эркак ноқулайлик сезиб.

— Йўқ,— деди хотин йиҚлаб, — кегин кеч бўлади, ўзимни бир нима қилиб қўяман худди.

Бу гапдан кейин чол уларни сўри томонга бошлади. Эркак сўрининг чеккасига омонатгина ўтирди, хотин ерга чўнқайди. Шайтонвачча унга курси олиб келиб берди. Ота «балли» дегандек набирасининг ишини маъқуллаб бош қимирлатиб қўйди. Кейин эркакка юзланди:

— Нима бўлди?

— Э, ўзидан ўтди, ўзидан, — деди эркак аёлга ўқрайиб, — хотинимни бир ит феъли бор, қачон қараса оҚзи бичилиб, мени шарманда қилиб юради.

— Унақамас,— деди хотин ўзини оқлаб, — мен нима қилай, ўшанга бошим қоронҚи бўлса, шунга, шунчами?

— Тушунтирияброқ гапиринглар, — деди чол.

— Э, бу боши қоронҚи бўлса, нуқул қозоннинг куясини ялагани-ялаган. Яна шундай қилсанг талоқсан деб қўрқитувдим. ҚишлоҚимизнинг домласи шундай деб қўрқитсанг, бу одатни ташлайди деб ўргатган эди. Бир ҳафта, ўн кун бир чиройли юрди. Яхши маслаҳат берибсиз деб домлага қуллуқ қилдим. Кеча не кўз билан кўрайки, яна ўша аҳвол. Домлага айтсам, энди ўртага талоқ тушиб қопти, дейди. Шу ростми, ота?

Ота бошини эгиб, бир муддат жим қолди-да эркакдан сўради:

— Хотинингизга нима деган эдингиз, бошқаттан қайтаринг.

— Яна қозоннинг қорасини яласанг, талоқсан дедим, бор-йўҚи шу...

— Болам, — деди чол томошабин бўлиб турган Шайтонваччага қараб, — ўчоқ бошидаги кичкина декчани обкелгин. Қара, қораси тегмасин.

Шайтончачча декчани олиб келди. Кейин чол бир йиҚлаб, бир ўзига келиб ўтирган хотинга қараб деди:

— Қани келин, қандоқ қилиб яладингиз, бир кўрсатиб беринг-чи, бир нима дейишим учун ҳаммасини ўз кўзим билан кўришим керак, ҳа бўлақолинг!

— Нима деяпсиз ота, жон-жон деб ялаб беради,— шанҚиллади эркак.

Хотин ҳеч бир иккиланмай кўрсаткич бармоҚи билан қозоннинг қорасини сидирди-да, ҳузур қилиб ялади. Шайтонваччанинг кўнгли айниб кетди. Ўов наридан кўриб турган кампир тескари қараб олди.

— Талоқ тушмапти, — деди ота бирдан кулиб, — келиним қозонни тагини эмас, бармоҚини ялаган экан. Тили билан ялаганда бошқа гап эди...

— Ие, талоқ тушмаптими, — ўрнидан туриб кетди эркак севинганидан, — хайрият-ей, э, тилингизга шакар-ей. Кўзимга бу дунё тор бўп кетувди-я. Яхши кўриб олганман-да ўзи буни, ота. Э, боринг-е қозонни тагини яласа ялайверсин, менга нима.

— Талоқ билан ҳазиллашиб бўлмайди, болаларим, бу сўздан нафақат ер, ҳатто Аллоҳнинг арши ҳам силкиниб кетади-я. Ахир Аллоҳнинг никоҳи билан қурилган бир оила барбод бўладию, Аллоҳнинг Арши силкинмайдими? Ундан кўра бозорга борингда атторлардан гулвата сотиб олиб келиб беринг. Боши қоронҚи бўлса қийин-да...

Шайтонвачча беихтиёр онасини эслади. Онаси Хожа билан Хожабеканинг ўртасига совуқчилик тушириб, ажратиб юборган эди. Бу ишнинг мукофотига қўшни шайтондан бир вақтлар гаровга тикиб ютқазиб қўйган иккала кўзини қайтариб олган, буни устига ўттиз иккита тишини ҳам қоқиб олган эди. Бу кишининг шайтони ҳам шундай бир режа тузган экану, бу ёҚи ўхшамай қолди-да. Чол зийраклик қилиб, битта оилани барбод бўлишдан асраб қолди. Бу чолда гап кўп экан...

## МУОЛАЖА

*(ёки Шайтонваччанинг рост гапириб бошига бало орттириб олгани)*

Шайтонвачча шу куни одам болаларига ўхшаб тошдек қотиб ухлади. Офтоб кўтарилиб кетди ҳамки, уйқудан кўзини очай демасди. Тоқати тоқ бўлган кампир арикчадан сув олди-да, Шайтонваччанинг афт-башарасига сепиб юборди.

— Ўов бошоҚрик, тур-е!

Шайтонвачча чўчиб уйҚонди. Олдинига қаерда ётганини ҳам унутиб, кўзларини катта-катта очиб, чор-атрофга аланглади. Тепасида девдек бўлиб кампир турарди. Дарров эс-ҳушини йиҚиб олди.

— Ассаломалайкум, бувижон!

— Олдин бет-қўлингни юв, тўтиқушга ўхшамай...

— Кечиринг, бувижон!

— Ўо-о-о... жа кечирим сўрашларни ҳам билиб қопсанми? — кўзларини Қилай қилди кампир.

— Биламан бувижон, шошмасангиз ҳамма нарсани биламан, мен сиз билган Овсармасман... Мен Шайтонваччаман, Шайтонбек деб чақирсангиз ҳам майли, пақат Шайтонкул деманг. Қул бўлишни ёмон кўраман.

— Бўпти, айнима, — деб жеркиб берди кампир.

Уйқудан кўз очиш билан Шайтонваччанинг қорни таталай бошлаган, кампирга у деб, бу деб пахта қўйиб эритмоқчи бўларди. Зиқналиги кечаги пиёвасидан маълум. Шайтонваччанинг кўнглидан кечганини кампир сездими дарров шарт қўйди.

— Олдин томорқадан сигирга ўт юл, кейин товуқларнинг катагини тозала, ана ундан кейин заҳарингга бирон нарса еб оларсан.

— Мен ўт юлишни билмайман-да, бувижон! — деб Шайтонвачча яна рост гапирди. У Ажинашамолга берган ваъдасини бир эмас, бир неча марта бузди. Нима гапирса ёлҚон гапириши керак эди. Нимагадир, шунча рост гапириб юборса ҳам Ажинашамолнинг у

билан иши бўлмади. Нима бало, боре деб, Шайтонваччани ташлаб кетиб қолдимикан? Кетса, яна ҳам яхши! Шайтонвачча билганидан қолмайди.

— Ўа билмаганни билаги тинч бўмай ўлсин, билардинг-ку, муҚамбир ўлгур?

— ¤лай агар, бувижон, мен ҳечам ўт юлмаганман, ҳечам товуқнинг катагини тозаламаганман. Овсар болангиз қилган бу ишларни. Мен Овсармасман. У жиннихонада ўли-и-и-б қолган. Кейин ўлигини куйдиришган. Кулини ароқ шишасига солишган...

— Бўлди, бўлди, алжирама... Сен айнима қовунни ҳали бир муолажа қилиб қўяй, жонинг киради.

— Муолажани еса бўладими, бувижон?

— Бўганда қандоқ. Қани юр баққа, олдин сенга ўт юлишни кўрсатиб қўяй...

Аҳмоққа иш буюрсанг ақл ўргатади...

Кампир Шайтонваччани ҳовли этагидаги ям-яшил майдонга бошлади. Шамол туриб, жўхори пояларини у ёққа, бу ёққа шопириб ўйнади. Ажинашамол келиб қолдимикан деб, Шайтонвачча ҳушёр тортди.

— Анқайма, бу ёққа қара,— деди кампир Шайтонваччанинг қулоҚидан чўзиб.

— Хўп бўлади, бувижон, пақат қулоҚимни чўзманг, у бировнинг қулоҚи, омонат!

— Нималар дейди, бу гўрсўхта? Жинниликни бас қил, менга қара, мановиниси жўхори бўлади, мановиниси ловия, буларни юлмайсан, эртага пишса заҳарингга ўзинг ейсан. Қолган ўтларни илдизи билан тозалаб юласан, уқдингми эсарак?

— Уқдим, уқдим...

Шайтонвачча ўтни юлиб пешма-пеш қора говмушнинг охурига обкелиб ташлайверди. Қани энди бу қорнинг ёрилиб ўлгур тўйдим деса. Бу ёқда қўшбузоқлар тинмай типирчилайди. Товуқлар катакларига сиҚмай қақаҚлайди. Заҳарларига улар ҳам кўкат чўқилашар экан. Шайтонвачча жониворларни тинчитаман деб ўзи ҳам «тинчиб» қолай деди. Силласи қуриди. Одам болаларининг бу дунёда кун кўришлари қанчалик қийинлигини англай бошлади. Эрта кунда жиннихонага тушиб, кули арақ шишасига тушган Овсарни ўйлади. Ўойнаҳой, уни мана шунақа ишлар ўлдирган. ¤либ, қутулиб кетибди-да бечора. Одам болалари нимага ҳадеб қимир-қимир қиловради деса ишламаса тишлолмас экан-да. Ажаб савдолар... ¤тдан тозаланмаса жўхори ҳам, ловия ҳам пишмас экан. ¤т емаса сигир сут бермас экан. Дон чўқиламаса товуқ тухум бермас экан. Ўаммаси бир-бирига боҚлиқ-а! Сендан угина, мендан бугина. Ол қўлим, бер қўлим... Шуям ҳаёт бўлдию...

Шайтонвачча кўзлари ўқдек, қоқсуяк кампирни кўрган сари туққан онасини эслаб қоларди. Минг қилса ҳам онаси-да, соҚиниб алланечук юраги эзилади. Онаси ҳам шу кампирга ўхшаб қаҳри қаттиқ эди. Ё у ҳам бирорта ўлган кампирнинг тусига кириб бу ерга келиб қолдимикан? У ёқдагилар онасини ҳам бола туҚиб, тарбиялашни билмадинг деб, бу ёқларга бадарҚа қилган бўлса-чи?

Шайтонвачча очдан-оч, сўрида сулайиб ётган эди, кампир бир коса сут билан Шарабарачи ташлаб кетган қотган нонларни олдига қўйиб кетди. Нонушта Шайтонваччага бирам ширин татиб кетди. Ўай, ҳай-й-й... Яқин ўртада бунақа маза қилмаган эди. Қорни тўйиб, азбаройи суюниб кетганидан кампирга ялтоҚланди. Кампир тақир ерга пўстак солиб, чолининг яктагини ямаш билан овора эди.

— Бувижон?

— Гапировур!

— Айтайми нима, ҳалиги... худди онамга ўхшаб кетасиз-а?

Кампир кулиб юборди. Шайтонваччанинг гаплари унга нашъа қилди.

— Ўа, онанг мени қизим бўлгандан кейин, ўхшайман-да, нимага ўхшамас эканман... Бирдан кампир Қалати бўлиб кетди. Қўлидаги игна-ипни нари қўйиб, Шайтонваччага тикил-и-и-и-б қолди. Шайтонвачча яна нимадир демоқчи бўлдию, оҚзини очирмади.

— Нималар деб алжираяпсан, яшшамагур, онанг бечора сени дунёга келтираман деб ўлиб кетди-ку. Ўа, биттаю битта болам пешонамга сиҚмади, уни сен ўлдирдинг, жуванмарг, сен, — деб бирдан йиҚлаб юборди.

— Э, нималар деяпсиз, онам ўлмаган, тирик...

Кампир ерни муштлаб, ўрнидан туриб кетди. Ип-игна ҳам бир четкада қолди.

— Муолажани бошламасам бўлмайдиганга ўхшайди, яна айнишни бошладинг сен айнима қовун...

Шайтонвачча жиҚилдонига яна бирон нима тушишини ўйлаб, кампирга вақтида «пахта» қўйибман деб суюниб кетди.

Кампир қўлига токқайчини олиб, Шайтонваччани боҚ этагига бошлади. Улар беҳи дарахти олдида тўхташди. Кампир Шайтонваччага айтиб туриб, узун-узун шилт новдалардан етти дона кестирди. Кейин уни дасталаб боҚлатди-да, арикчадаги сувга ташлаб қўйди. Шайтонвачча бу ишларни итоат билан бажарар эди. Кампир ҳайрон. Невараси илгари муолажа деса зир титрарди. Кўзларидан шашқатор ёшларини оқизиб, ялиниб-ёлворишни бошларди. Кампир набирасининг танасига кириб қолган ёвуз жинларни калтаклаб, ҳайдаб чиқарган бўларди. «Муолажа»дан кейин набираси қуйилиб, анча яхши бўлиб қоларди.

Кампир Шайтонваччани оҚилхонага бошлаб кирди. Қорни тўйиб, кавш қайтариб ётган говмиш безовталаниб ўрнидан туриб кетди. Нимагадир пишқириб қўйди. Бир кўнгилсизликни сезди шекилли. Кампир Шайтонваччани ечинтириб, устунни қучоқлатиб, арқон билан чирмаб ташлади. Шайтонвачча нималар бўлаётганини тушунмас, «муолажа» деганларини оёқ-қўлни боҚлаб, устунни қучоқлаб яланҚоч ҳолда ер эканлар-да деб ўйларди. Кампир нима деса, айтганларини бажарарди.

Бир маҳал кампир йўқ бўлиб қолди. Шайтонвачча устунга сирилиб ҳайрону лол бўлиб тураверди. Ўартугул, кампир яна пайдо бўлди. Қўлида бояги сувга ташланган бир даста гаврон. Гавронни кўрган сигир қўрқиб бир четкага тиқилди.

— Х-ў-ў-ш,— деди кампир кўзларини чақчайтириб. Балки чақчаймагандиру, лекин Шайтонваччага шунақа кўриниб кетди. — «Муолажа»лани бошлаймизми?

— Бошлаймиз, бувижон...

— Сен яшшамагур олдин менга айт-чи, — деди кампир кўзларини лўқ қилиб, — кеча икки бирдек, кап-катта одамни нимага лақиллатдинг-а, меров?

— Мен лақиллатмадим бувижон...

— Ў-о-о-о... ҚулоҚимни кесишди, думимни кесишди деган ким? Азозил деб қасам ичган ким?

— Мен бувижон, мен! Ростини айтдим-да, нима қилай?

— Ўали сен нонкўрни шайтон туққани ҳам ростдир?

— Рост бувижон, Хожабека деганнинг енгини ичида туҚилганман, қасам ичайми?...

— Энди тўхта бола, ҳаммани лақиллатсанг ҳам мени лақиллата олмайсан. Ўозир сен гапирмаяпсан. Жим тур. Ичингга кириб олган жин гапиряпти. Мен ўша бадбахт билан гаплашиб олай. Менга халақит қилма.

Кампир кўзларини чирт юмиб, дуолар ўқиди, кейин мулойимлашиб деди:

— Ўай жин, мусурмон бўсанг мен сени биродарим дей. Гап шундаки, бу боласи тушмагур билиб-билмай сенга озор етказиб қўйган бўлиши мумкин. ¤зи сал анақароқ.

Ота-онасиз ўсяпти-да. Томи ҳам кетиб қолган. Ўа, эси кирарли-чиқарли. Шу билмасдан устингга чоптириб юборганми, ё болангни ўйнатиб юрган бўлсанг босиб олганми, у ёҚи менга қоронҚи, сенга равшан. Бола-да, бундоқ Бисмилло айтиб, «пўшт-тўшт»лаш эсига келмаган. Айтдим-ку эси жойидамас деб. Шунга диндош биродарим деб болам учун сендан узр сўрайман. Худо ҳаққи, болани тинч қўй, уни танасидан яхшиликча чиқиб кет.

Кампир бир муддат жим қолди. Кейин яна тилга кирди:

— Ўай жин, агарда сен кофир бўлсанг, мен сени мусурмонликка чақирай. «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» деб калима келтир. Ўа, шундай қил. Биродарлашайлик, бунақа бир-биримиз билан ёвлашиб юрмайлик. Жаннатларга бирга-бирга кирайлик. Мусурмонлар кечиримли бўлишади. Агарда хоҳламасанг, зорим бору зўрим йўқ. Сенга ҳидоят йўлини кўрсатдим холос. Гап шу— болани тинч қўй. Ёмон кўриб қолган бўлсанг ҳам, яхши кўриб қолган бўлсанг ҳам, инсофга кел. Йўқ деб, қайсарлик қиладиган бўлсанг унда ўзингга жабр қиласан. Охиратда бу ишинг учун Аллоҳ олдида жавоб берасан. Дўзахнинг асфаласофилин деган жойига бориб тушасан. Оҳ, у қандоқ, ёмон жой-а. Ундан, ҳатто, дўзахнинг фариштадари ҳам қўрқиб туришади. Йўқ десанг, биласанми, ҳозир сени нима қиламан? Кампирнинг кўзлари ўйноқлаб кетди. Қуръон ўқиб, жигарингни эзаман, бир эмас, икки эмас, етмиш дарра уриб, тилка-пора қиламан... Ке, тавба қилиб, мусурмон бўл! Бу боламнинг жисми-жонидан бошқа кирмайдиган бўлиб чиқиб кет.

Шайтонвачча «Думи тугуклар» мадрасасида ўқиб юрганларида мударрисларнинг «мусулмон жинлар кундан-кунга кўпайиб кетяпти» деб нолиганларини эшитган эди. Энди билдики, одам болалари кофир жинларни мана бундай қилиб аврар экан.

Кампир шунчалар авраб ташладики Шайтонваччанинг ҳам калима келтириб юборишига бир баҳя қолди.

– Йўқ, йўқ, — деб бақириб юборди Шайтонвачча, — мусулмон бўлмайман.

Кампир буни набираси эмас, жин гапиряпти деб ўйлаб, жазаваси тутди:

— Шунақами? Унда ўзингдан кўр...

Сувда семириб олган шилт гавронлар бор бўйи билан Шайтонваччанинг кураги аралаш тушиб қолди-ку. «Ваҳ»... Шайтонваччанинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Ваҳ...

Шайтонваччанинг орқаси кесак бўлиб, ҳеч нарсани сезмай қолди.

— Вой ўлдим...

— Мени калтагимдан ҳали ҳеч ким ўлгани йўқ, қайтага балонинг ўқидек бўп кетган, — деб кампир баттар жазавага тушиб, устунни гир айланиб «ҳа-ҳу, ҳа-ҳу»лаб, савалай кетди... Охири Шайтонвачча бир қоп гўшт бўлиб, арқонга осилиб қолди.

Кампир ҳам қора терга тушиб, чарчади. Қўлидаги титилиб, бир тутам бўлиб қолган матоҳни нарига отиб юборди. Юзидаги терларни артиб, ўзига кела олмай, молхона деворига суяниб анча ўтирди. Набирасининг аҳволига ачингандек қараб қўйди. Кейин шу ернинг ўзига бўйра ёзиб, Шайтонваччани чалқанча ётқизиб қўйди. Муздек бўйра хуш ёқиб, унга жон битди. Бўйра чўплари танасидаги оҚриқни сим-сим суҚуриб олар эди. У кўзини очди. Шу пайт қайдандир чолнинг овози келди:

— Муолажа қандоқ бўлди, онаси?

— Э, кучим қолмапти, чол.

— Шуниси яхши-да, бўлмаса ўлдириб қўясан-а...

— Шу десангиз, ишларни бир чиройли қилганига ниятимдан қайтиб туровдим, бирдан яна айниб қолса бўладими!

— Яна кечаги гапларими?

— Унданам баттарини, — деб Шайтонваччанинг гапларини оқизмай-томизмай айтиб берди.— «Жин» сурасини ўқиб, дам ҳам солиб юбордим,— деди.

— Худо хоҳласа шу муолажанг эм бўлиб, неварамиз яхши бўп кетса, ажаб эмас. Кўнглим сезиб турибди. ¤зи жиннихонадан ақли қуйилиброқ қайтди, пайқагандирсан?

— Билмадим чол, билмадим. ТуҚилибдики, шу болага сираям илимайман. Хосиятсиз. Шундоқ қизимнинг бошига етди-я, туҚдию ўлди,— деб йиҚлаб юборди кампир.

— Унақа дема, бари Худодан. Бу кўргиликларни ҳам бир ҳикмати бордир...

Шайтонвачча ётган жойида ўйлар эди: Рост гапириб, шунча азобларга қолдим. Ажинашамол бекорга айтмаган экан. Гапирсам, фақат ёлҚон гапиришим керак экан. Рост гапириб болаларга калака бўлдим. Чолларнинг энсасини қотирдим. Кампирдан калтак едим.

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки Шайтонваччанинг аҳволидан ташвишга тушиб қолганлари)*

Бу галги ҳайъат йиҚилиши анча кўнгилсиз бошланди. Гап Шайтонвачча ҳақида борарди.

— Биз вакилимизни йўқотиб қўйдик,— деди ахборот берувчи афсус ва надомат билан. – Худди қудуққа тушгандек. На ўлик, на тиригини биламиз. Ажинашамол ҳовлининг жилла қурса яқинига ҳам йўлай олмаяпти. Маълумот йўқ эмас, бор. Фақатгина заиф жинларнинг чалама-чатти маълумотлари, холос.

— Йўқдан кўра бори, эшитамиз — деган талаб бўлди шаҳар раисидан.

Ахборот берувчи раисга қуллуқ қилиб, гапида давом этди:

— Айтишларича, у ўласи қилиб калтакланган. Яна айтишларича, у бизнинг «Думи тугуклар» мадрасамиз ҳақида оҚзидан гуллаб қўйган. Нимагадир, у бобокалонимиз Азозилнинг номи билан қасамлар ичган.

— Калима келтириб қўймаптими, ишқилиб,— зардаси қайнади раиснинг.

— Унақа совуқ гаплар йўқ.

— Қандай бўлмасин, йўлини топинглар, уни бу қафасдан олиб чиқинглар,— деди раис.

— Уни бу қафасга ўзимиз тиқдик-ку, шуни хоҳладик-ку, яна нимага олиб чиқишимиз керак?— деди таълим ва тарбия шўъбасининг бошлиҚи.

— Таклифингиз? — деди раис тутоқиб.

— Шундай қилишимиз керакки, у бирданига машҳури олам бўлиб кетсин. Унга на чол, на кампир, на мишиқи болалар қўл кўтара олсин. Ўамма унга қуллуқ қилсин, ҳавас қилсин. Соясига кўрпача солсин. Яқинда одам болаларидан биттаси мусобақада жаҳон чемпиони бўлди. Самолётданоқ карнай-сурнайлар билан кутиб олишди. Унгача уни ҳеч ким танимасди. Бирпасда аллада азиз, тўрвада магиз бўп қолди. Айтгани айтган, дегани деган. Биз ҳам қаҳрамонимизни шундоқ қилишимиз керак.

— Яхши таклиф, ишга киришинглар, бўлмаса,— амр қилди раис...

## АЖАБ САВДОЛАР

*(ёки кутилмаганда Шайтонваччани*
*қидириб келишгани)*

Эртаси куни кампир Шайтонваччанинг яраларига шўр пахта босиб ўтирган эди, Ўожи отанинг номини айтиб биров келиб қолди. Кампир уни таниб:

— Ке болам,— дедию ўз иши билан овора бўлаверди. Келган одам аҳволни кўриб, капалаги учди:

— Вой бў-ў-ў... бу бечорани ким бунчалик бежади хола?

— Буни қўёвур, ўзингдан гапир, мактабинг ўлгурга яна нима керак бўп қолди? Ўожи отани тинч қўясанларми, йўқми. СоҚин сигир қилиб олдиларинг-ку, а?

— Э, бу гал бошқа масалада келдим, холажон,— деди келган одам.

— Нимайкан ўша масаланг?

— Машу болангизни сўраб келувдим, аҳволи чатаҚ-у... Шайтонвачча дум ётар, келган одамни кўрмас эди.

— Бу боламни нима қиласан?— ҳайрон бўлди кампир.

— Кураш мусобақасига обкетмоқчи эдим. Зўр, халқаро мусобақа.

Шайтонвачча ётган жойида ўйлай бошлади. Бундан чиқди кампирнинг невараси полвон бўлган экан-да. Кеча ариқ бўйида болалар бекорга унга гиж-гижлашмаган экан-да.

— Тавба, бир-иккида буни ўшанақа жойга олиб бориб, мазахўрак бўлувдингми, бор ишингдан қолма.

— Ўалиям бола бечоранинг курашадиган холи қолмапти. Эссизгина. Аммо, лекин хола сиз бориб турган жаллод экансиз. Шунчалик қиласизми-а, етимчани. Мен бу ишни шундоқ қолдирмайман. Участковойга айтаман.

— Вой-вой-ей, — деди кампир ўзини бепарво кўрсатиб, — жа қўрқитвординг-ку. Сен яшшамагур, «болани урсанг эти қотар» деганларини эшитмаганмисан? Мен бу боламни шунақа қилиб пишираман, у шунақанги пишсинки на ўтда ёнсин, на сувга чўксин. Сенга ўхшаган аммамни бузоҚи бўлмайди. Темиртанли паҳлавон бўлади... Ўаҳ, сен буларни қаттанам билардинг? Сени мактабингда бунақаларни ўқитишмайди. Қадимги тилда буни муолажа дейдилар. Ишонмасанг Ўожи отангдан сўра.

— Э, — деди ҳалиги одам кампирнинг тузоҚига осонгина илиниб, — гап бу ёқда, денг. Кеча менинг энг кучли полвоним шу болангизни ҳийла билангина йиқитганмиш. Ўийла ишлатмаганимда шарманда бўлардим, дейди. Бўлмаса у қанақа полвонки... Кураги ерга тегмаган. Сири бу ёқда экан-да. ¤ша полвоннинг гапига бўла келувдим ўзим ҳам. Шу десангиз холажон, мени бир-иккита хомсемиз полвонларим бор, пул сарфлаб қайдан-қайларга олиб бораман, денг. Нуқул такка тушиб, шарманда қилишади. ¤шаларниям бир пишириб берсангиз бўларкан. Рост айтасиз, полвон қилишнинг бунақа қадимий йўлларини институтда ўқитишмаган, билмаймиз.

— Мени аврамай қўяқол, аҳмоҚинг йўқ. Мактабинг ҳар йили неварамни ўқишга олмай келади.

— Мусобақада неварангиз ютиб чиқса, мактабга ўзим олдираман! Айтдим-ку бу кураш халқаро кураш деб. Бутун дунёдан келишади.

— Гапинг, ростми?

— Қасам ичайми, холажон?

— Йўқ, қасамми ёмон кўраман. Курашинг қачон?

— Уч кундан кейин, эртага жўнаб кетишимиз керак.

— Бўмайди.

— Нимага?

— Сигир, бузоқлар оч қолади, товуқларнинг катагини ким тозалайди?

— Хизматингизга иккита шогирдимни қолдираман, бурнини ишқаб ишлатасиз. Фақат...

— Нима пақат?

— Неварангиз бу аҳволда курашга ярармикан, шундан келинг.

— Бу ёҚини менга қўйиб бер, эртагача сен кўру, мен кўр бўп кетади. Ўа, танимай қоласан.

— Келишдик...

## ШАЙТОНВАЧЧА ЧЕМПИОН

*(ёки унинг бир кунда машҳури олам бўлиб кетгани)*

Ўзги таътил бўлишига қарамай, қишлоқ мактабида кутилмаганда карнай-сурнайлар чалиниб қолди. Дор ўйин келиб қолдимикан, деб эшитганлар шу томонга шошилишди. Катта чинор тагига қўйилган юмшоқ ўриндиқларда мактаб директори, унинг ёнида Шайтонвачча, ундан кейин оҚзи кулоҚида бўлиб, спорт ўқитувчиси ўтирар эди.

— Азиз ҳамқишлоқлар, — деди мактаб директори тўпланганларга қараб, — биласизлар бизнинг қишлоқ полвонлари билан ном чиқариб келяпти. Бугун яна бир катта хурсандчилик. Ўаммамиз учун ҳурматли бўлган Ўожи отамизнинг набираси, мактабимизнинг фахри, аълочи ўқувчимиз Кавсаржон халқаро спорт мусобақаларида қатнашиб, югуришнинг учта тури бўйича, белбоҚли курашнинг битта тури бўйича чемпион бўлиб, бир эмас, тўртта олтин медални қўлга киритиб қайтди, бунақаси спорт тарихида ҳеч қачон бўлмаган, қарсакларингиз...

— У-у-у...

— Қойил...

— Ўожи отанинг невараси бўлгандан кейин бўлади-да!

— Вой ўлай, бу ҳов бирда йўлимизни қип-яланҚоч тўсиб чиққан боламасми, хотинлар?

— Қаранглар, полвон экан-а. Биз уни шайтон деб, кесакбўрон қилиб ўтирибмиз.

Шайтонвачча одамлар орасидан кесакка тутган хотинни таниб қолди. Ўа, уни кўриши билан бутун вужудига қайтадан оҚриқ кириб кетди. «Шошмайтур, деди ичида, сен хотинни бошингга ит кунини солмасамми».

Катталарга қўшилиб, бу ёқда болалар чувиллашарди:

— Жинниларнинг деви борлиги рост эканми?

— Азамат Қирромлик қипти. ¤зи шундоқ деди. Бўлмаса йиқита олмас экан...

Болалар орасида Азамат деганлари Шайтонваччага ҳам ҳасад, ҳам ҳавас билан қараб турарди. «Сен Азамат, айбингни бўйнингга олибсанми, мард бола экансан, гуноҳингдан ўтдим» деб қўйди Шайтонвачча ичида. Қарсаклар, олқишлардан кейин Шайтонваччанинг шунақанги бурни кўтарилиб кетдики, қилдан қийиқ қидириб қолди. Директорни қаранглар, деди у ўзига-ўзи, уялмасдан шунча одамнинг олдида ёлҚон гапириб ўтирибди-я. «Мактабимизнинг фахри, аълочи ўқувчисимиш. Суфе... «Спорт ўқитувчисини қаранглар, оҚзи кулоҚида. Хурсанд бўлади-да. Шайтонвачча олган олтин медалларни сохтасига алмаштириб қўйгандан кейин. Иймонсиз. У қилган ишини шайтон

ҳам қилмайди. Яна устозмиш. Шайтонвачча ҳар бир олтин медални тақдим қилишганида, тишлаб кўриб, киши билмас ўз муҳрини босиб қўйган эди. Алмашганини шундан билиб қолди. Медалларни ҳали шундай қайтариб олсинки... Шайтонвачча ўтирган жойида тобора ҳаволаниб борар эди. Ўозир директорни ҳам, спорт ўқитувчисини ҳам шармандасини чиқарсаммикан-а? Ота-оналар болалари тарбиясини кимларга ишониб қўйишганини бир билиб қўйишсин. Шу пайт директор табассум билан Шайтонваччага сўз бериб қолди:

— Ўаяжонли воқеаларни энди чемпионимизнинг ўзларидан эшитамиз, қарсакларингиз...

Шу пайт чинор шохлари қаттиқ силкиниб, тўпланганлар безовта бўлиб қолди. Кутилмаганда Шайтонваччанинг юзига «қарс» этиб тарсаки келиб тушди. Буни Шайтонваччадан бўлак хеч ким билмай қолди. Шайтонвачча шошиб юзини силаб қўйди. Шу пайт чап қулоҚининг тагида Ажинашамол пайдо бўлди. «Эсингни йиҚ галварс, кимларни шарманда қилмоқчисан, ахир булар ўзимиздан-ку». Шунда Шайтонвачча беихтиёр чап томонига қараб:

— Ажинашамол, қадрдоним, — деб юборди. «Гур» этиб кулги кўтарилди. Чап томонида ўтирган спорт ўқитувчиси чемпион менга лутф қиляптилар деб, ўрнидан туриб, куллуқ қилди. Ажинашамол қараса иш пачава, лик этиб Шайтонваччанинг ўнг тарафига ўтди-да, ўнг қулоҚига шивирлади: «Номимни тилинг-га олма-я, номард, сиримиз фош бўп қолади-я».

— Ахир ҳаммаси ёлҚон-ку, мен мактабда ўқимайман-ку, — деб Шайтонвачча энди ўнг тарафига қаради. Ажинашамол шу тарафда эди-да. Бу тарафда керилганича директор ўтирарди. Яна «гур» этиб кулги кўтарилди. «Ўе аммамни бузоҚи, қовун тушириб бўлдинг, «Раҳмат» дегин-да, жойингга ўтир», дея Ажинашамол Шайтонваччанинг ҳиқилдоҚидан олиб қолди. Шайтонваччанинг нафаси бўҚзига тиқилиб, жўжахўрозга ўхшаб бир қийқирдию, жойига ўтирди. Яна қарсакбозлик бўп кетди. «Боласи тушмагур ҳақ гапни айтди» деган хитоблар бўлди. Аҳволни юмшатиш учун спорт ўқитувчиси ўрнидан турди:

— Мусобақа кунлари чемпион билан кўп ҳасратлашдик. Болалигимни гапириб берган эдим. «Ажинашамол» менинг болаликдаги лақабим. Бир вақтлар юз метрга югуришда менга етадигани йўқ эди. ОёҚим синиб, ўқитувчи бўп қолдим. Мен эришмаган ютуқларга мана шогирдим эришиб турибди. Шогирдимнинг ютуҚи менинг ютуҚим...

Тўртта олтин медални сохтасига алмаштириб олганингдан кейин ютуқ сенда бўлмай, кимда бўлади, Қижиниб қўйди ичида Шайтонвачча. Шошмай тур, ҳали бу ишингга кўп пушаймонлар бўласан.

Спорт ўқитувчисидан кейин директор ўрнидан туриб деди:

— Ўаммамиз учун ҳурматли бўлган Ўожи отамизнинг набираси, тўрт карра чемпион Кавсаржон мактабимиз, қишлоҚимиз, туманимиз номидан мусобақада қатнашибдими, у албатта, биззи ўқувчимиз бўлади-да. Уни тарбия қилаётган Ўожи отага, бувисига минг раҳмат. Чемпионимиз сентабирдан хоҳлаган синфига кириб ўқийверади. Уни аълочиларга етказволиш биззи тан, шу ҳам қийин иш бўптими...

Шундай қилиб Шайтонвачча бир кунда машҳури олам бўлди, қолди. Аммо мусобақада нималар бўлгани, қандай қилиб тўрт карра чемпион бўлиб олгани фақат унинг ўзигаю Ажинашамолга аён эди. Агарда Ажинашамол бўлмаганда, бунақа кўтар-кўтарлар қайда эди.

## МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИ

*(ёки Шайтонваччанинг кесакбўрон қилган хотиндан ўчини ола бошлагани...)*

Тонг отиб, қуёш нурлари атрофга ёйилиб, катаклардаги товуқлар безовта қақаҚлай бошлаган... Дакан хўроз қичқиришни бас қилиб, товуқлар атрофида айланишар, Ўожи ота ҳар доимгидек қайгадир шошар, (балки жанозага, балки худойигадир) кампири у кишининг кийимларини тузатиб, атрофида айланар эди. Шу пайт дарвоза тақиллаб, ҳовлига башанг кийинган, бошяланг бир хотин кириб келди. Чол билан кампир унга иссиқ қарашди. Хотин қўлини кўксига қўйиб, мулозамат билан салом берди:

— Ассалому алайкум Ўожи ота, Ассалому алайкум Ўожи она.

— Ва алайкум ассалом, қизим,— деди Ўожи ота бетоқат бўлиб.

— Ўожи она деган тилингизга шакар,— деди кампир,— Ўожи отангиз мени оро йўлда қолдири-и-и-б ҳажга ўзлари кетганлар, ҳа Ўожи она бўлиш бизга насиб қилмаган, айланай ...

— Вой нима қипти, Ўожи отанинг хотини бўлганингиздан кейин, сизам Ўожи онасиз-да. Ўожи отамлар сизсиз жаннатга кирмасалар керак. ТўҚрими Ўожи ота?..

— ТўҚри, тўҚри,— деди Ўожи ота шошаётганини билдириб,— келинг хизмат, қизим?

— ¤қитгани келувдим Ўожи ота.

— Кеч қопсиз-да, қизим кун ёйилиб кетди-ю, энди эртага саҳар ёки асрда келсангиз ўқиб қўяман... Аллоҳнинг фаришталари субҳи содиқ билан асрда ўрин алмашадилар, қилинган дуоларни олиб, Аллоҳнинг ҳузурига чиқиб кетадилар...

Кутилмаганда ҳалиги хотин хандон отиб кулиб юборди. Овози ҳовлида чинни пиёладек жаранглаб кетди. Шайтонвачча ҳаммаёқни чинни-чироқ қилиб, сув сепиб, супуриб жаранглайдиган қилиб қўйган эди-да.

— Мен унақа ўқишгамас, Ўожи ота, Худога шукр отдекман, чемпион неварангизни ўқитгани келдим. Сентабргача саводини чиқаришим керак экан. Буйруқ шунақа, Ўожи ота. Биззи ўқишимизни фаришталарингизни тушиб-чиқишига ҳечам алоқаси йўқ, хоҳлаганда ўқитаверамиз.

— Э, шунақами? — бирдан Ўожи ота қувониб кетдилар. Қаёққадир шошаётгани ҳам эсидан чиқиб, узундан-узун дуо қилдилар: — Яккаю ёлҚиз боламни ўйлабсизларми, илоҳо сизларни Аллоҳ ўйласин, икки дунёда кам қилмасин...

Дуодан ўқитувчи хотиннинг нимагадир пешонаси тиришди. Дарровда дилидагини тилига чиқара қолди:

— Локин Ўожи ота, дуо билан иш битмайди, сабаби тирикчилик, озроқ чиқими бор, соатига бунча, — деб хизмат ҳақини айтди.

— ¤ҳ-хў-ў-ў,— деб юборди кампирнинг капалаги учиб, ўзимизни бозорга обчиқиб сотсак ҳам бунчага олмайди-ку, унча пулни қаттан оламиз, айланай?

— Майли,— деди чол чаккасини қашиб,— илмга қанча сарфласа шунча савоб, унда кунига бир соатдан дарс ўтақолинг. Уч, тўрт соатга камхаржроқмиз, қизим.

— Вой,— деди ўқитувчи хотин лабини буриб,— атиги бир соатми, шундан-шунга овора бўлиб-а, жилла қурса кунига уч соат денг, Ўожи ота.

Савдолашиб, кунига икки соатдан ўқитишга келишишди. ¤қитувчи хотин айтган пулини олдиндан қуртдек қилиб санаб олди.

Шайтонвачча бу манзараларни бир четкада кузатиб турар, ўқитувчи хотинни кўргандаёқ танасига оҚриқ кириб, ўзини зўрҚа тутиб турарди. Одатда шайтону жинлар ўта кекчи бўладилар. Одам болаларидан ўзларига бирон зиён-заҳмат етдими ўн, юз,

минг баробар қилиб ўчини олмагунча тинчишмайди. Бу хотин ўша куни Шайтонваччани кесакка тутган ва мўлжалга урган эди. «Ўаҳ, эрта кунда қўлга тушдинг-ми, шошмай тур, яна ўз оёҚинг билан келдинг-а, қандоқ қилсам хумордан чиқар эканман-а?» ўйларди Шайтонвачча. Шу пайт Шайтонваччанинг калласида бир нима «ярқ» этиб кетди. Одатда ялангбош хотинларнинг бошига жинлар алвон рўмолини ташлагувчи эди. Бу хотиннинг бошига қанақаси ташланди экан? Гапга кирадиганими ё эшакдек қайсарими? Шайтонвачча диққат билан қараса, аёлнинг бошида Қарибгина бир жин ўтирибди. Шайтонвачча билдики, унга сўзи ўтади. Шундай бўлса ҳам олдинига пўписа қилиб, бир ўқрайиб қўйди. Жин титраб, қақшаб «буюрсинлар» дегандек, унга қўл қовуштирди. Шайтонваччадаги имкониятлардан яна бири заиф жинларга ўз ҳукмини ўтказа олиши эди.

— Ўозироқ бу хотиннинг оҚзига ел чиқаришни бошла,— деб амр қилди Шайтонвачча унга. Жин ҳеч бир иккиланмай, ифлос жойини аёлнинг тилла тишли оҚзига тўҚрилаб, ишга киришди. Аёлни бирдан эсноқ тута кетди. Шундай бўлса ҳам у Шайтонваччани эркалаб, полвон йигитдан олиб, полвон йигитга солиб, дарс ўргатгани кампир кўрсатган сўри томон бошлади. Кампир набирамнинг зеҳни бир пулга арзирмикан ё пулга куйиб қолаверамизми, деган ҳадикда уларга эргашди. Аммо аёлнинг оҚзи каппа-каппа очилиб, ҳадеганда дарс ўта олмай қолди.

— Вой-ей,— деди у қирҚоққа чиқиб қолган балиқдек ўзини у ёқдан, бу ёққа ташлаб, — полвон йигитга ёмон кинна кирибдику-а, Ўожи она? Бай-бай, кирганда ҳам жа суқатойи кирибди. Ўай-й-й... во-й-й-й...

— Вой айланай, сиздан,— деди кампир елкасига қоқиб,— сиз орқалик хотин кўринасиз, бош-оёқ сарупо қилиб келсангиз, кинначиликни бўйнингизга қўйиб бераман, ҳа! ¤қитувчиликдан минг марта яхши. ЁҚ ичида яйраб қоласиз...

— Орқалик дедингизми, Ўожи она, одамни қўрқитманг-да, бунақа,— деб хотин бели аралаш орқасига қараб қўйди.

— Орқалик деганим, фаришталик деганим, айланай, қўрқманг... ҳаммаям орқалик бўлсин-чи...

— Йўқ, бувижон,— деди Шайтонвачча суҳбатга аралашиб,— бу опамнинг бошида қизил рўмолини ёйиб, битта қоп-қора жин ўтирибди. ¤ша жин оҚизларига тўхтамай ел чиқариб ётибди, ўшанга эснаяптилар...

— Туф-туф-ей... вой ўлдим, войдод... мен жиндан қўрқаман, бир нима қилинглар, ҳайданглар жинни — деб кампир билан Шайтонваччага ялина бошлади аёл. Кампир рост гапиряпсанми дегандек, Шайтонваччага ҳайрон бўлиб қаради. Шайтонвачча кампирга кўз қисиб қўйди. Кампирнинг кўзлари бир аҚдарилиб тушди. Аммо Шайтонвачча бўш келмади. ¤ч олиш фурсати келганини билиб, аёлга деди:

— Жинни ҳайдашни ўзи бўмайди-да, опа айланай, сабаби тирикчилик, бизда ҳам нафс бор,— деди.

— Вой мен пулни қаттан оламан полвон йигит, бир бечора ўқитувчи бўлсам. Қарзга бўлса ҳам ҳайданг, ойлик олсам бераман...

— Қарзгамиш, яна бечорамишлар, ҳозиргина Ўожи отамдан куртдек қилиб санаб олдингиз-ку. Пул бўлмай нима у?

— Вой уми, уни ярми директорники, бўлақолинг, оҚзим йиртилиб кетай деяпти? Ўай-й-й... во-й-й... менда ҳам қолиб кетмас...

— Ярми директорники бўлса ўзингизникини чўзинг.

— Инсоф қилинг, полвон йигит, тўртдан бирига розиман... ҳа-й-й, во-й-й-й...

— ¤зингиз дарс ўқитгани тўртдан бирига рози бўлмадингиз-ку, мен ҳам рози бўлмайман. Қани, ҳов бўшашма,— деб Шайтонвачча жинга ўшқириб қўйди. Ел чиқарвориб бўшашиб қолган жин яна кучанишга тушди.

— Войдод... ўлиб қоламан,— деди хотин кўзлари орқага кетиб,— худди товонимга қоласизлар-а... майли яримига бўлса ярмига, розиман...

— Олдин чўзинг...

— Олдин жинни ҳайданг...

— Нақтига ишлаймиз...

— Нокас экансиз, полвон йигит.

— Устозим сиз бўлгандан кейин, қаёққа ҳам бордим, а лаббай!

Пул шайтонваччанинг қўлига теккандан кейин у жинга амр қилди: «Яшавор менинг содиқ аскарим, энди бу ишингни бас қилиб тур» деди-да, аёлнинг юзига «суф» деб юборди. Муаллиманинг оҚзи охирги марта очилдию, юмилди-қолди. «Суф» дейиш билан Жин ҳовлининг бир бурчагига бориб тушди. Бир зумда аёлнинг кўзлари мошдек очилиб, ўзига келди.

— Вой-й-й,— деди у Шайтонваччани энди кўраётгандек, дамингиз шунақа ўткирми, Ўожи ота уч кунда қиладиган ишни сиз биттада қилдингиз-а, мана буни илму жоду деса бўлади. Минг қилса ҳам Ўожи отанинг неварасисиз-да... Бошимдаги жин ўлгур кетдими, ишқилиб, энди қайтиб келмайдими, — қўрқиб сўради аёл.

— Буниси ўзингизга боҚлиқ, жинлар бошяланг юрган хотинларни айлантиришни яхши кўришади.

— Вой айлантирмай ҳар нарса бўлсин, бундан чиқди ҳамма бошяланг хотинларни... а? — деб дудуқланди хотин.

— Жа ҳаммасинимас, уларам палаги тозаларини қидиришади. Сиззи палагингиз тоза экан.

— Вой, секинроқ айтасизми, полвон йигит. Менинг бобомнинг боболарини боболари шунақанги азайимхон бўлганки, нақ дарёни тескари оқизган. Қуръон ўқисалар, булбуллар соқов бўп, оёқларининг тагига таппа-таппа ташлашган, осмони фалакдан булутлар тушган, ҳа. Бир куни бобомларнинг бобосини бобоси саҳарлаб ҳовлига чиқсалар кўлмак сув бетида бир парча оппоқ булут сузиб юрганмиш. «Ўа жонивор, Қуръонга ошиқ бўп тушдингми», дептилар-да бир тоҚора сувга олиб қўйиб, Қуръон ўқиб берибдилар. Булут бўлса аста-секин семириб, осмони фалакка чиқиб кетган экан. Мен ана шунақа азайимхонларнинг зурриёти бўламан! Локин рўмол ўраш масаласида сал қийин савдони айтдингиз, полвон йигит. Нимаям қилдим, қаёқдаги жинларга ўйнаш бўлгандан кўра, рўмол ўраган яхши эмасми? Эссизгина-я, анави пулга унақа рўмолдан қанчасини берарди-я, ё битта, иккита рўмоллигини қайтиб берасизми-а? — дея Шайтонваччани аврай бошлади ўқитувчи.

— Йўқ, қўлга кирган нарса қайтиб чиқмайди. Манг буви, пулни олиб қўйинг, ҳали отам келсалар ўзларига қайтариб берасиз. Пуллари ҳалол экан, ўзларига қайтди.

— Ўечамда, бу пулни ўзимиз ишлаб топдик, ҳаппа-ҳалол,— деб зипиллаганича уйга кириб кетди у. Кампиршо тентакка чиқариб қўйган неварасининг гап-сўзларига ҳалидан бери беш кетиб ўтирарди. Унча-мунча катта одамнинг калласига келмайдиган гаплар. Жинларни кўрадиган азайимхон бўлиб қолгани-чи? Вой тавба... Буларнинг барига ўша кунги муолажа сабаб деб биларди, кампир.

— Зорим бор, зўрим йўқ, полвон йигит, битта рўмоллик бермасангиз берманг, келинг, дарсни бошлай қолайлик. ШундоҚам дарснинг бир соати савил кетди... Муаллима бир-икки бурнини тортиб, чиройли кўзларини ўйнатиб қўйди. — Мен сизга

карра жадвалини ўргатаман, унга қалам, дафтар кеpакмас. Калла керак. Ўозир калкулатор деган бир балолар чиққан. Каттаю кичикнинг калласи ўшасиз ишламайди. Ўа «бўм-бўм» бўп қолишган. Биз сиз билан калкулаторсиз дарс қиламиз. Минг йиллик, қадимги усулларни қўллаймиз. Ўа, бошладик бўлмаса, оҚзимдан чиққанини қайтараверасиз. Шундай қилиб: нол карра бир — нол, нол карра икки — нол, нол карра уч — нол... бир карра бир — бир, бир карра икки — бир, бир карра уч — бир... Ўа полвон, оҚзингизга талқон солиб олдингизми, бунақада анови пулларни қайтариб олишимга тўҚри келади-я!

Шайтонвачча бошини эгиб, «миқ» этмай ўтираверди.

— Ов, — деди кампир пулнинг қўлдан чиқиб кетишидан қўрқиб, — менинг болам анови куф-суфларга полвон экану бунақа илмларга бўмасакан. Эссиз, Худо хайрингизни берсин, қизим, дарсни шетта тўхтатиб, эртага келмай қўяқолинг. Мендан пул олишингиз қийин. Овора бўласиз...

Шайтонвачча атайлаб ўзини гўлликка солиб ўтирарди. У бир пайтлар катта аканинг елкасига миниб олиб, карра жадвалини яхшигина ёдлаб олган, ўқиш китобидаги ҳарфларни ҳам дурустгина билар, ёзишга ҳам қўли келиб қолган эди. Охири гап пулга тақалгач, тилга кирди:

— Қулоққа лаҚмон османг, мулла опа...

— Нима? — ¤қитувчи бир сесканиб тушди.

— Карра жадвали сиз айтгандек, нолдан ҳам, бирдан ҳам бошланмайди, икки карра иккидан бошланади. Қани ўзлари марҳамат қилиб айтсинлар-чи: саккиз карра тўққиз неччи бўлди, саккиз карра етти-чи, олти карра тўққиз-чи?

— Вой бў-ў-ў... нималар деяпсиз, полвон йигит, бунақа катта сонларга калкулатор керак-ку...

— Мен калкулаторсиз ҳам айтиб бера оламан, — деб Шайтонвачча карра жадвалини бир бошдан тўхтамай айтиб ташлади. Опанинг оҚзи очилиб, бақа бўлиб қолди.

– Энди қолган пулни ҳам бу ёққа чўзинг, ўқитувчимисиз, нонингизни бундоқ ҳалоллаб енг-да.

Шайтонваччани саводсиз деб, эламай ўтирган ўқитувчи  бу гаплардан кейин адойи тамом бўлди.  Ўожи отадан олган пулнинг қолганини ҳам қандоқ қилиб чиқариб берганини билмай қолди. Кампирнинг оҚзи кулоҚида, ҳузур қилиб пулни санаш билан овора. Шайтонвачча бу билан ҳам тинчимади. Опанинг хонумонини биратўла куйдирмоқчи бўлди:

— Қишлоқдагиларга айтаман, энди болаларини сизга  ўқитишмайди. Сиззи каллангиз нимаю қовоқ нима. Эссизгина диплом, эссизгина болаларнинг умри... Ўа, эртага мен билан  учрашгани бутун дунё мухбирлари келишади, ўшаларга ҳам айтаман. Билиб қўйишсин, қишлоқда саккиз карра саккиз неча бўлишини билмайдиган ўқитувчилар дарс беришини.  Сиз киннакашликдан бошқага ярамайсиз, опа.

Муаллима опанинг капалаги учди. Иш бунчаликка бориб етишини кутмаган эди. Ўайкалдек қотди, қолди. Қандайин балога йўлиқиб қолди экан? ¤лай агар бу бола эмас, балони ўзи. Қўлидан ҳар нарса келади. Уни ҳозир ошиҚи олчи, кимсан чемпион. Айтгани айтган, дегани деган. Бўлмаса, шундоқ бўйни йўҚон директор паст тушиб, чемпионни ўқитиб ке деб жўнатармиди? У ҳам ўзидан қўрққанки, шундай қилган. Мухбирлар дарагини эшитиб, опанинг жон-пони чиқиб кетди. Астойдил бўлиб, йиҚлашга тушди.  Бола-чақасини ўртага қўйди, ялинди, ёлворди, шарманда қилманг, деди.

Шайтонвачча бир поҚонаям пастга тушмади. Айб муаллиманинг ўзида. Шайтонваччанинг тагига ўзи тушиб берди-ку. Шундай бўлгач, аяб ўтирадими? Ўеч қачон!

— Жон холажон, жон полвон йигит, шу гап шетта қолсин, кўчага чиқмасин,— эси оҚиш даражасига бориб қолди муаллима опа. – Бўлмаса ўзимни ўзим осаман...

— Кўкидан борми опа? — деди Шайтонвачча ишшайиб,— кўкидан бўлса, гулдир-гуп, туя кўрдингми? Йўқ!

Муаллима опа шошиб дўппайиб турган кўкрагидан битта юзталик «кўки»ни олиб Шайтонваччанинг олдига ташлади. Кампирнинг кўзлари юзталикка тушиб ўйнаб кетди...

— Наригисидагини ҳам олинг, мен барини кўриб турибман, — сурбетликка ўтди Шайтонвачча.

Муаллима опа унисидаги «юзталик»ни ҳам олди-да, Шайтонваччанинг башарасига отдию, кўчага қараб югурди.

— Ўай, қизим,— деди кампир орқасидан, — киннакашлик нима бўлади, киннакашлик?..

Муаллима опа, ҳатто, орқасига қараб ҳам қўймади.

— Эссизгина, қалмоққа илинувди-я,— деди кампир бош чайқаб.

— Ташвиш қилманг бувижон, у хотин тез кунда бош-оёқ сарупо билан ҳузурингизга кириб келади, мана мени айтди дейсиз.

— Аммолокин болам, бечорага жавр бўлди, куппа-кундуз куни қип-яланҚоч қилдинг-а, бирни деб, мингдан айрилди-я...

— ¤зидан кўрсин, беш қўлини оҚзига тиқмасин эди.

— Рост айтасан, ақлингдан ўргилай, сени, — деб «юзталик»ларнинг тахини силаб-силаб қўйди кампир. Аммо қўлига катта пул тушгандан кейин нияти бузилди. – Шу десанг болам, манови пулларни Ўожи отангга айтмай қўя қолайлик, нима дединг, гиргиттон?

— Нега энди, бувижон?— ўзини жўрттага гўлликка солди Шайтонвачча.

— Чолни кўриб турибсан, шарти кетиб парти қолган, ўлиб-нетиб қолса бир кунимизга ярайдими дейман-да, болам.

Шайтонвачча бу ҳовлида ўзига ишончли тарафкаш топилганидан қувониб кетди. Кампир Қирт Хожабеканинг ўзи экан. Бундан дили яйраб, калласида бир дунё шайтоний режалар айлана бошлади. Лекин хурсандлигини кампирга сездирмади.

— Билганингизни қилинг, бувижон, — деб қўя қолди.

— Тилингга шакар...

## МУХБИРЛАРНИНГ КЕЛИШИ

(*Шайтонваччанинг яна ҳам машҳур бўлиб кетиши*)

Катта чинорнинг таги яна одамлар билан гавжум. Аввалгидек карнай-сурнайлар чалиниб ётибди. Одамлар дор ўйин келди деб яна алданишган. Бир томонда газета, журнал, радио ва телевизордан келган мухбирлар. Минбарда яна Шайтонвачча, спорт ўқитувчиси, мактаб директори, улар ёнига Шайтонваччанинг янги устози муаллима опа ҳам қўшилган. Томошабинларни икки ўртада бўладиган савол ва жавоблар қизиқтиради. Мактаб директори матбуот хизмати ходимлари билан учрашувни очиқ деб эълон қилгандан кейин мусобақа бошланди.

— Марҳамат қилиб чемпионимиз ўз исм ва фамилияларини айтсалар?

— Исмим Шайтонвачча. Шайтонбек дейишингиз ҳам мумкин. Фақат Шайтонқул деманг. Қулликни ёмон кўраман. *(Кулги)*

— Фамилиянгиз?

— Шайтонов.

Кулгидан чинор барглари зириллаб кетди. Ўалидан бери чирқиллаб, асабга тегаётган қушлар «гурра» осмонга кўтарилди. Шайтонвачча ҳали ўзининг янги исмига ўрганмаган, фамилиясини ҳам билмас эди. У жавоб тополмай таваккал қилиб тўҚрисини айтиб юбора қолди. Билади, бари бир одамлар ишонишмайди. Майнавозчилик қиляпти деб ўйлашади. ¤йлашса, ўйлашаверишсин. Бунинг устига директор мухбирларнинг саволига қисқа-қисқа жавоб бериш керак, бўлмаса бошини оҚритворишади деб тайинлаб қўйган. Каллани қандоқ қилиб оҚритишни Шайтонваччага қўйиб беришсин.

— ТўҚри гапгаям куладими,— деди Шайтонвачча мухбирларга қараб. Яна гурра кулги кўтарилди. Бу сафар чинордаги қолган-қутган қушлар ҳам учиб кетди. Мухбирлар Шайтонваччанинг жавобини «шу ҳам савол бўлдию» деганга йўйиб қўя қолишди.

— Нечанчи синфда ўқийсиз?

— Мен хоҳлаган синфимда ўқийвераман, — деб Шайтонвачча директорга қараб қўйди. Директор бош ирҚаб, Шайтонваччанинг жавобини тасдиқлади.

— Чемпионимизнинг саводлари қалай? Эшитишимизча чаласаводга ўхшайди.

— ¤зларидан сўрасак? — дея телекамера кўтариб турган мухбирга қаради Шайтонвачча, — марҳамат қилиб, айтворсинлар-чи, саккиз карра саккиз неччи бўлади, олти карра тўққиз-чи?

— Калкулаторим уйда қолиб кетибди, — деди мухбир ҳам кулиб.

— Унда елкангиздаги нима у? — деб калласига ишора қилди Шайтонвачча.

Мухбир ҳам бўш келмади:

— Ошқовоқ десам кўнглингиз жойига тушадими?

— МуҚамбирлик қилманг, у Худо берган калкулатор бўлади, уни ишлатишни билиш керак.

Яна кулги. Тўпланганлар Ўожи отанинг набирасини тобора яхши кўриб қола бошлашди. Мухбирлар чемпионнинг тагдор гапларидан сергак тортиб, энди жиддий саволларга ўтишди:

— Ўаётдаги энг яқин дўстингиз?

— Ажинашамол,— деб Шайтонвачча яна ростини айтди. Уни ҳали одам болаларидан бирорта ҳам дўсти йўқ эди.

Спорт ўқитувчиси шошиб ўрнидан турди-да, бир чемпионга, бир мухбирларга қуллуқ қилиб:

— Ажинашамол каминанинг болаликдаги лақаби,— деб қўйди.

Вой устамон-ей, ҳамма нарсани ўзининг фойдасига ҳал қилади-я, деб ичидан Қижиниб қўйди Шайтонвачча.

— Устозингиз?

Шайтонвачча «ярқ» этиб муаллима опага қаради.

Опа бу қарашни ўзича тушуниб, карра жадвалини шариллатиб айтиб ташлади.

Шайтонвачча устозини шарманда қилмоқчи эди, режаси амалга ошмади. Мактаб директори муаллимага «яшанг, баракалла» дегандек мамнун қараб қўйди.

Шайтонвачча:

— Мен шу опанинг шогирди бўламан, — деб қўйди. *(Қарсаклар...)*

— Сизни ўзга сайёралик дейишади, бунга нима дейсиз?

— Битта мен эмас, ҳаммамиз бошқа сайёраданмиз. Ахир Жаннатдан қувилганмиз-ку.

— Чемпионнинг устозига саволим бор,— деб қолди бошқа мухбир, — айтинг-чи опа, сиз намоз ўқийсизми?

— Вой, қаттан олдиз бу гаппи? — дея опа қўрқа-писа директорга қаради.

— Бошингиздаги рўмолингизга қараб сўраяпман.

— Кечирасиз, — деди директорнинг жаҳли чиқиб, — биз мусурмон давлатимиз. Мусурмончилик арконларини бажариш конституциямизда ҳимоя қилинган.

— Мавзудан четга чиқиб кетдик, — деди кимдир тоқати тоқ бўлиб.

— Ўа,— деди Шайтонвачча ҳам уни тасдиқлаб, — саволларингиз тугаган бўлса мен кетаман, у ёқда сигир-бузоқларим оч қолди. Бувимлар келиб қолсалар, нақ ҳаммангизни муолажага тортадилар. Эҳ, қандай ёмон у муолажа деганлари...

— Охирги савол?..

— Армонда қолманг!

— ТуҚилган жойингиз?

— Тавба,— деди Шайтонвачча жаҳли чиқиб. У фалон шаҳар, фалон қишлоқ дейишни ҳали билмас эди. Шунинг учун яна ростини айтиб қўя қолди. — Енг ичида туҚилганман, эшитдингизми енг ичида!

Энди, томошаталабларни кулгидан тўхтатиб бўлмай қолди. Масхарабозлар келиб, маймун ўйнатишганда ҳам бунақа маза қилиб кулишмаган бўларди. ЙиҚилиш тарқаб кетди. Мухбирларнинг калласи ванг. Нимага келишди-ю, нимага эришишди? Ишга шайтонларнинг каттаси аралашганидан бехабар эдилар. Шу пайт одамлар орасида қўлида кув дастаси билан кампиршо пайдо бўлиб қолди-ю! Чемпионга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди.

## ҲОЖИ ОТА ҲАЙРАТДА

*(ёки Шайтонваччада яна бир янги фазилатнинг пайдо бўлиши)*

Кутилмаганда набирасининг катта шов-шувларга сабаб бўлиши Ўожи отани ҳайратга солиб қўйди. Бунинг устига кампири гап билан бир-икки туздек ачитиб олди:

— Ўай чол, бунча беҚамсиз, сув тошса тўпиҚингизга чиқмайди-я. Бола бечорага бундоқ қарасангизчи, бу аҳволда қўлдан чиқиб кетади-ку, етти ёт бегоналарга «Алҳамду» билан «Қулҳуваллоҳуаҳад»ни ўргатиб ётибсиз. ¤зимизни етимчага-чи? Унга ким қарайди?

Ўожи ота Шайтонваччани ҳали ҳам ўша телба набирам деб ўйлар, мусобақада ютган бўлса ютгандир-да, телбаларнинг ақли одатда кучига уриб кетади, нималар қилаётганини ўзи ҳам билмайди деб, бе-парво эди. Қараса шов-шувларнинг даромади катта.

— Кел болам, сенга бир Худони танитиб қўяй,— деди ота бир куни Шайтонваччани ёнига олиб. Шайтонвачча ҳам жон деб эчкининг боласидек отанинг биқинига суқилди. Ота «Фотиҳа» сурасини қироат билан шошмай ўқиди-да, тушунтира бошлади: — Қулоққа яхшилаб қуйиб ол, болам, бу сура «Фотиҳа» сураси бўлади, Қуръони карим шу сура билан очилади, «Фотиҳа» дегани «очувчи» дегани... Чолнинг гапи оҚзида қолди.

— Айтмасангиз ҳам биламан, ота,— деди Шайтонвачча бепарво.

— А?... Ўожи отанинг қоши орқага кетиб, кўзини оқи — оқ, қораси — қора бўлиб кетди. — Қаттан биласан, билсанг айт-чи, — деди Ўожи ота чаккасини қашиб.

Шайтонвачча Ўожи ота ҳозир қандай қироат қилиб берган бўлса, худди шундай қироат қилиб берди. Шунақа салоҳияти борлигини Шайтонваччанинг ўзи ҳам энди сезиб қолди.

— Аллоҳу акбар, Субҳаналлоҳ, — деб бақириб юборди Ўожи ота. Овози ҳовлидан ошиб, кўчагача чиқдиёв. Буни эшитган кампир:

— Ўай, нима гап,— деб ичкари уйдан югуриб чиқди, — а, нима шовқин?

— Нима шовқинмиш-а,— деди чол кампирига қараб, — қани асал болам, ҳозиргини яна бир марта қайтар-чи, бувижонинг ҳам эшитиб қўйсин.

Кампир қироатни эшитиб, кўзларига ёш олди. ¤зини тутиб тура олмади. Шайтонваччанинг бош-кўзларини силаб:

— Болагинамнинг боласи, қантак ўрик донаси, вой овозларингдан бувинг ўргилсин, раҳматлик онасини ҳам овози шунақа ширали эди...

— Сен болам қироатни қаттан ўргана қолдинг?— сабри чидамай сўради Ўожи ота.

Шайтонвачча тўҚрисини айтди:

— ¤зингиз майда болаларга майда сураларни ўқиб дам соласиз, катталарга катта сураларни ўқиб дам соласиз, тешик қулоқ эшитади-да, ота.

— Тешик қулоқ эшитади, дегин? — деди Ўожи ота хурсандлигидан Шайтонваччани баҚрига тортиб пешонасидан ўпар экан, — бу дунёда шундай қулоқлар борки болам, минг марта ҳамду сано айт бари бир, унисидан кириб, бунисидан чиқиб кет-о-о-о-вради, ўшанақасидан Худо асрасин! Мен болаларга кичик: «Ихлос», «Фалақ», «Нас» сураларини ўқиб дам соламан. ПайҚамбаримиз соллалоҳу алайҳи вассаллам шу муборак сураларни ўқиб, ўзларига ҳам дам солганлар. Биз ҳам у кишининг қилганларини қиламиз. Аллоҳ, албатта, шифосини беради. Энди катталарга келсак, уларга «Ёсин»ни, «Бақара»ни ўқимаса бўлмайди. Уларнинг манови ерлари, — деб кўкрагини кўрсатди чол, — тошметин бўп кетган. Катта сураларни ўқимаса, юмшамайди... тошга сув сепдинг нимаю, сепмадинг нима!

Рўпарасида худди катта одам ўтиргандек Ўожи ота ҳушёр тортиб, гапирар эди. Ўатто дилидан кечган бир ўйни неварасидан сўрасаммикан, сўрамасаммикан деб иккиланиб ўтирарди. ТўҚри жавоб олсаю, хўп-хўпа. Тескари жавоб олса-чи, ҳозирги маза қилганлари тунов кунгига ўхшаб бир пул бўлади-да. Ота иккилана иккилана ахири сўради:

— Бу дейман болам, мен ўқиган катта суралар ҳам қулоҚингга киргандир-а?...

— Ўа, ота, — деди Шайтонвачча шошиб,— қулоҚимга бир кирган нарса қайтиб чиқмайди. Бувимлар муолажа қилиб, дам солган «Жин» сураси ҳам калламда турибди. Айт десангиз айтиб бераман.

Чолу кампир бир-бирларига қараб, ҳайрону лол бўлиб қолишди. Кўриб турган кўзларига, эшитиб турган қулоқларига ишонишмас эди. Нималар бўляпти ўзи? Чол «субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ» деб ўрнидан турди-да, йўлидан адашган одамдек, алпанг-талпанг қадам ташлаб тўҚри товуқхонага кириб кетди. Шайтонвачча билан кампир отанинг орқасидан хайрон бўлиб, қараб қолишди. Ўожи ота бўлса қийқиртириб битта хўрозни тутиб чиқди-да, деди:

— Кампир, Худо бизга катта бир неъматни бериб қўйган экану, билмай юрган эканмиз. Шукронасига шу хўрозни эҳсон қилиб юборайлик, нима дединг?

— Ўартугул-е,— деди кампир оҚзи ёйилиб, — қачонлардан бери хўроз шўрвага кўнглим кетиб юрувди, ажаб қиласиз, сўяқолинг. Бу боламга қўй сўйсангиз ҳам кам. Индамай юриб сиззи ўрнингизни босиб қопти-ку, болагинам.

Чол кампирига Қалати қараб қўйди.

— Нотавон кўнгилга кўтир жомашов, деган эканлар машойихлар. Билсанг, эҳсон деганлари жойига тушиши керак. Жойига тушмаса бир эмас, мингтасини хайр-худойи қил бари бекор. Шу... Райимберди уста кўпдан бери ўсал бўп ётибди. Қувватдан қолган. Зора хўроз шўрвадан шифо топиб кетса. Ўозир шернинг ўзига берамиз, обориб беради, — деди Ўожи ота Шайтонваччага қараб. Шайтонвачча «хўп бўлади» дегандек Ўожи отага қўл қовуштирди. Кампир: «Қачон илмингизга амал қиласиз, ПайҚамбаримиз эҳсонни аҳли-аёлларингиздан бошланг деганлар-ку» деб тўнҚиллаб, тўнҚиллаб нари кетди. Шайтонвачча хўп дейишга дедию, иккиланиб қолди. У устанинг уйини билмас эди. Сўрашга юзи чидамади. Чол «шер обориб беради» дедими, демак, у билиши керак. Анови овсар невараси Райимберди устанинг уйини билган. Одамлар сўраб-сўраб Маккани топганда Райимберди устаникини топиш нима бўпти деб, хўрозни қочириб юбормай деб, баҚрига босганча, кўчага чиқди. Одатига кўра йўлни чапдан солди. Райимберди устанинг уйи кўчанинг ўнг тарафида қолиб кетди. ТўҚри, бу томонда ҳам битта Райимберди деганлари бор эди. Аммо унинг лақаби Райимберди алкаш эди. Шайтонваччанинг ички туйҚулари уни ўша алкашникига бошлаб борди. У ҳовлига кириб келганда алкаш яримта ароқни ўртага қўйиб, «газак топиб бер» деб хотинига бақирар эди. Хотини бўлса «бу уй — уй эмас гўристон, ҳечвақо қолмади, борини сотиб, ичдингиз», деб ҳўнг-ҳўнг йиҚларди.

— Эрингиз газак деябдиларми, мана газак хола,— деди Шайтонвачча хўрозни алкашнинг хотинига тутиб, — олинг, отам бериб юбордилар, уста хўроз шўрвани ичсалар яхши бўп қолар эканлар...

Райимберди алкашнинг кўзи Шайтонваччага тушдию ўтирган жойида унга қараб бақирди:

— Ия, ҳов овсар, нима қилиб юрибсан бу ёқда, бор-е, тошингни тер... Ўе ўша Ўожи отангни сени...— деб сўкинди. Шайтонваччанинг аччиҚи келди:

— Отамни нимага сўкасиз, яхшиликка ёмонликми?

— Нима қибти, яхшилик қилиб, бирор марта яримта оберибдими? Оберадия, оберади... ¤лганда оберади.

— Мановини сизга бервордилар.

— Нимайкан у?— кўзларини уқалади алкаш.

— Хўроз. Хўроз бўлганда ҳам дакан хўроз...

Афти башараси кўкариб, хунуги чиқиб кетган Райимберди алкаш бирдан хо-холаб кулиб юборди. Кулганда ҳар қанақа бадбашара одам ҳам чиройли бўлиб кетар экан. Шайтонвачча ҳам унга қўшилиб кула бошлади.

— Вой овсар-ей,— деди алкаш дарровда қовоҚини солиб, — Ўожим буни менгамас Райимберди устага берворган. Ўа, ўша ўлолмай ётибди, у кўчани нариги бошида туради, йўқол кўзимдан,— деб алкаш ўрнидан туриб қувиб солди... Шайтонвачча қандай қилиб ҳовлидан қочиб чиққанини билмай қолди. Тавба, деди у ёқасини ушлаб, бу қишлоқнинг алкашлариям тақво қилади. ¤зи бир тишлам газакка зору, ноз қилгани-чи. Вой олифта-ей... Нафсингга урмайсанми, отани дуо қилиб.

Шайтонвачча Райимберди устанинг уйини қидириб бораверсин, гапни чол билан кампирдан эшитайлик.

— Ўай чол,— деди кампир сўрида тасбеҳ ўгириб ўтирган Ўожи отанинг пинжига тиқилиб, — мен сизга айтсам бу ҳали ҳаммасимас,— дея чолига суйкалди.

Чол тасбеҳга дам уриб, яктагининг чўнтагига солди-да, «яна нима гап» дегандек кампирга қаради. ¤сиқ қошлари бир кўтарилиб тушди. Кампир гап бошлашга бошлаб қўйиб, айтсамми, айтмасамми деб иккиланиб қолди.

— Гапир, — деб жеркиб солди чол.

— Айтсам битта хўроз экану бутун бошли сигирни сўйиб хомталаш қилиб юборасизми деб қўрқиб турибман!

— Нималар деяпсан? — чол кампирни ўзидан итариб, оҚилхона тарафга қараб қўйди. Кампир яна чолига суркалди:

— Мен сизга айтсам Худо бошқа ёқдан ҳам бериб қолган, ҳа...

— Субҳаналлоҳ, нималар бўляпти ўзи, гапира қолсанг-чи, чайналмай?

— Набирамиз кўрадиган ҳам бўп қолган, ҳа бориб турган азайимхон, юрагингиз ёрилиб кетмасин таҚин, — деб босиқлик билан ўқитувчи икковлари ўртасида бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берди. Фақат шилиб қолинган пулларни айтмади, яширди. «Кўриш»ингни биров билиб қолмасин, бунақаларни айтиб бўлмайди деб, набирангизни пишиҚлаб қўйдим. ¤ша жин воқеасидан кейин муаллимани кўчада кўрсам, бошига рўмол ўраб олибди, ҳа... Ана шунақа гаплар...

Ўожи отанинг калласи тарс ёрилай деди. Ўа, битта каллага бирданига бунча хурсандчилик сиҚмас эди. Набирасининг тили калимага келишининг ўзи катта гап. Аллоҳнинг каломларини бир марта эшитгандаёқ эсида олиб қолиши-чи? Бунинг учун одамда жуда катта қувваи ҳофиза бўлиши керак? Бунинг устига жинларни кўриши... Бераман деса ¤зига осон экан-да. Бу болани ёмон кўзлардан, ҳар хил назарлардан эҳтиёт қилиш керак, энди.

Шу пайт дарвозадан хўрозни қийқиртириб, Шайтонвачча қайтиб келди.

— Ўа, болам?— деди Ўожи ота ҳайрон бўлиб.

— Хўрозимиз ўзимизга сийлов экан.

— А, нимага, нима бўлди?

— Уста ўлиб қопти.

— А, инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун, ташлаб келовурмапсан-да, болам?

— Олишмади. Бошқа бирортасига берар экансиз.

— ¤зимда ўша бирортаси, — деди кампир белини ушлаб, — вой-ей, ҳаммаёҚим қақшаб кетяпти...

Шундоқ қилиб, бугунги хурсандчиликларнинг шукронасига дакан хўроз сўйилиб кетди...

## ШАЙТОНВАЧЧА ЎҚУВЧИ

*(ёки Шайтонваччанинг мактабга бориб, спорт ўқитувчисига тузоқ қўйиб келгани)*

Шайтонвачча башанг кийиниб, мактабга отланиб турган эди, кампир тўхтатди:

— Шошма болам, сен мактабга бунақа аҳволда борма, олтин медалларингни тақвол, ҳа дабдаба билан бор. Чемпионсан, қолаверса Ўожи отанинг неварасисан.

Кутилмаганда бу таклифдан Шайтонвачча шунақанги хурсанд бўлиб кетдики, югуриб бориб бувижонисининг юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Айни пайтда калласига кўп Қалати фикрлар келиб, ҚужҚон ўйнай бошлади. Фикрларки, таг-томирли, зўр. Шундай қилиб у темиртакларини бўйнига осиб, мактабга кириб борди. Дарҳақиқат, уни тўрт тарафдан болалар ўраб олишди. Ўаммасининг кўзи медалларда. Бири ушлаб кўрган, бири битта тақай деб сўраган...

Шайтонваччани устози муаллима опа кутиб олди. У киши мактабда амалдор эканлар. БошланҚич синфлар мудираси. Шайтонвачча бундоқ қараса опа ҳов бирдагидек бошяланг. Опанинг бошига қизил рўмолини ташлаб, гўнгқарҚадек бўлиб, таниш жин

ўтирибди. Жин Шайтонваччани кўриши билан ҳушёр тортиб, «буюрсинлар» дегандек қўл қовуштириб, таъзим қилди. Шайтонвачча унга бир ўқрайиб қўйган эди, жин дарров тушунди. «Ифлос жойини опанинг тилла тишли оҚзига тўҚрилади-да, ел чиқаришни бошлаб юборди. Опанинг оҚзи каппа-каппа очилиб, эсноқ тута бошлади.

— Ўай-й-й, во-й-й, ҳай полвон йигит, сиззи кўрсамоқ, бўмай кетаман-да, яна дам соп қўясизми, дейман. Шайтонвачча мудиранинг қулоҚига шивирлади:

— Бу ерда солиб бўмайди...

Опа «тушундим» дегандек эснай-эснай, Шайтонваччани биринчи синфга бошлаб кирди. Болалар «сиз биз билан ўқийсизми?» деб Шайтонваччага пастдан қараб ишшайишди. Шайтонвачча ҳам уларга тепадан қараб кулиб қўйди. Синфдошлари унинг олдида боҚча болаларига ўхшарди.

— Қани, манови партага ўтириб кўринг-чи,— деди опа бўш жойни кўрсатиб. Шайтонвачча опа кўрсатган жойга зўрҚатталаб сиҚди. Болалар унинг бесўнақайлигидан қотиб-қотиб кулишарди.

— Ўай-й-й,— деди опа эснаб, — сиз биринчи синфга катталик қиларкансиз, иккинчига обкираман. Шайтонвачча парта-марта билан кўтарилиб, ўрнидан турди. Болалар кула бошлашди.

— Ўай-ҳай, полвон йигит, — деди опа шошиб, — парта жойида қолсин-а, у ёқда бошқаси бор. Болалар бир амаллаб партани Шайтонваччадан ажратиб олишди. Шу пайт бир бола овозини борича чинқириб, йиҚлаб юборди.

— Вой-й-й, ари-пари чақди шекилли, — деб опа оҚзини каппа-каппа очиб бола билан овора бўлиб кетди. Қараса ҳеч гап йўқ. — Нима бўлди, дарровда уйдагиларингни соҚиндингми, болам, кетгинг келяптими, — сўради опа.

— Йўқ,— деди бола ҳиққиллаб,— анови акам биз билан ўқисин.

— Кўрдинг-ку, орқаси партага сиҚмаяпти сиҚса, ўзимам жон дердим-а, вақти бемаҳал дам-пам солиб турарди. Шайтонвачча муаллиманинг гап-сўзларидан билдики, бу синф болаларини у ўқитар экан.

Шайтонвачча боланинг ниятини дарровда тушунди. У медалларга илҳақ бўлиб, шайтонййиҚи қилаётган эди. Бу муҚамбирликдан Шайтонвачча яйраб кетди. Унга шунақалар ёқади-да. Ўа, жони-дили! Шартта бўйнидан битта олтин медални олди-да, тантана билан боланинг бўйнига осиб қўйди:

— Бу сенга совҚа, мени ким яхши кўрса, мен ҳам уни яхши кўраман.

— ¤з-ўзимгами?— кўзлари чарақлаб кетди боланинг. У ниятига етган эди.

— Ўа, ўз-ўзингга.

— Вой нималар қиляпсиз, полвон йигит, мени ўқувчиларимни бунақа эркалатманг, буни биттасидан қанча тилла тишу қанча узук тушадия!

— Қўёвуринг, менда кўп... Ўали бунақаларнинг кўпини оламан.

Опа қўлдан чиқиб кетган анови олтинга ачиниб, Шайтонваччани иккинчи синфга олиб кирди. Чемпион биз билан ўқир экан деб, бу ерда ҳам қарсаквозлик бўлиб кетди. Чемпион шоша-пиша битта партага ўтирган эди, яна ўхшамади. Дарсни кузатгани кирган комиссияга ўхшаб қолди.

— Чемпионингизни тўҚридан-тўҚри тўртинчи синфга олиб кираверинг, — деди бу синфнинг ўқитувчиси, — у боламас, кап-катта киши-ку. Бўйини қаранг...

— Э-э-э... — деб юборишди ўқувчилар норози бўлиб.

— Тагларига пастак курси қўйиб берамиз.

— Чемпион биз билан ўқий қолсин? — жикиллади бир қизалоқ,— чемпион билан ўқиш бошқача-де.

Бу гаплардан Шайтонваччанинг ҳалиги қизга меҳри товланиб кетди:

— Шу ширин гапинг учун, — деб яна битта олтин медални қизга совҚа қилиб юборди.

— Вой-й-й,— деб чапак чалиб қўйди мудира,— бу мани қизим бўлади, ҳар қалай, бизга ҳам биттаси тегиб қолди. — Бер менга, йўқотиб қўясан, — деб қизининг қўлидан тортиб олди опа.

Ўаш-паш дегунча Шайтонвачча биринчи, иккинчи, учинчи синфларни орқада қолдириб, тўртинчи синфда пайдо бўлди. Аммо бу ердаги болалар ановилардек қарсак чалиб кутиб олмади. Биламиз бу болани, биринчи, иккинчи, учинчи синфларда ўқимаган, чемпион бўлса ўзига, синфимизни орқага тортади деб, қаршилик қилишди.

— Вой, болажонлар адашманглар, чемпионлар синфни пақат олдинга қараб тортади, ҳа, мени айтди дейсизлар, — деди опа куйиниб, — ишонинглар, мен бу болани ёз бўйи, кечаю кундуз ўқитдим-а!

— Биламиз қанақа ўқитганингизни, исм-фамилиясини ёзишни билармикан?

— Билади, нимага билмасин, биласиз-а, чемпион?

Шайтонвачча синфга кирганда ўқитувчи оппоқ бир нарса билан қоп-қора тахтага бир нималарни ёзиб турган эди. Шайтонвачча тап тортмай ўқитувчининг қўлидан ўша оқ нарсани тортиб олди-да, бир вақтлар катта акага қараб-қараб, ўрганиб олган ҳуснихат билан исм-фамилиясини ёзиб ташлади.

Олдинига ҳайрон бўлиб қолган болалар, бирданига синфни бошларига кўтариб кулиб юборишди. Ўа, кўзларини доскадан уза олмай қотиб-қотиб, маза қилиб кулишарди. Хато ёздиммикан деб Шайтонвачча орқасига ўгирилиб қарадию, қовун туширганини билиб, ўзи ҳам кулиб юборди. Ахир доскага «Шайтонвачча Шайтонов» деб ёзиб қўйган эди-да. Ёзувни шошиб ўчирди-да, бир зум ўйлаб олгач, «Кавсаржон Ўожи ота ўҚли» деб ёзиб қўйди.

— Саводига гап йўқ, — деди тўртинчи синф ўқитувчиси,— ҳазилниям боплар экан, қалай, синфда қолсинми? — деб сўради шогирдларидан?

— Балки ҳисобдан чатоқдир, — чуҚурлашди болалар.

— Аҳ, ҳа-а-а, ана энди қўлга тушдинглар — дея узундан-узун эснаб, болаларга қаради опа — ҳисобданми, ҳисобдан ҳаммайларни чирпирак қилиб ташлайди. Ишонмасаларинг, мусобақа қилинглар... Мени чалпак қилган-ку сизлар ким бўпсизлар.

— Бўпти...

— Мусобақа қиламиз.

Болалар шошиб, қўлларига калкуляторларини олишди.

— Полвон йигитга калкулятор керакмас, калласининг ўзи калкулятор. Олдинига карра жадвалидан бошлаймиз, қани жавобини ким олдин айтаркин, сизми ёки чемпионми:

— Олти карра саккиз?

— Қирқ саккиз!

— Саккиз карра тўққиз?

— Етмиш икки!

— Саккиз карра етти?

— Эллик олти!

Синфда нуқул биринчи бўлиб Шайтонваччанинг овози жаранглайверди...

Ниҳоят синф сув қуйгандек жимиб қолди. Болалар аниқ ютқазишди. ¤ртада Қолиб — Шайтонвачча.

— Яхши, — деди бу синф ўқитувчиси Шайтонваччага тан бергандек каттакон бошини паст-баланд қилиб. Кейин болаларга қараб:

— Рухсатингиз билан янги ўқувчимизни мен ҳам бир синаб кўрсам, фақат сизлар жим турасизлар, — деди. Синф сув қуйгандек жимиб қолди.

— Хў-ў-ш, масала бундоқ, ўҚлим, Аҳмад деган бола саёҳатга чиққан эди, кун иссиқда тўрвасидаги ош-овқати оҚирлик қилиб қолди. Ундан қутулиш учун бир соя жойни топди-да, ҳаммасини еб қўяқолди. Ана энди енгил бўлди, деди у суюниб ўзига-ўзи. Ростдан ҳам унга енгил бўлдими?

— Йўқ, устоз, ош-овқат борар эди тўрвада, энди ётар қорин деган ўрада,— деб Шайтонвачча шеър тўқиб юборди. Болалар ҳам, ўқитувчи ҳам маза қилиб кулишди. Нимагадир опа кулмадилар. Масаланинг жавоби у кишига ҳали етиб бормаган эди.

— Яна бир жумбоқ,— деди ўқитувчи,— қани айтчи, ўҚлим, устолга учта хира пашша қўнди, китоб билан бир урсам биттаси учиб кетди. Нечта пашша қолди?

— Ўамма нарсаниям тириги бошга бало бўлади, устоз, иккитаси ўлиб, биттаси қолди-да.

— Офарин, — деб ўқитувчи ўрнидан туриб кетди, кейин Шайтонваччанинг елкасига қоқиб,— Ўожи оталарнинг зурриётлари, шунақа каллали бўлади ўзи, — деб қўйди. Кейин болаларга:

— Ўожи отамизнинг шунақа ажойиб ва Қаройиб набираси бор экану билмай юрган эканмиз-да, қани уни ким ёнига олади?

«Мен билан ўтирсин» деганлар кўп бўлди.

— Йўқ, — деди тўртинчи синф ўқитувчиси қатъий қилиб, — сезиб турибман чемпион биззи синфда зерикиб қолади, юқори синфларга ўтказиш керак. Иқтидорли болалар комиссиясининг раиси сифатида шуни таклиф қиламан.

Бу мақтовлардан оҚзи қулоҚига етган Шайтонвачча битта олтин медалини олди-да:

— Билдирган ишончингиз учун, — деб ўқитувчининг бўйнига осиб қўйди. Мендан сизга совҚа, устоз...

¤қитувчи жилмайиб, ўрнидан туриб кетди. Медаль у кишининг патнисдек кенг кўкрагида чой қошиққа ўхшаб кўринарди.

— Минг қилса ҳам Ўожи отанинг зурриётисизда, бувангизга ўхшаб қўлингиз очиқ экан, — деди у жилмайиб, — билишимча сиз халқаро мусобақада қатнашгансиз, шундайми?

— Шундай.

— Бундай нуфузли мусобақаларда алдашмайди, фақат соф олтин, соф кумуш беришади. Бунақа қимматли ҳадяни ололмайман, ўҚлим?

— Вой олаверинг устоз, томингиздан чакка ўтиб ётибди-ку, сотиб, тунука қиволасиз,— деди мудира опа. Бундан биттаси бизга ҳам тегиб қолди, ҳа...

— Гап ундамас, мудира қизим, оҚзига кучи етмаганлар раисимиз медалга сотилибди дейишлари мумкин. Бу яхшимас, орага шубҳа тушиб қолади...

Шундай қилиб, Шайтонваччанинг ўқиши ҳам шайтончасига чиллаки бўлиб кетди. Бир кунда синфдан-синфга кўчиб, ўн биринчи синфгача бориб қолди. Қараса, ўн иккинчи синф йўқ экан. Бунинг устига мактабга хоҳласа борадиган, хоҳламаса бормайдиган имтиёзларга ҳам эга бўлиб олди. Аммо мусобақаларда мактабнинг шаънини кўтариб беришни талаб қилишди. Шайтонвачча жон деб рози бўлди. Шайтонвачча қолган олтин медалнинг биттасини мактаб директорига, яна биттасини кимгадир бериб, уйга қуппа-қуруқ қайтди... Спорт ўқитувчиси мактабда кўринмади. У қандайдир хашаки мусобақада қатнашиш учун кетган экан.

Шайтонваччанинг ҳовлига олтин медалларсиз шўппайиб, кириб келганини кўрган кампирнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Ўай, жуванмарг, олтинларинг қани? Қаққа ташлаб келдинг? Мен қари эчки, қаттанам тақиб ол дедим-а, сенга? Сендан сўраяпман, бўйнинг узилгур?

Шайтонвачча жавоб бериш ўрнига шунчаки ишшайди.

— Вой, ҳа, куйдирган калла? Ўай чол, бунингиз яна муолажабоп бўп қопти-ку!

— Қўй, кўп бўҚилавурма кампир, кўнглимдаги иш бўпти,— деди чол бепарво,— набирамиз сен билан мени эрта кунда дўзах азобларидан қутқарибди. У дунёда ўша олтинларни қиздириб, олди-орқамизга жазиллатиб-жазиллатиб босишларини билсанг эди... Воҳ, у қандоқ ёмон азоб-а! Сен унақа дунёга ёпишовурма, тезакка қўнган пашшадек...

— Сизга пақат шунақа гаплар бўлса, — жиҚиллади кампир.

— Қўёвуринг, бувижон, — деди Шайтонвачча,— олтинлар ҳалол бўлса йўқолмайди. Бир куни ўз оёҚи билан юришиб кириб келади...

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КИННАЧИ

*(ёки Шайтонвачча қўйган тузоқнинг ишга тушиши)*

Ўожи отанинг уйига қўлида тоҚора билан оҚзини каппа-каппа очиб мудира опа кириб келди. Кеча эсноқ тутиб, оҚзи очилганича, ҳали ёпилмаган эди. Уни кўриб, кампир яйраб кетди. Пешвоз чиқиб қучоқ очди. Минг йиллик қадрдонлардек омон-эсонлик қилди. Бу пайтда Шайтонвачча сигирга бир қучоқ ўт ташлаб, товуқ катагини чангитиб супуриш билан овора эди.

— Вой ўлай, полвон йигит ҳали шунақа ишларни ҳам қиладиларми, холажон, — деди у Шайтонваччага қараб.

— Ўа, — деди кампир, — полвон йигит қилмаса, ким қилади бу ишларни. Қизим бўлмаса, келиним бўлмаса... Яхшиям шу бор экан.

Улар сўрига чиқиб ўтиришди.

— Сабр қилинг, озгина қолди, полвон йигитга кимлар қизини бермайди, дейсиз... Мана кўрасиз, ўзлари совчи бўп келишади, ҳа қизимми олинг,— деб эсноқ аралаш кулди мудира. Мудира кулдими ёки эснадими, кампир буни билмай ҳам қолди.

— ШундоҚ дейсизу, Ўожи отасига ўхшаб бу боламниям бири икки бўлмайдими деб қўрқаман. Бир кун мактабга бориб, бор-йўҚини шилдириб кепти. Ўазлакам бойликмиди. Жарақ-жарақ олтинлар-а! Кампир мудирага бир ёмон қараб қўйди.— Сизам обсиз шекилли?

— Вой олмай мен ўлай, сиззи ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ, шекилли? Уларингиз ҳеч қанақа тилла эмас экан. Ўа, эрта кунда миси чиқиб қолди. Қизимга сеп қилдириб ташлаб қўяй десам, заргар тушмагур роса устимдан кулса бўладими. Усти ярақ-юрилқу ичи оддий жез экан.

— Шунақа денг, болагинамни алдашибди-да, қинҚир ишнинг қийиҚи чиқибди-да?

— Шунақа... Мен олдингизга бу учун келмадим холажон, бошқа иш билан келдим, — дея муаллима эснай-эснай ёнидаги тоҚорани кампирга сурди.

— Айтмасангиз ҳам билиб турибман, айланай.

— Авлиё экансиз, ҳа бош уриб келдим.

Шайтонвачча товуқ катагидан чиқиб, бет-қўлини ювар экан ичида кулиб қўйди: «Тузоққа илинтириш мана бунақа бўлади, Хўжақишлоққа янги кинначи муборак бўлсин, бувижон», деб қўйди ичида. Яна кимсан, олий маълумотли кинначи...

Опа ҳафтада бир марта топган-тутганини кампирга ташлаб кетадиган бўлди. Бу пайтда Шайтонвачча тоҚорани очиб шакарсепти қатламани буклаб-буклаб, иштаҳа билан ер эди. Унга қараб опа деди:

— Ўай полвон йигит, кетар жафосига битта дам соп қўясизми деган эдим, қуруққамас, албатта, атаганим бор.

Шайтонвачча қатламани кўзи киймай деди:

— Атаганингизни бувимга ташланг-да, ўзингизга ўзингиз дам соп кетовринг.

— Бундан бу ёҚига ўз-ўзига хизматми?

— Шундоқ.

— Жин-чи жин у нима бўлади, мени ўз ҳолимга қўядими, энди?

— У энди сизга қулдек хизмат қилади. Касалларнинг ҳол-аҳволидан оз-моз хабардор қилиб туради. Ўа, қулоҚингизга шивирлаб, айҚоқчилик қилади. Яна қўрқиб кетманг, хушёр бўлиб ўтиринг.

— Вой, айҚоқчи деганингиз сал ўхшамаяпти, полвон йигит, котиба денг!

— Э, қатлама егани қўясизми, йўқми?

## ЎАЙЪАТ ЙИўИЛИШИ

*(Шайтонлар Шайтонваччанинг ишларидан кўнгиллари тўқ, лекин...)*

Бу галги йиҚилиш яна чапаквозлик билан бошланди. Шохдор раис хурсандлигидан, ором курсисига сиҚмай ўтирарди.

— Хўш, — деди у ўтирганларга қараб, — бу олқишларнинг эгаси ким бўлади?

— Таълим ва тарбия шўъбаси, — деди ахборотчи оҚзи қулоҚида, — унинг таклифи билан вакилимизни бир зумда машҳури олам қилиб олдик. Энди биров мушугини пишт демайди. Ишлари ҳам чакки эмас. Орзуларимиз рўёбга чиқа бошлади. Ўожи ота кинначиликни бидъат деб қишлоқдан йўқотган эди, невараси тиклади. Яна кимсан — олий маълумотли кинначи. Бунақаси бўлмаган. Халқ унақаларга тезда эргашади. Институтни битириб кинначи бўптими, кинначиликда бир гап бор дейди. Яна Одамшайтонимиз биз билмаган бир нималарнинг режасини тузиб, у ёқ-бу ёққа шайтон тузоқларини қўйиб ташлади. Одам болалари Қафлатда.

— ¤зи у мадрасамиздаги энг иқтидорли талабалардан эди-да, — деди раис оҚзи ёйилиб,— тан олиш керак мадрасамизда ҳам анча-мунча ишларни қилиб ташлаган эди.

— Ўаммаси яхшию битта лекин томони бор-да,— деди ўтирганларни ўзига қаратиб ички ишлар шўъбасининг бошлиҚи, — машҳур қилиб қўйганимиздан кейин одам болаларига ўхшаб манмансираб, тумшуҚи кўтарилиб кетяпти. Ўа, дўст-душманни ажрата олмай қолди. Сал бўлмаса мактаб директори билан спорт ўқитувчисини кўпчиликнинг олдида шарманда қилмоқчи бўлди. Яхшиям Ажинашамол гирибонидан олиб қолди. Уни ҳар замонда танобини тортиб туриш керак. Шайтонлигини эсидан чиқариб қўймасин.

— Мен бу таклифга қаршиман,— деди ҳуқуқ-тартибот шўъбасининг бошлиҚи. — Эсдан чиқармайлик, вакилимиз Одамшайтон. Шундай бўлгандан кейин унинг одамларга хос ҳақ ва ҳуқуқларини поймол қилишга ҳаққимиз йўқ.

— ТўҚри айтдингиз, — деди таълим ва тарбия шўъбасининг бошлиҚи эътирозга қўшилиб,— вакилимиз одамлар орасига ўзининг одамий жиҳатлари билан кириб боради. Бўлмаса, одамлар унга ишонишмайди. Менимча ҳам у тўҚри иш қиляпти.

— Мен, — деди раис кўтаринки кайфиятда,— Одамшайтонимизга ишонаман. Лекин бу деганим ўз ҳолига ташлаб қўйинглар деганим эмас, бир-бирингизга қанчалик ишонсангиз, шунчалик ишонманг ҳам, демоқчиман. Минг қилганда ҳам биз шайтонлармиз. Бир-биримизга шайтонлик қилиб қўйишимиз мумкин.

## ¤ЗГА САЙЁРАЛИК

(*ёки Шайтонваччани ойнаи жаҳонда кўрсатишгани*)

Кечқурун Шайтонвачча ўзини телевизорда кўриб, чапак чалиб юборди. Халқаро мусобақани телевизорда намойиш қилишарди. Экранда тез-тез бош қаҳрамон Шайтонвачча кўриниб қоларди. Ахир у бир эмас, тўртта олтин медаль олган-да. Ана, ҳакамларнинг ўзлари айтишяпти, бунақаси бўлмаган деб. Шайтонвачча анча-мунча жаҳон рекордларини янгилаб ташлабди. Кўп қиррали бу спортчининг келажаги порлоқ дейишяпти. Яна қаердадир катта мусобақа бўлармиш. Чемпион унга таклиф қилинармиш. Орада чемпионнинг устози деб спорт ўқитувчисини ҳам кўрсатиб қўйишарди. Қандай қилиб шогирдингизни бу даражага етказдингиз, дейишса беҳи новдалари ҳақидами-ей, бўйрага ётқизиб тузлашлар ҳақидами-ей, гапириб ўтирибди.

— Вой яшшамагур,— деди кампирнинг жони чиқиб, — мени муолажамни ўзиники қивобдими, бу кисовур, шошмай турсин, ҳали қўлимга тушар-ку.

Лекин жўшиб-қўшиб гапираётган мухбирнинг ёнига битта калбашара одам қўшилдию, ҳамма иш расво бўлди. Ўа, ошга пашша тушди. Нимаймиш, ўша одамнинг Кавсаржон Ўожи ота ўҚлига шубҳаси бормиш. У бу дунёнинг одами эмасмиш, ҳа, бошқа сайёрадан келганмиш. Топган гапини қаранглар. Вой Қаламис-ей. Кавсаржон югурганда бошқача қиёфага кириб қолганмиш. Бошида шохи, маймунникига ўхшаган узун думи бормиш. Курашганда ҳам бир зумгина шунақа тусга кирганмиш. ¤зга сайёраликлар хоҳлаган қиёфага кира олармиш. Шохдор калла, думли қиёфа унинг аслимиш. ¤зга сайёралик Кавсаржон Ўожи ота ўҚли қиёфасига кириб олганмиш. Одам боласининг қўлидан бунақа ишлар келмасмиш. Бунақа катта мусобақада тўртта олтин медаль олиб бўлмасмиш. Ана шунақа миш-миш.

— Нималар дейди, бу кўзойнак, ичвоганми?— тўнҚиллади кампир, — боламми отаси назарбеклик, онаси шу хўжақишлоқлик бўлса. Онаси ўлгани билан Худога шукр отаси тирик-ку. Тиливузирга кирволдим деб оҚзига келганини гапироврадими, булар.

— Бу гапларга бирон-бир далилингиз борми?— деб мухбир кўзойнакдан сўради.

— Бор, — деди у ишонч билан, — биз видео тасмани секинлатганимизда бунга амин бўлдик. Шохдор каллани, хунукдан-хунук ўхшамаган думни кўрдик.

— ¤ша тасмани телетомошабинларга кўрсатсак бўладими, ахир бу сенсация-ку, — деди мухбир?

— Марҳамат.

Экранда Шайтонваччанинг ҳар бир олтин медални синчиклаб кузатгани, ишонмай тишига босиб кўргани акс этди.

— ¤зга сайёраликлар биззи одамларга мутлақо ишонмайдилар, ҳар бир ишимизга шубҳа билан қарайдилар. Сохтакашлар сайёраси дейишади бизни. Кўрдингизми,

берганлари ростакам олтинми, йўқми деб, тишига босиб кўряпти. Бунақа эҳтиёткорлик бизнинг бу ёшдаги болаларда бўлмайди. Ўа, етти ухлаб, тушига ҳам кирмайди. ¤зга сайёраликлар ўта ақлли, ўта ҳушёр бўладилар.

— Шохи бор, думи бор дедингиз, ўша жойини кўрайлик, — қистади мухбир.

— Йўқ, унисини кўрсата олмаймиз, яқинда Қора денгиз бўйида худди шунақа йирик халқаро мусобақа бўлади. Чемпион ўз рекордларини ўша ерда ҳимоя қилиши керак. Биз уни яна видеотасмага тушириб, тахминларимизни иккинчи марта текшириб кўрамиз. ¤шандан кейин кўрсатсак бўлади.

— Қара-я, тишлаб ҳам кўрган экансан-а, болам? Жезлигини билмапсан-да. Олтин мумга ўхшаган юмшоқ бўлади, дейишади.

Шайтонваччанинг ҳозир ҳуши ўзида эмас эди. Видеотасма секинлатилганда фош бўлиб қолишларини Ажинашамол ҳам, ўзи ҳам ўйлаб кўрмаган экан-да. Буни устига очкўзлик қилиб, олтинларни тишлаб нима қиларди? Бир ҳисобда тўҚри ҳам қилган. Нима учун унинг олтинлари кимнингдир чўнтагида кетиши керак? Илгари Шайтонваччанинг олтин-кумуш деган нарсалар билан иши йўқ эди. Одамга айландию, бунақа нарсаларга ўч бўлди қолди. Энди бу ёҚи нима бўларкин? Чемпионлиги шубҳа остида қолди-ку. Ажинашамол қайларда тентираб юрибди экан. Бу миш-мишлардан хабари бормикан? Кейинги пайтда жа ўзини азиз қилиб юборди. Хоҳласа пайдо бўлади, хоҳламаса йўқ. Шайтонвачча уни на ёнига чақира олади, на бирон-бир маслаҳат сўрай олади. ¤зи хон, кўланкаси майдон. Шошмай турсин...

## 108-КАНАЛ

(*ёки Шайтонваччани излаб келганлари*)

Эртасига қишлоқ арининг уяси бўлиб кетди. Ўаммаёқда дув-дув гап.

— Эшитдингизми, қўшни, Ўожининг невараси келгиндилардан экан...

— Қаёқдан келиб қолган экан?

— Ўо-в-в,— дея осмонга ишора қилади униси.

— ЙўҚ-е... – деб ишонмайди буниси.

— Мен айтдимми, ишонаверинг, қизи раҳматлик жа кетворган, хурилиқо эди. Кўрган одам борки «оҳ» деб ўпкаси тушарди. Келгиндиларам анойи эмас, юлдузни бенарвон уришади.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Онаси болани ўшалардан орттирган, дон олишиб юрганини ўз кўзим билан кўрганман, туҚолмай ўлиб ҳам кетди, эссиз шундоқ нарса увол бўлди-я...

— Бундан чиқди, эри бекорга ташлаб кетмаган экан-да?

— Ўа-да! Ўартугул энди сизга етиб борди.

Қизиққан одамлар Ўожи отанинг набирасини минг марта кўрган бўлсалар ҳам, яна кўргилари келар, аммо ҳовлига бостириб киришга отадан истиҳола қилишар эди. Ташқаридаги гап-сўзлардан на кампирнинг, на чолнинг хабари бор эди. Ўожи ота эрта туриб бозорга сарёҚ, сузма сотгани кетган, кампир тинмай кув пишар, Шайтонвачча супурги билан товуқларни тирқиратиб катакни чангитиш билан овора эди. Шайтонвачча тақдирига тан бериб ўзига-ўзи дер эди: «Одамшайтон бўлгандан кейин қиласан-да, бунақа ишларни. Чанг ютасан. Эрта кунда ўпка касали орттирасан. Икки букилиб ўт юласан. Беланги бўласан. Кошкийди бу она-бола сигирлар ҳаром ўлсаю сен қутулсанг... Товуқлар ҳам қанот чиқариб узоқ-узоқларга учиб кетиша қолса.

Шу пайт ҳовлига шоша-пиша телекамера кўтариб, бир аёл билан бир эркак кириб келди. Улар товуқхонада одам шарпасини сезиб, шу тарафга юришди.

— Ўов бола, — деди улардан бири чанг-тўзонни қўли билан нари-бери қилиб, — чемпион шетта турадими?

Шайтонвачча катак ичига кўз ташлаб, ҳалидан бери жонсарак бўлаётган хўрозга қаради:

— Суратга олмоқчимисиз, оловринг, қишлоқда бунақаси йўқ, ўттиз иккита товуққа бир ўзи бас келади. Ўақиқий чемпион!

— Мушдек бошинг билан ўзингдан катталарни калака қилишга уялмайсанми, сендан гап сўраганда тўҚри жавоб беришни ўрган...

— Қайси каналдансиз, амаки?

— Бир юз саккизинчи каналдан, нимайди?

— ¤зимам сто восмой бўлсалар керак деб ўйловдим, ахир товуқни катагида хўроздан бошқа яна қанақа чемпион бўлиши мумкин?

— Э-э-э... хўрозингни пишириб е, анови бошқа сайёралик чемпионни сўраяпман.

— Э уми, Қора денгизга кетворди. Ўозир маза қилиб чўмилиб юрган бўлса керак.

— Воҳ, кеч қопмиз-а. Энди нима қилдик? Мухбир Шайтонваччага умид билан қаради: — Сен бола чемпионни укасига ўхшайсан, аканг ҳақида бир нима девор, қуруқ кетмайлик. Бўлақол шер!

— Уми, у қип-қизил шарлатан. У биззикига ростан ҳам «Думи тугуклар» сайёрасидан келиб қолган. У ҳамманинг қулоҚига лаҚмон осиб юрибди...

— Ўай, ким шарлатан, ким лаҚмон осиб юрибди? — деб кампир кув дастасини кўтариб ичкаридан чиқиб қолди.

— Кўрмайсизми мановиларни, бувижон, — деб Шайтонвачча кампирга мухбирларни кўрсатиб юборди,— товуқни катагини тозалашга ҳам қўйишмайди.

— Ўа яшшамагур, безбетлар, уялмасдан келдиларингми-а, мени ҳалол-пок боламни ҳаромига чиқариб-а, — деб кампир кув дастаси билан мухбирларни тушира кетди. Мухбирлар машинасига ўтириб, зўрҚа қочиб қолишди.

Шайтонвачча маза қилиб кулди, хуморидан чиққунча кулди. Уни шарманда қилган мухбирлардан бир нав аламини ҳам олди. Аммо бари бир юраги ёришмади. Ростдан ҳам Қора денгизга борадиган бўлиб қолса унда нима бўлади? Бормийман деса-чи? Аслида уни Қора денгизга боргиси келарди. Одамий ҳою-ҳаваслар уни кўрмаган жойларни кўришга ундар эди. Шайтонвачча дунё кезишни хоҳлаб қолган эди.

Шайтонвачча Ажинашамол билан учрашиш учун бу ҳовлидан чиқиб, очиқроқ, холироқ жойни топиши керак эди. Ажинашамол ҳали ҳам бу ҳовлига кира олмас, чолнинг дуолари ҳамон ўз кучини йўқотмаган эди. Фақат заиф, бўлар-бўлмас жинларгина одамларга илашиб кириб қолмаса, бошқалари яқин йўлай олмас эди.

## УЧРАШУВ

*(ёки Шайтонваччанинг Ажинашамол билан жиққамушт бўлганлари)*

Шайтонвачча сигирга ўт опкелиш баҳонасида уйдан чиқди. Қараса униси, буниси тўхтатиб, гапга тутяпти. Бир чеккага ўтди-да, қопни японча қилиб бошига кийиб олди. Юра-юра бир вақтлар Ажинашамол осмони фалакдан ерга тушириб қўйган жойга етиб келди. ¤шанда Қўзалар нав-ниҳол эди. Шайтонваччанинг тўпиҚидан ҳам келмасди. Улар

бўй баробар бўлиб ўсибди, ҳосили териб ҳам олинибди. Барглари тўкилиб, чаноқлари шақилдоқ бўлиб қолибди. Вақтнинг ўтишини... У илгарилари бунақа нарсаларга эътибор қилмас эди, бошини ҳам қотириб ўтирмасди. Қорни тўйиб, биққидек бўлиб, куни ўтса бўлди эди. Одамшайтонга айлангандан бери боши ташвишдан чиқмай қолди. Одам бўлиб яшай деса — шайтон, шайтон бўлиб яшай деса — одам. Шунақа, икки ўт ўртасида қолди. У тўрт томонга аланглаб, Ажинашамолни қидира бошлади. Бу дунёда ундан бошқа гаплашадигани йўқ. Далалар сукутга чўмган. Куз осмони кўм-кўк, уфқнинг охири кўринмайди. Унда-мунда мезон иплари учиб юрибди. Чумчуқлар тўп-тўп бўлиб, ҳавода коптокдек у ёқдан-бу ёққа сирҚалади. Қайгадир шошишади. Бирдан у чўчиб тушди. Хазонлар шопирилиб, дала-даштлар тебраниб кетди. Очиқ ҳавода момақалдироқ гулдурагандек бўлди. Бу Ажинашамолнинг тўс-тўполони эди. Унинг бу қилиҚи Шайтонваччага ёқмади. У бунақа ваҳима кўтармай, аста-секин келса ҳам бўларди. Йўқ, у ҳам ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйгиси келади. Пешонаси тиришди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди. Тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ.

— Чемпионга саломларимиз бўлсин, қалай, шон-шуҳрат осмонида учиб юрибдиларми?— дея Ажинашамол тепадан келди.

— Э Ажинашамол, ўзингмисан, секинроқ-да, ўтакамни ёрдинг-ку.

— Нима, мен сенмидим, одамлардан қўрқиб, бошига қоп ёпиниб оладиган. Мен Ажинашамолман. Эркин қушман. Ўа-ҳа-ҳа-а-а,— деб дала-даштни бошига кўтарди у.

— Менга қара, жиддий гап бор.

— Қанча гап бўлса гаплашаверамиз-да, чемпион, мени гапдан қочирасанми, — деди у Шайтонваччани менсимай.

Шайтонваччанинг пешонаси баттар тиришди. ¤з номи билан Ажинашамол бўлса, нимасига керилади у. Жинлар аслида шайтонларнинг югурдаги бўлиши керак-ку. Улар одам болаларинигина қўрқитиши, кимсасиз жойларда исмларини айтиб чақириши, дала-даштларда адаштириб кетиши, кечалари кўзларига олов, турли туман ҳайвон бўлиб кўриниши мумкин. Шунда ҳам қўрқоқларнигина қўрқита олади. Қўрқмас, довюрак, баджаҳл одамлардан нари юришади. Шайтонвачча ҳам одам, ҳам шайтон-ку, нимага унга жиловини бериб қўйиши керак? У киму Ажинашамол ким? Ким-кимга қуллуқ қилиши керак, аслида? Шайтонвачча дарровда тўнини тескари кийди. Жанжал чиқаришга баҳона қидириб, чинор тагидаги воқеани эслади.

— Олдин битта нарсани келишиб олсак, — деди у овозини кўтариб.

— Хўш?

— Нимага сен мени хоҳлаганингча хўрлайсан, хоҳлаган жойингда ҳиқилдоҚимдан оласан. Одамшайтонсан деб, одамлар ичида шарманда қилмоқчи бўласан? Сен кимсан ўзинг?

— Сени ким машҳур қилди нонкўр, юрган эдинг бир парча иштонга зор бўлиб,— дея Ажинашамол ҳам бўш келмади.

— Дап бўл, қилган яхшилигингни миси чиқди, ҳе, узун супурги... Шунга яраша мендан жазойингни ол, — деб аямай тусмоллаб тепиб қолди. Шайтонвачча Ажинашамолларнинг боши осмондаю жони оёҚида бўлишини «Думи тугуклар» мадрасасида эшитган эди. Шунга ерда пилдираб турган жойига устма-уст тепди.

— Воҳ,— дедию, Ажинашамол бор бўйи билан кенг далага қулаб тушди. Ўаммаёқ тинчиди қолди. Чанг-тўзон босилди.

— Мана энди мен сени жиҚингни эзаман, ҳиқилдоқдан олиш, тарсаки тушириш қанақа бўлишини кўзингга кўрсатиб қўяман...

— Войдод, мени кечир, тавба қилдим, айт нима қилай?— деб ёлвора бошлади Ажинашамол.

— Нимага мен сени нуқул қидириб юришим керак? Хоҳлаган жойимда, хоҳлаган вақтимда тополмаслигим керак? Эркин қушмиш. Кўрсатиб қўяман сенга эркинлик қанақа бўлишини. Гаҳ деганда қўлимга қўнмагин. Тутатқингни бер, ҳозир менга?

— Менда тутатқи йўқ, тутатқи замонлари ўтиб кетган, ҳозир кодлашганмиз.

— Айт кодингни?

— Бир, уч, беш, етти, тўққиз, ўн бир...

— Бу нима дегани?

— Ажинашамол, хотинингни ўҚри олиб кетди, болта, тешангни олиб югур, дегани.

— Ие, ҳали хотинингам борми, сени?

— Ўа, шунақа бўп қолган, эсим йўҚида уйланиб қўйиганман.

— Бола-чақа-чи?

— Анчагина.

— Иш-пишга яраб қолганми, чурвақаларинг?

— Ўа, оқсуяк жинларнинг уйида фаррошлик қилишади.

— Бундоқ пичоққа илинадигонидан иккитасини биззикига юбор, бўлмаса.

— А, сўйиб ейдиларми?— инграб юборди Ажинашамол.

— Э, кўнглимни айнитма, ҳовли катта, супур-сидир ишлар кўп.

— Шугинами, шунга мени йўқладиларми?

— Сизлашни ҳам билар экансан-ку, писмиқ ўлгур,— деб Шайтонвачча Ажинашамолни яна бир тепди.

— Вой жоним-ей, тавба қилдим дедим-ку.

Шайтонвачча сал бўлмаса бу ерга нимага келганини ҳам эсидан чиқараёзди. Эсладию яна Қазаби тошди, лекин бу гал тепмади.

— Нимага анови мусобақада қовун туширдинг-а? Мени Қолиб қилгандан кейин дарров дап бўлмайсанми, нима қилиб кинога тушиб юрибсан.

— Сиз хурсанд бўлганингизга мен ҳам хурсанд бўп кетдим-да, қаттан билай тасмага тушиб қолишимни. Тасмаси қурсин шайтондан ҳам сезгир экан. Кўрдим мен ҳам телевизорда.

— Қора денгиз сафари нима бўлади энди, галварс?

— Бормай қўя қоламиз, шу...

— Нима, нима?— Шайтонвачча Ажинашамолни яна аямай тепиб қолди.

— Вой-й-й... сиз нима десангиз, шу-у-у... — Ажинашамолнинг овози ўрадан чиққандек бўлди.

— Қарорим қатъий, Қора денгизга борамиз, муҳокамага ўрин йўқ.

— Бош устига. Сиз нима десангиз шу.

— Энди, тур йўқол, кўзимга кўринма.

Ажинашамол инқиллаб-синқиллаб қўзҚала бошлади. Тоб ташлаган эшикдек бир томонга оҚиб, судрала-судрала кўздан йўқолди. Бирдан Шайтонваччанинг юрагига ҚулҚула тушди. Ажинашамол лақиллатиб кетган бўлса-я. Дарровда кодни текшириб кўрмоқчи бўлди.

— Бир, уч, беш, етти, тўққиз, ўн бир!..

Чор-атрофда хас-хашаклар шитирлади. Ажинашамолнинг шашти паст эди. Тепкилар-тепкилар, тепкилардан эс кирар деб, тавбасига таяниб қолган эди.

— Амрингизга мунтазирман, бегим!

— Ўа,— деди Шайтонвачча нима дейишини билмай, кейин хаёлига келган гапни айтиб қўя қолди, — эсимдан чиқай депти, хотинингга салом деб қўй...

Шайтонвачча кутилмаганда қилиб қўйган ишларидан хурсанд эди. Қўрққанга қўша кўринар деганлари шу-да... Одам болалари ҳам бундоқ дадил бўлишсаю. Нуқул аммамнинг бузоҚига ўхшаб лаллайиб юришади. Уйларини, юракларининг тўригача шайтону жинларга бериб қўйиб, ўзлари ижарада яшашади.

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

(*ёки ҳайъат аъзолари саросимада*)

Бугунги ҳайъат йиҚилиши мотамсаролик билан бошланди. Барча шўъба бошлиқларининг калласи ерга эгилган. Ахборотчи ахборотини бошлай олмай, қоҚоз титиб ўтирибди. Бу ҳолни кўриб раиснинг энсаси қотди:

— Ўа,— деди у, — осмон узилиб ерга тушдими? Ё қарсаквозликка шунчалар мазахўрак бўп қолдикми? — Раиснинг бу гапларидан кейин ахборотчи дадиллашди:

— Шу... 108-канал ишни белига тепди,— деди у Қудраб.

— Гап каналдамас, гап сенларнинг каллангда, замондан орқада қолиб кетганларингда. Наҳотки тасмани секинлатиш мумкинлигини билмаган бўлсаларинг. Вакилимизнинг ҳаёти қил устида қолди-ку. Бошқа сайёралик деб тошбўрон қилиб юборишса нима қиламиз? А, қўлимиздан нима келади? Шунча ҳаракатларимиз осмонга учадими? Гап шу: ички ишлар ва хавфсизлик бўлими шўъбалари бошлиқларининг думлари ечилсин, вассалом. (Бу дегани ишдан бўшатилсин ва қайта ишга олинмасин, думи билан ер супуриб, кунини кўрсин дегани эди.) «Думи тугуклар мадрасаси»да тартиб шунақа эди. Бу ҳукмдан бошқа шўъба бошлиқларининг ташвиши ортди. Думларидан хавотирга тушиб қолдилар. Ахир кеча кимсан-кимсанликдан бирданига гадоликка тушиб қолишнинг ўзи бўладими? Кечагина ҳар иккала шўъба бошлиқлари қарсаклар остида олқиш олган эдилар, бугун шундай тарсаки едиларки, нақ юзлари тескари бўп кетди. На илож, оламда тартиб шунақа.

— Одамшайтонимиззи ўзидаям айб бор, эркаланиб кетди, — деди ахборотчи бошқаларнинг ёнини олиб, — «Думи тугуклар» сайёрасидан деб мухбирларнинг ёлҚонини ростга чиқарди. Ажинашамолни қўрқитиб, оёҚини майиб қилди. Кодларини билиб олиб, ўзига қул қилиб олди. Болаларини бўлса уй хизматига ёллади. Буни устига қандоқ бўлмасин Қора денгиз сафарига бормоқчи. ¤зига қўйилган тузоққа ўз оёҚи билан тушмоқчи. Кундан-кунга одамий ҳой-ҳаваслари ошиб боряпти. Назоратимиздан чиқиб кетяпти. Ўали бошимизга бало бўлмаса эди.

— Демак, вакилимиз ишлаяпти, ишлагандан кейин хато бўлади-да. Уни тузатиш керак. Лекин айтиб қўяй, мабодо Одамшайтонимизнинг бошидан битта туки тўкилса, ҳаммангнинг ҳолингга вой, думларинг ечилади. У меники, менинг ижодим!

## ОЙИМСУПУРГИЛАР

*(ёки Шайтонваччанинг Ажинашамол болаларини қандай қилиб ишга солиб қўйганлари)*

Шайтонвачча ҳовлини супуриб, эндигина товуқ катагига ўтган эди, оёҚи тагида иккита ажинашамол пилдираб қолди. Ва бараварига шовқинлашди:

— Ассалому алайкум эй отамнинг хожаси!

Шайтонвачча олдинига бир чўчиб тушди. Кейин Ажинашамолнинг ваъдасини эслаб, уларга ақл берган бўлди:

— Бундоқ йўталиб-пўталиб келсаларинг бўлмайдими, одамни чўчитвордиларинг-ку?

— Йўқ,— дейишди улар бараварига чулдираб,— биз йўтала олмаймиз, йўталсак ҳаво бошқа ёҚимиздан чиқиб кетади.

— Ола, ҳалитдан шунақа бўп қолдиларингми?

— Йўқ, биз илгаритдан шунақамиз,— яна чулдирашди улар.

— Ўей, биттанг гапир, нима сенларнинг киндигинг бирми?

— Ўеч иложи йўқ, калламиз бошқа-бошқаю кекирдагимиз битта, биз эгизаклармиз.

— Оббо, бу ёҚидан ҳам берган экану, оталаринг қалай?— атайлаб сўради Шайтонвачча.

— Яхшимас...

— Биламан, ўзидан кўрсин. Хўш, оналаринг қалай?

— Онамлар сиззи қарҚаб ётибди.

— Буни ҳам биламан, чўлоқ эр кимга керак. Айтганларимни қилмасаларинг, сенларни ҳам оёҚингни синдираман.

Шу пайт бирдан катакнинг ичи чангу тўзонга тўлиб кетди. Товуқлар қақаҚлаб, бир қучоқ пахтадек у ёқдан-бу ёққа уча бошлади.

— Ўазиллашдим, тўхтатларинг,— деди Шайтонвачча жон ҳолатда.

— Билиб қўйинг, биз ёш жинлармиз, бўлар-бўлмасга ўзимизни хўрлатиб қўймаймиз,— дейишди улар боягидек чулдираб.

Ўаҳ деди, Шайтонвачча ўзини-ўзи койиб, булар билан майдалашиб ўтиргунча ишни буюриб қўйиб, ҳуштагимни чал-е-е-б ўтирмайманми?

— Ишни кўрсатинг, хўжайин,— дейишди жинваччалар бараварига.

— Хўп, — деди Шайтонвачча шоша-пиша, — олдин ҳовлини чинни-чироқ қиласанлар, кейин мана шу катакка ўтасанлар. Ана ундан кейин сигирга ўт юлиб, оёҚимни уқалаб қўясанлар, бўлдими?

— Бўлмади!

— Нимаси бўлмади?.. — аччиҚи чиққанлигини билдириб ер тепинди Шайтонвачча.

— Биз ойимсупургилармиз, супуришни биламиз, ўт юлишни, оёқ уқалашни билмаймиз.

— Билмасаларинг билдираман, ҳеч ким онасининг қорнидан ўрганиб тушмаган.

— Йўқ дедикми, йўқ — деб жинваччалар яна чангитишни бошлашаётган эди, Шайтонвачча кўна қолди.

— Келишдик, келишдик, — деди у шартга кўниб, — қайсарликларинг менга ёқди, ўзимам шунақароқман, фақат қилган ишларингни биров билиб, биров билмасин.

— Биз супир-сидирни офтоб чиққунча қилиб қўямиз, одам болаларига ўхшаб Қафлат босиб ётмаймиз.

— Баракалла, иш дегани бундоқ бўпти...

Шундай қилиб Шайтонвачча ҳовлидаги ишларнинг биттасидан осонгина қутулди. Ойимсупургилар бирам тиниб-тинчимас экан, олдин пилдираволиб ахлатларни бир жойга тўплашади, кейин бир кўтаришда осмону фалакка олиб чиқиб, кўча-кўйгами, қўшниникигами, фарқи йўқ, сочиб юборишади... Энди Шайтонвачча тинкасини қуритаётган сигир-бузоқлардан қутулиш йўлини ўйлай бошлади.

## ҚОПҚОН

(*ёки «устоз»нинг пешонасига*
*битган қасоскор жин*)

Спорт ўқитувчиси бу галги мусобақадан қуппа-қуруқ қайтди. Қишлоқда олдингидай карнай-сурнайлар чалинмади. Устоз бошқа шогирдларига ҳаддан зиёд ишониб, Шайтонваччани бу мусобақага олиб кетмаган эди. Бекор қилди. Омадлари келмади. Буни устига Шайтонваччадан тилла медалларни олганлар унга бир дунё ташвиш тайёрлаб қўйишган эди. Уни ўртага олиб, қаллобдан олиб қаллобга солишди. У деб кўришди, бу деб кўришди, барибир бўйнига айбини қўйиша олмади. Спорт ўқитувчиси «мен қаттан билай» деб елка қисиб тураверди. «Ана боринглар-да медаль берганларни судга беринглар» деб, сувдан қуруқ чиқди. Медаль берганлар юртларига кетиб бўлган эдилар. Бу жанжалларга Шайтонвачча ҳам, кампир ҳам аралашмади. Улар «жанг»нинг бошқачароқ режасини тузиб қўйишган эди. Устозни бир кунмас бир кун ўз оёҚи билан ҳузурларига кириб келишини кутишар эди. У ахир шогирдларини «пишириш» учун кампирдан дарс олиши керак эди-да. Олдинда Қора денгиз сафари турибди ахир. Бу сафардан ҳам устоз анча-мунча олтин медаллар кутяпти. ¤рганган кўнгил ўртанса тўймас, дейдилар.

Ниҳоят спорт ўқитувчиси кампирга рўпара бўлди.

— Холажон,— деди у тавозе билан,— олдингизга бош эгиб келдим, шогирдларимни неварангизга ўхшатиб пиширмасак бўлмайди. Бу гал йўлкираю еган овқатлариниям оқлашмади, номардлар. Қайтага ҳамманинг оҚзида сизнинг набирангиз. Нимага чемпионни обкелмадингиз?— деб қулоқни қоматга келтиришди. Спорт юлдузлари фақат халқаро мусобақаларга боради, деб зўрҚа қутулдим. Телевизорни кўрдингизми, холажон, телевизорни, ваҳ, топган гапларини қаранг. Неварангиз бошқа сайёраликмиш... — У хохолаб, кулиб чаккасини қашиб қўйди. – Бу бари кўролмасликдан, холажон. Биззи соҳада ҳам бунақалар жуда кўп...

Шайтонвачча илгари эътибор қилмаган экан. Устози икки гапнинг бирида қошини учириб гапирар экан. Яна иккала қоши қалдирҚочнинг қанотига ўхшаб баравар учади. Худди рўпарасида турган одамга бир нималарни ваъда қилаётгандек. Шайтонвачча бу қош учиришларни қизиқиб кузатар, устози тўхтамай жаврар эди. –Шу десангиз, холажон, нуқул шогирдингизни қандоқ қилиб чопаҚон қилдингиз, қандоқ қилиб у полвон бўп қолган, деб ижикилашгани ижикилашган. Сиззи муолажаларингизни айтиб бўладими, уларга?

— Эшитдим, жа меникини ўзингники қилиб гапирдинг... уятинг ҳам йўқ экан.

— Э, ташвиш қилманг, барибир ҳеч нарсага тушунишмади, шунчаки лақиллатдим.

Кампир ҳам спорт ўқитувчисининг қошлари бир нимага ишора қилгандек учиб-учиб қўяётганини пайқаб қолди. Бу боламни бекитиқча бирон-бир гапи борга ўхшайди, шогирдидан ийманяпти шекилли, деб кампир Шайтонваччани ишга буюрди:

— Бор болам, узумнинг офтоб еган, офтоб еган жойидан узиб келиб, устозингни бир меҳмон қилгин-чи.

Шайтонвачча нари кетиши билан кампир ҳам спорт ўқитувчисига қараб устма-уст қош учирди:

— Гапир, нима дейсиз?

— Шу, машҚулотларни тезроқ бошласак, девдим-да, холажон,— деди у мақсадга кўчиб.

— Бошқа гапинг йўқми?

— ЙўҚ-а...

— Нимага ҳалидан бери менга қошингни учириб ётибсан, ҳезалакка ўхшаб?

Спорт ўқитувчиси қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Бечора бир кулсанг ўн йиҚларсан деганларидек, олдинда ўзини нималар кутаётганини билмас эди.

— Қошимми айтяпсизми, холажон, нуқул ҳамма шунақа дейди. ¤зи шунақа, онадан туҚма...

— Қуй-е, Худо урди, кетди, қайси бола онасининг қорнидан қошини учириб тушибди, сен тушсанг?

Шайтонвачча бу сирни аллақачонок пайқаб улгурган эди. У қўлидаги олтиндек товланиб турган бир лаган узумни устозининг олдига қўяр экан, деди:

— Қошингизни учиши туҚма эмас устоз, онангизни тек қуйинг, бу ерда бошқа гап бор.

— А, қанақа гап?— ҳайрон бўлди устоз.

— Пешонангизда битта қоп-қора жин ўтирибди!

Спорт ўқитувчиси бир Шайтонваччага, бир кампирга қараб, худди жинни кўрмоқчидек кўзи Қилай тортиб тепалади.

— Ўазиллашманг, чемпион, одам чўчиркан...

— Одобли шогирдлар устозлари билан ҳазиллашмайдилар,— деди Шайтонвачча.

— Вой, ишонаверинг болам, ишонаверинг, неварам ўша сиз гувоҳ бўлган муолажадан кейин шунақа, кўрадиган бўп қолган. Ўа, азайимхон. Фақат биз буни сир сақлаб турибмиз. Бўлмаса аллақачанок эшигимизнинг таги ўчирит бўп кетарди, ўчирит.

— ЙўҚ-е...— деб устоз Шайтонваччадан нари сурилиб ўтирди.

— Ишонмасангиз, илгари нима воқеа рўй берганини, қошингиз нимага учадиган бўп қолганини жинни ўзидан сўраймиз, устоз,— деди Шайтонвачча. Шундай деб у устозга қараб сурилди. Устоз чўчиб ўзини орқага ташлади. Шайтонвачча унинг башарасига шундоқ тикилди-ки, кўзлари совуқдан-совуқ йилтираб кетди. Бу ҳақиқий шайтоннинг кўзи эди. Устоз қўрққанидан, тараша бўп қолди.

— Гапир, ҳов шайтоннинг урҚочиси, устознинг пешонасида нима қилиб ўтирибсан, бир чертиб, бурнингни пучуқ қилиб қўяйми,— деди Шайтонвачча ҳезланиб. У ёқдан бир ишора бўлди шекилли:

— Нима дединг,— деб Шайтонвачча қулоҚини устознинг пешонасига олиб бориб, анчагача «ҳа», «ҳим»лаб бош қимирлатиб турди. Кейин жиркангандек ўзини устоздан нари олиб қочди-да, деди:

— Воқеа бундоқ бўлган экан, устоз. Сиз болалигингизда жудаям куйдирмажон, безори, қайсар, шумтака бўлган экансиз. Онангиз бечора сизга шомдан кейин кўчага чиқма, жинлар тўзҚийдиган пайт бўп қолди, зарари тегиб қолиши мумкин деб, кўп тайинлар эканлар. Сиз бўлса қулоқ солмас экансиз. Охири шундоқ бўптики, шом пайти кўчага ўйнагани чиқиб, жиннинг боласини босиб, майиб қилибсиз. Онаси бу мажруҳ болани бошимга ураманми деб, уни олиб бошингизга урибди. Шу-шу жиннинг боласи пешонангизга ёпишиб қопти. ¤шандан бери у кўзингга қараб юрсанг ўлармидинг, мени бир умрга дабдала қилдинг-ку деб, икки қовоҚингизнинг остига тепгани-тепган экан. Шунга қошингиз ҳам учгани-учган экан. Ана шунақа гаплар, устоз.

— Э-э-э,— деди спорт ўқитувчиси,— жа оширвордингизми, чемпион.

— Бувижон, — деди Шайтонвачча кампирга юзланиб,— қошингизга ўсма қўядиган ойнагингизни бериб туринг, ҳозир жинларини кўзларига кўрсатиб қўяман.

— Қуй-е, яна юраги ёрилиб-нетиб, товонига қолмайлик, болам. Жўжабирдек жон-а?

— Ойнагингизни менга берворинг-чи,  холажон— дея спорт ўқитувчиси кампирга қўлини чўзди. Кампир камзулининг чўнтагига қўл тиқиб узоқ тимирскиланди-да, ахири бир парча синиқ кўзгуни олиб унга узатар экан: — Қара, синдириб қўйма яна, худди тўлайсан-а, — деб қўйди.

Кампир ҳам ростанмикан, деб спорт ўқитувчисининг орқасига ўтди. Жинлар қанақа бўлишини кампир ҳам кўргиси келарди. Жинлар билан ундоқ эдию, бундоқ эди деб гаплашишни билардию ўзини кўрмаган эди. Спорт ўқитувчисининг ранги қути ўчиб, кўзгуга тикилар экан, қўли титрай бошлади.

Шайтонвачча устозининг пешонасига пешонасини тираб, ўшқира кетди:

— Ўов шайтоннинг урҚочиси, устознинг қовоҚига тепгину шундоҚлигича ушлаб тур, устоз бир ўзларини ўзлари кўриб олсинлар.

Бу гапдан кейин устознинг қошлари тепага кўтарилдию, пешонада қоракуядек қотди. Кўзнинг қорачиҚи орқага кетиб, оқи чиқиб, ўлган бузоқнинг кўзига ўхшаб қолди. Бурун дегани танқайди, юз  супрага ўхшаб сўмрайди. ОҚиз ўра, тишлар бузилган кўра...

Кампир қани деб устознинг елкаси оша кўзгуга қарадию устознинг афти башарасини кўриб, жин деб ўйлаб ўзидан кетиб, йиқилди. Устоз кўзгуда жинни кўряптими, ўзини кўряптими, тушуна олмай қолди. ҚовоҚи борган сари орқага тортиб, кўзи ўйилиб, бурнининг катаклари керилиб борарди...

Шайтонвачча энди жинга буйруқ бера бошлади: «Теп, бир-икки-уч тушир, уч-икки-бир, теп...» Жин унинг айтганларини бажарар, устознинг қоши буйруққа қараб, гоҳ учар, гоҳ тушар эди.

— Бўлди, бўлди, тавба қилдим,— деб устоз кўзгуни отиб юборди. Бирдан ҳўнграб, ёш боладек йиҚлай бошлади. Анча йиҚлади. Тўйиб-тўйиб йиҚлади. Афсус ва надомат билан йиҚлади. Айтиб-айтиб йиҚлади: — Вой, пешонам қурсин, нимага омадим юрмайди десам...  Мен қайсар болангизни кечиринг онажон! Гапингизга кириб, шом пайтлари дайдимай, уйда ўтирсам ўлармидим. Бу кўргиликлар бўлмасмиди... Аҳ-аҳ-а-ҳ-ҳ-ҳ...

Шайтонвачча сув сепиб, устозни ҳам, кампирни ҳам ўзига келтирди...

## ОЛТИНЛАРУ ОЛТИНЛАР...

(*ёки Шайтонваччанинг бир ўқ билан тўртта қуённи ургани*)

— Дийдиёни бас қилинг, устоз. Пешонангизга битган жин бизга таржимаи холингизни айтиб берди. Раҳмат унга, ташаккур. Энди таомилини қилиб қўймасак бўлмайди...

— Шу, чўнтакни сал мазаси йўқрок-да, чемпион. Кеннойингизни одати чатоқ, чўнтакни қоқиб олмасдан кўчага чиқармайди.

— Хаёлингиз дарровда чўнтакка кетмасин. Жинларнинг таомили бўлакча бўлади. Уларнинг яхшилигига яраша ёмонлик қилиб қўйиш керак. Бўлмаса ўрнига тушмайди. Бирпас чидаб турасиз, жинчанинг бурунчасини пучуқ қилиб қўямиз. Бечорани мажруҳлиги етмагандек энди пучуқ ҳам бўп қолади. Шайтонвачча ўрта бармоҚини бош бармоҚининг тагига олиб, ҳам одамий, ҳам шайтоний кучларини битта қилиб шундоқ чертдики, калла демаган тарсиллаб буклама пичоқдек бир бориб келди. Устознинг кўзларидан ўт чақнаб, миясига биров болта билан туширгандек бўлди.

— Ваҳ,— деди Шайтонвачча афсус ва надомат билан, — мўлжалдан тойиб кетдим-ку, устоз. Кечирасиз-да энди. — Ўа, бурнинг қурсин жиртаймай, сени, — деб жинни койиган бўлди Шайтонвачча. ¤зи буни бурнидан бошқа ҳеч вақоси ҳам йўқ экан. Ўавониям бурнидан олиб, овқатниям бурнидан ейдими, дейман. Ўали ахлатниям бурнидан чиқарса керак. Қаранг-а, устоз ҳаммаси битта жойда. Биззикини қаранг, бири боҚда бўлса, бири тоҚда... Бошқатдан чертамиз, энди. — Ўаҳ, сезиб қолди, тутқич бермаяпти. Пешонангиз ҳам бор экан, устоз, камбаҚалнинг ҳовлисидек. Шу, ойболтанинг орқаси тузукроқмикан-а, устоз, — деди Шайтонвачча, — бира тўласи жиндан қутулиб қўя қолардингиз.

— Ойболтани орқаси дейсизми, қўйинг-е, бошқа йўлини қилинг, илтимос...

— Бошқа йўли дейсизми?— деб Шайтонвачча кампирга қаради. Кампир боягидан анча ўзига келиб қолган, устоз билан шогирд ўртасидаги чертмак ўйинини томоша қилиб ўтирарди. — Сиз нима дейсиз, бувижон, бошқа йўлини билсангиз айтинг?

— Йўли муолажа-да, бошқа йўли йўқ,— деди кампир. Локин менга ишонманглар, юрагим тераклинг баргидек титраб турибди. Қуриб кетсин, жин деганинглар ўтакамни ёрди.

— Яхши бўларкан,— деди устоз хурсанд бўлиб,— бир ўқ билан иккита қуённи урар эканмиз.

— Иккита қуён нима бўпти,— деди Шайтонвачча устознинг ўз хоҳиши билан қопқонга тушганидан хурсанд бўлиб,— бир ўқ билан учта қуённи урамиз. Биринчидан жинларнинг таомили ўрнига тушади, иккинчидан жин сизни ташлаб кетади, учинчидан менга ўхшаб «пишасиз».

— Оҳ, тилизга шакар, қанийди, мени ҳам югурганда оёҚим, курашганда курагим ерга тегмаса,— деб спорт ўқитувчиси пешонасини силаб қўйди. Кейин кампирга ялинди:

— Йўқ деманг, холажон, ҳақини яхшигина оласиз, муолажангизни бошлай қолинг.

— Хўп денг, бувижон, устознинг ҳурматлари бор ахир,— деб Шайтонвачча кампирга кўз қисиб қўйди.

— Қўймадиларинг, қўймадиларинг-да,— дея кампир таранг қилиб ўрнидан турди. Кейин устознинг қўлига токқайчи бериб, боҚ этагига бошлади. Пичоқнинг сопи ўзидан чиқсин, деди. Устоз беҳининг етти дона майда саваҚидан, етти дона катта саваҚидан ҳафсала билан кесди. Кампир Шайтонваччани муолажага онадан туҚма қилиб, яланҚоч қилиб тортган эди. Устозга раҳм қилди. Калта иштонда қолдирди. ¤зиям эти устихонига ёпишган, тарашадек экан. «Ов, бу одамни урадиган жойи ҳам йўқ-ку, қоқ суяк» деб қўйди кампир ичида.

Устозни Шайтонваччага ўхшаб устунга чирмаб ташламади, оёқ-қўлини боҚлаб, шундоқ бўйра устига дум қилиб ётқизиб қўйди. Кампир одатдагидек ундоҚиди-бундоҚиди деб жин билан гаплашишга тушиб кетди:

— Ўай жин деяпман, мусурмон бўлсанг ҳам, кофир бўлсанг ҳам мени яхшилаб эшит. Сенга саломларим бўлсин. Билиб қўй «Салом» бу Аллоҳимнинг исми. Гап шундаки, қандай бўлмасин бу боламнинг танасидан чиқиб кет. Эркак кишини ўз ҳолига қўй. Қошини учировурма. Айб бўлади-я. Билган ундоқ дейди, билмаган бундоқ. Қўй оҚзидан чўп олмаган, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаган, шайтон йўлларига юрмаган, симёҚочдек тўппа-тўҚри боламда нима гуноҳ? Болалигидаги шўхлигини айтасанми? Ўа энди, болаликда нималар бўлмайди. Шунга шунчами? Билмаган-да, билса бемаҳалда кўчаларда тентираб юрармиди. Сен билан ёвлашармиди? Бир чеккаси ўзингдан ҳам ўтган. ОёҚининг тагида ўралашиб нима қилардинг? Энди бўлар иш бўлган, бўёҚи синган. ¤лгунча қасос олишми? Йў-ў-ў, йў-ў-ў, бу инсофданмас... ¤Қри бўл, Қар бўл,

инсоф билан бўл, деганлар... Сен ундан кўра қорни катта бойларга бор, қон ялаган қассобларга бор, пулни-пулга никоҳлаб, пул туҚдираётган сутхўрларга бор... Закотни Худодан яширадиган, хайри-эҳсон қилмайдиган нокасларга бор. Ўа, бу боламни ўз ҳолига қўй, қара, қонини сўровриб қоқсуяк қип қўйибсан-ку... Чиқасанми, йўқми? Йўқ дейсанми? Унда ўзингдан кўр. Аяб ўтириш йўқ...

Кампир шундай деб, жазавага тушиб, устозни савалай кетди. Ўа-ҳув..., ҳа-ҳув...

— Вой холажон, секинроқ-секинроқ-да,— деб додлаб юборди устоз. Овози худди ўрадан чиққандек бўлди. Кампир устозни на эшитарди, на дод-войига қулоқ соларди. Бирпасда устоз товонидан то елкасигача матросча кўйлак кийгандек бўлиб қолди. Йўл-йўл изларики, ҳар бири ўқлоҚидек-ўқлоҚидек...

— Бўлди, бувижон,— деди Шайтонвачча кампирнинг қўлидан ушлаб, — орқаларини дабдала қивордингиз, энди олдиларини ўгириш керак. Ахир жин устознинг пешонасида-ку, эсингиздан чиқдими?

— Эй, менга барибир...

— Шунақайкан, орқамда нима қилиб юрибсизлар?— бўкирди устоз жон аччиҚида дум ётганича.

— Э, кабобниям айлантириб пиширади-да, болам,— деди кампир нафаси оҚзига тиқилиб. – Устозингни айлантир, олдини тепага қил,— буюрди кампир Шайтонваччага.

Шайтонвачча Қўлани думалатгандек, бир амаллаб устозни чалқанча қилди.

— Ов-в-в...— деди кампир юзини тескари буриб, — мен эркак кишининг олдига уролмайман, ма ўзинг ур, — деб гавронлар боҚламини Шайтонваччага тутди кампир,— кучинг кўп.

— Ахир, булар устозим бўладилар-ку, бувижон, қандоқ бўларкин?

— Кечиринг устоз дегин-да, уровур.

— Энди устоз, айбга буюрмайсиз-да,— деди Шайтонвачча қўлини кўксига қўйиб, — муолажани оёҚингиздан бошлайману тепага чиққанда башарангизга ҳам тушириб қоламан. Шундай қилмаса, бўлмайди. Ахир жин пешонада-да. Қаттан кирган бўлса ўшаттан чиқиб кетиши керак, у шайтонни урҚочиси.

— Э, билганингизни қилинг, чемпион, — ингради устоз.

Шайтонвачча ҳар сафар «ҳаҳ» деб гавронни ҳавода ўйнатиб туширганда, устознинг оҚзидан «ваҳ» деб тутун чиқиб кетарди. Айниқса, сондан ўтиб, киндикдан пастига тушганида устоз шундоқ чинқириб юбордики, оҚилхонанинг бир чеккасида кавш қайтариб ётган говмиш ҳам чўчиб, ўрнидан туриб кетди. Нариги хонадаги эгизак бузоқлар маъраб, катакдаги товуқлар қақаҚлаб, бобохўроз ваҳима ичида устма-уст қичқириб юборди. Устоз ётган жойида акашак бўлди-қолди.

— Айбга буюрмайсиз, устоз, гаврон ҳамма жойга бирдек тегмаса бўлмайди. Эми шунақа.

Нимагадир устоз жон таслим қилгандек чурқ этмади. Гаврон қорин устида бир-икки пўкилладида, башарага етди. Устоз ўзидан кетиб бўлган эди. Шайтонвачча башарасига шундай туширибдики, устознинг кўзлари «ярқ» этиб, очилиб кетди. Шунда унинг кўзлари тепасида чақчайиб турган Шайтонваччанинг кўзларига тушди. Шайтонвачча бўлса емоҚда-ичмоҚда бўлиб деди:

— Олтинлар қани, аблаҳ?

Бу муомаладан кейин устоз бирдан оҚриқларни унутди. ¤з оёҚи билан қопқонга тушганини билиб қолди. Аммо энди кеч. Оёқ-қўли кишанда. ¤з инон-ихтиёри билан боҚлатди.

— Қанақа олтинлар? — тили ҳам калимага келиб қолди устозни.

— Менинг олтинларим, ҳе шайтондан  тарқаган, устози қаллоб...

— ¤зинг инъом қилиб юборибсан-ку, мен қаттан билай.

— Сени шарманда қилиш учун атай инъом қилдим, қароқчи. Олтинларнинг ҳар бирига тиш босиб, мухрлаб қўйиган эдим, ўша олтинларни топасан,— деб Шайтонвачча қозиқ тишларини  кўрсатиб устозга яна ҳам энгашди,— бўлмаса шу тишларим билан кекирдагингни узаман.

— Уза қол.

— Йўқ, сени ҳаром қонинг билан оҚзимни булҚамайман, бунга сен арзимайсан. Бошқа йўлини қиламан.

— Қўлингдан келганини қил.

— Бувижон,— деди Шайтонвачча ҳовли тарафга юзланиб, — қаттасиз?

— Қорним таталаб кетди, болам, гапировир, қулоҚим сенда?

— Устозни биззикига келганини биров кўрмадими мабодо?

— Хотиринг жам бўлсин, сену мен, Худодан бошқа...— деб луқмага тиқилиб йўталди кампир.

— Кир ўрангиз қанақа?

— Қанақа бўларди, кир ўра — кир ўра-да, нимага сўраб қолдинг?

— Устоз бандачиликни бажо келтириб қўйидилар, эрта кунда  гумдон қилмасак бўмайди.

— Ўа, боласи тушмагур-а, иш оширибсан-да, ўрадан оёҚи чиқиб қоларов...

— Унда оёҚи билан тиқворамиз.

— Калласи чиқиб қолса-чи?

— Бир-икки ойболтанинг орқаси билан урворсак,  қозиқ  бўлиб, қоқилиб кетади.

— Билганингни қил бола, пақат бу ишларга мени аралаштирма. Кўрмай ҳам, куймай ҳам. Туя кўрдингми? Йўқ! Бия кўрдингми? Йўқ! Ана шунақа, иси чиқмасин... Бўлақол, отанг келмай туриб йўқот.

— Узр энди устоз, келиша олмадик,— деб Шайтонвачча устозини ўра томонга судраб қолди. Устоз қарасаки, шогирди уни ростдан ҳам асфаласофилинга жўнатадиган. Шу пайтда «бошқа сайёралик» деган гаплар ёдига тушиб, тезда бир қарорга кела қолди.

— Тўхта.

— Гапир, менинг олтинларим қаерда?

— Биттаси трос, биттаси билакузук, яна биттаси тиш бўп кетган.

— Қаерда, деб сўраяпман сендан? — устозининг кўзларига қўлини тиқиб олай деди Шайтонвачча.

— Хотинимда...

— Ўа-а-а... кеннойида денг? — яйраб кулди Шайтонвачча. — Унда ишончли жойда экан. Яна биттаси қаерда?

— Кабинетимда, чемпионлик кубогининг тагига ёпиштириб қўйиганман. Фақат гап шетта қолсин, шарманда қилма, чемпион, илтимос? Кимлигингни билиб бўлдим.

— Буни менга аҳамияти йўқ, устоз, кабинетнинг калитини чўзинг.

— Шимнинг чап чўнтагида.

— Бувижон,— деди Шайтонвачча оҚзи қулоҚида,— устознинг умрлари узун экан, Худо жонларини қайтиб берди. Сиз энди «Жин» сурасини ўқиб, аччиқтош қўшилган намакоб билан даволаб туринг, мен ҳозир келаман. Устоз иш буюриб қолдилар. Худо хоҳласа бир ўқ билан тўртта қуённи урдик, ҳисоб.

— Тўртта қуённи дейсанми, қўй-е...

— Мана эшитинг, бувижон: устоз жинларидан фориҚ бўлдилар — бу бир, пишмаган жойлари пишди — бу икки, жинларнинг таомили ўрнига тушди— бу уч, энди насиб қилса тўртинчисига кетяпман.

Шайтонвачча кўчага чиқса, аччиқтош қўшилган намакобнинг азобидан устоз буқадек бўкирарди. Овози ҳовлидан ошиб, кўчагача чиқарди. Қайтиб ҳовлига кирди-да, радиони баландлатиб юборди. Байрам-байрамдек бўлсин-да. Бир ўқ билан тўртта қуённи уришнинг ўзи бўладими?! Омадни қаранг, радиода ҳам устознинг бўкиришига мос ва хос бир қўшиқ янграётган экан:

*Севиб қолдим бўз болани,*
*Қийнашлари зўр болани,*
*Ў-ў-ў-ҳ... Ў-ў-ў-ҳ... Ў-ў-ў-ҳ...*

## ЧЎРИ МУБОРАК, БУВИЖОН

*(ёки Шайтонваччанинг бир ўқ билан бешинчи қуённи ҳам ургани)*

Шайтонвачча кабинетдан олтин медални олиб, йўл-йўлакай устознинг айбини бўйнига қўя олмаган анови кишиларни ҳам бошлаб келмоқчи бўлдию, ниятидан қайтди. Битта қаллоб устоз юрса юрибди-да. Шарманда қилганда нима қолади. Яхшиси кеннойини бошлаб бораман.

— Бувижон,— деди Шайтонвачча,— мен сизга олтинларим ҳалол бўлса, бир куни ўз оёҚи билан юр-и-и-б, кириб келади, деб айтганмидим,— дея кеннойига ишора қилди. Устозни намокоблаб ўтирган кампир ҳеч нарсага тушунмай, кеннойига бошдан-оёқ қараб:

— Шунга ўхшашроқ бир нималар деган эдинг,— деди.

— Вой ўлай-й-й-й... сиззи ким бу кўйга соп қўйди? — қўрққанидан чапак уриб юборди кеннойи эрини таниб.

— ¤зим, — деди устоз, — ўзимни ўзим шу кўйга солдим.

— Бу нима ётиш, қўл-оёҚингизни ким боҚлади, деяпман?

— Сен хотин гаппи кўпайтирма, тақинчоқларингни ечиб, чемпионга бер, вассалом.

— Вой, нимага-а-а?

— Айтганимни қил, нимагалигини кейин айтаман.

— Кута-кута энди етишганимда-я, — кўзларига ёш олди кеннойи.

— Бўл! Бўмаса эрингни ҳозир кир ўрага тиқворишади, чапагингни чалиб қолаверасан, худди.

— Хўп-хўп, мана-мана, — деб кеннойи тақинчоқларни ечиб Шайтонваччага узатди. Шайтонвачча кампирга, кампир шошиб қолганидан нима қилишини билмай, ишончлироқ деб липпасига урди.

— Энди бўлдими, чемпион, ора очиқми? — сўради устоз ётган жойида.

— Тилла тишлар-чи, устоз, тилла тишлар, — деди Шайтонвачча кеннойининг оҚзига ишора қилиб.

— Номард экансан...

— Бувижон, теша қаёқда, ҳозир кеннойининг тишларини битта қўймай қоқиб оламан. Менинг тиллаларим бировнинг оҚзига тилла тиш бўп кетишини хоҳламайман.

— Войдод, — деб эрининг устига ўзини ташлади кеннойи, — бир нима денг, ўлиб қоламан-а, худди.

— Шартингни айт? — деди устоз боҚлоқдаги оёқ-қўлларини силтаб.

— Кеннойини талоқ қиласиз.

— Нима?

— Отамга иккинчи хотин қилиб олиб бераман, бувим қариб қолдилар.

— Вой, майли-майли, Ўожи отага бўлса жон деб тегаман, у киши табаррук зотлар — деб юборди кеннойи.

— Вой бевафо манжалақи-ей, — инграб юборди устоз. Бу ёқда кампирники тутиб кетди:

— Нималар дейди бу яшшамагур, — деб қайдандир топиб келган тешани Шайтонваччага ўқталиб қолди. — Менга кундош қилмоқчимисан, ху турқинг қурсин, ушла тешани, ҳозироқ тишларини қоқиб ол. Эри олдида туриб ликиллашини қаранглар бу фоҳишани. Ўу кўзларинг сузилмай ўлсин, бузиқи.

— Чўрингиз бўлай холажон, илтимос, тишларимга тегманг, — деб кеннойи кампирнинг оёҚига йиқилди.

Бирдан ҳамма жимиб қолди. Фақат кеннойи «пиқ-пиқ» йиҚлар, говмиш бу машмашаларга бефарқ, ҳафсала билан кавш қайтарар, юмшоқ жаҚи нари-бери бориб келар эди. Кампирнинг аёлга раҳми келдими, нима дейсан дегандек, Шайтонваччага қаради. Шайтонвачча бош ирҚади:

— Чўри бўлсалар бўла қолсинлар.

— Бўпти, — деди кампир, — пақат ҳаммаси мен айтгандек бўлади. — Бомдод намози вақтида жойни йиҚиб, нонушта тайёрлайсан — бу бир, пешин намози вақтида келиб белимни уқалаб қўясан — бу икки, аср намозига азон чақирганида кечки овқатга уннаб кетасан — бу уч, хуфтон намози вақтида идиш-товоқларни ювиб, чолим билан менга жойни соласану дап бўласан — бу тўрт. Бу пайтларда чолим масжидда бўлади. Унга турқингни кўрсатмайсан. Уқдингми, ху нафс бандалари?

— Хотирингиз жам бўлсин, холажон, бари сиз айтгандек бўлади.

— Бизам келишвосак бўларди, чемпион,— деди устоз ётган жойида тўлҚаниб, — шу гаплар шетта қоп кетади-а, иси чиқмайди-а?

— Бу ёҚи ўзингизга боҚлиқ, устоз, бир-биримизни анча тушуниб қолдик шекилли...

— Гап йўқ, йигит кишининг гапи битта бўлади, тавба дедим-ку...

— Келишдик.

Устоз бир амаллаб кийимларини кийиб, одам-башара бўлиб, оҚилхонадан чиқар экан, хотинидан сўради:

— Яхшилаб қара-чи хотин, олдингидек қошим учмаяптими?

— Э-э-э, — деди хотини эрига қараб, — қошим дейсиз-а, қошиз қоптими, бурнингиз картошка, оҚзингиз гармошка бўп ётибди-ку...

Шайтонвачча кампирни ўзича қутлаб қўйди:

— Чўри муборак, бувижон!

## ҒИЙБАТЧИ КАНАЛ

*(ёки Шайтонваччанинг рост гапириб, яна бошига бало орттириб олганлари)*

Шом бўлмасдан Ўожи ота таомланиб, масжидга шошар, кампир жойнамоз устида наридан-бери думалаб, телевизорни ёқар эди. Она-бола термилишиб телесериал кўришарди. Телесериал Шайтонваччага жудаям ёқарди. Гоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулар, гоҳ чапак чалар, гоҳ думалаб-думалаб, маза қиларди. Баъзан кампирнинг соддалигидан

жаҳли чиқар, баъзан раҳми келарди. Нимага деганда сериалнинг қаҳрамонлари нуқул Худонинг айтганини қиляпмиз деб, шайтоннинг айтганини қилишарди. Бу ёқда кампир: «Ўа, ана шунақа бўпти иш дегани» деб телевизорнинг ичига кириб кетай дерди. Орада сериал тўхтатилиб, реклама, қисқа хабарлар ҳам бериларди.

Шундай қисқа хабарларнинг бирида сочи «малчишка» қилиб олинган диктор қиз кутилмаганда Шайтонвачча ҳақида гап очиб қолди.

— ¤смир болалар ўртасидаги мусобақада тўрт карра жаҳон чемпиони бўлган хўжақишлоқлик бола ҳақидаги миш-мишлар ростга ўхшаб қолди. Ўа, унинг бошқа сайёрадан келиб қолганлигига энди гумон йўқ. Ишонмасангиз ушбу тасвирга эътибор қилинг.

Тасвирда узумлари олтиндек товланган сўриток, товуқ катаги, чангдан кимлигини таниб бўлмайдиган бир нусха... (товуқларнинг жонсарак қақаҚлаши, хўрознинг қичқиргани эшитилади). Кейин ҳалиги нусха микрофонга бошини чўзиб, шанҚиллайди: «Уми, у қип-қизил шарлатан. Қайдан келганини айтайми? «Думи тугуклар» сайёрасидан келган. Сизларнинг ҳаммангизни лақиллатиб юрибди».

— Эшитдингизми,— деди диктор ҳайратдан қошларини кериб,— ҳатто қаердан келгани ҳам маълум, «Думи тугуклар» сайёрасидан! Бу гапларни у билан бир хонадонда яшайдиган бир болакай айтди. Одатда болалар ёлҚон гапирмайди. Кейин бир-бирларидан сир бекитишмайди. Шунақа, гаплар... шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди... Биз бу мавзуга яна қайтамиз. Бир юз саккизинчи каналда қолинг...

— Вой ўлай, бу нима қилганинг, болам?— деди кампир Шайтонваччага қараб.

— Э, қўяверинг, бувижон, бу ўзи шунақа, олди-қочдилар канали...

Аммо сал ўтмай Шайтонваччанинг бу ҳазили бурнидан чиқди. Ўовлига Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчи кириб келди. Икковини ҳам шайтонлари васваса қилиб бу ерга олиб келган эди. Илгарилари ҳам кўп васваса қилиб, Ўожи ота билан жиққамушт қилмоқчи бўлардию, лекин дурустроқ баҳона топилмас эди. Ўар доим отанинг тақвоси, салобати олдида ожиз бўлиб қолаверишарди. Шайтонвачча келдию бу хонадондан тақво кўтарила бошлади. Ўатто, Ажинашамолнинг болалари ҳам айтган ишни қилмай ҳовлида бемалол сайр қилиб юрадиган одат чиқаришди. Бўлмаса мухбирлар келганда Шайтонвачча товуқ катагини чангитиб ётган бўлармиди.

— Ўа-а-а, — деди Райимберди алкаш Шайтонваччанинг гирибонидан олиб, — айбингни хаспўшлаб, шунча вақтдан бери ўзингни жинниликка солиб юрган экансан-да, ҳароми,— деб кайф устида Шайтонваччага калла қўйди. Шайтонвачча ҳеч нарса қила олмай қолди. Ўатто Ажинашамолни ҳам ёрдамга чақира олмади. Шилқ этиб алкашнинг оёҚи тагига тушди. ўийбатчи билан алкашнинг шайтонлари зўр келди.

— БоҚланг оёқ-қўлини Дадамирза, милисага берворамиз, — деди алкаш пишиллаб.

— Иймонсиз ҳожи,— деди Дадамирза, қўйнидан чилвир чиқариб, Шайтонваччанинг оёқ-қўлини боҚлар экан, — ҳароми болани уйида асраб юрибди-я, бўлмаса ўз кўзим билан кўрганман қизини келгиндилар билан дон олишиб юрганини. Менга тег десам тегмаганиди, мўчаҚар...

Дадамирза ҳам Қирт маст эди. Нима деб, нима қилаётганини билмас эди.

Шу пайт Дадамирзанинг бошига оҚир бир нарса «гум» этиб тушдию эси оҚиб, чапга йиқилди. Бундан бехабар алкаш: «Ўов занҚар, кайфинг ошиб қолдими» деб энгашган эди, унинг ҳам бошига бир оҚир нарса тушди: «гум». Энди у ўнг томонга йиқилди. Икки бирдек босқинчининг бошига етган нарса кувнинг дастаси эди. Кув пишавериб кампирнинг қўли бунақа ишларга чапдаст бўлиб кетган эди. Мухбирларни ҳам шу кув дастаси билан тирқиратганди-да!

— Тур болам, — деди кампир Шайтонваччани ўзига келтириб, — манови палакатларни отанг келгунча гумдон қилайлик...

— Кир ўрагами? — сўради Шайтонвачча лўқиллаётган бошини силаб.

— Э, кир ўрамни ҳаром қилма булар билан, кўчага...

Дадамирза Қийбатчининг уйи кўчанинг ўнг томонида эди, деворни пайпаслай-пайпаслай сўкиниб чап томонга қараб кетди, Райимберди алкашнинг уйи чап томонда эди, у эса туртина-суртина, сўкиниб ўнг тарафга қараб кетди. Салдан кейин кўчанинг у боши билан бу бошида бақириқ-чақириқлар, дод-войлар қулоққа чалинди. Улар адашиб, бир-бирининг уйига кириб борганлари аниқ.

— Бу кунларингдан баттар бўлларинг, — деб ҳиринглади кампир бу ёқда.

Аммо Шайтонвачча куладиган аҳволда эмас эди. Кўнгли айниб, боши гир-гир айланиб, ётиб қолди. Кечаси билан босинқираб, гапириб чиқди. Отанинг эрталабки бир-икки куф-суфидан кейингина тинчиб, ухлаб қолди.

## ТОМОША

*(ёки Шайтонваччанинг шармандаю шармисор бўлишига бир баҳя қолгани)*

Эртасига икки марта Шайтонваччани мактабдан йўқлаб келишди. Спорт ўқитувчиси Қора денгиз сафари олдидан машҚулотларни бошлаб юборган эди. Шайтонваччанинг югуриш у ёқда турсин, қадам босишга ҳам ҳоли йўқ эди. Индамасанг ерпарчин бўлиб ётаверса. Бошини кўтара олмас, боши елкасида ортиқча юкка ўхшарди.

— Боролмайман,— деди Шайтонвачча бош чайқаб.

— Бора қол болам, югурмасанг югурмассан, зора ўртоқларингни кўриб, енгил тортсанг, одам тафтини одам олади. Қара, устозинг барака топкур сигир-бузоқни деб иккита дастёр ҳам юборибди,— деди кампир, — саломга яраша алик-да, бора қол. Бормасанг дастёрлар ҳам кетиб қолишади. Икки ўртада менга жавр бўлади, болам.

Шайтонвачча ноилож йўлга тушди. Мактабга бордию, ҳангу манг бўлиб қолди. Стадион тўла одам. Ўамма «Думи тугуклар» сайёрасининг вакилини томоша қилгани келишибди. Шайтонвачча кўриниши билан гулдурос қарсаклар янграб кетди. Улар чемпионнинг қандай қилиб оёҚи ерга тегмай чопишини, курашганда рақибларини қандай қилиб чирпирак қилиб ерга отиб уришини ўз кўзлари билан кўргани келишган эди. Спорт ўқитувчиси нимага икки мартадан одам юборди, деса гап бу ёқда экан. Мусобақа олдидан ўзича «шоу» ўтказмоқчи бўлган кўринади. Топган кунини қаранг. Бир оҚиз маслаҳат солмайдими? Қаердан ҳам анови олди-қочди каналга интервью берди-я. Аҳмоқона иш қилди-да ўзиям. Тилини тийса ўлармиди? Мана оқибати, одамгарчиликдан чиқиб ўтирибди. Шайтонлигини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Эй... шайтонлиги қоптими? ¤зиям на у ёҚлик, на бу ёҚлик, аросат.

Спорт ўқитувчиси ҳам ҚўдайҚанича Шайтонваччани қарсак билан кутиб олди. У ўша кунги аччиқтош қўшилган намакобли «муолажа»дан кейин бадани тортишиб, Қўдайиб қолган эди. Ўатто таъзимга ҳам эгила олмасди. Аммо гапирганида энди қоши илгаригидек учмас, жиддий тортиб қолган эди. Одамлар орасида қошини торттириб кепти деган гаплар тарқалган эди.

— Қалай, машҚулотларга тайёрмисиз, чемпион, — деди у Шайтонваччага ҚўдайҚанича қараб.

— Йўқ, — деб бош чайқади Шайтонвачча, — касалман, бошим отилиб кетай деяпти.

— Бе, — деди у кулиб,— сиздақалар касал бўлар эканми, қаранг, одамлар сиззи деб ким билади қайлардан келиб ўтиришибди. — Кейин секин қулоҚига шипшиди,— белат ҳам сотганмиз, ҳа, бу ёҚи тенгшерик, астойдил бўлинг. Йўқ десангиз оломон аяб ўтирмайди. Пуллари куйган. Мол аччиҚи, жон аччиҚи. Бошни қўя туринг, оёқ жойидами, оёқ, шундан келинг. Мусобақани югуришдан бошлаймиз, кураш тушмасангиз тушмассиз...

— Э, сиз оёқ билан бошнинг фарқига бормайсизми, ҳали? — ачитди Шайтонвачча. У ўзини худди қопқонга тушиб қолгандек сеза бошлади. Энди нима қилади? Ажинашамолни ёрдамга чақиради, бошқа иложи йўқ. Бу сир Қора денгизга боргунча ошкор бўлмай тургани яхши эди. Шу тобда нима қила олади, осмон йироқ, ер қаттиқ. Шайтонвачча битта нарсадан қўрқаётган эди. У ҳам бўлса мухбирлар. Ёманам у билан ўчакишиб қолишди-да. Қанчадан-қанча режаларини барбод қилиб ташлашяпти. Улардан қутулишнинг иложи бормикан?

— Тасвирчилар йўқми,— деб сўради у.

— Йўқ, бу одамлар кечаги кўрсатувдан кейин сизни кўргани келишган. Ростми, ёлҚонми деб. Нима бўлганда ҳам чемпионлик номингизни оқлашингиз керак бўлди. Бу шоудан мухбирларнинг хабари йўқ, менга ишонаверинг...

— Яхши,— деди Шайтонвачча бошини ушлаб,— бир иложини қиламиз.

— Яшанг, чемпион, гап бундоқ бўпти. Рухсат беринг, мусобақани бошлай бўлмаса?

— Бошлайверинг.

— Диққат, диққат, — деди спорт ўқитувчиси Қўдайганича микрофонни оҚзига тутиб, — ҳозир уч минг метр масофага югуриш бўйича мусобақа ўтказилади. Майдонга чемпион билан беллашиш учун бир гуруҳ спортчилар таклиф этилади.

Оёқлари узун-узун, бир-биридан чаққон, қотма баланд бўйли болалар югуриш йўлакчасида пайдо бўлишди.

– Одатда, — деди спорт ўқитувчиси шартларни эълон қилган бўлиб, — иштирокчилар уч минг метр масофани босиб ўтиш учун стадионни ўн марта айланиб чиқишлари керак. Чемпионимизнинг Қоятда учқурликларини ҳисобга олиб, қуйидаги шартларни лозим деб топдик. Чемпионимизнинг рақиблари стадионни тўққиз марта айланиб чиққунларича, чемпионимиз дам олиб турадилар. ¤нинчи айланишларида уларга қўшилиб, ўн марта айланишга улгурадилар ва маррага биринчилардан бўлиб етиб келадилар...

Стадион ҳайратдан бир гувиллаб олди. Бу ақлга сиҚмайдиган шарт эди. Шахматчилар тили билан айтганда битта шоҳ бутун бошли пиёдаларга қарши ўйнаб мот қилиши ёки бўлмаса бир нечта полвон кўтарган тошни жам қилиб, битта полвон кўтариши керак дегани эди.

Шундай қилиб мусобақа бошланди. Шайтонвачча югуриш чизиҚида турганича, бировни кутгандек нуқул осмонга аланглар эди. Стадион тепасида эса куз булутлари тўп-тўп бўлиб сузиб юрар, офтоб гоҳ булутлар орасига беркиниб, гоҳ чарақлаб нур сочар эди. Томошабинларнинг фикри ёди Шайтонваччада. Унинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатишади. Бирон-бир Қайритабиий ҳолни кўриб қолармиканман, деб ўйлашади. Аммо ҳамма қатори, тўпори, найновроқ қишлоқ боласи турганини кўриб: «Бошқа сайёраликлар ҳам ўзимизга ўхшаган бўлар экан-да» деб қўйишади. Югуриш дақиқалари яқинлашгани сари Шайтонвачча асабийлаша бошлади. У аксига олиб ҳалидан бери Ажинашамолнинг кодини эслай олмаётган эди. Калласига «1»дан бошқа рақам келмас эди. Бу кўргилик ҳам бор экан-да ҳали унга? Қизиқ, сўзларини эслаяпти: «Ажинашамол, хотинингни ўҚри олиб кетди, болта, тешангни олиб югур!» Бу сўзларни у шошганидан

минг мартача айтиб юбордиёв. Ажинашамолдан дарак йўқ. Кеча анави Райим алкаш калла қўйганда, миясининг рақамлар сақланадиган уяси шикаст еганга ўхшайди. Бу ёҚи нима бўлади, энди?. Эси қайтиб жойига келармикан?... Келмаса-я?

Спорт ўқитувчиси Шайтонваччанинг аҳволидан бехабар, дабдаба билан югуришга рухсат бериб юборди. Томошабинлар шу дақиқани интизорлик билан кутишар эди. Спорт ўқитувчиси Қўдайганича, қўлини пешонасига қўйиб, стадион бўйлаб кўз ташлади. У ўзича стадионда қуюндек чирпирак бўлиб айланаётган чемпионни кўрмоқчи бўларди. Чемпион бўлса, ҳатто, стадионни тўққиз марта айланиб, ҳолдан тойган рақибларини ҳам орқада қолдира олмай, шунчаки лўкиллаб борарди. Рақиблари унга қараб-қараб қўйишар, ўзларича елка қисиб, ҳайрон бўлишарди. Шайтонвачча шу сўнгги дақиқаларда ҳам Ажинашамолдан мадад кутди. Охири бўлмади. Қараса, шармандаю-шармисор бўладиган. Устози айтмоқчи бу оломон уни соҚ қўймайди. Шайтонваччанинг шайтонлиги тутди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз бера бошлади. Шайтонваччанинг ён-веридаги рақиблари оёқлари чалишиб, ўзидан-ўзи тўнтарилиб тушаверди. Бирдан стадионни томошабинларнинг қийқириҚи босиб кетди. Шайтонвачча бундоқ ўгирилиб орқасига қараса югуриш йўлакчасида сўппайиб, бир ўзи қопти. Шундан кейин у маррага бемалол ўзи етиб келди. Томошабинлар тинимсиз қийқиришар, сўкинишар... «Шоу»дан ким рози, ким норози... Спорт ўқитувчиси Қўдайганича у ёқдан-бу ёққа юрар, нималар бўлаётганини тушуна олмай, ҳайрон эди...

## ФИТНА

(*ёки Шайтонваччанинг бугунги «шоу»ни тузоқ деб ўйлаганлари*)

Шайтонвачча «шоу»дан қайтиб келгач кампир унга, «кир-кир»лаб», «чиқ-чиқ»лаб кинна солиб қўйди. Яхшиниям, ёмонниям кўзига тушиб қолдинг, отангга айтаман, тумор қилиб беради, деди. Ота ҳам масжиддан қайтгач узун-узун дуоларни ўқиб, дам солиб қўйди. Энди Ўожи ота оятларни овоз чиқариб ўқимас, набирам эрта кунда ёдлаб олиб, бир иш кўрсатиб юрмасин, деб қўрқарди. Набираси билан бу масалада вақти-соати етганда, алоҳида шуҚулланишни ўйларди. Ўали уни намозга олиб кириши керак, бундоқ пешонаси саждага тегсин. Ўарф танисин. Аллоҳнинг каломини ўзи ўқийдиган бўлсин. Саводсиз, кўр қорига ўхшаб қолмасин дер эди.

Шом кирди. Ота масжидга чиқиб кетди. Хуфтонни ҳам жамоат билан ўқиб қайтишини айтди. Яна ҳам яхши. Кампир билан набира маза қилиб, сериал кўришади. Отани телевизор билан иши йўқ. Одамнинг ақл-ҳушини ўҚирлайди, деб рўйихушлик бермайди. Аммо уйдагиларни бундан қайтармайди.

Кутилмаганда кинонинг рекламасига 108-канални улаб юборишди. Сочи «малчишка» қилиб олинган ўша диктор қиз: «Яна ўзга сайёралик чемпион бола ҳақида» деб гап бошлаб қолди.

— Вой ўлай, булар бунча сенга ёпишиб олишди-а, бошқа ишлари йўқми уларни? Кувни дастаси билан анови хотинни бошига соп қолайми?

— Қўйинг, телевизорни дабдала қиласиз, бувижон, эшитайлик-чи бу гал нима дейишар экан.

«Бугун чемпион яшайдиган Хўжақишлоқда ўзига хос «шоу» бўлиб ўтди. Ўатто унга қўшни қишлоқлардан ҳам томошабинлар келишди. Улар бизнинг кечаги хабаримиздан кейин ўзга сайёралик билан қизиқиб қолишди. Лекин «шоу»да яна кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлди. Қаранг, чемпион билан мусобақалашаётган болалар

кутилмаганда бирин-сирин сафдан чиқа бошлашди! Ана, видеотасмани кўриб, ўзингиз гувоҳ бўлинг... Видеотасмада югуриб бораётган болалар бирданига ерга калла қўйиб, ўмбалоқ ошиб, чўзилиб қоларди.

— Вой ўлай, бу нимаси, — деб ҳайрон бўлди кампир ҳам телевизорнинг ичига кириб кетай деб.

«Жудаям Қайритабиий ҳодиса-а, нимага бундай бўлди, дейсизми», — деб гапида давом этди диктор қиз, — шошманг, ҳозир видеотасмани секинлатамиз, шунда нималар бўлганини ўзингиз билиб оласиз». Тасма секинлатилганда Шайтонвачча рақибларини усталик билан чалиб йиқитганлари кўриниб қолди. Шайтонвачча жаҳли чиқиб, ўрнидан туриб кетди.

— Сотқин, сўзида турмаган ҳезалак, — деб спорт ўқитувчисини сўкди у. «Шоу» деб менга тузоқ қўйган экан-да бу ўҚри. Мухбирлар йўқ деб мени алдаган экан-да. Шошмай тур. Хотинингни отамга бериб, сени бир чув туширай. Кейин додингни Худога айт!

— Нималар деяпсан яшшамагур, шундоҚам отанг ўлгур овқатга маза кириб қолдими, жойлар ҳам бошқача солиняптими деб жа-а-а киши билмас ис олиб юрибди. Иккаламиз душманлашсак ўзингга қийин бўлади-я, бола, ҳа. Нимага ўзинг ҳам номарднинг ишини қилиб, болаларнинг оёҚидан чалиб юрибсан?

— Э, бу дунё ўзи шунақа, мен чалмасам, мени бошқаси чалади, — деб шанҚиллади Шайтонвачча. Шу пайт дарвоза тақиллаб, Шайтонваччанинг гапи бўлинди. Яна кечаги алкашлар бўлмасин таҚин, деб кампир кув дастасини қидириб қолди. Хайрият улар эмас, спорт ўқитувчиси экан.

— Мени кечиринг, чемпион, — деди у худди Шайтонваччанинг ҳозиргина гўрига Қишт қалаганини эшитиб келгандек. — Узр, минг бора узр. — У қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилмоқчи бўлар, лекин хода ютгандек эгила олмас эди. ўўдайганича деди:

— ¤лимдан хабарим бор, бироқ анови Қаламис телеканалдан хабарим йўқ. Улар қишлоҚимизга ин қуриб олишган экан. Кимникига денг? Райимқул алкашникига, ҳа... Йўл-йўлакай билиб келяпман.

— Ана кўрдингми? — деди кампир, — сен бекордан-бекорга устозингни ёмон отлиқ қилиб ўтирибсан.

— Йўқ холажон, тан олишим керак, менда ҳам айб бор. Набирангиз менга тоби йўқлигини айтди, бир амалланг деб мен қистаб қўймадим,— деб айбдордек бош эгди спорт ўқитувчиси. Кейин Шайтонваччага ҳасрат ва надомат билан қаради. — Ўай майли, — деди у, — бўлар иш бўлди. Ишқилиб, Қорадengиз, сафаригача тузалиб қоласизми, чемпион? Умид қиловурайми? Сиззи баҳонангизда биз ҳам ўшоқларни бир кўриб келайлик.

Шайтонвачча елка қилиб ерга қаради. У ҳамон Ажинашамолнинг кодини эслай олмай гаранг эди. Эсламоқчи бўлиши билан калласи лўқиллай бошларди.

## ЁНҒОҚ ПАҚҚА БЎЛДИ

*(ёки Шайтонваччага хотиранинг қайтишию кутилмаганда яна бир фалокатнинг бошланиши)*

Ўовлининг этагида бир туп тош ёнҚоқ бор эди. У бошқа ёнҚоқлардан кечроқ паққа бўларди. Уни Ўожи ота ҳар йили қоқтириб, хотирасидан шикоят қиладиган намозхонларга улашиб юборар эди. Кампир шуни ҳам сарёққа қўшиб, сотиб келинг, ҳарна рўзҚорга барака дер эди. Чол унамасди. Барака эҳсонда, дер эди, чол. Кампир

набирасининг ўтли-шудли бўлиб қолганини кўриб, ёнҚоқни унга қоқтириб олмоқчи бўлди. Ўа, бу йил хомталаш қилгиси келмади. Набирасига ачинган бўлиб деди:

— Сен болам, тошёнҚоқдан беш-олтитасини еб кўр-чи, зора фойдаси тегса. Отанг нуқул тошёнҚоқ хотирани яхшилайди, дегани деган. Бир нимани биладики, айтади. Балки бошингни лўқиллаши қолар.

Кампирнинг «хотирани яхшилайди» дегани Шайтонваччанинг калласига чақмоқдек урилди. Шоша-пиша ёнҚоқдан бир дўпписини йиҚиб олди. ТошёнҚоқ деганларини майдалаб еганида бирдан «код»нинг «3» рақами ёдига тушиб қолди. «Оҳ, — деб юборди у кўзлари ўйнаб, — бу сеҳрли ёнҚоқ экан-ку. Шайтонвачча баттар шошиб қолди. Кўп ўтмай ҳамма рақамлар ёдига тушди. «1», «3», «5», «7», «9», «11». У ёнҚоқ тагида ўзидан-ўзи ўйинга тушиб кетди. Суюнганидан нима қилишини билмай, югуриб борди-да, кампирни чўлпиллатиб юзидан ўпиб олди:

— Акангни бувижониси, айтганингиз рост чиқди. Каллам жойига тушди. ЁнҚоҚимиз сеҳрли ёнҚоқ экан.

— Айтмадимми, чол ўлгур балони билади деб... Энди ёнҚоққа чиқиб, биттаям қолдирмай қоқиб бер. Чол жумадан келгунча сарамжонлаб олайлик, бўлмаса ол санга, ол санга, нима қолди Ўасанга бўп кетади бу ёҚи.

— Бўпти, бувижон, хотирингиз жам бўлсин, биттаям қолдирмай қоқиб оламиз.

Шайтонвачча умрида дарахтга чиқиб на ёнҚоқ, на жийда қоққан эди. У энди Ажинашамолга тўла-тўкис ишонаётган эди. Кодни билиб олди-ку. Чақиради. Битта силкитиб берса, олам гулистон. Тутдек тўкади, қўяди. Ваъдасида турган бўлсин, ишқилиб. Учраша олмаганига ҳам анча бўлиб кетди.

Шайтонвачча Ажинашамолни чақириш учун ёнҚоқнинг қир учигача чиқиб кетди. Бу ердан бутун қишлоқ кўзга ташланарди. БоҚлар тилла рангда, куз офтоби яхшигина қиздирар, осмон мусаффо. Сокинлик. Ажинашамолни эслатувчи тиқ этган шамол йўқ. Шунинг учун ҳам Шайтонвачча овозини баралла қўйиб бақирди: «1», «3», «5», «7», «9», «11!» Кейин Ажинашамол қайси томондан келар экан деб чор-атрофни кузата бошлади. Аммо ҳадеганда Ажинашамолдан дарак бўлавермади. У «код»ни бир эмас, уч маротаба такрорлади.

— Ўай яшшамагур, мен сени ёнғоқ санагани чиқарганим йўқ, бўла қолсанг-чи, — шанҚиллади пастдан кампир.

Шу пайт кунчиқар тарафда чанг-тўзон кўтарилди. ОёҚи ердаю боши осмонда. Шайтонвачча иши юришиб кетганига суюниб, қарсак чалиб юборди. Қора денгиз сафарини эслаб, олам кўзига янаям чиройли кўриниб кетди. ¤зини тўхтата олмай кула бошлади. Ўа-ҳа-ҳа-а-а... ҳаҳ-ҳа-ҳа...

Бундан кампир ўзича ёмон фол олди:

— Ўай бола, нима бало ёнҚоқни жини тегдими сенга, ҳали қарсак чаласан, ҳали куласан?

Бу орада Ажинашамол ҳам етиб келди. Бош эгиб Шайтонваччага таъзим қилди. «Буюрсинлар, Хожам, амрларига мунтазирман!» Кампир Ажинашамолнинг овозини эшитдими ёки ўзини кўриб қолдими, ишқилиб, ўтакаси ёрилиб, ўзини уйга урди.

— Шундоқ қилгинки,— деди Шайтонвачча Ажинашамолга,— ёнҚоқнинг ҳосилидан бир дона ҳам қолмасин, бари ерга тушсин. Судралма, бўла қол, ҳадемай жумадан отам келиб қоладилар...

— Амрлари бош устига, Хожам!.. Қу-в-в-в...

Ажинашамол ёнҚоқ меваларини бир зумда дўлдек тўкиб берди. Ўа, шип-шийдам қилди. Ие, Шайтонвачча қани? Ажинашамол уни ҳам ёнҚоққа қўшиб қоқиб юборган, ерда чалпак бўлиб ётарди.

Шайтонвачча эртасига ўзига келди. Оёқлари тахтакачда. Иккови болдиридан синибди. Спорт ўқитувчиси устида Қўдайиб туриб олибди. Кўриниши бир аҳволда, касал одамга ўхшайди. У Шайтонваччанинг кўзи очилганини кўриб, дийдиё қила кетди:

— Қора денгиз сафари нима бўлади, энди, а, чемпион?

Шайтонвачча ётган жойида елка қисди.

— Балки у ёқдан келиб тузатиб кетишар а, нима дедингиз? — деб тепага ишора қилди, спорт ўқитувчиси. У чиқмаган жондан умид деб, бирон-бир мўъжиза юз беришини кутар эди. Шайтонвачча яна бепарво елка қисди. Спорт ўқитувчисининг тоқати тоқ бўлди.

— Сен бола,— деди у Қўдайганича, — мени адойи тамом қилдинг, бу кунимдан ўлганим минг марта яхши эди.

— Сиззи мен эмас, нафсингиз адойи тамом қилди...

— Сени-чи, унда сени ким адойи тамом қилди?— деб шогирдининг чўзилиб ётишига ишора қилди устоз.

— Мени ҳам нафсим шу кўйга солди.

— Бекорларни айтибсан,— деди қаердандир пайдо бўлиб қолган кампир, — сени бу кўйга ёнҚоқнинг жини солди, ҳа. Жинни мана шу кўзларим билан кўриб, овозини эшитмаган бўлсам экан. ¤-ў-ў... деб кампир ҳурпайиб, ваҳима қилди.— ОёҚи ердаю боши осмони фалакда. Янаям Худо бир сақлади-да, сени.

Кампирнинг ваҳимасидан спорт ўқитувчиси хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, Қўдайганича жуфтакни ростлади.

— Дап бўл! — деди кампир орқасидан қарҚаниб, — қара-я, эчкига жон қайҚуси, қассобга ёҚ. Ўе, боламнинг олтинларига мазахўрак бўмай ўл! — Кампир Шайтонваччага меҳрибончилик қилди: — Бошинг лўқилламаяптими, болам?

— Йўқ, оёҚим лўқиллаяпти...

— Отанг бир ёқларга тоза мўмиё қидириб кетди, эрта-индин келиб қолади, бир-икки ичсанг, отдек бўп кетасан. Бола дегани шунақа, йиқилиб-сурилиб, катта бўлади, ҳа!

## ТЕЛЕКАНАЛДА ЯНА ШОВ-ШУВ

(*ёки Шайтонвачча яна оғир-оғир ўйларга толиб қолади...*)

Шайтонвачча атрофида бўлаётган ишларга тушуна олмай ҳайрон эди. ЁнҚоқдан йиқилиши, оёҚининг синиши, Қора денгиз сафарининг йўққа чиқиши.. Тавба, нимага Ажинашамол пастга тушиб тур, демади? Фаросати етмадимикан? ¤зи-чи ўзи, ўзи нимага калласини ишлатмади. Аҳмоққа ўхшаб, ўзи ўтирган шохга ўзи болта урди. Балки, Ажинашамол ундан ўчини олгандир? Сен мени битта оёҚимни синдирган эдинг, мен сени иккита оёҚингни синдираман деб. Шунақа ўч олар экан, нима қиларди уни оламга машҳур қилиб. Энди югура олмайди ҳам. Кураш ҳам тушолмайди. Мақсади нима ўзи, Ажинашамолнинг? ¤зи ҳаммаси яхши бўлаётувди-я. Шу телеканал деган орага тушдию ишлар чаппасига кетди. Ўа, бошга битган бало бўлди, телеканал. Нуқул Шайтонваччани фош қилиш билан овора. Гапириб charчашмайди. Яна Райимберди алкашнинг уйига ин қуриб олганлари-чи. Аслида кеча Ажинашамолга ёнҚоқ қоқтиришдан олдин Райимберди алкашнинг уйини теп-текис қилиб ташла, деса бўларкан. Ахир уни шармандаю

шармисор қилган ҳам шу, алкаш-да. ¤ша калла қўйиб, эсини кирди-чиқди қилиб қўймаганда, Ажинашамолни чақирарди, «шоу» си ҳам шоудек бўларди. Шайтонвачча яна олқишлар остида қоларди. Томошадан тушган пул арра бўларди.

Шайтонваччанинг хаёллари чалкашиб кетди. Бирпасда мияси қизиди. Унинг калласи ҳали одам болаларига ўхшаб узоқ хаёл суришга ўрганмаган эди. Йўқ, деди у ўз фикрига ўзи қарши бориб. Яхшиям «шоу»да Ажинашамолнинг кодини эслай олмадим. Тасвирчилар унга пистирма қўйишган экан. Агарда эслаганимда баттар шармандалик бўларди. Улар даъволарини исботлаб, сохта чемпионлигимни фош қиларди. Бундан кўринадики, Райимберди алкаш унга ёмонлик қиламан деб яхшилик қилибди. Бу, ҳойнаҳой, Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчи шайтонларининг иши бўлса керак? Уларнинг шайтонлари кўп нарсани билишади, қани энди улар билан гаплаша олса. Афсуски Шайтонвачча шайтонлар оламидан узилган. Улар Шайтонваччани кўриши мумкин, бу уларни кўра олмайди. «Думи тугуклар» мадрасасидаги мударрислар айтар эдилар: «Алкашлар, Қийбатчилар билан кўпам ёвлашманглар, улар ўзимиздан» деб. Бундан чиқди йиқилиб, оёҚининг синишида ҳам бир ҳикмат бор экан-да. ЙўҚ-е...

Шайтонваччанинг яна мияси қизиб, лўқиллаб кетди. Уйқу элтди. Аммо салдан кейин кампир уни туртиб уйҚотди:

— Тур, болам, яна сени кўрсатишяпти...

Шайтонвачча кўзларини ишқаб, рўпарасидаги экранга тикилди. Яна нимани гапиришяпти экан? Гапирмаган нимаси қолди ўзи? Яна ўша сочини «малчишка» қилиб олган диктор қиз жаҚи-жаҚига тегмай дерди:

— Хўжақишлоқда яна кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар бўлиб ўтди. Гап яна ўша «Думи тугуклар» сайёрасидан келган бола ҳақида. Минг афсуски, биз энди унинг сохтакорликларини ҳеч қачон исбот қила олмасак керак.

— Ажаб бўпти, — деди Шайтонвачча ва деворга суяниб, бемалолроқ ўтириб олди.

— Сабаби сохта чемпион ёнҚоқдан йиқилиб, бир эмас, иккала оёҚини ҳам синдириб олди. Бели ҳам лат еган. Боши чайқалган. Хуллас бир қоп гўшт бўлиб ётибди.

— Вой исковучлар-ей, дарровда қаттан била қолишди экан? — ўрнидан туриб кетай деди Шайтонвачча, ҳаммаёҚи зирқираб кетди, — ваҳималарини қаранг, бир қоп гўштмиш...

— Энди, — дея давом этарди диктор, — чемпионимизга Қора денгиз сафари ушалмас орзуга айланди. Лекин каналимизнинг сиз ашаддий ишқибозларига бир сюрприз тайёрлаб қўйибмиз. Эътиборингизни суратга олинган ноёб тасвирга қаратамиз. Ўа, диққат қилинг. Ана, ёнҚоқ дарахтининг у-у-учига чиқиб олган бола қаҳрамонимиз бўлади.

Шайтонвачча экранда ўзини кўриб, ҳайрону лол бўлиб қолди. Вой исковучлар-ей, қачон суратга олишга улгуришди экан?

— Чемпион ёнҚоқ қоқмоқчими? Биз ҳам шундай деб ўйлаган эдик. Ундоқ бўп чиқмади. Ана у осмону фалакка аланглаб, «Думи тугуклар» сайёраси билан боҚланмоқчи бўляпти. Бўлмаса дарахтнинг шу қадар у-у-у-чига чиқиб олишдан мақсад нима? Ана, у ўз тилида бир нималар деяпти. Афсуски, овозни узоқдан ёзиб оладиган аппаратимиз йўқ. Тахминимиз рост бўлиб чиқди. У чиндан ҳам самовий шерикларини чақирган экан. Энди эътиборингизни кунчиқиш тарафга қаратамиз. Ўов кўтарилган чанг-тўзонни кўряпсизми? У шунчаки чанг-тўзон эмас. У Ажинашамолнинг энг каттаси — гирват-торнада бўлади. Олимларнинг айтишларича у баъзи-баъзида шундай кутирадики, ҳатто ер билан космосни бир-бирига боҚлай олади. Диққат қилинг-а, у тўҚри Хўжақишлоққа қараб келяпти. Энди қаҳрамонимизни ҳам эсдан чиқариб қўйманг. Қаранг, у қанчалар

хурсанд. ОҚзи кулоҚида. Қўл силкишларига эътибор қилинг. Ўозир торнада етиб келадию, уни даст кўтариб, осмону фалакка олиб чиқиб кетади. Шу билан келгинди шарлатанимиз билан хайрлашамиз. Узр, биз шундай деб тахмин қилган эдик. Минг афсуски, ундай бўлмади. Торнада манзилга етиб келгандан кейин тасвирга тушириб бўлмай қолди. Ўаммаёқни чанг-тўзон босиб кетди. Афтидан қаҳрамонимиз билан самовий шериклари ўртасида яхшигина савалаш бўлганга ўхшайди. ЁнҚоқнинг танасига эътибор қилинг. Меваси у ёқда турсин, ҳатто барги ҳам қолмаган. Хуллас, қаҳрамонимизни олиб кетишмади, қайтага бир қоп гўшт қилиб, сафар муддатини чўзиб ташлаб кетишди. Ўали унинг орамизда қиладиган ишлари кўпга ўхшайди. ҚизиҚи шундаки торнада қайси тарафдан келган бўлса, яна ўша тарафга силжиб, кўздан йўқолди. Чемпионимиз айни пайтда оёҚи тахтакачда, осмонга қараб ётган бўлса ажаб эмас. Бизнинг каналда қолинг ва биз бу мавзуга яна қайтамиз...

— Нималар дейди ўзи булар?— деб кампир Шайтонваччага қаради, — сени тинч қўйишадими йўқми, вой жаҚинг тушкурлар-ей...

— Қўяверинг бувижон, буни бизнес деб қўйибдилар— деди Шайтонвачча ўзини хотиржам тутиб.

Бир қараганда кўрсатув Шайтонваччанинг фойдасига ҳал бўлгандек эди. Одам болалари бунақа сирли нарсаларга барибир ўч бўлишади. Одам гўл, хотиржам, улардек бепарво, баҚрикенг махлуқ йўқ дунёда...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки шайтонларнинг Шайтонваччага тан бериб юборишлари)*

Бу галги йиҚилиш анча кўтаринки руҳда бошланди. Шохдор раис Одамшайтон ҳақидаги хушхабарларни эшитишга ошиқарди. Шунинг учун «қани бўла қол» дегандек ахборотчига қараб қўйди.

— Вакилимиз, — деди ахборотчи раисга юзланиб, — сизнинг ишончингизни мутлақо оқлай бошлади. Оз кунда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишларни қилиб улгурди. Одам болалари ўн йиллаб ўқийдиган мактабни у бир кундаёқ поёнига етказди. Қароқчи устозидан олтинларни шундоқ қайтариб олдики, ҳа, битта ўқ билан бешта қуённи урди. Бунақаси тарихимизда бўлмаган. Камига чўрилик ҳам бўлиб олди. Уни шарманда қилиш учун уюштирилган шоудан усталик билан чиқиб кетди.

— Бас,— деди раис дарҚазаб бўлиб,— Одамшайтонимизнинг оёҚини ким синдирди? Бугун кимнинг думи ечилади?

¤тирганларнинг қулоқлари динг бўлди. Думларини қўлтиққа қисганча, ахборотчига жавдираб қараб қолишди.

— Менда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Билишимча, вакилимизнинг ўзи сабабчи бўлган. Ерга тушиб туриши керак эди. Ажинашамолнинг бунақа нарсаларга фаросати етмайди. У буйруқни бажаради, холос.

— Балки вакилимиздан ўчини олгандир?

— Йўқ, жинлар бировга қўл бердими, тамом, унга қарши исён қилмайдилар. Қулдек итоатда бўладилар. Буни ўзингиз ҳам мендан кўра яхши биласиз. Менга қолса, бу масалага бошқачароқ қараган бўлардим.

— Масалан?

— Бир ёмоннинг бир яхшиси, бир яхшининг бир ёмони. Майиб бўлишнинг битта яхши томони шундаки, бундан бу ёҚига одам болалари уни безовта қилишмайди. Биз

уни машҳури олам қилиб олдик. Бўлди-да. Мақсадимиз ҳам шу эди. Энди билиб ишини қилсин.

— Демак, сенлар йиқитгансан, шундайми?

— Биз эмас, аммо шундай бўлишини жудаям хоҳлаган эдик, — деб рост гапирди ахборотчи.

— Маъқул, — деди раис ўйланиб туриб. Ўайъат аъзолари қўлтиққа босиб ўтирган думларини қўйиб юборишди.

— Фақат, — деди ахборотчи сўзини тугатиб,— телеканал қаршисида ожиз қоляпмиз. Вакилимизнинг ишларига Қов бўлиб турибди улар.

— Балки унинг ҳам бир яхши тарафи бордир,— деди раис.

— Балки, — дейишди ўтирганлар ҳам эркин нафас олиб.

## САЛОМ БЕРДИК...

*(ёки Шайтонваччанинг оёғини кесмоқчи бўлганлари)*

Телекўрсатувдан кейин эртасигаёқ Хўжақишлоқ яна тўс-тўполон бўлиб кетди. Аллақаёқлардан алламбало «тез ёрдам» машиналари етиб келди. «Биз чемпионни ундоқ қилиб тузатамиз, бундоқ қилиб тузатамиз, икки кундаёқ оёққа турҚазиб юборамиз» деб, Шайтонваччани талашиб қолишди дўхтирлар. Кампир: «Боламни ўз ҳолига қўйинглар, отаси тоза мўмиё қидириб кетди, ўзи тузатиб олади» деб унамади. Барибир биттаси зўр чиқди-да, олди кетди. Ким эди у, қаёққа олиб кетди, ҳеч ким билмай ҳам қолди. Шу куни кечга қараб, Ўожи ота сафардан қайтиб келди. Айтишича мўмиёнинг энг асилини топиб келибди. Шаҳрихон деган жойдаги мўмиёчи чолда бор экан. Лекин набираси қани? У ёққа югурди, бу ёққа югурди, ундан сўради, бундан сўради, дараги чиқмади. Чол-кампир нима бўлса ҳам шу 108-каналдан биламиз, деб телевизорга тикилиб ўтиравеpишди. Ота шу куни масжидга ҳам чиқмади. Ўа, кўнглига сиҚмади. Намозини уйда ўқиди.

Шайтонваччани бир вақтлар ака-укалар ётган касалхонага олиб келишди. Уни шайтони зўр амаки кутиб олди.

— Салом,— деди Шайтонвачча уни таниб.

— Ваалайкум ассалом, ўртоқ чемпион,— одатдагидек тишини кавлаб деди амаки. Ундан ўша-ўша мусаллас ҳиди гупилларди.

— Ие, сиз ҳам мени танийсизми?

— Танимай-чи, тўрт карра чемпион, тўртта олтин медалнинг соҳиби. Қизиқ, шунча олтинни қаерда сақлаяпсиз ҳайронман. Қўрқмайсизми?

— Олтинлар ишончли жойда,— деди Шайтонвачча жўрттага ўзини хотиржам тутиб. Нимага боя ҳар томондан «тез ёрдам»лар келиб, талаш-талаш қилишганини энди тушуниб етди. Отнинг ўлими, итнинг байрами деб, ҳаммаси олтин дарди-да келган экан-да.

— Сир бўлмаса, олтинлар қаердалигини айтасизми? — деди шайтони зўр амаки Шайтонваччанинг устига энгашиб, — ё оёқларингиз билан хайрлашасизми? Танланг, ё унисини, ё бунисини?

Шайтонвачча устозининг бошига энгашиб, «олтинларим қани, мени олтинларим» деганларини, ўрага тиқвораман деб даҚдаҚа қилганларини эслади. Во дариҚ, қайтар дунё деганлари рост экан-да. Бирпасда ўзига қайтди-я. ОҚримаган бошга олтин тароқ

деб, бошига бало бўлди-ку бу олтинлар. Шайтонвачча яшириб ўтирмади, ростини айтиб қўя қолди:

— Олтинларни биттаси чўримизнинг оҚзида тилла тиш бўлиб турибди, иккитаси сеп бўлиб бувимнинг липпасига тушиб кетган, биттасигина бус-бутун.

— Унда битта оёқ билан қоларкансиз-да, чемпион? Бай-бай, суқсурдай йигитнинг қўлтиқтаёқда юришини тасаввур қиляпман. Мажруҳ одамга ким ҳам қизини берарди. Бирорта эрдан чиққан, пандавоқи хотин учрамаса...

— ЙўҚ-е, — деди Шайтонвачча худди оёҚи ҳозироқ кесилиб кетаётгандек шошиб, — хўп десангиз чўримизни оҚзидаги тилла тиши билан обкелтириб бераман, ўзиям жуда кетворган хотин, лўмбиллама.

— Э, унақа кетворганлар тиқилиб ётибди шаҳарда. Менга сариҚидан, соф сариҚидан керак, чемпион. Гаппи кўп айлантирманг.

Шайтонвачча ўйланиб қолди, шайтони зўр амаки аррани ушлаб тепасида турар, Шайтонвачча Ажинашамолни ёрдамга чақиришни ўйларди. Қараса, фойдаси йўқ. Ўаммаёқ берк, Ажинашамол овозини эшитмайди. Бекорга кодларни ошкор қилгани қолади. Шайтони зўр амаки атайлаб арра тишларига бармоқларини юборган бўлиб, Шайтонваччанинг асабларини ўйнай бошлади. Шайтонвачча яна оёқ-қўли боҚлиқ спорт ўқитувчисини эслади. Бечорага қанчалик қийин бўлган экан. Фитнанинг уяси экан-ку бу «сариқ» деганлари. Ўаётимни жар ёқасига опкелиб қўйди-ку. Жони кўзига кўриниб турган бўлса-да Шайтонваччанинг ҳам «сариқ»дан ажрагиси келмаётган эди. Унга ишониб кўпгина ишларнинг режасини тузиб қўйган эди. Ўа, одамларга ўхшаб бизнес қилмоқчи эди. На илож, осмон узоқ, ер қаттиқ...

— Бувим билан бувамни чақиртиринг, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади,— деди Шайтонвачча бир қарорга келиб, — фақат сиздан илтимос, дўхтир, деразани очиб қўйсангиз, дорилар ҳидидан бошим айланиб кетяпти. Бунақада ўлиб қолсам «сариқ»лар ҳам савил қолиб кетади.

— Яхши, чол билан кампир келгунча менинг меҳмоним бўлиб турасиз, чемпион. Устингиздан қулфлаб, бир хуморбости қилиб келаман. Томоқ тақиллаб кетяпти.

— Янаям яхши, менга тинчлик керак.

Шайтонвачча ўйлаган ниятига етган эди. У кодни айтиб, Ажинашамолни чақирди. Бирдан ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Тунука томлар тарақлаган, омонат дарахтлар синган, ахлатхоналардаги сувқоҚозлар осмони фалакка учган. Ўамма ўзи билан ўзи бўп қолди. Очиқ турган деразага Ажинашамол энгашди:

— Хожам буюрсинлар, амрлари бош устига.

— Буйруқ шундоқ, шу атрофда бўп тур, ҳали-замон чол билан кампир келишади. Кампир менинг олтин медалимни ва яна аллақанча тақинчоқларни шу хонада бир одамнинг қўлига тутқазади. У ҳалигиларни олгандан кейин шогирдларига бизни эсон-омон қишлоққа олиб бориб қўйишни тайинлайди. Шундан кейин тўполон кўтаргин-да, ҳалиги одамни гадой топмас жойларга тиқиб ташла, қораси ўчсин, унинг боридан йўҚи.

— Амрлари бош устига,— деб Ажинашамол чирпирак бўлиб нари кетди.

Ўаммаси Шайтонвачча ўйлагандек бўлди. «Тез ёрдам» машинаси уни қандоқ қилиб Хўжақишлоқдан олиб кетган бўлса, яна худди шундоқ олиб келиб қўйди. Ўамма нарса тинчигандек эди гўё. Чол мўмиёни ҳали сутга қўшиб, ҳали асалга қўшиб Шайтонваччага ичирар, камига дам солиб қўярди. Фақат кечга бориб яна 108-канал ваҳима кўтариб қолди. Яна ўша сочини «малчишка» қилиб олган диктор қиз гапирарди:

— «Думи тугуклар» сайёрасидан келиб қолган келгинди ҳақидаги хабаримизни давом эттирамиз. Гап шундаки ёнҚоқдан йиқилиб, иккала оёҚи сингандан кейин чол-

кампир уни эскичасига уйда даволай бошлашди. Аммо суяк чириб, кесиладиган бўп қолди. Бунга ўзга сайёраликлар ҳеч қачон йўл қўймаслигини, ўзларининг даволаш усуллари борлигини тахмин қилдик. Шунинг учун видеотасмаларни яширинча ишга солиб, кузата бошладик. Воқеа биз ўйлагандек бўлиб чиқди. Яна ўша торнада етиб келиб жарроҳлик ишларига йўл қўймади. Ўаммаёқни остин-устун қилди. Қўрқиб кетган жарроҳлар чемпионни қишлоҚига жўнатиб тинчишди. Аммо ўша тўс-тўполонда бир машҳур жарроҳимиз дом-дараксиз йўқолди, у қидирилмоқда,— деб шайтони зўр амакининг оқ халатда тушган суратини кўрсатди. — Кўрган-билганлар бўлса ушбу телефон рақамларига қўнҚироқ қилишларини сўраймиз.

— Вой, тиқилиб ўлсин ўша қароқчи жарроҳинг, қидираётган одамларини қаранглар, савил. Нима бўларди, ер юткур деб қарҚагандим, дуоим мустажоб бўлиб, ер ютиб кетгандир-да. Икки бирдай қари одамни шилиб оладию дуо мустажоб бўлмайдими, — деб тиззасига шапати урди кампир. Шайтонвачча сезиб турибди, шунча бойлик қўлидан чиқиб кетганига кампир чидай олмаяпти.

— ¤тники ўтга, сувники сувга, бойлик қандоқ келган бўлса, шундоқ кетди, ачинма, — деди чол кампирига, — икки ўртада боламизни оёҚи кесилиб кетса нима бўларди, яхшиям ўша нарсалар бор экан, ўзига асқотти, шукр қил... Чол Қуръондан оят ўқиди. Мана Аллоҳим нима деяпти: «Билингизки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрланиш ва моли дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир». Қара, ҳаммасини Эгамнинг ўзи кўрга ҳасса қилиб айтиб қўйибди. Шундай бўлгач, кўп куяверма, ўтган ишга саловот, барини эсингдан чиқар...

## ОСОЙИШТА КУНЛАР

*(ёки Шайтонваччанинг «арғамчиси»)*

Шайтонваччанинг оёҚига тахтакач тушиб, унинг учун осойишта кунлар бошланди. Сигирга ўт юлиш, товуқларга қараш билан боҚлиқ ташвишлар чўрининг ўзига қолиб кетди. Яна у Шайтонваччага ҳам қарайди, зарурат бўп қолса тувак тутади. Анови бойликлардан айрилгач, дастлаб кампирнинг фикри ёди чўрининг оҚзидаги тилла тишларда бўлиб қолди. Қани энди чўрилигидан ҳам воз кечсаю тишларини қоқиб олса. Афсуски иложи йўқ. ¤зи кув пишишга ҳам зўрҚа яраяпти. Бўлмаса аллақачон тилла тишлар кампирнинг липпасига тушиб кетарди. Буни чўри ҳам сезиб қолган шекилли, қошдан қовоқ қайтармай дуч келган ишни қилиб юрибди. У ҳар замон, бир замонда Ўожидан панага олади. Баъзан тортинибгина салом бериб қўяди. Баъзан кўриб, кўрмаганга олади. Ахир кампир билан келишиб қўйган-да. Буни устига «Ўожи ота табарруклар, тегсам, теговраман» деб бошидаёқ қовун тушириб қўйган. Чол кампиридан бу жувон нима қилиб юрибди, деб ижикилаб сўрамаса ҳам бефарқ эмас. Нуқул кампирининг оҚзини пойларди, ўзи бир нарса деб қолар деб. Ахири кампирнинг ўзи ёрилди: — ¤Қлингизни устозини дуо қилинг, қарашгин деб, хотинини юбориб турибди, — дея бу ёҚига ҳам тўн кийдириб қўяқолди кампир. Буни кампир атайлаб чўрига эшиттириб айтди. Чунки у «Ўожи отам ҳовлида бўлсалар ўҚрига ўхшаб қўлим ишга бормаяпти, ушлаган нарсам қўлимдан тушиб кетяпти» деб кампирга зорланган эди. Бу гапдан кейин чўри опа жудаям ўзини қўйиб юборди. Сигир соҚиш, кув пишишлардан кампирни озод қилди. Ишга берилиб кетганларида унча-мунча хиргойи ҳам қиладиган бўлди. Ўожи ота энди жумага борганида унга ҳам бир нималар илиниб, олиб келадиган

одат чиқарди. У бўлса, арзимаган нарсани ҳам катта нарса ўрнида билиб, қайта-қайта миннатдорчилик билдирар эди.

Буларни кўриб, кузатиб ётган Шайтонвачча «Думи тугуклар» мадрасасидаги устозларининг гапини эслаб, кулиб қўйди. «Аёллар шайтонларнинг арҚамчисидир», бу — бизнинг эътирофимиз эмас,— дерди шохдор раис, — охирги замон пайҚамбари Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг эътирофлари, дарҳақиқат, биз эркакларни кўпроқ аёлларни ўртага қўйиб йўлдан урамиз. Хотинларни эркакларнинг кўзига ноз-карашмали, ҳурилиқо қилиб кўрсатамиз. Қарабсизки, маст бўлган туядек бўкириб босар-тусарини билмай қолишади, керак бўлса иймонларини ҳам бир пулга сотиб юборишади. Шайтонвачча ўзи қилиб қўйган ишга ўзи ҳайрон бўлиб ётарди. Кампирнинг рашклари қаёққа кетди? Одам болалари аста-секин ҳамма нарсага кўникар экан-да. Наҳотки бу офатижон хотин вақти келиб чолнинг бўйнига «арҚамчи» бўлиб тушса. Наҳотки устози Қўдайганича хотинсиз қолиб кетса. ¤ртада Қов бўладиган бола-чақаси ҳам йўқ-да, бечоранинг. ТуҚмагани учун ҳам нуқул коптокдек сакраб юради, бу хотин.

Шайтонвачча шуларни ўйлаб, хаёл суриб ётган эди, очиқ эшикдан пилдирашиб Ойимсупургилар кириб келишди.

— Биз энди бу номи улуҚ, супраси қуруқ ҳовлига бошқа келмаймиз, — дейишди улар кутилмаганда томдан тараша тушгандек қилиб. Шайтонвачча қўрқиб кетди. Наҳотки Ажинашамол унга бўйсунишдан бош тортган бўлса. Усиз Шайтонвачча нимаям қила оларди?

— Нима бўлди? — сўради у шошиб, — шундоҚам қойил қилаётганларинг йўқ, ҳамма иш ўзимга қолиб кетган.

— Бу уйда суяк-саёқ ейилмас экан, оч қоляпмиз.

— Шугинами? — бирдан чиройи очилди Шайтонваччанинг,— шу бугуноқ бу хатони тузатамиз, қани ишга марш...

— Бувижон,— деб чақирди Шайтонвачча ётган жойида.

— Бунча бақирасан,— деб қўшни хонадан чиқиб келди кампир, — гапир, нима дейсан?

— Иш чатоқ.

— Яна нима бўлди? — деб кампир капалаги учиб телевизорга қаради.

— Телевизордамас, ҳовлида... тўполон.

— А, яна телевизорчилар келдими, кувдастам қатта қолди экан-а? — деб кампир тўрт томонга аланглади, — қуриб кеткур анови чўри хотин рўзҚорга аралашгандан бери бошимиз ташвишдан чиқмай қолди-да...

— Э, кулоқ солсангиз-чи, гап бошқа ёқда, мен боҚдан келсам, сиз тоҚдан келасиз-а, ҳовлимиздаги жинлар бизга қарши бош кўтаришибди.

— А, — қўрққанидан кампирнинг кўзлари ўйнаб кетди,— нималар деяпсан, яшшамагур.

— Мени олдимга жинлар ўз вакилларини киритишди, номимиз улуҚ, супрамиз қуруқ эмиш, бундоқ суяк-саёқ емас эканмиз, улар нуқул оч қолишяпти экан. Айтганларини қилмасак эртага сизни чалиб оҚзингизни қийшайтириб кетишар экан.

— Вой-й-й,— деб кампир бир аҳволда ерга ўтириб қолди. –Айиб анови қурумсоқ чолда,— Шайтонваччага арз қилган бўлди у,— бўлмаса ўзи минг марта айтади еган суягимизда жинларга насиба бор деб. Шундай дейдию илмига амал қилмайди, яшшамагур, чол. Нуқул лаҳм гўшт олиб келади. Ё жинларга чалдириб, эрта кунда мендан қутилиб-а, нима дединг?— даҳшат билан қаради кампир Шайтонваччага.

Шайтонвачча ётган жойида елка қисиб  қўя қолди. Нимаям дейиши мумкин. Бўлса бордир. Ўаммани қўйиб чол ичидагини айтармиди.

— Ўозироқ бориб, қассобдан ўзимоқ суякли гўшт обкеламан. Чол ниятига етолмай ўлсин...

Шайтонвачча кампир нимага шаъма қилаётганини сезиб, «арҚамчи»ни эслаб қўйди. Яна ўша шохдор раиснинг сўзлари қулоҚининг тагида янграҳи: «Жинлар охирги замон ПайҚамбаридан ейдиган таъомлари ҳақида сўрашганида у улуҚ зот шундай жавоб берганлар: «Сизларга Аллоҳ номи билан сўйилган ҳайвоннинг суяклари гўштдан кўра тўйимли бўлади, ҳайвонларнинг тезаги эса уловларингизга озуқадир». Шайтонвачча Ойимсупургиларнинг арз-додларидан билдики, дастурхондан жинларга суяк-саёқ тушиб турмаса уй эгасидан ўч олишлари турган гап. Оч қолса ит ҳам тишлайди. Сигир сутини соҚдирмай қўяди. От, эшаклар тепади. У «кампирга жин чалиб кетади», деб билгандек айтди.

Югурганича ҳовлидан чиқиб кетган кампир салда гўшт кўтариб, оҚзи қулоҚида қайтиб келди.

— Гаппи эшит, болам — деди у Шайтонваччага суюнчилаб,— қассобга гўштни суякли қилиб тортинг десам, ҳазиллашманг, эна, дейди. Сени айтганларингни айтиб беровдим, бақа бўп қолди, бақа. Мендан кейин навбатда турганлар, бизгаям суякдан қолсин деб, талашиб қолишса бўладими? Ана томоша-ю мана томоша! Буни устига қассоб нима деди дегин. «Неварангиз жинлар билан гаплашса азайимхон экан-да, мен азайимхонлардан пул омийман» деб пулни қайтариб берса  бўладими. Бирам суюндим дегин, кела-келгунча қассобни дуо қилиб келдим...

— Бекор қипсиз, пулни ташлаб келишингиз керак эди, отам эшитсалар уйдан овқат емай қўядилар, — деди Шайтонвачча жўрттага.

— Э, емаса заҳарни есин?

Шайтонвачча чолнинг «арҚамчи»си ўзи билан эканини тушуниб етди.

## ШАЙТОНВАЧЧА АЗАЙИМХОН

(*ёки қишлоқдаги жинларнинг яйраб қолганлари*)

Ўожи отанинг кампири қассобдан суякли гўшт сотиб олгани, невараси азайимхон бўлиб қолгани ҳақидаги гаплар яшин тезлигида қишлоққа тарқади. ¤зи қишлоқда гап урчийдиган тўртта жой бор: қассобнинг дўкони, сартарошнинг дўкони, чойхона ва масжид. Хуфтон намозидан кейин масжидда ҳам шу ҳақда гап бўлди. Ўожи ота набираси билан кампирини ёқлаб гапирди:

— Аллоҳ таоло «Эй, жинлар ва инсонлар жамоаси!» деб Ар-Раҳмон сурасида мурожаат қилади. Яна «Ваз-зориёт» сурасида «Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим», дейди. Бу ер юзида жинларнинг мавжудлигига бир далилдир. Жин дегани «тўсилган» деган маънони билдиради. Яъни жинлар одамлардан тўсилган. Бу дегани биз жинларни кўрмаймиз, аммо жинлар бизни кўрадилар. Жинлар ҳам бизга ўхшаб жамоа-жамоа бўлиб яшайдилар. Бир-бирларига никоҳланадилар. Кўпаядилар. Жинларнинг ҳам мусулмонлари бор, кофирлари бор. Бу ҳам Қуръонда далил ва исботи билан келган, деб Ўожи ота токчадан Қуръонни олди-да, варақлаб, қироат билан оят ўқиди. Кейин тушунтирди: «Жин» сурасида жинлар айтяптики, орамизда Аллоҳга иймон келтирган мусулмонларимиз бор ва адашган кофирларимиз ҳам бор. Мусулмон жинлар ҳақ йўлни танлаганлар, адашган кофир жинлар эса сўзсиз дўзахга

ўтин бўлади, дейдилар. Энди жинларнинг емишларига келсак, дарҳақиқат, улар суяк-саёқлардан баҳраманд бўладилар. Аллоҳ таолонинг амри билан ташланган суяк-саёқларда жинлар учун қайтадан гўшт пайдо бўлади. Улар ўша гўштни еб таомланадилар. Устихон қанчалик покиза тозаланса, гўшти шунчалик мўл бўлади, чала тозаланса чала бўлади. Шунинг учун устихонни ҳамма ҳам тозалайвермаслиги керак. Билган одам тозалагани маъқул. Бўлмаса, жинлар шу хонадондагилар билан қасдлашиб қолишлари мумкин. Бир куни жинлар ПайҚамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг расули, умматингизни суяк, тезак ва кўмир билан истинжо қилишдан қайтаринг. Аллоҳ бизнинг ризқимизни ўшаларда қилган», дейишади. Мана, баҳона-сабаб билан жинлар ҳақида билганларимни сизларга етказдим. Энди набирамнинг азайимхонлигига келсак, мен уни кўздан нари қилиб, ҳеч кимга айтмай келаётган эдим. Бу ҳам бор гап, яширмайман. Набирам телбаликдан қутилдию шунақа кўрадиган — азайимхон бўп қолди. Мактаб мудирасининг бошидаги жинни кўргани рост. Соч ҳам аврат. Кофир жинлар авратга ўч бўладилар. Шунинг учун ҳам ҳожатга киришдан олдин эркакдир, хотиндир шайтоннинг эркаги ва урҚочисидан Аллоҳдан паноҳ сўраши суннат. Бўлмаса эркакка шайтоннинг урҚочиси, хотинга эса эркаги тегажоҚлик қилиши мумкин. Набирамнинг спорт ўқитувчисининг пешонасидаги эски жинни қувиб солгани ҳам рост. Сир эмас, биласизлар илгари қошлари ўзидан-ўзи учгани-учган эди. Бу жудаям хунук эди. Одам бетига қарагиси келмасди. Тавба, эркак ҳам шунақа бўладими, деб. Муолажадан кейин, бир яхши бўп қолди.

Ёшу қари намозхонлар Ўожи отанинг гапларини бўлмай, вужудлари қулоқ бўлиб эшитдилар. Отанинг кечагина чемпион бўлиб ном таратган набираси бугун азайимхон бўлиб қолганидан ҳайратга тушдилар. Ўожи отанинг гаплари баъзи миш-мишларга чек қўйдию, аммо оқибати нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди. Шундай қилиб, Шайтонвачча бир думалаб азайимхонга айланди-қолди.

Шайтонваччанинг ҳузурига «Мени кўриб қўйинг» деб келувчиларнинг сафи кундан-кунга кўпаяверди. Шайтонвачча ётган жойида фақат жин теккан, жин чалган одамларнигина кўрар, бошқаларига дўхтирга боринг, деб жавоб бериб юборарди.

Албатта у одамларни кўрганида кампир эшик тагида пойлоқчи бўлиб ўтирар, кирганни ҳам, чиққанни ҳам шилиб оларди. Шундай кунларнинг бирида Шайтонваччанинг ҳузурига кўриниши гунгурсдек, кўзлари ботиқ бир одам кириб келди. Шайтонвачча шундоқ қараб, юрагининг устида жин ўтирганини кўрди. Жин бўлганда ҳам ўлардек қайсари. Жинни тилга киритиб, у ерга қандоқ келиб қолганини билиш учун анча тер тўкишга тўҚри келди.

— Азайимхонга кўпдан-кўп саломларимиз бўлсин,— деди амаки узала тушиб ётган Шайтонваччага тепадан қараб.

Шайтонвачча қовоҚини солиб индамади. Кўзлари билан ўтиришга ишора қилди, холос. Амаки курсига омонатгина ўтирди. Азайимхоннинг чўзилиб ётиши, гап-сўзнинг йўқлиги уни шубҳага солиб қўйди. Хаёлида хона кенгайиб, ўзи кичрайиб кетгандек эди.

— Юрагингиз сиқади? — деди Шайтонвачча томдан тараша тушгандек қилиб. Амаки чўчиб тушди. Нафақат амаки, жин ҳам бир газ кўтарилиб-тушди.

— Шундай, шундай азайимхон, — деб амаки ўрнидан туриб кетди. – Касалимни топдингиз! Шундай сиқади-ки кўринган нарсани отворсам, тепворсам дейман. Уйда на коса, на пиёла қолди. Ўа, туппа-тузук ўтириб, бирпасда жинни бўлиб қоламан, жинни.

— Юрагингизни устида тоҚдек бўлиб жин ўтирадию, янаям сиқилмасинми, юрак бўлгандан кейин сиқилади-да.

— ЙўҚ-е, — деб амаки тикка турганича юрагини ушлаб қолди. — Жин деганингиз қаттан кеп қолади азайимхон? У шоша-пиша тугмасини ечиб, қўрқа-писа қўйнига қаради. У жунли кўкрагидан бошқа ҳеч нарсани кўрмадию, аммо қўрқувдан кўзлари бир жойда турмай қолди. У ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас эди.

— Қаттан келиб қолади, дейсизми? Мен ҳам ҳайронман. Ўозир Жин сурасини ўқиб, санаб туриб, етмиш дарра урайлик, булбулигўё бўлиб сайраб, ўзи айтиб беради. Турқи ёқмаяпти менга жиннинг. Жудаям тарбиясиз жин экан. Бувижон, сувга ташлаб қўйган гавронларингизни олиб келинг, бўлинг тезроқ, аччиҚим чиқиб кетяпти. Аҳ, оёҚим тахтакачда бўлмаганда ҳозироқ туриб, бўйнини узиб ташлардим.

Жин «Жин» сурасини ва дарра нималигини билади шекилли турган жойида Шайтонваччага куллуқ қилиб қолди. У ўз тилида бир нималар дер, Шайтонвачча диққат билан «ҳа», «ҳим»лаб, бош силкиб эшитар эди. Уй ичида ранги қув ўчган амаки ва у кишини савалашга шай бўлиб кампир турарди. Келувчилар кўпайган сари кампир ҳам кучга тўлиб борарди.

— Бари тушунарли, — деди Шайтонвачча амакига қараб, — касбингизни ўзгартирасиз, бошқа иложи йўқ.

— Э, касбим нима экан, азайимхон?

— ¤зингизни гўлликка солманг, ўртоқ полковник, биз формасиз ҳам билиб оламиз. Сизга айтсам, мелисада оҚир, босиқ, ҳалим одамлар ишлаши керак. Муштуми зўрлармас. Сиз бир бегуноҳ одамни жаҳл устида дўппослаб, ўлдириб қўйибсиз. Жаҳл чиққанда одамдан ақл ҳам, иймон ҳам кетади. Унинг ўрнини, албатта, ё жин ё шайтон эгаллаб олади. Эгаллаганда ҳам ўлардек қайсари эгаллаб олади. Сизга шунақаси учраб қолган. Касбингизни ўзгартирсангиз, у сизни ташлаб, бошқа муштуми зўрларни қидириб кетишга мажбурман, деяпти.

— ¤зингиздан ҳам ўтибди, болам,— деб гап қўшди кампир,— дўппослаганда Бисмилло айтиб дўппослаш керак эди, шунда жин яқинлаша олмасди.

— Э, у пайитта Бисмилло эсга келадими, она, қизиқ гапларни айтасиз. Тавба, бировни Бисмилло айтиб ҳам дўппослаб бўларканми? — Амаки Шайтонваччага савол назари билан қараб деди: — Шу-у-у, пенсага озгина қолувди-да, озроқ чидасаммикан-а, азайимхон?

— Унда сизни жин эрта кунда «ни» қип қўяди.

— У яна нима деганингиз, азайимхон?

— Мактабда ўқиганмисиз, «Жин» сўзига «ни» қўшимчасини қўшса нима бўлади?

— Э, ҳа-а-а-а... — деб амакининг капалаги учди.

— Кейин сизни жиннихонага обориб тиқишади. У ерда эрта кунда бандачиликни бажо келтирасиз. ¤лигингизни кўмишмайди ҳам, жаноза ҳам ўқишмайди, куйдириб, кулингизни ароқ шишасига солиб қўйишади, воҳ қандай ёмон-а? Бувижон, — деди Шайтонвачча, — бу амакининг чўнтакларини яхшилаб қоқиб олинг, жаҳллари чиқса биззи гапларимиз кор қилмаган бўлади, индамасалар инсофга келган бўладилар, бошланг.

— Э, нималар деяпсиз, азайимхон, беш кетдим сизга-е, ўйлаб қарасам мен мелисалик формасига лойиқ ходим эмас эканман, билгандек ечиб келибман, бошқа киймаганим бўлсин, бир кунимни кўрарман, нима дедингиз?

Кампир амакининг чўнтагини бир зумда шип-шийдон қилди.

— Жаҳли чиқяпти демангу энажон,— деди амаки бир аҳволда. — Ўеч бўлмаса йўлкира беринг, уйга етиб олай.

— Бекорларни айтибсан, мелисадан пул олишмайди, боровур,— деди кампир.

## ЗАМБИЛДА КЕЛГАН ХОТИН

*(ёки шайтоний ташхис)*

Унинг ҳузурига замбилга солиб битта хотинни кўтариб келишди. Хотин бечора оҚзидан кўпик сочиб, тош қотиб ётарди, бехосдан ҳали оёҚи, ҳали қўли учиб қўярди. Шайтонвачча аёлни кўрдию тескари қараб олди.

— Ўа, — деди кампир,— кўриб қўймайсанми бу шўрликни, — билиб қўй, шунақаларни тузатсанг, обрўйинг яна ҳам ошади, болам.

— Бу хотинга алоқаси бўлмаганлар хонадан чиқишсин,— амр қилди Шайтонвачча.

— Менамми?— сўради кампир.

— Ўа, сиз ҳам.

Хонада шўппайиб бир эркак қолди. Бўш-баёвлиги шундоқ юз-кўзларидан кўриниб турарди.

— Сиз бу хотинни кими бўласиз? — энсаси қотиб сўради Шайтонвачча.

— Эри, кими бўларди.

— Бу хотинни қўйворинг...

Эркак анграйиб Шайтонваччага қаради. У Шайтонвачча айтган гапдан жудаям узоқ одам эди. Қўрқа-писа деди:

— Ўалиям, ушаб турганим йўқ-ку!

— Э, талоқ қилинг деяпман сизга, талоқ.

— Талоқ, нимага?— бирдан кўзлари ирҚиб чиқди эркакнинг.

— Ўовлингизда хало борми? Шундоқ нарсаларни қуриб қўйганмисиз, эркак бўлиб?

— Ўа, усиз бўлади дейсизми?

— Нимага унда хотинингиз дуч келган жойга ўтириб кетаверади, палакат босиб, жинларни устига ўтириб қўйибди-ку.

— Айтардим, унақа қимагин деб, сал қовуҚи бўшроқ-да, ака...

— Шалтоқ хотинларники ўзи шунақа, бўш бўлади. Буни устига Қусл қилиб, энди жумага кетаётган мусулмон жинларнинг устидан маҚзава тўкворибди. Қайноқ сув сепиб, иккита жинни куйдирибди. Одам ҳам шунақа бефаросат бўладими? Хуллас, жинлар хотинингизга уруш очган. Аҳволи чатоқ. Кўзини шу юмганича, қайта очмай у дунёга равона бўлса керак.

— Йўқ, йўқ,— деди эркак қўлини кўксига қўйиб икки букилар экан,— бир иложини қилинг, ака, уйда бир этак болам мўлтираб қолди.

— Уйда жонлик борми?

— Бор, топаман.

— Жинларга атаб битта қўй сўйиб юборинг. Жинлар шуни хоҳлашяпти.

— Сўяман...

Эшик тагида гап пойлаб ўтирган кампир шартта ичкари кирди-да, эркакка деди:

— Хотинингга айтиб қўй, жа бўмай кетса «пўш-пўш» деб ўтирсин, маҚзавани кўчагамас, ўрага тўксин. Иссиқ сув сепадими, совуқ сув сепадими, Бисмилло айтиб сепсин, шунда жинлар қочади. Ирими шунақа... Ўа, қўй сўйсанг, битта сонини жўнатвор.

— Битта сони етадими?

— Обкеловур-чи...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

(*ёки Шайтонваччанинг тақдири ҳал бўлиб кетишига сал қолгани*)

Бу галги ҳайъат йиҚилиши ҳардамхаёллик билан бошланди. Кимлардир хотиржам, кимлардир хавотирда. Кўпни кўрган раис ҳар доимгидек оҚир ва босиқ. Бундан кўринадики кимлардир Шайтонваччадан рози, кимлардир норози. Энди ҳамма гап ахборотчида қолди. У кимлар томонида, ҳамма гап шунда?

— Иш чатоқ,— деди у кутилмаганда,— Одамшайтонимиз чегарадан чиқиб кетди. ¤тирганларнинг ярми «расво бўлди» дегандек ерга қаради, ярми «шундай, ўртоқ раис» дегандек раисга юз бурди. Раиснинг бир туки ҳам ўзгармади. Шунинг учун ҳам раис-да!

— Хў-ў-ў-ш,— деди у ахборотчининг ваҳимасига эътибор қилмай. Раиснинг шунчаки «х-ў-ў-ў-ш» деб қўйиши ахборотчини саросимага солиб қўйди. Демак раис Одамшайтондан рози. Энди бошқача гапира олмайди. «Чатоқ» дедими чатоқлигини исботлаши керак. Бўлмаса унинг ҳам думи ечилиб кетиши, фаррошлар сафи биттага кўпайиши аниқ.

— Чипор товуқ тупроқ сочар, ўз айбини ўзи очар бўп кетди бу ёҚи, ҳурматли раис жаноблари. Вакилимиз тажрибасизлик қилиб қовун тушириб қўйди. Ўа, кўпгина сирларимизни очиб ташлади. Хўжақишлоқликлар болаларини шомдан кейин кўчага чиқармай қўйишди. ¤злари ҳам зарурат бўлмаса чиқмайдилар. Ўовлиларда кир ўралар пайдо бўлди. Эркагу хотин Бисмилло айтиб, пўш-пўшлашни ўрганишди. Қишлоқда Бисмиллосиз юрмайдиган одам қолмади, ҳисоб. Анови полковник ҳам ўзимиздан эди, кўп ишкалликларни ўшани қўли билан қилардик. Хуллас, ҳамма иш чаппасига кетди.

— Ажинашамол қайда юрибди? — дея ўтирганларга синашта кўз ташлади раис. Тахминан сездики, масала унчалик ваҳима қиладиган даражада эмас. ¤тирганларнинг юз-кўзлари айтиб турибди, ораларида ахборотчини ёқламайдиганлар ҳам бор.

— Айтган эдим-ку, чолнинг ҳовлиси бамисоли Хитой девори, деб... Аллоҳнинг оятлари билан қўрҚонлаб ташланган. Ажинашамол у ерга кира олмаяпти. Кирганда нима. Қўлидан ҳеч нарса келмайди. Вакилимиз Ажинашамолдан аллақачон ихтиёрни олиб қўйган.

— Таклиф?

— Одамшайтон операцияси бекор қилиниб, вакилимизнинг баҳридан ўтиш керак, вассалом.

— Овозга қўяман...

Ўисоб эликка эллик бўлиб қолди. Энди раис қайси томонга овоз берса Одамшайтоннинг тақдири ҳал бўлади. Ё яшаб қолади ё эрта кунда асфаласофилинга жўнайди. Учинчи йўл йўқ. Лекин раис ҳамишадагидек шошилмади. Қарши томоннинг ҳам фикрини билмоқчи бўлди. Ўалидан бери қўл кўтараётган жинлар шўъбасининг бошлиҚига сўз берди.

— Аксинча,— деди у ҳаяжон билан,— биз жинлар Хўжақишлоқда бўлаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Одамшайтон жинларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини бирмунча тиклаб берди. Жинларни ҳам Худо яратган, ахир. Уларнинг ҳам вақтида ўйнаб-кулишга, еб-ичишга, тўй-томошалар қилишга ҳақлари бор. Вакилимиз сиримизни жудаям очиб ташлаётгани йўқ, қайтага жинларни ҳимоя қилди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай изҚиб юрган одам болаларига бизни ҳам бу дунёда яшашга ҳаққимиз борлигини эслатиб қўйди. Буни нимаси ёмон? Қолаверса вакилимиз Хўжақишлоқда янгича бир салтанат қураётганга ўхшайди. Бошқаларни билмадиму, менга шунақа туюлади. Ўадеб

куткилайвермасдан сал эркинлик бериш кераклича. Хўжақишлоқда қачон жинларга атаб қўй сўйилган эди? Ким эслай олади? Ўеч ким! Шунинг ўзи катта ютуқ эмасми? Ана, қассоб илгари битта молнинг суягини ўтказа олмай хуноб бўларди. Энди кушхонадан бери келмай қўйди. Битта молга иккита молнинг суягини қўшиб сотяпти. Яна одамлар раҳмат деб олиб кетишади. Бу найрангларни ким ўйлаб топди? Шундоқ вакилимизни қандоқ қилиб баҳридан ўтиш мумкин?

— Таъминот бўлими шўъбаси ҳам Одамшайтондан рози, — деди шўъба бошлиҚи жинлар вакилини қўллаб-қувватлаб, — жинлар ейиш-ичишда тавбасига таяниб қолган эди. Энди биққидек-биққидек бўлиб, кўпайишни бошладилар. Шом билан хуфтон оралиҚида тўйларини бемалол қилиб олишяпти. Бу ажойиб тажриба бошқа қишлоқларга ҳам ёйилса қанийди. Таъминот юзасидан жинларнинг шикояти бирмунча камаярди.

— Ўақ ва ҳуқуқлар шўъбаси ҳам Одамшайтоннинг ишларини қўллаб-қувватлайди. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, дунёдаги энг қабиҳ ишлар ҳам ҳақиқат ниқоби остида амалга оширилади. Ахир заҳар ҳам таомга қўшиб берилади-да. Шундай экан, вакилимизнинг тутган йўли тўҚри. Сал сиримизни очиб қўйган бўлса осмон узилиб ерга тушибдими? Ахир нимадандир воз кечмай туриб, нимагадир эришиб бўлмайди-ку!

— Барибир у бизнинг чизган чизиҚимиздан чиқмаслиги керак.

— У ҳолда Одамшайтонимиз бизнинг даражамизда қолиб кетади. Шогирд устоздан ўтиши керак.

— Ўозироқ у биздан ўтиб бўлди, бизни оёҚининг учида кўрсата бошлади.

— Ахир у шайтонгина эмас, одам ҳам, одамгина эмас шайтон ҳам. У биздан бир калла баланд. Унда имкониятлар тўлиб-тошиб ётибди. Ўали ўн гулидан бир гули очилгани йўқ.

— Пойиз кетиб бўлгандан кейин эртага оҳ-воҳлар бефойда бўлади...

— Унда нимага бу операцияга қўл урдик? Натижасини охиригача кутайлик-да.

— Бас,— деди раис тортишувга чек қўйиб, — тажриба давом эттирилади, вассалом. Фақат қандай бўлмасин, нимайди, ҳалиги Хитой девори деяпсизларми, ўша ўртадан олиб ташлансин.

Шарҳловчи норози бўлибми ёки мулзам бўлибми олдин ҳайъат аъзоларига, кейин раисга қараб деди:

— Менинг истеъфомни қабул қилинг, ҳурматли раис, кейинги пайтларда янгиликни ҳазм қила олмаяпман шекилли.

— Ишни давом эттираверинг, ҳар замон-бир замонда ошдан тош чиқиб тургани ҳам яхши, ҳушёрликни йўқотмайсиз... Тишингизни эҳтиёт қилинг...

## ХУШХАБАР

*(ёки Шайтонвачча билан кампирнинг 108-канал билан тил топишганлари)*

Телевизорнинг рўпарасида чўзилиб ётган Шайтонвачча кампирни қидириб қолди:

— Буви, буви дейман, қаёқдасиз, чопинг тезроқ...

— Ўа, нима бўлди, қорнинг оҚриб қолдими, нафсингни тийсанг ўласанми?

— Йўқ, ана уни қаранг,— деб телевизорга ишора қилди Шайтонвачча.

Экранда яна ўша таниш диктор қиз гапирарди.

— Вой манжалақи-ей, яна нималар деяпти у? Бошига бир туширайми?

— Тўхтаб туринг, эшитволайлик, кейин ...

— Шундай қилиб, — дерди диктор қиз, — тунов кунги тўс-тўполонда домдараксиз йўқолган машҳур жарроҳимиз топилди. У қўрқиб кетганидан балнисанинг ўликхонасига кириб олган экан. ¤ша ерда музлаб қопти, бечора. ҚизиҚи шундаки, у кишининг чўнтагидан манови олтин медаль билан, манови тилла тақинчоқлар топилган, — дея ялтир-юлтирларни намойиш қилди диктор.

— Воҳ,— деб юборди кампир беихтиёр липпасини ушлаб, — ахир булар меникику...

— Биз, — деб сўзида давом этди диктор, — олтин медални аниқладик, у хўжақишлоқлик чемпионники. Мана бу тилла тақинчоқларга ҳайронмиз, булар қаттан кеп қолди экан? Маълум бўлишича, жарроҳимиз бола-чақа қилмаган, хотинига тегишлими десак...

— Вой, меники, меники деяпман-ку доно қизим, меники,— деб кампир телевизорнинг ичига кириб кетай деди, — ҳа, «малчиш»ка қилган сочларингдан ўргилай сени, меники... Диктор бепарво сўзида давом этарди:

— Умуман олганда бу нарсалар у кишининг чўнтагига қаердан келиб қолди? Бу ерда бир сир бор. Шу ва шу каби саволларга эртага Хўжақишлоққа борганимизда жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Ўа, биз бу мавзуга яна қайтамиз, бизнинг каналда қолинг...

— Ана, — деб чапак чалиб юборди кампир, — буюрмапти-ку, Худо бор-да, Худо. Бу диктор қизим бало экан, бир нарсанинг кетига тушдими охирига етмай қўймас экан. Кесин, менга деса телевизорлари билан кўчиб кесин, бир иззатини жойига қўйиб кутиб олай. Ўа, жасадинг ўликхонада чиригур анови дўхтирни ўзимоқ телевизорга чиқиб, шармандасини чиқариб бераман...

Кампир шу куни чўрини уйига юбормади. Кечаси билан ҳали ёҚли патир, ҳали жиззали нон, гўштли сомса ёпиш билан овора бўлди. Қозонларга ҳам икки-уч хил овқат ташланди. Дастурхонда жондан бўлак ҳамма нарса муҳайё бўлди.

— Қалай, — деди кампир чўрига,— ками кўсти йўқми, бўлса айт, яна азиз меҳмонларнинг олдида уялиб қолмайлик.

— Ўалидан бери айтишга тилим айланмай турувди, холажон, камчилиги бор-да — деди чўри кўзлари ўйнаб.

— Ўа, қуриб кетма, ичимсан-да, ичим, — деди кампир эҳтиёти шарт у ёқ-бу ёққа қараб, — менам ўшани ўйлаётувдим...

— ¤ша бўлмаса, оёқларини тагига қўй сўйинг, барибир ўрнига тушмайди. Бўлганда ҳам зўридан бўлиши керак. Ўа, улар пақат зўридан олишади.

— Хотин бошимиз билан зўрини қаттан топамиз, шундан ке?

— Райимберди алкашникида бўлади, зўрини сотади-да, фойдасига пастини олиб ичиб юради.

— Шундай дегин, унда манови пулни олгин-да, тезда бехит қилиб ке...

— Хўп бўлади, маликам, амрлари бош устига, — хандон отиб кулди чўри.

Шу куни Ўожи отанинг ҳовлисида нималар бўлмади... Ўовли гўё кино майдонига айланиб кетди. Тилла тақинчоқлар тантанали равишда кампирга бус-бутун топширилди. Кампир ўлиб кетган қарокчи, порахўр жарроҳни аяб ўтирмади, шармандасини чиқарди. Икки бирдек пенсионерни болангни оёҚини кесаман деб қўрқитиб, пенса пулларию тақинчоқларигача шилиб олганларини айтди. Шайтонваччанинг азайимхонлиги билан боҚлиқ интервьюлар уюштирилди. Мухбирнинг бундан бу ёҚига спортни ташлаб, азайимхонлик билан шуҚулланасизми, деган саволига Шайтонвачча йўқ деб жавоб берди. Азайимхонлик билан узоққа бориб бўлмайди, бизнес— тижорат билан шуҚулланаман, деди. Хуллас, мухбирлар чўри топиб келган «зўри»нинг таги кўрингунча

ҳовлида базми жамшид қилишди. Кейин кампир билан она-бола тутинишиб, оҚиз-бурун ўпишиб, хайрлашишди.

Ўаммадан ҳам Шайтонвачча шу куни эркин-эркин нафас олиб яйради. Ўовлида юз берган ўзгаришни биринчи бўлиб ўша сезди. Ўа, ҳовлига чўри топиб келган «зўри» кириши билан Хитой қўрҚони нуради. Ўаром ўз кучини кўрсатди. Фаришталар ҳовлини ташлаб чиқиб кетишди. Чор атрофдан шайтону кофир жинлар мўри-малаҳдек ёпирилишди. ЁнҚоқ устига ўз қора байроқларини тикишди.

Ўожи отанинг намозларидан хушу ва хузу кетди. Шайтони лаъин отанинг жойнамозигача кириб борди. Намоз ичидаги ракатларни чалкаштириб, сураларни эсидан чиқара бошлади. Нуқул шайтон дўмбиллаб-сўмбиллаб юрган чўрини чолнинг кўз олдига олиб келиб, ақли ҳушини олар эди. Чол илгари ҳеч қачон бунақа аҳволга тушмаганини эслаб, тунлари Аллоҳга нола қиларди. «¤зимни ўзимга ташлаб қўймагин, эй Парвардигорим, бир ожиз бандангман, худди адашибла кетаман-а». Чол кундан-кунга чўкиб борарди. Кампир чолнинг вақти-соати яқин деб кафанлигини бир-икки шамоллатиб ҳам қўйди. Бу дақиқаларни кампир сабрсизлик билан кутарди. Чолдан кейин қолиб, топармон-тутармон невараси билан даври-давронлар суришни ўйларди. Буни сезган чўри опа чолга зимдан ачиниб қўярди. Лекин қўлидан нима ҳам келарди. Жилови кампирнинг қўлида. Хоҳлаган вақтида тилла тишларини қоқиб олиши мумкин. Анови, олтин медалу тақинчоқлар қайтиб келгандан кейин кампир янаям гижинглаб кетди.

## ҲОЖИ ОТА УЙҚУДАН КЕЧ УЙҒОНДИ

(*ёки Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчининг масжидга борганлари)*

Шундай бўлди, хуфтон намози вақтида Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчи қишлоқ масжидига Қирт кайфда кириб боришди. Масжиднинг сўфиси уларга ҳассасини ўқталиб:

— Ўозироқ чиқларинг, — деб ўдаҚайлади.

— Бу ер Худонинг уйи, чиқ дейишга ҳаққингиз йўқ, — деди Райимберди алкаш ҳиқичоқ тутиб. – Бориб уйингизга хўжайинлик қилинг, ҳиқ...

— Бизам Худони бандасимиз, биззиям Худо яратган, — деди Дадамирза Қийбатчи кўкрагини кериб.

— Қўяверинг,— деди Ўожи ота сўфини қайтариб,— балки Аллоҳга тавба қилиб, намоз ўқишмоқчидир. Инсоф берса, ¤зига осон.

— Инсоф ҳақида ҳамма гапирсаям сиз гапирманг Ўожим, намоз ўқисам ҳам сиззи орқангизда ўқимайман, — деб бирдан алкаш Ўожи отага ташланиб қолди. — Сиз, сиз... ҳиқ...

Намозхонлар ҳай-ҳайлаб уларни масжиддан суриб, чиқариб юбормоқчи бўлишди.

— Тўхтанглар, — деди Ўожи ота уларни қайтариб — шуларки Аллоҳнинг уйига келишибдими, ҳайдаманг, гапиришсин. Нима дейишмоқчи, билайлик-чи.

— Гап бундоқ, — деди Дадамирза жамоани ўзига қаратиб, — сизлар кимнинг орқасида намоз ўқиётганингларни билиб қўйинглар. Бу кишим домлани айтганини қилу қилганини қилма дейдиганлардан. Бу одамни тили бошқаю, дили бошқа. Мен бўлган ишларни мановиндан эшитиб, эсим тескари бўлаёзди, — деб алкашни кўрсатди у, кейин: – Айт, ҳов,— деб уни турткилади.

— Айтсам, айтовраман, — деди алкаш, — яқинда Ўожимнинг чўриси, келиб... ҳиқ...

— Ў-а-а-а, — деди Дадамирза кўзлари йилтираб,— билиб қўйинглар, бу кишим уйида чўриям асрайди, чўрики нақ,— деб қошини учириб қўйди.— Гапир, — деб яна алкашни турткилади.

— ¤ша келиб, ҳиқ... — гапида давом этди алкаш,— ўз қўлимдан бешта «Бренди» билан бешта ўрис ароҚидан олиб кетди. Бировга айтманг, деб роса ялинди. Айтаман деган эдим, пул билан оҚзимга урди. Кейин билсам, домла бува телевизорчиларга уйларида пи-и-и-р, уюштирган экан, п-и-и-р...

— ЁлҚон, — деб ташланиб қолди намозхонлардан бири. Алкашни урмоқчи бўлди.

— ЁлҚон бўлса, Худони уйида турибман, Худо урсин, — деб бақириб берди алкаш, — яна булар намоз ўқирмиш, ҳиқ...

Шу куни Ўожи ота хуфтонда имомликка ўтмади. ¤зини оқлайдиган бир оҚиз ҳам сўз қилмади. Фақат қирқ кун уйда чилла ўтиришини жамоага айтиб қўйди. Ўа, Ўожи ота уйқудан уйҚонган эди. Аммо кеч...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки Шайтонваччанинг яна уй қамоғига тушиб қолгани)*

Шайтонваччанинг яйраб-яйраб, эркин-эркин нафас олишлари узоққа бормади. Ўожи ота чиллага ўтириши билан ҳовлининг гир айланасига кўзга кўринмас яна қўрҚон тушди. У шайтон ва жинларнинг йўлини тўсди. Одамшайтон билан яна алоқа узилиб қолди. Бу ҳол ҳайъат аъзоларини ташвишга солиб қўйди.

— Хўш, — деди раис ахборотчига қараб, — яна нима бўлди?

— Биласиз, — деди у оҚир хўрсиниб, — одам болаларининг бир кунлик чилла ўтириши жин ва шайтонларни бир чақирим нарига улоқтириб ташлайди. Чол қирқ кун чилла ўтиришга ният қилиб қўйди. Бу қирқ чақирим нарига улоқтирилади, дегани. Бизнинг аскару лашкарларимиз шунча масофада фалажланиб қоладилар. Одамшайтонимизга умуман қўлимиз етмай қолади, энди. Шунга бошимиз қотган. Чолни ановундай йўллар билан «мот» қилмоқчи бўлган эдик, у бошқа ёқдан бизга «кишт» эълон қилиб қолди.

— Мен, — деди хавфсизлик шўъбасининг бошлиҚи ахборотчини тўхтатиб, — бу ерда бизга нисбатан ҳеч қандай «кишт»ни сезмаяпман. Тақсирим сал ваҳима қилиб юборяптилар, чамамда.

¤тирганлар қаддиларини ростлаб, унга «шундай денг» дегандек қараб қўйишди.

— Фикрингизни очиқроқ баён қилинг, — деди раиснинг чиройи очилиб.

— Гап шундаки, шўъбаларда ўсиш катта, вакилимиз ёнига қандоқ қилиб йўл топишганини ўзингиз кўрдингиз. Анови тақинчоқлар, нафс балосига учраган кампиршо, чўри хотин, Райимберди алкаш... Тан олиш керак, буларнинг бари заргарона иш бўлди. Оловнинг ўтини ўзидан чиқди. Чолнинг обрўси бир пул бўлди. Умр бўйи топган-тутганини бир кунда бой берди, қўйди. Дадамирза деганлари энди жим ўтиради, дейсизми, эрмак топилди-ку уларга, бутун дунёга ноҚора қилиб чалиш билан овора. Чол қирқ кун эмас қирқ йил чиллага ўтирганда ҳам илгариги Ўожи ота бўла олмайди, энди. Ўа, чол ўлди, адойи тамом бўлди. Хўжақишлоқнинг чинори қулади.

¤тирганлар чапак чалиб юборишди.

— Демак, кўпчилигингиз шундай фикрдасиз?— дея ҳайъат аъзоларига қаради раис.

¤тирганлар «шундай» дегандек жойларидан бир қўзҚалиб қўйишди.

— Балки, — деди раис уларга синовчан қараб,— Хўжақишлоқнинг чинори қулагани ростдир. Лекин Хўжақишлоқ жойида турибди. Қулагани йўқ. Қишлоқда бошқа бир Ўожи ота бош кўтармайди деб ким кафолат бера олади? Чол ўзига ўхшаганларни шундай экиб ташлаганки, ўҳ-хў-ў-ў! Мен хоҳлардимки, ўша бош кўтариб чиқадиган валломат бизнинг Одамшайтонимиз бўлсин. Гап тамом, вассалом!

## ИККИ ЁРТИ БИР БУТУН

*(ёки Шайтонваччанинг ғалати найранглари)*

Чол ҳовлига кирибоқ чўрини ҳайдаб солди. Ўа, қорасини ўчирди. Гўё ҳаммасига ўша айбдордек. Аммо шундай қилиб катта хатога йўл қўйди. Чунки чолга бу ҳовлида биттаю битта садоқатли одам шу чўри эди.

— Оҳ, — деди кампир Шайтонваччага арз қилган бўлиб, — бу чол ниманг бору ниманг йўқ демай эрта кунда очиқ гўрга кириб олди-ку. Шу ҳолига чўрини ҳайдаб нима қиларди. Эсизгина, шунча тилла тиш савил кетди-я!

— Анови кинначи хотиндан ўмарган пулларимиз турибдими, бувижон, — деб Шайтонвачча кампирдан сўради. Энди у қўлтиқтаёқ билан ҳожатга ўзи бориб-келадиган, ҳовлини сайр қиладиган бўлиб қолган эди.

— Ов, — деди кампир энсаси қотиб, — ётиб еганга тоҚ чидайдими, пул қолибдими сенга. Жин чалганлар ҳам кемай қўйди. Кинначи ҳам бозорим касод деб нуқул минҚиллайди. Ўе, бозорингга ўт тушсин.

Кампир нолиб туриб, бирдан ҳушёр тортди: — Пулни нима қиласан, шу ҳолингга, болам?

— Ўужрадан кўчага туйнук очиб, тижорат қилмоқчиман.

— Вой ақлингдан ўргилай сени, каллангга шунақанги зўр фикрлар келадики. Хўп иш қиласан-да, болам, сенга ўхшаган ногиронларга соликчилар ҳам индамайди. Локин қўл ўлгур калта-да, болам. Барибир бир йўлини қилмасак, бўлмайди, қиличини қайраб қиш келяпти. Сигирларга ем, товуқларга дон керак. Бирорта қўй олиб, тузлаб олсак ёмон бўлмасиди, — шундай деб Шайтонваччага тикилди кампир.

— Йўли бор, — деди Шайтонвачча, — мени олтин медалимни сотасиз, ўшани пулини айлантирамиз.

— Вой сендан ўргилай, сутхўрлик қиламизми?

— ЙўҚ-е, нималар деяпсиз, бувижон, отамни ҳурмати бор-а.

— Ўе, отанг ўлиб отасиз қол, қандоқ қилиб айлантирмоқчисан, бўлмаса?

— Сиз қишлоҚимизда йўқ нарсаларни олиб келиб берасиз, мен ўтирволиб сотаман.

— Унда пулни хўжайини сен бўларкансан-да, ҳа ёқмай кетсин!

— Ўечамда, обкелган нарсага сиз ўз хизмат ҳақингизни қўясиз, мен ўзимникини қўяман. Тижорат деганлари шунақа бўлади-да, бувижон. Сармоя ўртада айланаверади. Унга тегилмайди.

— Яхши, мен сенга попирос, нос, кўкнори, ароқ обкелиб бераман. Аммо лекин «Бренди»си менга маъқул бўп қолди-да, болам. Диктир қизни нимага тили бийрон-бийрон десам, нуқул «Бренди» ичаркан.

— Йўқ, бувижон, бу моллар билан узоққа бориб бўлмайди, бу моллар ҳаром, ундан кейин отам чилла ўтириб чиққандан кейин дўконимизга ўт қўйворадилар-а, ўт. Сиз менга бехитроқ нарсаларни олиб келиб беринг.

— Бўпти, унда газламаларнинг асилидан обкелиб бераман. Хотин-халаж дўконингни атрофида ўралашиб кетолмай қолади.

— Уям бўлмайди, рўзҚорга ҳар куни керак бўладиган нарсалардан обкелинг. Масалан: гугурт, туз, чой, макарон, шакар, ёҚ, совун, ун... шунга ўхшаганлар...

— Э, унда обкелганларим ўзимизни рўзҚорга ҳам кириб кетади-да, савдони бош-охирини тополмай қоламиз.

— Хотирингиз жам бўлсин, ишлатсак, сотиб олиб ишлатамиз. Сизга алоҳида, ўзимга алоҳида дафтар очаман. Ким қанча еганию ичганини ёзиб бораман. Дўкон молига хиёнат қилиш йўқ. Ўисобли дўст — айрилмас...

— Вой-й-й, шунақа дегин? Сени калланг калламас, нақ институт, — деб кампир яйраб кулди. — Майли, сен айтганча бўла қолсин, локин чолни нима қиламиз, чолни? У чилла ўтириб, еб ётвурса...

— Отамми, отам сиззи қарамоҚингизда бўлади-да, бувижон. ¤з вақтида отамни хўп соҚиб егансиз, ҳузурини кўргансиз. Буни қайтар дунё, дейдилар.

— Ўузурмиш, ҳе ордона қолсин, бир умр тишимни кирини сўриб яшадим, отангни топгани нуқул масжиднинг ҳалимига кетган. Гаппи кўпайтирма, неварасисан, ўзинг боқасан.

— Бунақа дейишга ҳаққингиз йўқ. Мен ҳали вояга етмаганман. Қонун мени ҳимоя қилади. Олдин ўн саккизга кириб олай, кимни боқиш ва боқмасликни ўзим ҳал қиламан.

— Вой-й-й, қонунниям билади-я бу, яшшамагур. Биз буни жиннихонага жўнатдик десак... Али десам бали дейди-я, тавба.

— Бўпти, — деди Шайтонвачча бу ёҚини ҳам ўзича текислаб, — отамга ҳам битта дафтар очиб қўямиз. Чилла ўтириб чиққанларидан кейин ҳисоб-китоб қилиб, қўлларига чек берамиз, қуртдек қилиб тўлаб қўядилар.

— Айтяпман-ку сени калланг калламас — институт, деб. Икки ёрти бир бутун бўларканмиз-да, болажоним.

— Шундоқ, бувижон, шундоқ!

Шундай қилиб, чол чилла ўтириб, ўзини ибодатга, кампир билан набира ўзини тижоратга урди.

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки кампирнинг бозорда пайдо бўлгани)*

Бу галги йиҚилиш қоронҚида бузоқ маърагандек бир аҳволда бошланди. Ўайъат аъзолари қўрқув ва ҳадик ичида ўтиришар эди. Барчада битта савол: Раис Одамшайтон ҳақида сўраб қолса нима деймиз? Раис ундан бошқа яна нимани ҳам сўрарди. Раиснинг ўзи боши-охири йўқ ишни бошлаб қўйди. Шу ишни деб иккита мансабдорнинг думи ечилиб кетди. Кечагина каттадир-кичикдир шайтонлар уларнинг соясига кўрпача солишарди. Энди бўлса чанг ютиб, кўча супуриб юришибди. Бу қуриб кетгур Одамшайтон, бу кетишда нечта шайтоннинг бошига етар экан? У раиснинг эркатойига айланиб бўлди.

Чолнинг чилла ўтириши Хўжақишлоқдаги шайтонларни фалажлаб, Одамшайтон билан алоқани узди. Зиндонга тушгандек ундан бирон-бир мужда йўқ.

Бунақа пайтларда ахборотчининг ошиҚи олчи бўлиб, айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолади. У ёлҚон-яшиқни шундай тўқиб ташлайдики, охири ўша ёлҚонга ўзи ҳам ишонади. Шохдор раис сездиким, аҳвол чатоқ. Мажлисда шайтонлар ўтирибдими ёки

ичига похол тиқилган тулумларми, билиб бўлмас эди. Фақат ахборотчинигина кўзлари йилтирар эди. Раис ўринбосарларига зуҚум қилмади. Чилла ўтириб, Қуръон хатм қилинаётган ўрамда шайтонларга кун йўқлигини у биларди. Шунинг учун у ҳалидан бери бир нима демоқчидек кўзлари йилтиллаётган ахборотчига қаради. Бу — гапир нима дейсан дегани эди. Ахборотчи шошилмай ўрнидан турди ва босиқлик билан гап бошлади:

— Муҳтарам раисимизнинг хос айҚоқчи ва чақимчи хизматчиларининг маълумотларига қараганда Хўжақишлокда қизиқ ишлар бўляпти. АйҚоқчилар кампирни бозорда кўриб қолишган. У чемпионнинг олтин медалини тиллафурушларга яхшигина пуллаган. Пулнинг ярмини липпага уриб, қолганига бир дунё рўзҚор қилган. Гугуртдан тортиб тузгача, шаҚамдан тортиб, ун, макарон, пахта ёҚи, писта ёҚи, атирсовун, кирсовун, парашоклармей, қанд, шакар, ун, хуллас жуда кўп нарса. Харидлари бир эмас, иккита енгил машинага юк бўлган.

— Бундан чиқди кампир олдиндан қишлигини Қамлаб олар экан-да, — сўради раис ахборотчидан.

— Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйладим.

— Бу масалада таъминот бўлимининг фикри қандоқ, — дея раис шўъба мудирига қаради.

— Шубҳали, — деди у ўрнидан туриб, — уч жонга шунча рўзҚор, ақлга сиҚмайди, буни устига чол чилла ўтирганда рўза тутади. Бу ерда бошқа гап бор.

— Яна бир ажабланарли маълумот, — деди ахборотчи қўлидаги қоҚозларни титкилаб, — х-ў-ў-ў-ш, мана топдим, ҳа, кампир йўл-йўлакай электр моллари магазинига кириб, электрон тарози ҳам сотиб олган.

— Э, ҳа, — деди раис хурсанд бўлганидан муштумини ҳавода ўйнатиб, — бу фикримизни тубдан ўзгартиради. Электрон тарози оптими, бундан чиқди Одамшайтонимиз тижорат билан шуҚулланяпти. Ўа, ҳа, кўнглим сезяпти, шундай. У мадрасамизда савдо-сотиқ ишларига кўп аралашиб юрарди, шундайми?— деб раис тижорат шўъбасининг бошлиҚига қаради.

— Шундай, шундай, — деди у раиснинг гапини маъқуллаб, — у тарозидан уриб қолишга устаси фаранг эди, лекин электрон тарозида бировнинг ҳақидан уриб бўлмайди-да. Шуниси сал шубҳали.

— Одамшайтонимиз билганни ҳали сиз билан биз билмаймиз, у сиз билан биздан кўра узокроқни кўради. Мана, мени айтди дейсизлар.

— Айтганингиз келсин.

## САКСОН ДАРРА

*(ёки Шайтонвачча хиёнаткорни қандай қилиб жазолагани)*

Шайтонвачча тижоратни бошлаб юбордию аммо кампир олиб келган молнинг чўҚи пастлигидан хуноб эди. У тилланинг грамми қанчаю қанча мол келишини, пулнинг тенг ярми кампирнинг липпасига тушиб кетганини яхши биларди. Бир куни охири чидай олмай деди:

— Бувижон, билиб қўйинг, бу аҳволда сиз билан узоққа бора олмаймиз.

— Нимага нолийсан, ношукр? — деди кампир тепадан келиб, — бирпасда ишинг юришиб кетдику, харидорларни ўзингга оҚдириб олдинг-ку. Нимаймиш, сени тарозинг

баракалимиш, молинг ҳам арзонмиш. Беш қўлингни оҚзингга тиқмасмишсан. Бу кетишда ҳадемай қишлоқдаги ҳамма тижорат дўконларини синдирасан. Яна нима керак сенга?

— Тижорат Қирромни ёқтирмайди бувижон, мен одамларнинг ҳақидан қўрқаман. Шунга электрон тарози олдиртирдим. Одамларнинг қозони қайнасин деб, нафсимга бир уриб, арзонроқ сотяпман. Лекин...

— Ўа, отангга ўхшамай ўл,— Шайтонваччани гапиртирмади кампир,— бунақада икки дунёда ҳам биринг икки бўмайди. Ўа, косанг оқармайди.

— ТўҚри айтасиз, айниқса, сиздақа шерик билан.

— Вой яшамагур-ей, нима сен менга ёпишиб қолдинг, қўлинг пул кўрди-да?

— Сиз бувижон Қирромсиз, хиёнатчисиз, беш қўлингизни оҚзингизга тиқасиз, яна нима десам экан-а, ҳа майли, липпадаги пулни бу ёққа олинг!

Кампир бир зум ранги ўчиб, сур бўлиб қолди. Кейин жодугарлардек қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Шу тобда у энг бадбашара, энг хунук шайтонга ўхшаб кетди. «Думи тугуклар» мадрасасида бўларди шунақалари. Улар шом тушиши билан кўча-кўйда изҚишар, бемаҳал юрган одамларнинг кўзига кўриниб, шайтонлатиб қўйишарди. Аслида уларнинг қиладиган иши ҳам шу эди. Ундайларга тўсатдан дуч келиб қолишдан шайтонларнинг ўзлари ҳам қўрқар эди. Кампир кундан-кунга ана шунақа бадбашара бўлиб борарди. У Шайтонваччанинг гапи нашъа қилиб куляптию кўзлари ўйилиб, пешонаси олдинга чиқиб, ажинлари қулоҚининг тагига йиҚилиб, тукли ияги нуқул ликиллайди холос. Кампир ўзини гўлликка солиб деди:

— Сен яшшамагур, пақат хотинларнинг кўкрагидаги пулларни кўрасанми десам, липпадагини ҳам кўрар экансан-да? Ўа кўрмай, кўзинг тешилсин. Бўпти, бўпти ҳазиллашувдим, болам.

— Болам деманг мени, — баттар қовоҚини уйди Шайтонвачча. Унинг нияти бузилиб бўлган эди.

— Вой ўлай, болам бўлмай кимсан, ахир?

— Тижоратда она-болачилик кетмайди. Тижоратда шерикчилик бўлади. Шериги липпасига пул беркитса, аяб ўтирилмайди.

— Э, нималар дейди бу, ҳазиллашдим дедим-ку, гўрсўхта?

— Тижорат бу сизга хола-холакаммас, тижорат бу — тижорат! Пул билан ҳазиллашмайдилар.

— Вой тасқара-ей, қўлингдан нима келади, ўзи, а? Сал пастга тушсанг-чи, бола! — Нақ еб юборгудек бўлиб, муштини белига тираб, кўзларини ўйнатди, кампир.

Шайтонвачча ҳаммасини олдиндан режалаб қўйган эди. Кампир муштумини белига тираб, ўзича пўписа қилган бўлардию оёҚининг тагидаги сиртмоқни кўрмас эди. Дўконда пишиқ-пухта чилвирлар ҳам сотилар, Шайтонвачча улардан тузоқ ясаб қўйган эди.

— Неварамни қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлайсизми? — дея Шайтонвачча қўлтиқтаёқни бир чеккага ташлаб, қўлини белига тираб, кўзларини ўйнатар экан. У қўлтиқтаёқсиз ҳам юрадиган бўп қолган, қўлтиқтаёқ бечора кўринишга бир баҳона эди.

— Қўлингдан қўйнинг қумалаҚи ҳам келмайди,— деди кампир елкасини учириб.

— Мана бўлмасам... Шайтонвачча шифтга осиб қўйган арқонни тортиб қолди. Сиртмоқ ишга тушиб, кампирни гуппа ерга йиқитди. Суяклари шақиллаб кетди, бечорани. ¤зига келгунча бўлмай, бир зумда қўл-оёҚи боҚланди. Лўлилик қилган эди, оҚзига латта тиқилиб, овози ўчди. Шундагина у ҳамма нарса жиддий эканлигини тушунди. Аммо энди кеч. Ерда кулала бўлиб, бир аҳволда ётар эди.

— Билиб қўйинг кампир, — деди Шайтонвачча камига қўлтиқтаЁҚини ўқталиб, — мен бировларга ҳақини бериб қўядиган аҳмоқлардanмасман. Олтинларимни қандоқ қилиб ундирганларим эсингиздан чиқдими? Отамнинг бир сўм пулини минг сўм қилиб олганларимни-чи? Буларнинг бари кўрга ҳасса эдию мияси айниган кампир. Нимага мени олдимга похол соласиз-а? Алдагани бола яхшими?

Кампирнинг кўзлари орқага кетиб, бир нималар демоқчидек «иммм», «иммм» лаб овоз берди.

Шайтонвачча кампирнинг оҚзидан латтани олди-да, бақирса яна тиқиб қўяман деб, устида ушлаб турди. Кампир чуқур-чуқур нафас олиб, бир оз ўзига келгач, деди:

— Бўпти, пулингни бераман, оёқ-қўлимни еч, бола.

— Энди пулни сизсиз ҳам оламан,— деди-да Шайтонвачча кампирни чинқиртириб, липпасидан бир боҚлам пулни тортиб олди.

— Вой шарманда, — деди кампир ётган жойида Шайтонваччанинг юзига тупуриб.

— Пул ўҚирлаш-чи?— деди Шайтонвачча ҳам кампирнинг юзига тупуриб,— шармандалик эмасми?

Кампир кўзини юмиб, жим бўлиб қолди. Нима бўлганда ҳам у набирасининг афтига тупуриб юборишини кутмаган эди. Бу бола эмас, бало. Ундан ҳамма нарсани кутса бўлади. Овсар деган номи бор. Муросага ўтишдан бошқа илож йўқ:

— Бўлди — оладиганингни олдинг, бола, бир-биримизга тупуришиб ҳам олдик, орамиз очиқ, бўшат энди оёқ-қўлимни.

— ОҚирроқ бўладилар, — деди Шайтонвачча кампирга ўқрайиб, — жазо-чи, жазо у дунёга қоладими? Йўқ, у дунёда сиз билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим бўлмайди мени. Ўисоб-китобни шу дунёдаёқ қилиб қўя қоламиз.

— Ўов бола, ҳаддингдан ошма, мард бўлсанг мени судга бер.

— Э, она-бола судлашиб юрсак, уят-ку. Судьяларни биздан бошқа иши йўқми?

Шайтонвачча олдиндан тайёрлаб қўйган ошпичоқни бир қўлига, чилвирдан эшилган даррани иккинчи қўлига олиб деди:

— Танланг, бувижон, сизга қай бири маъқул, қўлингиз кесилиб кетганими ёки саксон даррами? Аммо шуни ҳам айтиб қўяй, одам битта қўлсиз яшаб кетса бўлади, локин саксон даррадан камдан-кам одам ўлмай қолган. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Кампир кўзларидан мўлт-мўлт ёш тўкиб, йиҚлади-сиқтади, ялинди-ёлворди, аммо Шайтонваччанинг тош юраги эримади. Чунки унинг юраги шайтоннинг юраги эди. Одам боласи қанча хўрланса, у шунча роҳатланарди. Ўа, Шайтонвачча ниятидан қайтмади. Охири кампир яшаб қоларман деган умидда даррани танлади. Қўли кесилиб кетишини хоҳламади. У олтмиш даррагача ер тишлаб, инқиллаб ётди. Кейин жимиб қолди. Шайтонвачча қолган йигирма даррани кампирнинг оёқ-қўлини бўшатиб урди. Кейин наматга ўраб, қоронҚи тушгандан кейин кир ўрага гумдон қилишни ўйлади. Хаёлида кампир жон таслим қилган эди. Шундоқ бўлса ҳам Шайтонвачча иккиландими, кампирнинг юзига сув сепиб кўрди. Кампир кутилмаганда сесканди. ¤лмапти, жони итнинг жонидан ҳам қаттиқ экан.

## КАМПИР КАСАЛ

(*ёки чўри опанинг уй бошқарувчиси*
*бўлиб қолгани*)

Шайтонвачча кампирни чалажон қилиб қўйгандан кейин, боши қотиб қолди. Бир ўзи сигирга қарасинми, товуқларнинг катагини тозаласинми, чолга ифторлик тайёрласинми, бу ёқда дўкон — тижорат ишлари... Буни устига қўлтиқтаёқни ташлай олмайди. Кампир тузалиб қолган бўлса ҳам, муҚамбирлик қилиб, инқиллаб ётиб олди. Овқатни кўрдим демайди. Яна телевизорнинг рўпарасига ётиб олган. Бир хил пайтларда томошаларга берилиб кетиб, ётган жойидан туриб, астойдил ўтириб олади. Қаҳ-қаҳ отиб, соҚлардан яхши кулади. Шайтонваччани кўриши билан ўзини худди ўлиб қолаётган одамга солади. Шайтонвачча кампирни қандоқ қилиб ётган жойидан турҚазиб юборишни ўйлар экан, нуқул кўз олдига чўри опа келаверди. Қандоқ маъқул хотин эди-я. Соддагина, меҳнаткашгина. Уйим-жойим демайди. ЙиҚлаб қоладиган боласи йўқ. Чол бекорга шундоқ оёқ-қуллик, беминнат чўрини ҳайдаб юборди. Ўали оҚзидаги тилла тишларнинг тўрттасиниям ҳақини адо қилгани йўқ. Шайтонвачча ўйлаб қараса, шу хотиндан яхшиси йўқ экан. Уйдаги баланд-паст гапларни фақат шу хотин билади.

Шайтонвачча шомдан кейин дўконни ёпиб, қўлтиқтаёҚини номига дўқиллатиб устозининг уйига борди. Чўри опа телевизор томоша қилиб ўтирган экан. Устоз қаёққадир мусобақага кетибди.

— Ўа, — деди у Шайтонваччанинг келганидан шубҳаланиб, — нимага келдингиз, билиб қўйинг, чемпион, сиз билан орамиз очиқ, тил қисиқ жойим йўқ. Мен энди эркин қушман.

— Ўалиям, биров сизга бир нима деяптими,— деди Шайтонвачча гина қилган бўлиб, — сизга ўрганиб қолган эканман, соҚиниб кетдим, шунга кўргани келдим. Савил манови қўлтиқтаёқлар бўлмаганда, қуруқ келмасидим. Дўкон очганимдан хабарингиз бор, нимага қуллуқ бўсинга ўтмадингиз.

— Мақсадга ўтинг, чемпион!

— Сизни ишга олмоқчиман.

— Ишга? Дўкончи қилибми?

— Йўқ, уй бошқарувчиси қилиб. Отам чиллада ўтирибдилар, бувим қаттиқ касал. Уч-тўрт кунлиги борми-йўқми... Ўамма иш ўзимга қолиб кетди. Шундай деб Шайтонвачча қўлтиқтаёқларини ерга дўқиллатиб уриб қўйди.

— Қанча ҳақ тўлайсиз, билай-чи?

Шайтонвачча дурустгина ҳақни айтди.

— ¤-ў-ў, — деб юборди чўри опа хурсанд бўлиб,— олий маълумотли эрим бунча ойлик олмайди-ку, алдамаяпсизми?

— Ўаммаси қонуний, шартнома асосида бўлади, шартноманинг битта нусхаси сизда, битта нусхаси менда туради. Алдасам судга бериб, ҳақингизни ундириб оласиз.

— ¤ҳ-ҳў, гап йўқ, шартномани қанча муддатга тузамиз?

— Бир ойга.

— Э, каму?

— Кейинчалик яна чўзамиз.

Шундай қилиб, кечаги чўри тақдирнинг тақозоси билан бугун уй бошқарувчиси бўлиб қолди. Чолнинг ҳам овқати тайин, кампирнинг жони киргандан кирди. Ўатто бет-қўлини ювишга чилобчин сўратади. Нонуштани ётоҚимга олиб келиб бер, телевизорда кўрдим, чет элда шунақа экан, дейди. Нуқул сериаллардаги шим кийиб, папирос тутатиб ўтирадиган аслзодаларга ҳавас қилади. Ишқилиб охири бахайр бўлсин...

Уй бошқарувчиси зарур бўлиб қолса Қир этиб бозорга ҳам тушиб, дўконнинг кам-кўстини тўлдириб келади. Кампирга ўхшаб, липпасига пул беркитмайди. Хиёнат қилса кампирнинг ҳолига тушишини Шайтонвачча шартнома тузаётганда тайинлаб қўйган.

Шайтонвачча қараса, кампир жудаям ҳаддидан ошиб кетяпти. ¤зини касалга солиб, еб ётишу чўрига бел уқалатишдан бўшамаяпти...

— Хў-ў-ў-ш, — деди бир куни Шайтонвачча кампирнинг рўпарасига ўтириб олиб, — энди, шундоқ ётаверасизми, бувижон?

— Ўа энди, — деди кампир инқиллаб,— Худодан сўраб ётибман, оёққа туриб кетарман, нимайди?

— Яхши, ётаверинг, лекин ҳисобли дўст айрилмас деган гапга амал қилиб, бир ҳисоб-китоб қилиб қўйсак...

Кампирнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Қанақа ҳисоб-китоб, қурумсоқ ўлгур?

Шайтонвачча атайлаб кампирга эътибор қилмай, қўлидаги дафтарга бир нималарни ёзиб-чизиб гапида давом этди:

— Ўим... еб-ичишингизга бунча, бунчаси дори-дармонга, хў-ў-ў-ш, уй бошқарувчисининг маоши ҳам сиззи ҳисобингиздан... Шайтонваччанинг гапи оҚзида қолди...

— Нима-нима? — деб ҳозиргина инқиллаб ётган касал дик этиб ўрнидан туриб кетди, — яшшамагур, бундан бошқа гапинг йўқми, ундан кўра мени ўлдириб қўяқол.

— Ахир, тушининг-да бувижон, уй бошқарувчисини сиззи ўрнингизга ёллаганман-да, сиз қиладиган ишларни у қилиб ётибди-ку, ахир.

— Мени шу кўйга солган сенсан, сени ҳисобингдан бўлиши керак.

— Тан олинг-да, бувижон, сизни бу кўйга мен эмас ўзингиз солдингиз. ¤Қирлик қилмаганингизда... нима зарилмиди менга, ўзимга шунча ташвиш орттириб...

— Бўпти, йўқот анови хотинингни, уйни ўзим бошқараман.

— Иложим йўқ, ўттиз кунга шартнома тузганман.

— Буз шартномангни!

— Бузолмайман, судга берса, ўн баробар қилиб ундириб олади.

— Войдод, сен кимсан ўзинг, одаммисан, шайтонмисан, қонимга ташна қилиб юбординг-ку, бола.

Кампир набирасига еб юборгудек бўлиб қаради. Шайтонвачча бамайлихотир кулиб туриб деди:

— Одамшайтонман, бувижон, Одамшайтон!

— Дард, секинроқ, биров эшитиб қолмасин.

## БИРИНЧИ ЗАРБА

*(ёки етти хазинанинг бири — паррандаларга «қирҚин» келиши)*

Кампир ўрнидан туриб дўконга кирдию уйилиб ётган бир дунё тухумга кўзи тушди.

— Ўай бола, бу тухумлар қаттан кеп қолди, вой бў-ў-ў бунча кўп. Ё тухумпуришлик ҳам қиляпсанми?

— Пули йўқлар тухум обкелиб, керак нарсага алмашлаб кетишяпти. Йўқ демай тўҚри қиляпманми бувижон.

— Отангга ўхшаб ҳожатбарор бўмай ўл, бунча тухумни бошингга урасанми, кимга сотасан, буни? ¤зимизни тухумниям бозорга обориб сотиб келаётган бўлсам. Бунақада ҳечам биринг икки бўмайди сени.

— Гапни охиригача эшитмайсиз-да, бувижон, шунингиз чатоқ. Тухумларни ярим баҳосига оляпман, бозорга олиб борсангиз тенг ярим фойда қолиб турибди-ку. Фойдасига ўзимизнинг товуқларга оқ жўхоридан олиб келасиз. Тижорат дегани шу-да! Уни дўпписини бунга, буни дўпписини унга кийдирасиз. Қишлоқдан — шаҳарга, шаҳардан — қишлоққа экспорт дейдилар, буни.

— Вой ақлингдан ўргилай сени, ақлинг қайнар хумча-да, ўзи.

— Шу десангиз, дўконимизга ўз-ўзидан тухумлар оқиб келавергандан кейин ўйлани-и-и-б қолдим-да, бувижон.

— Нималарни ўйладинг қоқиндиқ, гапир! Биламан сен ёмон нарсани ўйламайсан. Пақат фойдани ўйлайсан.

— Шу, оқ жўхори ейдиган анови олифта товуқлар керакми бизга... — чайналди Шайтонвачча, — тухумларни ярим баҳосига олиб турган бўлсак...

— Ўа-я, ақлингдан ўргилай сени, эртагаёқ ҳаммасини қуритаман. Пулини чолнинг еб-ичишига чақиб, ҳисоб-китобни тўҚрилаб қўямиз, нима дединг?

— Сиз нима десангиз шу-да, бувижон.

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки яшасин Одамшайтон!)*

Бу галги йиҚилишда яна ахборотчининг ошиҚи олчи келди. Раиснинг эътибори фақат унда бўлди. Гўё бошқа шўъба бошлиқлари мажлисда қатнашмаётгандек. Ахборотчи майда-чуйда заиф жинлар олиб келган маълумотларга қўшиб-чатиб, гапирарди. Кутилмаганда кўринмай қолган кампирнинг бирдан товуқ бозорида пайдо бўлиб қолиши бу ердаги кўп нарсаларни ойдинлаштириб берган эди.

— Шундай қилиб, — деди ахборотчи, — кампир дон-дун қиммат, товуқнинг тухуми еганига етмайди, тухуми нақ олтин баҳосига тушяпти деб, зорлана-зорлана зотдор товуқларни пуллаб юборди. Шу пайтгача чолнинг уйидан парранда зоти аримаган эди. Ўатто, етти хазинанинг бири деб бошқаларни ҳам товуқ боқишга даъват қиларди, чол. Товуқлари курк бўлса, жўжа очириб, Худо йўлига ҳадя қилиб юборарди. Шунгами, жўжаларига ўлат тегмасди. Турли-туман офатлардан омон қоларди...

— Майли бу ёқларини бизга қизиҚи йўқ, — деди раис ўтлаб кетаётган ахборотчини тўхтатиб,— кампирда эътиборни тортадиган яна қандай ўзгаришлар бор, шундан гапиринг?

— Исковуч жинларнинг гапига қараганда улар кампирнинг орқасида дарра изларини кўришган.

— Ана халос, — деди раис қувонганидан қарсак уриб, кафтларини бир-бирига ишқалар экан,— бу Одамшайтонимизнинг иши, ҳа, ҳа, фақат ўшанинг иши. Э, иш деган бундоқ бўпти-да. Кампир бирон гуноҳ иш қилган бўлса, аяб ўтирмай жазолаган. Демак, қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, ишлаяпти. Ўа, тинмай ишлаяпти, бошини қотиряпти. Одамшайтон номини оқлаяпти.

— Бизда унақа жазо усули йўқ эди-ку, ҳазратим, одамларни васваса қилиб ўзини ўзига остирардик, сувга ташлатардик, пойиззи тагига дегандек... лекин дарра билан жазолашни ҳеч эслолмаяпман,— дея ҳайратини яшира олмади ички ишлар шўъбасининг бошлиҚи.

— Аҳвол шу-да — деди раис ўтирганлардан ҳафсаласи пир бўлиб, — ҳар сафар қулоқларингга танбур чертаман, вакилимиз ҳам шайтон, ҳам одам деб. Унга ҳамма

усуллар чикора. Кампир жинниларни уриб даволарди? Одамшайтонимиз сопини ўзидан чиқарибди, қандини урсин!

— Ажабо, кампир даррабоп нима иш қилган экан-а? — жим ўтира олмади жазо шўъбасининг бошлиҚи. Шайтонваччанинг қулоҚи билан думини кесиб, замбаракка қўйиб отган шу эди.

Раис жавоб беринг, дегандек ахборотчига қаради. Ахборотчи бирон ишонарли далил келтиролмай, чайналди. Кейин кампирда рўй берган яна бир ўзгаришни айта қолди:

— Кампирнинг битта яхши одати бор эди, савдонинг ярмини ўҚирлаб, липпасига беркитарди. Товуқларни пуллагандан кейин ярмини липпага уришга чоҚланган, аммо елкаси қичиб қолиб, ниятидан қайтган.

— Ўа-а-а, гап бу ёқда экан, — деди раис яна қарсак уриб, кафтларини бир-бирига ишқар экан,— кампир Одамшайтонимизнинг ҳақига хиёнат қилган. У ўз ҳақини бировларга бериб қўядиган аннойилардан эмас. Кампирни тарбиялаб, эсини киритиб қўймоқчи бўлган. Яшасин, бизнинг Одамшайтон!

— Яшасин! — деб қолганлар ҳам раисга жўр бўлишди.

Бир вақтлар Шайтонваччанинг шаънига «Яшасин, Миллион биринчи!» деган олқишлар бўлар эди. Эшитиб, у арпа бўйи ўсар эди. Энди-чи, энди бу оламнинг олқишларини на эшита олади, на бу оламга қайта олади?..

## БИЗНЕС ГЎР-ЕР

(*ёки кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бизнес)*

Шайтонваччанинг дўконига йўқ нарсаларни сўраб, тез-тез келиб туришарди. Улар: дори-дармон, кўзойнак, мих, ароқ, игна, ип, ангишвона, атир-упа, рўмолчалар сўрашарди...

Шайтонвачча «йўқ, биз унақа нарсалар билан савдо қилмаймиз, биззики озиқ-овқат» деб қўя қоларди. Бир куни битта кампир адашиб икки марта кўзойнак сўраб келди.

— Бувижон, эрта билан ҳам келган эдингиз, яна келибсиз-да.

— Ана шунақа-да, — деди кампир зорланиб, — кўзойнак бўмагандан кейин, қайси кўчага кириб чиққанингни ҳам билмай, тентираб юраверасан, киши. — Сен болам Ўожи отанинг ўҚли бўлсанг, бундоқ қил, менга кўзойнак обкелиб бер, йўлкирангни бераман. Нақ савобни тагида қоласан.

Шайтонвачча бирдан хушёр тортди. Шошиб кампирдан сўради:

— Йўлкирасини бераман дедингизми, бувижон?

— Ўа-да, ўзим борсамам йўлкира қилиб бораман-да, айланай сендан. Ундан кейин нафсим қургур ёмонроқ, қийма кабобни яхши кўраман, дегин, еволиб, орқасидан музқаймоқ ялагим келиб қолади. Оҳ-оҳ... ана роҳату мана роҳат. Кейин пенсагача тишимни кирини сўриб юришим керак. Ана шунақа, кўпга тушиб кетаман. Сен обкелиб бергин, йўлкиранг қанча бўлса, ўшанча бераман, камига дуоям қиламан.

— Неччи тақасиз, бувижон?

— Бувижон деган тилларингдан ўргилай сени, пилус беш тақаман, беш, укдингми? Шундай қил, болам, илоҳо умрингдан барака топ.

Кампирнинг бир оҚиз «йўлкирани бераман» деган гапи Шайтонваччанинг калласини компьютердек ишлатиб юборди. Энди биров дўконда йўқ нарсани сўраб келса, «йўлкирасини берсангиз обкелиб бераман» дейдиган бўлди. Шайтонвачча унга

ҳам қаноат қилмади «Озиқ-овқат» дўкони  деган ёзув ёнига «Бизнес – курьер» деган хатни ҳам қўшиб қўйди.

— Бу таҚин нима ёзув? — сўради кампир тушунмай.

— Бу — «Бизнес – курьер», бувижон.

— Нима бало, капанфуришлик ҳам қиламизми, энди?

— Э, йўҚ-е...

— Гўр-ер деяпсан-ку, ахир...

— Гўр-ер эмас, курь-ер.

— Э, нима фарқи бор?

— Фарқи бор-да, «курьер» дегани «дастёр» дегани.

— Шунақа деб ёз-да, бўлмаса. Гўр-ерингни ким тушунади.

— Йўқ, шуниси яхши, қулоққа бошқача эшитилади, чет элча.

— Хўп, бу гўр-еринг нима каромат кўрсатади, шундан ке?

— Пақат фойда келтиради.

— Қулоққа лаҚмон осма, бола... бизнесмен бўлиб анча-мунча нарсага ақлим етиб қолди, мени ҳам.

— Барибир хомсиз, бувижон. Бизнеснинг тагига ким етибдики, шу ёшингизда сиз етасиз? У шунақанги ўпқонки, бир айлантирганни чир айлантиради. Мана қулоқ солинг, эртага мол учун шаҳарга тушасиз-а. ¤нта одамдан буюртма олганман. Йўл-йўлакай дорихонадан дори, кўзойнак дўконидан кўзойнак, хўжалик дўконидан икки кило мих, битта белкурак, токқайчи оласиз. Ўаммаси йўлкирасини қуртдек қилиб санаб беради. Ўисоблаб кўринг, ўнта йўлкира қанча бўлади, бувижон?

— Вой, тавбангдан кетай, — деб  ёқа ушлади кампир, — шунақаси ҳам бўлар экан-да дунёда, ҳай, ҳай, кўз тегмасин-а сен, кундан-кунга очилиб боряпсан, болам. Гўр-еринг яхши нарса экан... Мабодо, «Бренди» сўрашмаяптими?

— Биз «Бренди», нос, папирос деган нарсаларга буюртма олмаймиз, биз ҳалол тижорат қиламиз, бувижон!

## БИЗНЕС  ВА САРЁҒ

(*ёки алкаш билан Қийбатчининг чув тушганлари)*

Саҳармардондан Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчи дўкон олдида хира пашшадек туриб олишди. Икковидан ҳам ачиган вино ҳиди анқирди. Кеча кечқурун бўкиб ичишган, кўчага «бошоҚриқ» қидириб чиқишган эди.

— Ўов чемпион, — деди Райимберди алкаш тирҚалиб, — билиб қўй биз дўкон қуллуҚ бўлсинга келдик, янги дўконни ювасан энди, бўлақол, томоқ тақиллаб кетяпти...

— Менда ювадиган нарса бўлмайди-да, тоҚажонлар, хўп десангизлар, пахта ёҚидан юз граммдан қуйиб беришим мумкин... ¤зини атайин хокисор тутиб муомала қилди Шайтонвачча.

— Одамни устидан кулма, Азайимхон, — деди Дадамирза афтини буриштириб, ювадиганинг бўлмаса яримтага чўз, яхшиликча.

— Чўзмасам-чи? — дея Шайтонвачча дарровда тусини ўзгартириб.

— Чўзасан.

— Чўзмайман.

— Чўзасан дедим, чўзасан.

— Чўзмайман дедим, чўзмайман.

— Унда ўзингдан кўр, ўлдириб, дўкон-   пўконинг билан ёқворамиз...

Шайтонвачча ўйланиб қолди. «Думи тугуклар» мадрасасида ўқиб юрганида одамлар орасидаги жиноий ишларга бериладиган жазо муддатларини ҳам ижикилаб роса ўргатишган эди. Одамларни каттароқ муддатга қаматиб юборишга шайтонлар орасида мусобақалар бўларди. У бу қора ниятли одамларнинг жиноий иши ва унга бериладиган жазо муддатларини ичида ҳисоблаб чиқди-да:

— Унда битта ўттизни иккига бўлиб оларкансизлар-да,— деди тиржайиб.

— Ана энди ўзингга келдинг, Азайимхон, — деди Дадамирза кўзлари ялтираб, — ўттиз минг берасанми? Вой сени-ей, жон ширинда-а?

— Жондан ҳам мол ширин,— деди Райимберди алкаш томоҚини қириб.

— Жа унчаликмас, тоҚажонлар,— деди Шайтонвачча уларнинг кўзига бақрайиб туриб,— фуқаролар жиноий ишлар низомининг бир юз олтмишинчи моддаси «А» прим банди бўйича ҳимоясиз қолган нафақахўрларнинг молига тажовуз қилганлиги учун саккиз, уларни бир амаллаб боқиб келаётган ногирон набирасининг жонига қасд қилганлиги учун ўн беш,  жиноий ишни қасддан группа бўлиб амалга оширилганлиги учун шу модданинг «Е» прим банди бўйича етти, ҳаммаси бўлиб ўттиз йил қамоқ бўлади. ¤н беш йилдан бўлашиб оласизлар, шу. Ўозир кўзимдан йўқолмасанглар соткамда шаҳардан мелиса чақираман. Қишлоқни мелисасига ишонч йўқ. У сизларга ҳамшиша. — Шайтонвачча шундай деб, соткасидан бозорга молга кетган кампирнинг номерини тера бошлади.

— Ўай, ҳай, — деди Дадамирза уни тўхтатиб, — ҳазиллашдик, Азайимхон, ҳазиллашдик-а. Сени кимлигингни билмасак экан... Ахир сен, — деб кўрсаткич бармоҚи билан тепага ишора қилди у, — у ёҚдансан-ку, оҚайни... Шундоқ қилиб, ўттиз йил дегин? Шуларгача биласанми-а... қойил!

— Билмай-чи, бу дунёда қонунсиз яшаб бўларканми?

— Майли, анови гапларни эсингдан чиқар Азайимхон, — деди Дадамирза попуги пасайиб. Кейин қўйнидан сувқоҚозга ўралган чақалоқнинг калласидек сарёҚ чиқарди: – Шуни пулга чақиб бер, бизга пул керак, бош ёрилай деяпти. Райимберди алкаш ҳам чўнтагидан бештадан — ўнта тухум чиқарди. – Сени биламиз ҳожатбарорсан, мановиларни ярим пулига бўлса ҳам ол, — деди у ҳам ялиниб.

— Э, тоҚажонлар,— деди Шайтонвачча илгариги самимий ҳолига қайтиб, — мен бу нарсаларни пулга чақолмайман, молга чақаман, тухумни макаронга, сарёҚни  кирсовунга алмашлаб  беришим  мумкин. Шундаям ярим баҳосига.

— Э, Азайимхон, иложини қил, озиб, ёзиб бир ишимиз тушибди, сенга.

— Қуймадинглар, қуймадинглар-да, пулга чақадиган бўлсак, чорак баҳосига чақамиз, келишдикми?

— ¤ҳ, — деди Дадамирза кўзини пахтаси чиқиб,— бу бориб турган қароқчилик-ку, Азайимхон, куппа-кундуз куни одамни шилиш-ку, бу қайси қонунда ёзилган?

— Бола-чақанинг ризқини қийиб, ўҚирлаб сотиш-чи, у қайси қонунда ёзилган?

Шундай қилиб Шайтонвачча бир кило сарёҚ билан ўнта тухумни сувтекинга олиб қолди. Райимберди алкаш билан Дадамирза Қийбатчи сўкина-сўкина дўкондан узоқлаша бошлади. Шайтонвачча янги мижозларининг орқасидан бақирди:

— СоҚинтирмай тез-тез кеп туринглар, тоҚажонлар...

Улар ўгирилиб Шайтонваччага муштларини дўлайтиришди. У орқаларидан қаҳ-қаҳ отиб кулди. «Мени совунимга кир ювмабсизлар»...

## БЎНЖЎ СЕНЁРА

(*ёки зотдор сигирнинг ҳам сотилиб кетиши*)

Шайтонвачча ҳаво совуқ бўлгани учун сарёҚни музлаткичга қўймай, харидори чиқиб қолса сотиб юбораман деб, шишали ёҚлар каторига қўшиб қўйди. Чиндан ҳам харидорлардан бирининг кўзи сарёққа тушиб сўради:

— СарёҚ ҳам сотяпсизми, чемпион?

— Олсангиз сотаман, биттасига пул зарил экан, ҳожатини чиқардим.

— Вой мендаям анча-мунча сарёҚ бор эди, бозорга оборай десам йўлкираси чақиб қўйяпти. Мениям ҳожатимни чиқара қолинг, чемпион. Илойим умрингиздан барака топинг.

— Шарти бор-да,— деди Шайтонвачча жиддий туриб,— шартига кўнсангиз, гап йўқ, ҳожатингизни чиқараман.

— Айтинг-чи, шартини?

— Дўконимдан мол олсангиз ярим баҳосига чақаман, пулга бўлса чорак баҳоси, розимисиз?

— Жа кепак баҳоси қивордингиз-ку, чемпион...

— Пул топиш ҳам қийин-да, опажон.

— Иложим қанча, дорига пул керак эди.

— Айниб қолмасидан обкела қолинг сарёҚингизни, бўлмаса.

Шайтонвачча шаҳарга экспорт қилаётган моллари қаторига сарёҚ ҳам қўшилганидан хурсанд бўлиб кетди. Яна субтекинга. Бу ишнинг баракасини Қийбатчи Дадамирзадан кўрди. ¤ша болалари ейдиган сарёҚни уйидан ўҚирлаб чиқмаганида унинг калласига бу ўйлар қайдан келарди? Шайтонваччанинг ёдига бир вақтлари иши юришиб қолганда айтадиган қўшиҚи тушиб кетди. Икки қўлтиқтаёқни икки ёққа отиб, елкасини учириб, муқом қилиб, ўша қўшиқни айта кетди:

*Умбила қидан-қидан-қидан,*
*Ип ўтказай одамларнинг қулоҚидан,*
*Умбила қидан-қидан-қидан,*
*Чалай энди мижозларнинг оёҚидан...*
*Умбила...*

Шайтонваччанинг қўшиҚи бўҚзида қолди. Пештахтанинг нариги ёҚида янги бир харидор унга жилмайиб қараб турарди. Эркак бўлиб эркакка, аёл бўлиб аёлга ўхшамас эди. Бошида шляпа, эгнида ёқаси қундузли чарм куртка. Лаби бўялган, қулоҚида араванинг Қилдирагига ўхшаган балдоқ. Ўар қалай харидор бу ерликка ўхшамас эди. Э, деди Шайтонвачча ҳушёр тортиб, Хўжақишлоққа туристлар ҳам келадиган бўп қолибди-да. Яхши, яхши... Шайтонвачча меҳмонга қўлини кўксига қўйиб, иссиқ табассум қилди:

— Бўнжў, сенёра, бўнжў, биҳай-биҳай, букрон, тумаро, гутентак,— деб Шайтонвачча бисотидаги бор чет элча сўзларни айтиб солди...

— Дард, ўзинг тентак,— деган жавоб бўлди у ёқдан.

Шайтонваччанинг ранги қув ўчиб, бақа бўп қолди. Ё алҳазар... Бувимми? ЙўҚ-е...

— Анови сарёҚ қаттан кеп қолди яна?

— Бувижон бу сизми? — Во-о-о-й...— ҳайратдан оҚзи очилиб қолди Шайтонваччанинг,— мен сизни туристмикан депман. Бошқача бўп кетибсиз-ку. Воҳ, воҳ, воҳ... Анови сериалдаги бизнесмен баронесса бор-ку, худди ўшани ўзи. Қуйиб қўйгандек. Пақат уни сочи калта эди. Меники-чи, дегандек кампир шляпани кўтарди. – Воҳ...— янаям қотиб қолди Шайтонвачча,— малчишка қивобсиз-ку, бувижон, малчишка.

Ўали шим ҳам кийиб олгандирсиз, менга кўринмаяпти,— пештахтанинг орқасидан бўйнини чўзди Шайтонвачча? Кампир чарм куртканинг бир қатини очиб, ўзини намойиш қилди. — ¤ҳ, акангни бувижониси, ўҳ, шим ҳам кетворибди-ку, қойил, этик шпилка... Отам кўрсалар борми, сиззи бошқаттан яхши кўриб қоладилар энди... Ўа, чилла ўтиришдан ҳам воз кечворадилар...

— Э, отанг ўлиб, отасиз қол, гаппи айлантирма, бола, сарёҚ қаттан кеп қолди деб сўраяпман, сендан?

— Дадамирза обкелувди, чорак баҳосига ташлаб кетди,— деб рост гапирди Шайтонвачча. Ярим баҳосига деб ўзини фойдасига ёлҚон гапирса ҳам бўларди. Лекин калласида бошқа режалар айланиб қолган эди.

— Чорак баҳосига, дейсанми? — хурсанд бўлиб кетди кампир.

— Ўа, нақт пул зарил экан-да, ҳозир яна биттаси олиб келади. Бугундан бошлаб ким нақт пул деса чорак баҳосига дейман, тўҚрими, бувижон, пул топиш осонми?

— Ўай, — деди кампир бошини силкиб, чиройли жилмаяр экан, қулоҚидаги ҳалқалари қимирлаб кетди, — сен бола бу дўконни соҚин сигир қивординг-ку, а, унда анови она-бола сигирни нима қиламиз ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ қилиб?

— ¤лманг, бувижон, ўлманг, ичимсиз. Ўар куни сут десангиз сут, қаймоқ десангиз қаймоқ, бари мени ҳисобимдан бўлади. ¤ша сигирни йўқотинг, мен қутилай. Шайтонвачча ўз ниятига етган эди.

— Паду-у-умиш, эртагаёқ сотвораман...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки Шайтонвачча давоси йўқ вирус)*

ЙиҚилиш катта шов-шувлар билан бошланди. Кампирнинг ажнабийча кийиниб олиши, эгиз-эгиз туҚиб, бутун Хўжақишлоқни маъмур қилган зотдор сигирнинг сотилиб кетиши, э ҳа-а-а... буларнинг бари ҳайъат аъзоларини шошириб қўйди. Нималар бўляпти ўзи Хўжақишлоқда? Чол ҳамон чилла ўтирар, қишлоқдаги шайтонлар фалажланиб, ҳамон алоқа боҚланмаган эди. Аммо бўлаётган ишлар ҳайъат аъзоларини қайта-қайта ҳайрон қолдирарди. ¤йлаб ўйларига ета олмас эдилар. Фақат раисгина хотиржам. ¤зича бу ишлардан яхши фол олиб, хурсанд ўтирарди. Хурсанд бўлади-да, Одамшайтон унинг кўп йиллик ихтироси бўлгандан кейин. Битта Одамшайтон бутун бир қишлоққа бас келиб турса, мингта шайтон қила олмаган ишларни қилаётган бўлса, яна нима керак?

Одам болалари хатми Қуръон қилганда, чилла ўтиришганда шайтонлар фалажланиб, оёқ-қўлларига кишан тушарди. Ниҳоят бунга қарши тадбир топилди. Яшасин, Одамшайтон! Хурсанд бўладиган яна бир жиҳати кампир ҳам бир думалаб одамшайтонга айланди, қолди. Бечора, ўзиям зўрҚа турган экан-да. Одамшайтон битта эди, иккита бўлди. Худди узукка кўз қўйгандек. Чол ибодатга муккасидан кетиб, атрофида нималар бўлаётганини ё кўрмаяпти, ё барига қўл силтаб қўйган. Одам болалари бунақа пайтда дунё ишларидан узиладилар. Ўойнаҳой Одамшайтонимиз чолнинг ана шу тақвосидан фойдаланиб қоляпти. Шундай катта файзли хонадонда етти мўъжизанинг бири на парранда, на мол зоти қолди. Бу ёқда кампир ҳам эркин қуш бўлиб олди. Энди у кечаги кампир эмас, бизнесмен баронесса. Пул ва бойлик уни ана шунақа қилиб қўйди. Чол энди кампирни хотин қиладими, йўқми бу ёҚини Худо билади? Ўар қалай талоқ қилиб юборса керак. Балки ҳовлидан ўзи бош олиб чиқиб кетар. Нима бўлганда ҳам айб чолнинг ўзида. Набирасининг бир думалаб машҳури олам бўлиб кетишлари, азайимхонга

айланиб қолиши, телеканалдаги миш- мишлар бари-барига бефарқ бўлди. Лоақал шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди-ку деган хаёлга ҳам бормади. Ўатто, Шайтонвачча дастлаб атайлаб, ўзининг кимлигини айтган ҳам бўлди. Шундаям чол парвосига келтирмади. Қайтага Шайтонваччани телбага чиқариб, кампирга савалатди. Рост гапириб жазоланди, бечора. Охири у ҳам тақдирига тан берди. Одамшайтон йўлини маҳкам тутди. Шундай қилиб чол энди бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам айбни шайтонга тўнкай олмайди. Шунга яраша жазосини оляпти, ҳозир.

Ютуқлардан маст бўлиб ўтирган раиснинг кўнглидан кечаётган ўйларни тасдиқлагандек, ҳайъат аъзолари бирдан уни олқишларга кўмиб юборишди:

— Яшасин, раисимиз!

— Яшасин, сояий давлатимиз!

— Яшасин, раисимизнинг буюк ихтироси, Одамшайтон!

Улар кашфиётнинг моҳиятига энди тушуниб ета бошлаган эдилар. Одамшайтон ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам яшаб кетадигандек туюларди уларга. Ўа, у ана шунақа давоси йўқ вирус...

— Пахта қўйишни бас қилинг, — кутилмаганда тўнини тескари кийди раис,— бугундан бошлаб сизлар ҳам қандай бўлмасин Одамшайтонларни кўпайтиришни ўйланг. Бўлмаса ҳар бирингизни қулоҚингиз билан думингизни кесиб, замбаракка қўйиб, ўзим отаман. Нима, сигир сотилса сотилибди, битта кампир динидан чиқса чиқибди. Шу билан осмон узилиб ерга тушдими? Йўқ, Хўжақишлоқ ҳали тирик. Ер ютиб, текисланиб кетгани йўқ. Қарсак чалишга ҳали кўп қовун пишиқлар бор... Одамшайтонимиз янгича яшашга энди-энди мослашяпти. Қиладиган ишларнинг мингдан бирини ҳам ҳали қилгани йўқ... Менинг соямга кўрпача солиб, чапак чалишни бас қилинг...

Шундай қилиб, олқишлар билан бошланган йиҚилиш таҳлика билан тугади.

## ҲАСРАТ

*(ёки Шайтонваччанинг кампирнинг юрагига қўрқув солиб қўйганлари)*

Кампир кундан-кунга ёшариб, модний бўлиб борарди. Буни Шайтонвачча ҳам кузатар, қараб-қараб, ичида бу кунингдан баттар бўл кампир, деб қўярди. Қўшни хотинлар ҳам нуқул дўкон баҳона, кампирни томоша қилгани чиқишар, кампир бўлса кўзларини сузиб, шляпа тагидан уларга табассум қиларди. Хотинлар ҳайратларини ичига сиҚдира олмай, жаҚ уриб, бири олиб, бири қўярди:

— Ажабми, вой тавба-ей, кийим ҳам одамни шунчалик ўзгартириб юбораркан-да, а?..

— Одамга кийим, эшакка тўқим деб қўйибдилар буни.

— Ўожи отанинг хотини шунақа қилиб юрса бўлавераркан-да?

— Нима, Ўожи отанинг хотини одаммасми?

— Гап кийимдамас, одамнинг манави ерида,— деб улардан бири кўкрагига уриб қўяди.

— Ов-в-в,— дейди кампир, чарм куртканинг қанотини очиб шимини кўз-кўз қиларкан,— бизнесмен бўлиш осон бўптими, ҳа, шунақа кийинмаса бўлмайди. Калиш-маҳсини судраб, рўдапо бўлиб боринг-чи, ким сизга қарарикин? Итмисан-эшакмисан, демайди. Омборхоналарга шляпани қўндириб, шпилка этикни тақиллатиб шундоқ кириб борсам борми, манаман деган эркаклар бақа бўп қолишади. ¤тирган бўлишса

ўринларидан дик этиб туриб кетишади. «Келинг Ўожи она, хизмат» деб, қўл қовуштиришади. Мени уринтириб ўтиришмайди барака топкурлар. Ундан унча, бундан бунча деб, тураман холос, ўзлари тарозида тортишиб, ўраб-чирмаб, мошинага юклаб беришади. Ана шунақа, гаплар, — деб кампир ўзига бошдан-оёқ қараб қўяди,— билмасанглар билиб қўйинглар буни биззи тилда имиж дейдилар.

Бир куни Шайтонвачча кампирга бошдан-оёқ қараб:

— Шу, бувижон дейман, имижга битта нарса етишмаяпти-да, ўшаям бўлса борми, сериалдаги баронесса ҳам сиззи олдингизда ҳеч ким бўлмай қоларди, — деди.

— Мановини айтмаяпсанми, — деб кампир курткасининг чўнтагидан хотинлар чекадиган ингичка олифта сигарета олиб лабига босди ва шу заҳоти ўт олдирди. Хумор қилиб турган эканми, тутунни ютоқиб-ютоқиб ичига тортди.

Шайтонвачча «воҳ» деб юборди. У кампир телеканал мухбирлари билан «Бренди» ичганида ҳам, имижини ўзгартирганида ҳам бунчалик ҳайратга тушмаган эди. Одам болалари нафс йўлида шайтонга ҳам дарс беради деганларига энди ишонди. Шайтонвачча шошиб-пишиб сўради:

— ҚуллуҚ бўсин, бувижон, қуллуҚ бўсин, қачон бошладингиз?

— Анча бўлди, ашаҚларда чекиб юрибман,— деб шаҳар томонга ишора қилди кампир,— бир яхши нарса эканки, ҳай, ҳай, шундоҚ роҳат қиламан, дегин, шундоҚ роҳат қиламан асти қўёврасан. — Тутунни ичига торта-торта кўзлари сузилиб кетди кампирнинг. — Эссизгина, шунча умрим шунақа нарсаларсиз ўтиб кетибди-я...

— Нима қипти, қишлоқда ҳам бемалол чековринг, кимдан қўрқасиз, отам чилла ўтирган бўлса. Ундан кейин бу ёҚига ҳам чилла ўтиришнинг саноқли кунлари қолди, ўйнаб-кулволинг! Отам чилладан чиқсалар сиззи бу аҳволда қўймайди-ёв...

— Биламан, чилладан қутурган итдек бўп чиқади, эндигина кўкрагимга шамол тегаётган эди-я. Чол ўлгур мени тирик қўймайди. Ўа, кўнглим сезиб турибди. Шу, ажрашга ариза бериб қўйсаммикан-а? Нима дединг? ¤зим хон, кўланкам майдон, юроврардим.

— Шунақами, унда билиб қўйинг, ажрашсангиз мен отам билан қоламан.

— Ўа, ўл оҚмачи, бизнесни мен билан бошлаб, отангни дейсанми?

— Сизга ишониб бўлмайди. Имиж деб отамдан воз кечяпсизми, эртага мендан ҳам воз кечворишингиз мумкин.

— Ўа, отанг ўлиб отасиз қол, чилладан чиқмай, у дунёга равона бўп қолармиди?

— Унда сиз билан қоламан-да, бувижон. Бу жойларни кимдир чироҚини ёқиб ўтириши керак-ку...

Кампир ҳаям-йуҚам демади, ўй сурганча туриб қолди. ¤йларки, боши охири йўқ, қўрқинчли ўйлар...

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

*(ёки янги Одамшайтон муаммоси)*

Мажлис яна кампирнинг юриш-туришига қараб бир ҳикмат қидиришдан бошланди.

— Кампирнинг авзойи чатоқ, тўрвасини олдирган гадойга ўхшаб юрибди, — деди ахборотчи.

— Сабаб?

— Чолнинг чилла ўтириши тугаб боряпти-да. Шунга кампирнинг икки дунёси қоронҚи. Мени айтди дейсизлар, эртага чол ҳужрасидан чиқадию кампирга пичоқ

тортворади. Ўа, чидаб туролмайди. Талоқ қилгунча баҳридан ўтиб қўя қолади. Шунақа тахминлар бор.

— Яхши-ку,— деди ички ишлар шўъбасининг бошлиҚи хурсанд бўлиб, — унда чол чилладан чиқадию қамоққа тушади. Бу айни муддао. Унақаларнинг умри қамоқда чириши керак, ўзи!

— Шунга кампир талвасага тушиб, уйқусини йўқотиб қўйганга ўхшайди. Бугун дорихонадан уйқу дорисини сотиб олди. Яна қанақасидан денг? ¤лдирадиганидан. Ичадию тарашадек қотади. Дорифуруш, холажон, нима бало жонингизда қасдингиз борми, бу сизга кучлилик қилади деса ҳам парво қилмади, барибир сотиб олаверди. Ният-ти бузилган кўринади кампирни.

— ЙўҚе,— деди раис ташвиши ортиб,— кампир ҳали бизга керак-ку?

— Афсуски тақсирим, аҳвол шунақарок,— деди ахборотчи чайналиб,— бошқа иложиям қолмади-да кампирни, аввалига босар-тусарини билмай қолди, уйдаги нарсаларни сотди, ўзини бизнесга урди, имижини ўзгартирди. Боши берк кўчага кириб қолди, дори ичиб, осонгина бу дунёдан қутулиб кетмоқчи.

— Тушунмадим, ким-кимдан қутулмоқчи?— ўсмоқчилади раис бир нарсани сезгандек, — менинг назаримда кампир осонликча жон берадиганларданмас... У мен билган нусхаларнинг энг ноёби.

— Ўа-а-а...— деди ахборотчи бошини қашиб,— биздан кўра сизга аёнроқ, тақсирим, умид Одамшайтондан, ҳар қалай у кампирнинг ўлишига йўл қўймаса керак, нима дедингиз?

— Менимча,— деди хавфсизлик шўъбасининг бошлиҚи орага суқилиб,— чол ўлмаслиги керак, чол ўлса арининг ини бузилади. Чол Одамшайтонимизга қалқон вазифасини ўтаб турибди ҳозир. Биздаги маълумотларга қараганда аҳвол сал чатақроқ. Масжиднинг янги имоми бошлиқ Райимберди алкаш, Дадамирза Қийбатчи, спорт ўқитувчиси Одамшайтонимизнинг изига тушишган. Уларга 108-канал ҳам қўшилган. Улар чолнинг невараси даволанган жиннихонада бўлишган. Неваранинг ўлгани, жасади куйдирилиб, хоки шара-барачига бериб юборилганини аниқлашган. Кейин шара-барачини ҳам қидириб топишган. У бор гапни рўйирост айтиб берган. Хуллас, улар Одамшайтонимизни невара қиёфасидаги ўзга сайёралик деган қарорга келиб бўлишган. Шов-шув кўтаришга чолдан андиша қилиб туришипти. Чол чилладан чиққандан кейин ётиҚи билан тушунтириб, неваранинг баҳридан ўтишмоқчи. Ё ўлдириб юборишади, ё керакли жойга тутиб беришади.

— Омон бўлсак кўрамиз,— деди раис. Аммо шўъба бошлиҚининг гапларидан раиснинг ичига ўт тушди. Эсига лоп этиб олдинги ҳайъат йиҚилишида берган топшириҚи тушдию ўтирганларга савол назари билан қаради. Улар бўлса ўша нарсадан гап очолмай, ерга қарашди.

— Ўа,— деди раис овозини баландлатиб,— оҚзингизга талқон солиб олганмисиз? Навбатдаги Одамшайтон масаласи нима бўлди? Одамлар орасига жўнатишга тайёрми, сизлардан сўраяпман? Тайёр бўлса, нечтаси? Айтиб қўяй, бундан кейин гувоҳларни йўқотиш керак. Шара-барачи нима қилиб тирик юрибди ҳанузгача? Жиннихонадагилар-чи? Ёмон ишлаяпсизлар, ёмон!

¤тирганлар саросимада ахборотчига қарашди. ¤зларидаги бор маълумотни унга етказишган эди.

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг жаноб раис,— деди ахборотчи, — биз кулларингиз ҳаммасини ўрганиб чиқдик, Одамшайтонимизга ўхшаган шайтонлар ҳар миллионтадан

битта туҚилар экан. Эсингиздами, мадрасамиздаги унинг тартиб рақами ҳам «Миллион биринчи» эди.

— Нима бало, туҚилиш шунчалик камайиб кетганми бизда?

— Йўқ, жанобиолийлари, гап шундаки Одамшайтонимиз бир антиқа хонадонда дунёга келган. Оиланинг Хожаси иймонлигу, Хожабекаси унинг тескариси эди. Жанобларининг Одамшайтони ўша Хожабеканинг енги ичида туҚилган. Унинг тарбиясида ўша хонадоннинг таъсири жуда катта бўлган.

— Хўп, ўша хонадонни ер ютиб кетмагандир?

— Ўамма гап шунда-да, Хожа хотинини талоқ қилиб, бошқа бир хотинга уйланиб олди. Болалари ҳам ўзи билан. Бозорда ўйинчоқ сотиб ўтиради. Талоқ қилган хотини чидай олмай сирка ичиб ўлди. Одамшайтоннинг сизга қўл келган жиҳати билиб-билмай одам болаларига қайишиб туриши эди. Бунда, албатта, анови жодугар кампирнинг ҳам ҳиссаси бор. Хабарингиз бор, кампирни ҳам куни битти. Ўозирги туҚилаётган шайтонваччаларнинг бирортаси Одамшайтонимизга ўхшамайди. Бари бир томонлама. Ханжарга ўхшаб икки томони билан кесмайди. Лекин юртчилик, қидиряпмиз, топилсаёқ сиздан суюнчи оламиз.

## ХУДОДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ, БУВИЖОН

(*ёки Шайтонваччанинг кампирнинг ишидан ҳайрон бўлиб қолганлари)*

Кампир бозордан келгач, баронесса кийимларини ечиб, кечки овқатга уннаб қолди. Ўар якшанба ош дамланарди. Нимагадир сабзи тахта тақиллайвермагач Шайтонваччанинг сабри чидамай ошхонага мўралади:

— Бугун нима овқат, бувижон?

— Қўй ёҚига атала.

— Атала?

— Ўа, отангни кўнгли атала тусабди. Ичи қотибди-да, шўрликни. Чилла ўтириш осонми, сенга?

— Мен ош ермиканмиз, деган эдим.

— Чида, бир ҳафта ош емасанг ўлиб қомайсан. Чидамасанг аталадан кейин ош ҳам дамлаб беровраман, фақат, айтиб қўяй, масаллиқ сени ҳисобингдан бўлади, бола.

— Ўа йў-ў-ў-қ, бувижон, қўй ёҚига бўлса атала ҳам тешиб чиқмайди.

Шайтонвачча кампирнинг чолга меҳрибон бўлиб қолганини ўзича тушунди. Баъзи кунлари ифторликка қотган нон билан доҚ сувни ҳам раво кўрмас эди. Чилла тугаган сари чолнинг оҚзини мойлаб, еган оҚиз уялар қилиб қўймоқчи, шекилли. Бу орада масжиднинг ёш имоми отанинг олдига келиб кетди. Шомга яқин Шайтонвачча дўконни ёпиб, қорни очиб яна ошхонага мўралади. Мўраладию кўриб турган кўзларига ишонмай қолди. ¤зини орқага олиб, секин кузата бошлади. Кампир чўнтагидан ҳапдори олиб чолнинг косасига соларди. Кейин қошиқ билан яхшилаб аралаштирди. Шайтонвачча билдики кампир чолни эрта кунда у дунёга жўнатмоқчи.

— Худодан қўрқмайсизми, бувижон? — деди Шайтонвачча эшик орқасидан чиқиб, — қўйинг-е, сизни бунчаликка борасиз деб ўйламаган эдим.

— Нималар дейди бу ер юткур, — кампирнинг кўзлари қинидан чиқай деди.

— Отамни косасига ҳозир нима солдингиз?

— Вой ишпион ўлгур-ей, айтдим-ку сенга ичи қотиб кетибди деб, шунга озгина сурги қўшвордим. Атала билан сурги жа кетади-да, эртага кўрасан отанг сен кўр, мен кўр бўп кетади. Ё сенгаям озроқ қўшворайми, аммолекин маза қиласан, бола.

— Ўа, йўқ, — деди Шайтонвачча шоша-пиша,— мени ичим яхши.

— Сени бунақа ўйларга боришинг яхшимас, болам, — дея астойдил хафа бўлди, кампир. Бувинг бўламан-а, кимми деб бозорма-бозор тентираб юрибман. Сени деб. Уйлантирсам, қизимдан қолган ёдгоримдан невaралар кўрсам дейман. Сен бўлса, қўй-е, одамни ҳар нарса бўлгани яхши...

— Кечиринг, бувижон, вос-вос бўп қопман,— деб қутулди Шайтонвачча.

## МЕҲРИБОНИМ, ВОЙ ОТАМ

(*ёки Хўжақишлоқда мотам)*

Тонг билан қўни-қўшнилар Шайтонвaчанинг йиҚисидан уйҚониб кетди. Эссизгина, Ўожи ота ўтибдилар-да. Худо раҳмат қилсин. Чилла ўтириб, чиллада кетибдилар-да. Жаннати одам эдилар, жаннати бўлдилар-да. Аммо набирасининг айтиб йиҚлаши қўшниларни ажаблантирар эди. Ўожи ота азада айтиб йиҚлашни ёқтирмасдилар. Қишлоқда бу одатни айта-айта ўзлари йўқ қилган эдилар. Уйидагиларига сўзини ўтказа олмаган эканлар-да. Ўай, аттанг... Бир ҳисобда айтиб йиҚлаш ҳам азага файз берар экан-ми? Невараси сўзларни териб-териб, бир чиройли айтяптики...

*Кун кўрайин деганда,*
*Кунлар кўзи беркилдими?*
*Ер босайин деганда,*
*Ерлар чоки сўкилдими?*
*Отам-ма, вой отам!..*

Хотину халаж, каттаю кичик мотам ичида қолди. Қўшни қишлоқларга ҳам хабарчилар кетди. Кампир баронесса кийимларини ечмади, ҳартугул шляпанинг ўрнига телпак кийиб олди. ОёҚида шпилка этик. Устида қундуз ёқали чарм куртка. Кун совуқ бўлганиданми, биров унга эътибор берди, биров бермади. ТўҚриси, кампирни тергайдиган одам йўқ эди. Энди бу дунёда битта одам бор эди. У ҳам ўтди. Дори кучини кўрсатди.

У ёққа ўтсаям, бу ёққа ўтсаям кампир нуқул Шайтонвaчани турткилайди: «Бўл, овозингни чиқар, йиҚла, отангни бошқа йиҚлайдигани йўқ, аза азадек бўлсин!» Шайтонвачча авжга чиқади:

*Баланд тоҚлар паст бўлдими?*
*Ажал сизга қасд қилдими?*
*¤лганингиз рост бўлдими?*
*Отам-ма, вой отам!..*

Ора-сира кампирнинг ўзи ҳам шайтон йиҚи қилиб, неварасига қўшилади:

*Узун-узун арҚамчилар,*
*Ерда ётса майлими?*
*Шундоққина тўражоним,*
*Гўрда ётса майлими?*
*Вой тўрам-а, вой тўрам...*

Аммо Шайтонваччанинг термалари юракларни кўпроқ эзарди. ЙиҚламаган тошюракларни ҳам йиҚлатарди. Турганлар унинг оҚзидан чиққанини илиб олиб, унга жўр бўлишарди.

*Масжид билан мадраса ораси,*
*Кўринмайди отажоним қораси,*
*Кўринсайди отажоним қораси,*
*Битармиди юрагимнинг яраси?*
*Отам-ма, вой отам!..*
*Кўчаларга сув тошибди,*
*¤тишга йўл бормикан?*
*Отам кетди келмас бўлиб,*
*Дунё шунча тормикан?*
*Отам-ма, отам...*

## ШОШИЛИНЧ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

(*ёки шайтонлар оламининг ҳам шошиб қолганлари*)

Тўсатдан Ўожи отанинг бандачиликни бажо келтириши «Думи тугуклар» мадрасасидагиларни ҳам шоshiриб қўйди. Яқин қирқ кундан бери Хўжақишлоқда фалажланиб ётган шайтонлар, кофир жинлар оёқ-қулларини ёзиб, аста-секин ўзларига кела бошлашди. ¤ртадаги кўринмас деворлар кўтарилиб, алоқа ўрнатилди. Хўжақишлоқдан бир-биридан совуқ хабарлар келарди. Шўъба бошлиҚи айтганидек Хўжақишлоқда арининг ини бузилган эди. Одамшайтоннинг ҳаёти қил устида қолган эди.

— Гапиринглар, — деди раис йиҚилганларга қараб, — нима гап? У ўзи яратган мўъжиза — Одамшайтонни йўқотиб қўйишдан жудаям қўрқар эди. Раис шу ихтироси билан ўз ўрнида мустаҳкам эди. Шўъба бошлиқлари ўз айҚоқчилари, кофир жинлар олиб келган хабарларни бирин-кетин баён қила бошлашди:

— Одамшайтонимизни суд қилишдан бош тортишди. Келгиндиларни қамаб бўлмас экан. Қочиб кетиш хавфи бор экан. Уни оломон дарахтга боҚлаб, тошбўрон қиламиз дейишяпти.

— Йўқ, бу фикрдан ҳам воз кечишди, бўйнига тош боҚлаб сувга чўктиришмоқчи.

— Бу гап ҳам эскиди, қудуққа ташлаб, кўмиб юборишмоқчи.

— Охирги гапни эшитинг бўлмаса, уни оловда ёқишмоқчи, оловда...

— Алвидо, — деб ҳайқириб юборди раис ўзини тута олмай,— минг афсуски қўлимиз калта. Ахир у шайтон эмас – одам-да. Уни одамчасига ҳукм қилишади. Эссиз, ниятларим катта эди-я. У билан қиладиган ишларим кўп эди-я. Шундоқ нодир нусха савил кетадиган бўлди-я. Бир ўзи кимсан Хўжақишлоқ деган ўрта қўлдек қишлоқни кулини кўкка совурди-я. Вой азамат-ей. Қандоқ бўлмасин, анови ёш имом бошлиқ Қаламисларни васваса қилиб, ниятларидан қайтаринглар. Мукофоти катта бўлади. Бўлинглар, тўрт томонга тарқалинглар, нима қилиб турибсизлар, ҳе аммамни бузоқлари...

## ЎЗИНГ УЧУН ЎЛ ЕТИМ

(*ёки кофир жинларнинг Шайтонваччага ўзи ҳақидаги шум хабарни бир амаллаб етказганлари)*

Айтиб йиҚлаш ёш имом домла келгунича давом этди. У йиҚлаётганларга қараб худди Ўожи отага ўхшаб қаттиқ-қаттиқ гапирди. Бир пайтлар Ўожи отанинг ўзлари ҳам шундай қилардилар.

— Ўой яхшилар, динимизда айтиб йиҚлаш йўқ. Худди гуноҳкор бўлиб қоласизлар-а! Ахир Аллоҳдан етган ажалга исён-ку бу! Ўожи ота биздан рози кетсин десанглар айтиб йиҚламанглар. ЙиҚини ўрнига таҳлил айтинглар, «ла илаҳа иллаллоҳ» денглар, отага шундан фойда. ЙиҚидан фойда йўқ...

— Кечирасиз имом домла,— деди кимдир одамлар орасидан,— сиз Аллоҳдан етган ажал деяпсиз, балки бандасидан еткандир-а?

— Сиз кимсиз? Нимага азада фитна қўзҚаяпсиз?

— Мен мустақил дедективман.

— Бундай дейишга бирон асосингиз борми?

— Бор-да, бўлганда қандоқ. Ўожи отанинг невараси отамни бувим ўлдирдилар, деяпти. Сурги дори деб, аталага заҳар қўшиб бердилар дейди. Буви бўлсалар ёш имом, яъни сиздан кўряпти. Кеча шомга яқин ифторликдан олдин отанинг ҳузурига бирров келиб кетган экансиз. Чолимнинг ўрнига шу ёш имом кўз олайтириб юрарди, чилласи тугаб яна ўрнини олиб қўяди деб, заҳар берган бўлса керак, деяпти. Бу гапларга нима дейсиз?

— АстаҚфируллоҳ,— деди имом домла ранги-қути ўчиб,— қачондан бери азаларимизга дедективлар аралашадиган бўлиб қолди? Азаларимизни тинч қўйинглар, шов-шувни бошқа ёқдан қидиринглар.

— Жавоб беришдан ўзингизни олиб қочманг, имом домла, яхшимас, Худодан қўрқинг.

— Сизга отанинг қотили керакми? Озгина сабр қилинг, майитни тупроққа топшириб олайлик, кейин гаплашамиз. Ўа, жанозани кечиктирмай ўқийлик.

— Кечирасиз,— деди дедектив бўш келмай,— ҳозир бу ёққа қараб бутун бошли лаборатория йўлга чиққан. Майит текширилмагунча жаноза ўқилмайди.

— Бу киши ҳақ гапни айтяптилар, жанозани кечиктириб турайлик, — деди кимдир.

— Ё Худойим, наҳотки, қўй оҚзидан чўп олмаган шундай одамни душмани бўлса-я?

— Ўа-я, нималар бўляпти, ўзи?

— ҚишлоҚимизга кўз тегди...

Шу пайт спорт ўқитувчиси, Райимберди алкаш, Дадамирза Қийбатчи тўрт томонга чопиб қолишди.

— Невара қочди, ушланглар уни. Отани ўлдирган ўша, ўша... У сохта невара... Бошқа сайёралик... келгинди...

— Ваҳима қилманглар, ҳеч қаёққа кетмайди, Худо уни билиб оёҚини синдирган,— деди имом домла саросимага тушиб,— қўлтиқтаёқ билан узоққа боролмайди.

— Қўлтиқтаёқлари мана, ўзи йўқ,— деди спорт ўқитувчиси иккита қўлтиқтаёқни кўрсатиб.

— Ё алҳазар, қўлтиқтаёқлар ҳам хўжакўрсинга экан-да...

— Ана холос...

Шу пайт кампир ичкари уйдан додлаб чиқди. У энди ёлҚондан эмас, ростдан йиҚлар эди.

— Вой одамлар, шўримга шўрва тўкил-де... Топган-тутганимни ўмариб кетиб-де... Капан гадо бўл-де-е-м...

Шу пайт кимдир:

— Ана, ана,— деб томни кўрсатди. Ўамма шу томонга қаради.

Бу пайтда Шайтонвачча Ажинашамолнинг кодини айтиб улгурган, орқасида сафар халтаси, соябони узун бош кийимида пастдагиларга тиржайиб қараб турарди.

— Туш бола пастга, барибир қочиб қутила олмайсан. Сирларинг аллақачон фош бўлган, — бақирди имом домла, — ҳаммаси мана бунга ёзилган,— деб қўйнидан бир даста қоҚоз олиб кўрсатди.

Шайтонвачча гап-сўзларга парво ҳам қилмай осмонга қаради. Тепасида Ажинашамол пайдо бўлди. «Буюрсинлар, хизматлари бош устига» деган овоз гулдираб кетди. Турганларнинг эси оҚиб қолди.

— Кўтар мени бу дардисарлар оламидан,— буюрди Шайтонвачча.

Ўовли юзи тўс-тўполон бўп кетди, нимаики нарса бўлса бари осмони фалакка учди. Шайтонвачча кўздан Қойиб бўлди.

## ШОШИЛИНЧ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

— Хўш, — деди раис ўтирганларга умидли кўзларини тикиб, — Одамшайтонимиз қаерлардан макон топди, гапиринглар?

Ўамма жим. Нуқул бир-бирига қарашади. Маълум бўлдики, ҳеч кимда бир тайинли гап йўқ. Ўатто, бунақа пайтларда ёлҚон-яшиқ маълумотлари билан обрў орттириб оладиган ахборотчи ҳам соқов.

— Ўа, — ўшқирди шохдор раис! У Одамшайтоннинг хавф-хатардан қутулиб қолганидан хурсанд эдию, лекин қаердалигини билмас эди. Одамшайтон «Думи тугуклар» мадрасасидан қувилганда борар жойи маълум эди. Унга Ажинашамол йўлдош бўлди. Фавқулодда рўй берган бугунги ҳодиса бир чиройли бораётган шайтоний ишларнинг белига тепди.

— Одамшайтонимиз ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ,— деди ниҳоят ахборотчи тилга кириб, — қидирмаган жойимиз қолмади. Ўатто интернет сайтларига ҳам кириб чиқдик.

— Ажинашамол-чи, ахир у билиши керак-ку?

— Ажинашамол бизнинг ихтиёримиздан чиқиб кетганига анча бўлди. У энди фақат Одамшайтонгагина бўйсунади. Унинг айтганларинигина қилади. Одамшайтонни нафақат биз, одам болалари ҳам қидиришяпти. У билан боҚлиқ воқеаларни тез-тез 108-каналда кўрсатишяпти. Суратини катталаштириб, кўринарли ерларга ёпиштириб ташлашган. У хавфли жиноятчилар қаторидан ўрин олган. Бошига миллион доллар тикилган.

— Мен унга икки миллион тикаман, топинглар уни, — деди шохдор раис жаҳл билан, — ахир у менинг кўп йиллик ижодим, ноёб нусхам. Унақасини бу яқин ўртада яратиб бўлмайди. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Эшитяпсизми, икки миллион!

— Икки миллион!.. Ўайъат аъзолари шошиб қолишди.

*(Давомини кутинг.)*